

АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН

Ҳ И К О Я Л А Р

ҚУРБНИ ЖАҲОЛАТ

Эшмурод ўз уйида ўтуруб эдики, биров эшик қоқди. Эшмурод эшик олдига келуб:

— Кимдир?

— Мен.

— Сен кимсан?

— Мен Мўминжон.

— Вой, Мўминжон экан-ку,— деб эшикни очуб, Мўминжонни меҳмонхонага олуб кирди. Хизматчини чақируб, чой-нон олуб келишга буюруб юборди. Мўминжон ёшлигидан ўғирлиқга одат қилуб келганидан меҳмонхонанинг қозуғига осилган соатга тикилди. Ул соатни мундан бир-икки ҳафта муқаддам Эшмуроднинг стасига бир яқин дўсти ҳадя қилган эди. Эшмурод они яхши кўруб отасидан сўраб олган эди.

— Хизматчи:

— Ҳавлида нон йўқ экан, эмди нима қиламан?

Эшмурод:

— Бўлмаса мен оқча берай, кўчадан олиб кел!— деб ёнини ахтарди, оқча йўқ. Меҳмонхонанинг ёнидаги уйдан оқча олуб чиқмоқчи бўлуб ўрнидан турди. Шул ҳолда кўзи соатга тушуб, они беркитуб қўймак учун қозуқдан олуб, уйга олиб кира бошлади.

Мўминжон:

— Соатни қаерга олуб борасиз?

Эшмурод:

— Бу ерда турса болалар бузуб қўймасун, деб сондуқга солуб қўймоқчидирман.

Мўминжон:

— Ҳўб яхши, эҳтиёт қилмак керак.

Эшмурод уйга кируб, соатни сондиқға солуб, оқча олай деб туруб эдики, Мўминжон «Сизни биров чақирди», деб овоз қилди. Эшмурод уйдан чиқуб:

— Ким чақирди, қаерда чақирди?

Мўминжон:

— Билмадим, ичкари ҳавлидан волидангиз чақирганга ўхшайдир.

Эшмурод кириб қарамак учун уйга кируб кетди. Мўминжон тезлик ила уйга кирди. Сондуқнинг оғзи очиқ қолгон эди, соатни олуб қўйниға урди. Яна чиқуб, билмас киши бўлуб ўз жойига ўлтурди.

Эшмурод:

— Ҳеч ким чақирмаган экан, хайр, кўчадаги товушлардир,— деб уйга кируб, оқчани олуб хизматчига берди. Сондуқни ёпуб чиқди ва соат ўғирланганидан ҳам хабари бўлмади. Шул ҳолда хизматчи ҳам чой-нон олуб келди. Сўнгра икки дўст ўрталарида суҳбат бошланди. Эшмурод:

— Огайни, мен шу ҳолда яшайверсам ҳайвондан фарқим бўлмас. Энди отамдан бир иш қилуб рухсат олуб, Русия мактабларининг бирига кируб ўқумоқчидирман. Сиз нима дейсиз?

Мўминжон:

— Эй, ўртоқ, ўрус мактабида ўқуб нима фойда қиласиз? Мана, отангиз хотун олуб берадилар. Ўзингиз роҳат қилуб мадрасада ўқуб ётасиз.

Эшмурод:

— Эй.. Ҳозирги мадрасаларимизнинг аҳволи ўзингизга маълум-ку, мен ўқуб нима фойда топардим?

Мўминжон:

— Мен ўқишини айтмайман, роҳатларини айтаман. Хоҳласангиз ўқийсиз, хоҳлаган вақтда роҳат қиласиз. Сизга нима?! Ўрус мактабида ўқуб закончи бўлармингиз ё духтур бўлармингиз ё ер ўлчайдирган земламер бўлармингиз?

Эшмурод:

— Менга ундоқ сўзларни сўйламасдан дуруст бир маслаҳат беринг. Ҳар ким истиқболни ўйламоғи керак.

Мўминжон:

— Мана, мана, ўрус мактабида ўқусангиз шундоқ истиқбол-мистиқбол деган ўрусча сўзларни ўрганасиз, яна товоқ-қошуқларни ўқийсиз. Бўлмаса нима бўлар эдингиз?

Шул ҳолда эшик қоқилди. Эшмурод чиқуб эшикни очуб кўрса, бири ўзининг отаси, яна бири отасининг

дўсти Назарали сўфи эдилар. Эшмуроднинг отаси Назарали сўфини меҳмонхонага олуб келди. Эшмурод янадан* чой-нон олдируб келуб қўйди. Ҳаммалари бироз ундан-мундан сўйлашуб ўтурдилар. Ош сузилуб келди. Эшмурод уйга кируб янги келган газитани ўқумак ила машғул эди. Ош егани ҳам келмади. Алар ошни еб бўлгандан кейин Мўминжон зарур иши бўлгани учун алардан ҳам Эшмуроддан рухсат олуб ҳавлисига кетди. Эшмурод ани жўнатиб яна уйга кируб газита ўқуб ўтурган эдики, отаси чақируб:

— Уйда нима қиласан, буёқга чиқ! Ишим бор.

— Газет ўқуб ўлтурубман.

— Эй, ахмоқ! Газитчиларнинг иши ҳаммавақт ақча топмоқ. Газитнинг сўзини тўғриси бўлмайди, ҳамма ёлгон нарсалар. Бор уйдан «Жангноман Аҳмад Замжи»*ни олуб чиқуб бизга ўқуб бер!

Бечора Эшмурод отасининг сўзини қайтаролмасдан ноилож они олуб чиқуб икки-уч варақ ўқуб берди. Анинг савобини Аҳмад Замжининг арвоҳига бағишлаб китобни ёпдилар.

Назарали сўфи Эшмуроднинг отасига қараб:

— Кечаги соат қани?

— Қайдам... Кеча Эшмуродга беруб эдим. Ҳой, Эшмурод, соатинг қани?

— Эрталаб сиздан кейин уйга олуб кируб сондуқга солуб қўйган эдим.

Назарали сўфи:

— Баракалло! Баракалло! Отасидан ҳам боласи пишиқ, оҳ.

Эшмурод уйга кируб сондуқни қаради. Соат йўқ. Ниҳоятда хафа бўлганидан юзида қони қолмади. Ташқари чиқуб секин товуш ила:

— Эрталаб сондуқга қўйган эдим. Йўқ...

Назарали сўфи:

— Ким оларди?.. Тагин бояги бола олган бўлма-сун!..

Эшмуроднинг отаси:

— Эй, жинни бўлдингизми? Эшон домланинг ўғли бўлуб туруб бировнинг нарсасини олармиди?!

Назарали сўфи фотиҳа ўқуб:

— Хайр, энди ҳеч боки йўқ, топилуб қолар. Мен кетаман,— деб ўрнидан қўзғалуб чиқуб кетди.

Эшмуроднинг отаси Эшмуродни қулоғидан бураб уйга олуб кируб сондуқни қарадилар. Эшмурод бечора-

нинг сўйламакга ҳам тили тутулуб қолган эди. Отасининг ниҳоятда аччиғи чиқуб Эшмуродни уруб ташлади.

Эшмурод аввалда бир калтак емаган эди. Бу ишга ниҳоятда хафалануб уйига кируб ётди. Шундан оғруб қолуб бир ой бутун бетоб бўлуб ётуб олди.

Эшмурод бир ойдан сўнгра бироз сиҳатланди. Лекин кеча-кундуз ўйлар эдики, шул жаҳолат ва нодонликнинг уяси бўлган ҳавлисидан қочуб, бошқа бир шаҳарга боруб ўқусун. Нодон отасининг райига қараб илмдан бебахра ҳолда ҳайвон бўлуб қолмакнинг ёмонлигини билса ҳам, иложсизликдан сабр қилди ва кўнглидаги хафаликларин тарқатмак учун қўлига газитани ушлаб қўшниси мингбошининг боқчасига чиқди. Мингбошининг боқчаси ўз шаҳридаги боғчаларнинг энг биринчиси бўлуб, ҳар кимга кирмакга изни ом* берилган эди. Эшмурод шунда искамияга* ўтуруб газитани ўқий бошлади. Газитаниннг қай ерига қараса туркистонли бечораларнинг илмсиз ва ҳунарсиз ҳолда маишат қилганларига таассуф қилуб ёзадир. Яна диққат... Яна хафалик...

Бу бизнинг Туркистонимиз гафлатдан уйғонурми? Йўқми? Биз бундай ҳолда бўлсак битамиз... инқироз топамиз...

Уқуганларимизни кофирга ҳукм қиламиз. Аммо ўз болаларимизнинг одати ваҳшиёналарига деяр сўзимиз йўқдир. Биз бу ҳолда бўлсак киши қаторига санамайлар. Ёврополилардан одати қабиҳаларин касб қилурмиз. Аммо маданият, фунун ва саноъларига* кўз юмуб турурмиз. Биз одам бўлмаймиз... битамиз... инқироз бўламиз... Оҳ, жаҳолат!!! Битдук, битдук... Улдук, тирилмаймиз...

Шул ҳолда бирдан қулоғига биров чақирган довуш келди. Атрофига қараса, ёнида мингбошининг ўзи турбдир. Эшмуродга қараб:

— Нима иш қилуб турурсиз?

— Тақсир... бугун келган газитни ўқуб ўтурубман.

— Газитда сайлов тўғрисида ҳеч нима демаганми?

— Тақсир... деган, деган.

— Бўлмаса қани ўқуб беринг!

Эшмурод меҳмонхонага боруб ўқуб беруб ўтурган эди. Қўшнисининг бир бесоқол боласи Эшмуродни чақиргани келди. Мингбоши бесоқолни кўриб газит ва сайловларни ёдилан чиқарди. Урун кўрсатуб ўтқузуб, чой олуб чиқмоқ учун уйга кируб кетди. Бояги бесоқол мингбошининг қозуқда осилинуб турган олтун соатини ўғирлаб қўйнига урди. Эшмурод газитага машғул бўлуб

турганидан кўрмай қолди. Мингбоши уйдан чиқгон эди, Эшмурод чойга ҳам қарамасдан рухсат олуб ўз уйига чиқуб кетди. Орадан бир-икки кун ўтди. Уйда ота-онаси ҳам йўқ эдики, Эшмуроднинг уйига қоровил-миршаблар босуб кируб, Эшмуродни соат ўғриси деб айблаб қамамоқчи бўлдилар.

Эшмурод кўб хафаланди, ақлдан озуб, ўз-ўзини ўлдурмакка қарор берди. Бир топонча тобди. Деворга хат ёзуб қолдируб кўкрагига икки мартаба отди. Шул вақт жон таслим қилди. Пристўфлар* келуб кўруб дўктур чақируб боқдилар. На фойдаки, бечора Эшмурод ўлди... Жаҳолатга қурбон бўлди...

Бир-икки ойдан кейин соат ўғирлаган бесоқол боланинг уйига ўғрилар кируб ушландилар. Ўғирланган моллар ичида бесоқолнинг мингбошидан ўғурлаган соати ҳам бор эди. Эмди ҳақиқати билиндики, мингбошининг соатини ўғурлаган Эшмурод бўлмай, Эшмуроднинг қўшнисининг бесоқол боласи экан. Бечора Эшмурод эса жаҳолатга қурбон бўлган экан.

ДУХТУР МУҲАММАДИЁР

Туркистоннинг қоронғу бир гўшасида... номлик бир уездни шаҳарда Ҳожи Аҳмад исмли 60 яшар бир камбағалгина сартарош ҳожи бор эди. Анинг хотуни чухўтка (сил) касалига мубтало бўлуб, тўқуз ой қадар хасталик тўшагида ётгандан сўнгра вафот бўлгон эди. Ул хотундан Муҳаммадиёр исминда бир ўғил туғилган эди. Ҳожи Аҳмад ўз шаҳрида «ҳожи сартарош» деб машҳур эди. Анинг ҳожилигининг бош сабаби 15 яшар экан вақтида отаси ила ҳажга борган эди. Отаси ҳажда вафот топкандан сўнгра «ёлғуз ўзи Миср, Истамбул, Фас-Марокаш, Булужистон*, Бағдод, Эрон ва Афғонистон тарафларни ва ички Русияни ўн йил қадар саёҳат қилуб қайткан эди. Саёҳатдан қилгон фойдаси форсча, арабча, русча ва инглизча тилларда суйламакга қодир бўлди. Аммо ўзининг нодонлиги сабаб бўлуб саёҳатда кўб машаққатлар кўрганлигидан ўғли Муҳаммадиёр ўқув ёшига етар-етмас бутун куч ва қуввати ила ани ўқутурға ҳаракат қилди. Муҳаммадиёр ўн ёшига етканда ичкари Русиядан Уфа мадрасаи Олиясини битурган бир муаллим келуб қолди. Бу шаҳарда бир-икки ҳафта тургач, халқ оғзидан газет ўқийдирган ва етмиш икки тилни биладирган ҳожи сартарошнинг шуҳратини эшитуб, қўрушмоқ учун Ҳожи Аҳмаднинг сартарош-

лик дўконига келди. Муҳаммадиёр ҳам шунда ўтурган эди. Отасининг ишорати ила ўрнидан туруб камоли таъзим ила кўрушди. Ҳожи Аҳмад ила муаллим афанди узоқ сўйлашуб ўтурдилар. Сўз орасида муаллим афандига Ҳожи Аҳмад:

— Меним бисотимда шул биргинна ўғлим бор. Буни замона иқтизосинча* ўқутмоқни хоҳлайман. Агар қабул қилсангиз шунда, бизим ҳавлимизда туруб шунга яхшигина миллий тарбия берсангиз, сўнгра ҳукумат мактабларида ўқутсам,— дейди.

Муаллим бироз фикр қилуб тургач, ўқутмакни қабул қилди. Ҳожи Аҳмад дўконини ёпуб, муаллимни ҳавлисига олуб келди. Муаллимда ёш Муҳаммадиёр камоли шавқ-завқ ила ўқумақда эди ва бўш вақтларини ҳам — ўқумаган болалар каби чойхона, базм ва фаҳшоналарда юрмай — бир рус афитсерининг тахти «раёсатида» тарбияи бадани» ўйунлари ижро қилмақда ва фойдали китоблар мутолааси ила ўткармақда эди. Бу тариқада бир йил ғайрат ила ўқуди. Бу муддатда бутун аҳкоми ислом*, тарих ва жуғрофиёларни мукамал билди. Бир йилдан сўнг Ҳожи Аҳмад севикли ўғлини ҳукумат мактабларига бермоқчи бўлди. Оҳ... фақат пул йўқ эди!. Шу пулсизлики жуда эзмақда ва бечора болани аллақанча фазл ва камолот, илм ва урфондан қуруқ ва маҳрум қўймоқда эди!

Ночор муаллим афандиси ила баробар ёрдам қилмақларини ўтунмак учун шаҳар мўътабарони ҳузурларига бордилар. Баъзи бойлар муаллимнинг қиёфатини кўрган ҳамон эшигидан кирғузмасдан ҳайдамақда ва баъзилари қабул қилмақда эди, баъзи бирлари эса Муҳаммадиёрнинг чиройликлигига қизиқуб бирмунча ойлик ила ўзига мирзалик ва маҳрамликга сўрамақда эди. Фақат бизим Ҳожи Аҳмад буларнинг қиладирган кирдикорларидан хабардор бўлгани учун севикли ўғлини бермас эди. Бечора Ҳожи Аҳмад бойлардан ёрдам умид қилмакни ташлаб, бошқа йўллар изламақда эди. Бу вақтда шаҳарда катта тўйлар бўлмақда, қиморбозлар, мастлар бир-бирларин пичоқлашуб, инсон қонлари «жаҳолат!! жаҳолат!!!» деб оқмақда эди!.. Бирдан бир бўлган шогирдларга ёрдам жамияти ақчасизликдан тўқтаган эди!

Бу орада муаллим афанди кетмоқчи бўлуб ҳозирланди. Кеч соат 9 ларда Ҳожи Аҳмад ўғли ила биргашуб муаллим афандини кузатмак учун вағзалга чиқдилар. Кузатуб қайтуб ётканда бир жойда қиморбозлар

пул талашуб мушлашмакда экан. Ҳожи Аҳмад келуб насиҳат қилуб айира бошлагандан сўнг, бириси келуб Ҳожи Аҳмадни бўғуб ўлдурди ва Муҳаммадиёрни ярадор қилди. Ҳожи Аҳмад ўлур вақтида Муҳаммадиёрга қараб:

— Уғлим!.. Мерос сен... га... ўлтурган... жой... Васиятим... ўқу... ў... қу... ўқу... ўқу... Мен... р-р-р... зомен,— деб жон таслим қилди.

Муҳаммадиёр ўлдурувчиларнинг бир-иккисин тануб, ҳар нима қилуб бўлса ҳам ўч олмоқни қасд қилуб кўрди. Лекин отасини ўлдурувчилар булар бўлмай, балки жаҳолат эканлигини ўйлаб тинчгина отасини кўмди. Ва ўзи жаҳолат ила чиндан олишмоқга қарор қилди. Жаҳолат ила олишмоқнинг қуроли, асбобини эса отаси айтуб кеткан эди. Яъни, жаҳолатга қаршу тўп, милтиқ, топонча, ханжар, ўқ-дору ёлғуз — ўқув, ўқув, ўқув эдил!

Бир тарафдан отасининг ваҳшиёна бир суратда ўлдирилганлигини ва бир тарафдан илм ва маърифат ила дунёга ном чиқарган ватани Туркистоннинг жаҳолат дарёсида севина-севина сузганини кўрган Муҳаммадиёр хафачиликдан сил (чаҳўтка) касалига йўлуқди. Тамом сил бўлуб етмаса ҳам, силлик асари юзинда зоҳир бўла бошлади. Бу орада шаҳарда бир катта ўт чиқуб, мусулмон маҳаллалариндан 6—7 маҳалла куюб, мусулмонлар соҳиблари кўчаларда оч-яланғоч қолдилар. Уртада бир армани мағазини куйган бўлса ҳам, армани мағазинини истрахавайт* этдирилганликдан зарар оз эди. Оҳ... бизнинг мусулмонлар-чи? Бизнинг мусулмонлар истрахавайтнинг нималигин билмайдулар эди. Билганлари ҳаром, деб қилдирмаган эдилар... Бу ҳолларни кўрганда одам қандоғ чидаб туролсун? Қайси виждон бунга таҳмил* қилсун? Бечора Муҳаммадиёр бу ҳолларни кўруб касали яна зиёдаланмакка бошлади. Шаҳарнинг янги шаҳар қисмиди «Ибрат» номли театруда «Ичкулик ва анинг ваҳим натижалари» ном ибратли бир картина* кўрсатилур эди. Ҳар қанча ҳолини билса ҳам чидай олмади. Бу бадбахт ичкулик натижасини кўрмак учун ошиқуб кечни кутди...

Ниҳоят, оқшом намозидан сўнгра пиёда «Ибрат» театрига қараб юрди. Театр ичкарисинда «Ичкилик ва анинг ваҳим натижалари»ни кўрсатуб ярмига етканда, театру боғида бир топонча овози чиқди... Картина тўқталиб, ҳамма халқ ташқарига югурди. Бечора ҳолсиз Муҳаммадиёр ҳам халқ орасида ташқарига чиқмоқда эди. Чиқди. Қайси кўз билан кўрсун!.. Шаҳарнинг му-

сулмон бойлариндан иккисининг ўғли театру боғчасида маст ҳолда қарта ўйнаб ўлтуруб озгина пулни талашуб туруб бириси топончасин чиқаруб бирисига отуб юборган. Отувчини ушлаб, мажруҳни хастахонага юборсалар ҳам, мажруҳ йўлда жон берган. Отувчи ҳам театру боғчасида бу ҳолга ҳайрон бўлуб ўз — ўзин отган...

Икки мусулмон жаҳолат сабабли ёш-ёш бу дунёга видо қилдилар.

«Ичкиликнинг ваҳим натижалари» ҳақиқат бўлуб кўрилди...

Бу ҳолларни кўрган Муҳаммадиёр ҳам ҳушсизликдан йиқилди. Муҳаммадиёрни политса шаҳар хастахонасига олуб борди... Муҳаммадиёрнинг отаси йўқ, онаси йўқ, қавм-қариндоши йўқ... ким келуб ҳолидан хабар олар?! Оҳ, ёлғузлик... оҳ, етимлик...

Оҳ, бунларга сабаб бўлгон жаҳолат... Кет! Йўқол!.. Ул!..

Бир ой қадар шаҳар хастахонасида даволангандан сўнгра Муҳаммадиёр яхши бўлган эрди. Хастахонадан чиққан вақтда дўхтурлар даволанмоқ учун Қофқозиягача борарга ҳам шул тарафларда туруб ўқурга тавсия қилдилар.

Муҳаммадиёр пули йўқлигини куч ҳол билан дўхтурларга баён қилди... Дўхтурлар бироз мушоварадан* сўнг Муҳаммадиёрга бир хат бердиларки, бу хат билан бутун Қофқозия хастахоналаринда боруб даволануб ётса ҳам бир тийин ҳақ олинмас эди... Муҳаммадиёр хастахонадан чиқуб ҳавлисига келди... Ҳавлисида ҳеч ким йўқ: на ота бор, на она бор... не қўрқинч манзара!.. Ҳавлини 6 ойга бир русга 225 сўмга ижарага қўуб, кеч соат 7 да истансага* қараб юрувди, келса пўезд кетган...

Эрта билан соат 9 даги пўездга қолди... Маҳзун ҳолда яна уйга қайтуб, ўз хонасидаги русда бир кечалик меҳмон бўлди...

Эрта билан соат 8 да истансага чиқуб, пўездни кутуб турди. Ниҳоят, XX аср маданияти келди аждар каби пишиллаб, ҳар тарафга сув чочуб... Муҳаммадиёрни ватанидан айирмоқчи эди. Истансада бир ғариб манзара эдики, Муҳаммадиёрнинг кўнглини бузмоққа бошлади: бир мусулмон хуржун йўқотган! Бирини боратургон истансасин номини билмай, бошқа истансага билет олуб қўйгон... ва шунга ўхшаш даҳшатли манзаралар олдида Муҳаммадиёр қотуб қолди. Ниҳоят, иккинчи зуванўк

урилганда*, чиқуб учинчи класдан* жой топуб ўлтурди. Ҳалиги кўрқинч манзаралар бунда андин ҳам зиёда ҳукм сурмоқда эди: бир мусулмон бириси билан урушуб бурни қонагон, бир мусулмонни пўезд маъмурлари тутуб олуб урадирлар... Муҳаммадиёр чидаёлмади. Пўезднинг ташқарисиға чиқуб тикка туруб истансани томоша қила бошлади. Бир армани Қофқознинг қоронғу гўшалариндан келуб, истансада дўкон очуб, бой бўлуб икки ўғлини ҳукумат мактабларида тарбия қилмакда... Ва ерли мусулмонлар эса топкан пулларин тўйға, жанозаға сарф қилуб фақирликда, хорликда қолмоқда эдилар. Яна кўнгли бузулди, яна диққатлик, оҳ... Ўйға ботди. Бир вақт учунчи зуванўк ҳам урулди. XX асрнинг отсиз аробаси юраман деб бир қичқируб, илгарига қараб ҳаракат қила бошлади... Яъни Муҳаммадиёр муқаддас ватанидан ажраб ёт элларға боруб, ёт бир маишатға* қараб юрар эди. Учунчи (клас — Д. Қ.) пўезднинг ичига кируб бироз ул тараф-бул тарафға айлануб юрди. Боши тамом Туркистон ҳақинда фикрлар, ўйлар ила тўлган эди... Бироздан бир овоз келди:

— Мухамедъ-яръ!

Қаради. Ўзига тарбияи бадания таълим берган рус офитсери Пётр эди. Муҳаммадиёр боруб кўрушди ва офитсерга:

— Қайға борасиз?— деди.

Офитсер:

— Мен бир аскарний иш билан иккинчи истансаға тушаман. Сиз қайда борасиз?— деб савол қилди. Муҳаммадиёр бироз ўйлаб тургандан сўнг:

— Гурбатга!

— Нима учун?

— Ўқумак... ўқумак... ўқумак учун,— деди.

Муҳаммадиёрга «Отангиз саломатми?» деб офитсер бир савол беришиға қаршу, у (аслида «Муҳаммадиёр»— Д. Қ.) кўзларидан ёш оқизуб:

— Улди...— деб жавоб берди.

Бу сўзни эшитгач офитсер ҳам кўзларидан марҳаматли ёшларини оқузди. Муҳаммадиёр офитсердан бир дурбин сўраб олуб балқўнға* чиқди. Ватаннинг тупроғи устина сувларин чочуб, атрофларда ўтурган ерли мусулмонларнинг диққатин жалб қилуб юрмакда эди. Муҳаммадиёр дурбин ила узоқдаги тоғларға қараб туруб, кўз ёшларини оқузуб тоғларға ва ўзининг орқасида қолгон ватанига хитоб қилуб:

— Эй, Чингиз ва Темур аскарларини кўрган қоп-

қора тоғлар! Эй, ватаним Туркистоннинг эски даврини кўрган тоғ боболар!

Чин айтинг! Бу йигирманчи аср маданиятини ҳам кўруб турубсиз! Ун кунлик йўлни ўн соат қилгон бу йигирманчи аср маданиятининг айғирини* кўруб ватандошларим нимага оғизларин очуб қоладилар? Нимага бу маданиятга кирмакка ўзлари ҳаракат қилмайдилар? Қачонгача икки ғилдиракли, кўчаларга сиғмайдирган аробалар?

Эй ватандошларим! Қачонгача бу ғафлат? Нимага бунча хушёқмассизлар? Ахир сизлар ҳам одам-ку! Одамлардек ҳаракат қилингизлар! Кўз олдингизга келуб тургон илм ва маърифат мевасидан фойдаланмасдан нимага оғизларингизни очуб қараб турасизлар? Нимага бу ишларга киришмайсизлар? Уйқудан кўз очинглар? Уйқудан кўз очинглар! Уринунглар! Илм, маърифат ва ҳунар изланглар! Вақт етди, балки ўтди!— дер эди.

Кеч соат 7 да офитсер ила Муҳаммадиёр видолашди ва ўзининг жойига кируб уйқуға кетди.

Бир неча кундан сўнгра Муҳаммадиёр ўзини Боқунинг катта истансасида кўрди. Қўлида тугун ва бошқа нарсалари бўлмаганлигидан тезлик ила пўезддан тушуб, бир аробаға ўлтуруб шаҳар ичига қараб юрди. Мусулмон милиўнерлари, мусулмон бойлари, неча турли жамиятлари, бойларнинг хайрият йўлига милиўнлаб ионалари ила машҳур Боқу шаҳри Муҳаммадиёрға ажиб туюлур эди. Боқунинг биринчи газиталаридан бўлгон ва бутун ислом шаҳарларига кетадирган кундалик (ўн саҳифа) «Қофқоз» номли газита идорасига кирди. Мудир ила кўришди. Мудирга ҳамма аҳволни очиқ тушундирди, у (аслида «мудир» — Д. Қ.) чорасига киришурман, деб жавоб берди. Муҳаммадиёр шаҳарни кезмак учун идорадан чиқди. Кеч бир милиўнер тарафидан шарқ усули меъморийсида* бино қилингон «Баҳри Ҳазар*» номли нўмирда қўнди. Эрта бирлан машҳур бир китобхонадан бир нўмир «Қофқоз» газитасин олди. Бош тарафида шул эълонни кўрди:

ЭЪЛОН

Жамияти хайрия исломия тарафидан қўшнимиз бўлгон Туркистондан илм излаб келгучи 14 ёшлик Муҳаммадиёр исмли бир диндошимизни ҳукумат мактабларига бериб, жамияти хайрия ҳисобига ўқутмоқчимиз. Шулу тўғрида бу кун кеч соат етти яримда «Жамияти хай-

рия»да мажлис бўладур. Муҳтарам аъзоларнинг мазкур вақтда кеч қолмасдан ҳозир бўлмаклари керакдир. Муҳаммадиёр афанди ҳам ҳозир бўлсунлар!

Эҳтиром ила жамият мудирини...

Кеч соат етти яримда бироз аъзолар маслаҳат қилгонларидан кейин Муҳаммадиёрни олий таҳсилгача жамият ўз ҳисобига ўқутмоқга қарор берди. Уқушни тамом қилгондан кейин икки йилгача Боку ва атроф қишлоқларда лексия ўқумак шарт қилинди. Энди Муҳаммадиёр бахтиёр ўлмиш ва бахт қушини қўлига қўндирмиш эди.

Бунча торткан машаққатларининг мевасин бундан кейин еяжак эди.

Ватан ва миллатина моли ва жони ила хизмат қилажак эди..

Ўз ватанидан ва ўз ватандошларидан ёрдам кўрмаган Муҳаммадиёр Боку ёшларининг ҳимматлари ила умидига етушди. Яъни, шаҳар мактабига дохил ўлди. Демак, энг муқаддас амалига етди. Энди оз бўлса ҳам ўзини хор қилгон ватан ва ватандошлариға хизмат қилажак эди. Муҳаммадиёр қайда бўлса ҳам ўз ватанини, ўз юртини ва ўз жойини тушунар ва йиғлар эди. Бир кун кеч, аср вақтида шаҳар боғчасига кируб, искамияда ўлтуруб газита кўрар эди... бир ерига кўзи тушди. Кўрдими?

«ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТАБА ТЕАТР»

Уқуб битирди-да, шодлиғидан қайда ўтурганини унутуб сакрарга бошлади... Шул вақтда ёнига Боку ёш муҳаррирлариндан* бир дўсти келуб ўлтирди. Муҳаммадиёрнинг сакраганин кўруб ҳайрон бўлди, этагиндан тортуб искамияға ўлтурғузуб:

— Муҳаммадиёр афанди! Нима бор бу қадар севинч?— деди.

Муҳаммадиёр ёлғуз:

— Туркистонда биринчи м...м...м...м...артаба тиа...т...т...т...тр,— деди-да, фикрга толди. Бокули муҳаррир бироз ўтуруб, туруб кетди. Муҳаммадиёр бир вақтда туруб қараса кеч соат 12 бўлубдур. Боғчада ҳеч ким қолмагон. Муҳаммадиёр туруб боғчадан чиқди. Имтиҳон вақти яқин бўлдиғидан Муҳаммадиёр кеча ва кундуз ҳаракат билан чалишмакда эди. Ниҳоят, имтиҳон бўлуб ўтди. Муҳаммадиёр биринчи бўлуб ўтди. Муҳамма-

диёр биринчи бўлуб имтиҳон беруб чиқди. Муҳаммадиёр кеча-кундуз тинмай ҳаракат қилгонликдан енгил бир хасталик арз бўла бошлади. Табиблар тавсияси ила Боржум* сувларига боруб бир ой қадар даволануб, тузалуб қайтди. Яна шул Боку Жамияти хайриясининг ёрдами ила Муҳаммадиёр Боку гимназиясига кирди. Муҳаммадиёр гимназияга киргандан кейин гимназия дарсларига шул қадар муҳаббат қўйдики, байрам кунларида ҳам чиқмас эди. Соат ўтди, кун ўтди, йил ўтди... Муҳаммадиёрнинг гимназиядан ҳам чиқар вақти етди. Ниҳоят, имтиҳон ҳам бўлуб ўтди. Гимназия имтиҳонида ҳам Муҳаммадиёр биринчи чиқуб* олтун медал олди. Яна Жамияти хайрия ёрдами ва Боку бойларининг ҳимматлари ила Петруғрад дорилфунунининг тиб шўбасига кирди. Муҳаммадиёр дорилфунунга киргандан сўнг иккинчи йили ватани Туркистоннинг мадраса шогирдлари ҳаётиндан олуб «Умрлик шогирдлар»¹ номли бир рўмон ёзди. Рўмони 12 жузь* бўлуб, Туркистонда ҳануз мундоғ миллий маишатдан олинган катта рўмон чиқмагон эди. Ҳаттоки бу рўмон Петруғрадда мунташир* рус журналларидан бирисида русча таржима этулуб босилди. Бу рўмон шундай моҳирона ёзилгон эдики, мадрасада қирқ-эллик йил турганда ҳам мундоғ яхши ва шогирдларнинг мадрасада ўқумай самоварларда давр сургонликларини ёзмоқ мумкин эмас эди. Дорилфунунни тамом қилуб чиқишига бир йил қолгонда пойтахт, чунончи Маскав ва Петруғраддаги туркистонли маскавчи бойлар ҳаётидан олуб «Пойтахт меҳмонлари» номли бир театру китоби ёзди. Бу китобда илмсиз бойларнинг пойтахт нўмирларинда тил билмай, илм билмай ва ажнабийлар тарафиндан ўзларига қилингон ҳақоратлар гоят моҳирона суратда кўрсатилмиш эди. Бу китобни ҳам Муҳаммадиёр ўзи русча таржима қилуб нашр қилди. Петруғрад театрулариндан бирисида баъзи бир истудент рафиқалари ила ўзининг маишатини таъмин қилмоқ учун саҳнага қўюб, китобда энг биринчи бўлгон хўжайин рўлини Муҳаммадиёр ўзи олуб, кўб олқишларга музоҳир* бўлди. Бир театрдан расхўддан ташқари ўз маишатиға соф фойда бўлуб 3000 сўм қа-

¹ Ушбу рўмон ҳаёлий ва йўқдир. Фақат, 12 жузь бўлмасун ва олти жузь бўлмасун 3 жузь қилуб бўлса ҳам шул исмда юқорида таъриф қилингон руҳда бир рўмон ёзмакларини муҳаррирлардан ўтинман. Худо муҳаррирларимизга ғайрат берсун!

дар қолди... Ниҳоят, имтиҳон вақти етуб, Петруғрад дорилфунунининг тиб шўъбасидан биринчи бўлуб имтиҳон беруб, дўқтурликка шаҳодатнома олди... Яна ватанига қайтмади. Бокудаги ҳимматли бой ва ўзининг театрдан олдиғи пуллари ила бу туркистонли шогирд Швейтсария (Исвейчара) дорилфунунлариға тажриба учун югурди. Петруғрад вағзалинда кечки пўезддан бутун мактаб орқадoshлари Муҳаммадиёрни узатмақдалар эди. Бир туркистонли камбағал бола ҳаракат ва ғайрат орқасинда Русия улуг мактабларин битируб Оврупонинг энг олға кетган мамлакатларидан Исвейчараға ўқумоққа кетадур...

Мана ғайрат самараси, мана ғайрат меваси, мана ҳаракат гуллари... Ибрат... ибрат... ибрат... Мана «Жамияти хайрия» фойдаси, мана иттифоқлик самараси, мана бирлик меваси...

Бизнинг Туркистон боласи ниҳоят «маданият йўрғаси» ила Исвейчаранинг пойтахтиға боруб дорилфунунинг тиб шўъбасина сомеъ ёзилди. Бечора шогирд 7 сана Исвейчарада очлик ва тўқлик билан сабр ва сабот ила турди. Ниҳоят, Исвейчарадан ҳам қайтарға йўлга чиқуб Италиё — Туркия — Румониё — Булғорие тупроқлари ила айлануб Одесга, Одесдан тўғри Тошканд ва Тошканддан Бокуға келди. Боку вағзалинда бутун Боку ёш зиёлилари Муҳаммадиёрни қарши олуб ўзининг маънавий отасиникиға олуб тушушуб, Муҳаммадиёрнинг шарафина 50—60 кишилиқ бир зиёфат беришдилар. Муҳаммадиёр Бокуда очилгон Ислом тиб қурсинда 3 йил муаллимлик қилуб, ўз ватани Туркистонга қайтмоқчи бўлди. У андаги маънавий отасиндан рухсат олуб, жаҳолат дарёсинда севина-севина сузмакда бўлган ватани Туркистонга қайтуб, қўлдан келган қадар хизмат қилмоққа маслаҳат сўради. Маънавий ота рухсат беруб, кечки парахўд искаласида* Боку ёш зиёлилари узатмоқдалар эди. Маънавий ота устиға «Боку ёдгори» ёзилгон бир олтун соатни Муҳаммадиёрга беруб, андаги зиёлиларға қараб бир қисқа нутқ ўқушини Муҳаммадиёрдан тилади. Муҳаммадиёр парахўд устидан туруб зиёли ёшларға хитоб қилуб, қисқача бир нутқ ўқуди. Ҳозирдан Муҳаммадиёрни чучук овозлари ила олқишлаб чечаклар ирғитмоққа бошладилар. Ниҳоят, парахўд ҳуштак (аслида «шуштак» — Д. Қ.) беруб, денгиз сувларини тўлғаландируб Туркистонга қараб юрди...

Муҳаммадиёрнинг парахўд устида зиёлиларга хитобан ўқуган нутқи:

— Эй, маънавий акаларим! Эй, маънавий оталарим!..

Мен бир фақир шогирд эдим, кенг Туркистоннинг энг қоронғу гўшасиндан илм ва маърифат истаб шаҳрингизга келдим. Сиз ҳимматлуларнинг ҳиммати миллатпарвароналарингиз ила таҳсилимни Русия дорилфунунларидан ўтуб Оврупо дорилфунунлариға қадар етқуздим. Ишта бу ҳаммаси «Жамияти хайрия» ва «Нашри маориф» жамиятларининг самарасидур. Мен ҳам ватанимга бордигим ила қўлларимни шуморуб жаҳолатда қолган қардошларингизни уйғотмоқ ва турғузмоққа ғайрат қиламен. Маънавий шаҳрим бўлган Боку ва маънавий ака ва оталарим бўлган сизларға самимий ташаккурларимни арз эдуб, у жаҳолат дарёсининг аждар ва балиқлари бўлган биз туркистонлиларнинг уйғонмоқимиз ва йўл топмоқимизға ёрдамлашмагингизни ҳаммаларингиздан рижо этаман*. Сўзи шул ерга келганда, парахўд секин-секин қўзғалмоқда эди.— Хайр яшангиз, соғ ўлунгиз оталарим, акаларим ва суюклу оғаларим!— деб нутқини битирди.

«Маданият балиғи»* сувни ўртасиндан ёруб бир доҳийни ва бир ходимни ватаниға судраб олуб кетар эди. Ниҳоят, латиф ҳаволи баҳор фаслида дарахтлар чиқарғон барглар каби кўм-кўк, миллат дардида ё бирорта нозаниннинг ишқида ва ё бирорта хонимнинг чангалида эзилуб юраклари қизил гул каби тўлганларға энг биринчи тасалли берадирган ва онларға буюк руҳ ва умид берадирган тўлқунли денгиздан ваҳший (ёввойи) одам деган бир нарса яшаган ер юзиға чиқди. «Маданият йўрғаси»ға* минди. Қани ҳалиги юмшоқ латиф ҳаволи денгизлар ва сувлар? Қани ҳалиги денгиз сувларин тўлқунлатуб юрадурғон шамоллар? Қани 3-4 йил аввал Исвейчарада, Франсияда, Италиёда, хусусан Алп тоғларида кўрилган латифликлар? Қани Алп тоғлари устида ишлаб топган пулиға ва дунёсига тўй қилмай, улоқ чопдирмай, бачча ўйнатмай, эшон мулларға ва қорни йўғонларға ялтираган тўнлар кийгузмай суюклу ўғлини ўқутган ва тарбия қилган Исвейчара қишлоқилари? Қани 7—8 қабатлик зийнатлик тоғлар қадар хоналар? Ҳозир онлар йўқ! Они ўрниға пастгина хашак ва лойдан ясалган бинолар ва онларда сафил* бир ҳолда яшаган мусулмонлар! Топганин бачча, улоқ

ва ичкулукка ҳам домла-эшон ва бойларга шалдиратуб тўн ва зарбоблар берган, бойлар қўлинда қул ҳукмида бўлуб юрган ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар ва ҳам-маси мусулмонлар...

Оҳ... Оҳ!.. Бу разолат ва бу сафолатни ўз миллатида, ўз халқида кўруб, тараққий ва тамаддунларни* кўрмак, кўбни билган, кўбни кўрган ва ҳамма нарсадан хабардор Муҳаммадиёрга гоят оғир туюлур эди... Баъзи вақтларда кўзиндан ёшлар оқар эди. Онинг устига ва-ғўн ичинда пиш-пиш ухлаган ва билет йўқотуб кандўк-турлардан таёқ еган бетартиб яна мусулмонлар эди. Ортуқ Муҳаммадиёр сабр қилуб тура олмади. Пўездининг балқўнига чиқуб узоқларда кўрунган ҳайбатлик қоп-қора ва устларига кўм-кўк майсалар ўсуб чиққон тарихий тоғлар, ота-боболарининг даврларинда онларга буюк-буюк қалъалик ҳукмини олган тоғлар, тепаликлар, баландликлар, сувлар, ўрмонлар, дарахтзорлар ва қумзорларни ялтираган кўзлари ила томоша қила бошлади. Чиройлик манзаралари — узоқ-узоқ, буюк-буюк, яшил-яшил ва баланд-баланд тоғлари Исвейчарадан кам эмас эди. Наҳр-наҳр оқуб тургон сувлари ва нима экса шуни олса бўладургон маҳсулдор тупроқлари ила Амриқодан ҳеч камлиги йўқ эди. Илмсиз бойлари, жоҳил «олим»лари, ёлгон эшонлари ва исрофнинг кони бўлуви ила ҳеч бир нарсага ўхшамас эди... Хитойлар ҳам бу даража ялқов (хушёқмас) эмас эдилар!..

«Халқ ўз фойдасин англаса, миллий мактаб ва мадрасалар очса, Оврупа дорилфунунлариға болаларин юборса, дўқтур, адвокат, муҳаррир ва ҳунарманд, савдогарлар ва муҳандис (инжинер)лар чиқса, бунларнинг ҳар бири ўз вазифаларинда туруб ишларин тартиби ила юргузсалар ва халқимизнинг фойдасини кузатсалар, нақадар олий ва нақадар гўзал бўлур эди!» деган хаёллар кўнглига келур эди. Фақат бунларни бўлишиға кўзи етмас эди. Чунки борган сари орқага қараб кетмакдамиз... тараққий асари ҳеч кўрулмасдан бир тараққийға минг таданний* тайёр турадир.

Йўқ, йўқ! Фақат Муҳаммадиёрга ўхшаган зиёлилардан ҳар шаҳарда бир-икки чиқа бошласа, вужудга чиқар эди, деярга ҳам бўлур эди... Муҳаммадиёрнинг ўз шаҳриға келгунча хўб шу фикрлар ила боши айланди...

Ўз шаҳрининг истансаси кўруна бошлади. Ниҳоят истансаға ҳам келуб тушди. Юруб-юруб яна ўз ватани ва ўз жойига келди. Муҳаммадиёр кетгандан бери ўз шаҳридан ҳам 5—10 зиёли ёшлар етушган эдилар. Му-

ҳаммадиёрни онлар кутуб олдилар. Аробага ўлтурғузуб эски шаҳарга тўғри юра бошладилар. Шаҳарнинг руслар турадирган қисминда ажиб даражада ўзгаришлар: янги-янги нўмирлар, боғлар, боғчалар, магазинлар, тиатрулар, мактаблар, «Метрўпўл», «Роси», «Русия», «Масква» нўмирлари, йўллар тош, кўчалар кенг, электрик фонарлар Исвейчарага ўхшар эди!.. Фақат шаҳарнинг мусулмонлар турадурган қисми аввал қандай бўлса яна шундай эрди!.. Яна хафалик. Муҳаммадиёр ўз ҳовлисининг олдига келуб тушди. Ўз ҳовлисининг иморатларини Оврупо усулида солинган кўрди. Ул иморатларни солувчи у* 125 сўмга 4 ойга Муҳаммадиёрдан ижарага олувчи рус экан. Кируб Муҳаммадиёр русга ўзин танитди. Рус Муҳаммадиёрга қараб:

— Сиздан мен мун ижарага 4 ойга олдим. Олти ой ўтди ҳеч ким чиқмади, бир йил ўтди ҳеч ким чиқмади. Учинчи йилда мен ушбу иморатни солдим. 5—10 минг сўм кетди. Фақат бундан уч йил аввал сарф қилган пулимни иморатингиздан чиқаруб олдим. Уч йилдан берли уч минг сўмдан 9 минг сўм фойда қилдум. Жойингизни тезлик ила бўшатуб бераман, ҳам қўлингизга 5 минг сўм пул бераман, қолганини афу этасиз,— деди.

Муҳаммадиёр:

— Агарда жойингиз бўлмаса ўтуруб турунг. Менга ёлғуз шул жойдан икки адад хона берсангиз бўлур,— деса ҳам, рус:

— Меним бошқа яхши катта жойим бор, шунга кўчаман. Мен сизга 9 минг сўм қилган фойдамни берсам ҳам бўлур эди, аммо 4 минг сўм орада баъзи ислоҳларига кетди,— деди.

Муҳаммадиёр суюна-суюна ризо бўлди. Эртаси кун рус ҳовлисини бўшатуб, 5 минг сўм беруб кетди. Муҳаммадиёр кенг жойда роҳат-роҳат тура бошлади. Остидаги магазинларни яна ижарага қўуб, ҳукуматнинг рухсати ила юқори хонада бир хусусий шифохона очди. Бойлардан олуб, ҳеч нарсаи йўқ фақирларни пулсиз даволай бошлади. Ҳар кун 40—50 сўм дўқтурликдан хусули* бор эди.

Бир қишлоқнинг бир еридан икки таноб келадирган бир боғча олган эди. Муҳаммадиёрнинг ғайрати ҳам худо берган бахти ила нефт (ёқиладирган ёғ) кони чиқди. Ҳозир Муҳаммадиёрга милиўнлар ила иш кўрурга тўғри келур эди. Бир тарафдан ўз ишларини йўлга қўуб, иккинчи тарафдан ёнига 5—10 миқдори зиёлилардин олуб рухсатли «Жамияти хайрия» очди. «Жа-

мияти хайрния»га ўзи кўб оқча берди. Шаҳарда бир му- сулмон қиротхонаси очилди. Учинчи йили Муҳаммадиёр ҳафталик «Ватан» исмли бир расмий журнал ила «Ха- бар» исмли кундалик бир газита нашр этарга бошлади. Муҳаммадиёр бир ҳунар мактаби очарга ташаббуслар қилса ҳам, кўб монелар чиқуб они ўрнига ёзлик муал- лимлар курси очилуб, ёз вақтида муаллимларга ҳар хил таълим йўллари, тарбия усуллари ҳақида ўқут- моқлар ва лексиялар бошланди. Шундоғ қилуб кичкина бир шаҳарда маорифхоналари кўпаймоқда ва бошқа шаҳарларга ўрнак бўлмакда эди. Бутун турк-тотор жа- ридаларинда Муҳаммадиёрни исми «дўқтур ходими миллат Муҳаммадиёр» аталмакда эди...

ОЙДИН КЕЧАЛАРДА

Зайнаб кампир бир нарсадан чўчуб уйғонди. Оппоқ ойдин, ой кампир ётқон сўричанинг қоқ ўртасидан ун- да-мунда битта-яримта учраган оқ булутларни ёруб шо- суб ўтуб борар эди.

Кампир у ёқ-бу ёғиға яхшилаб қараб, ойдинда ҳеч бир қора-мора учратмагандан кейин яна болишға бо- шини қўйди.

Уйқуси ўчуб кетганликдан энди кўзига уйқу келмай ўз ёшиға, ўз давриға муносиб бўлғон хаёллар ичига кўмулди. Ул пилта сават, кўрпа қавуқ ипдан тортуб бу йил пилладан чиқатурғон ипаккача «дунёнинг барча гамини» ўйлаб олди.

Энди бироз уйқуси ҳам кела бошлаб, кўзлари секин- секин сузула, қўллар бўшашуб чўзула кетдилар. Туни бўйи чопишуб, ҳурушиб, югуришуб чиқғон итлар тову- ши секин-секин йўқола бошлади. Эшончанинг ҳовуз бўйидағи толларидан туруб ҳасрат ва қайғуларини ҳар кеча ўқийтурғон булбул бугун жуда эрта тўхтади.

Гўристон ва мазорлардағина бўлатурғон чуқур бир жимлик...

Кампир юмулуб борғон кўзларини бирдан очди: яқин бир ердан ҳасратлик, кўнгул бузатурғон бир йиғи то- вуши эшитилар эди.

Бу ким? Кечалари ухламасдан йиғлаб чиқғучи ким? Ҳамма тинч ва роҳат уйқуға толғон бир замонда қал- бини яралаб йиғлағучи қандай бахтсиздир?

Кампир йиғлағучининг ким эканин билмас эди.

Қўшнилардан қайси бирисининг келини ва ё қизи экан?

Хадича отининг келини деса, бугун унинг ўртоқлари келуб икки хуфтонгача ўюн-кулги қилишдилар. Саломатхоннинг қизи деса, қишлоққа чиқуб кетган эди, ҳали келгунча йўқ. Ўз келинининг бўлса йиғлайтурғон жойи йўқ...

Ким экан бу?

Ё ҳавли томонга парилар келишдикикин? Парилар ўз қизларининг сочларини боғ-роғларда ойдин кечаларда тарар эмишлар ва қизлари: «Қўб силлиқ қилсангиз куёв олиб кетиб қоладир», деб йиғлар эмишлар.

Йўқ... Ажина қизи, пари қизи мундоғ йиғламас эмиш. Йиғласа жуда ғалати бўлур эмиш...

Яна диққат биланрак қулоқ солди. Товуши таниш бир хотуннинг товуши каби эди...

Қўшнининг келинидир, деб ўйлади.

Оҳ, бечора, қандоғ ғамлари бордир?

Мана, кампирнинг ўз келини, уй-жойи, кийим-кечаги — ҳамма нарсалари тайёр... Новдадек куёв ёнида... Яна ҳеч уй-рўзғор ишини қилмайди. Мундоғ ёмон қиз бўладими?

Олмай Қодиржон ўлсун,

Бермай отаси,

Ўсдирмай онаси!..

Шунинг учун бу кун хўб адабини берди, хўб йиғлатди...

Йиғи тўхталмагондан сўнг секингина ўрнидан турди, чувалашиб кетиб кўрпалар орасида кўмулуб ётқон локисини олиб тўғригина бошига солди-да, сўридан тушди... Йиғи келган томонга бироз қулоқ бергандан сўнг шарпасизгина, ялангоёқ юрди. Сўрининг чаб биқинидаги кичкина даричанинг тешигидан қарагон эди, келинининг уйида чироғ ўчмаган...

Ҳайрон бўлди:

— Вой, бу нимаси? Келинчак шу чоқгача ётмагон эканми?

Йиғи бироз яна қизғончланиб, бироз яна ўксикланиб давом этар, хотуннинг товуши кесилиб-кесилиб, ҳиққи тутқон каби чиқар эди. Яна диққат биланрак тинглади: бу йиғи келинчакнинг уйдан эшитилган каби бўлар эди...

Юраги ўйнади.

Дарров дарчани очиб у ҳавлига кирди, оёғининг учи билан босиб келиб, секингина келинининг уйига яқинлашди.

Йиғи уйдан эшитилар эди.

Яна қулоқ берди.

Товуш келинининг товуши эди.

Шундан кейин кампир ҳеч ўйлаб турмасдан тўғри эшикни итарди, эшик очуқ эди, кирди.

Ичкаридан:

— Вой! Ким! Ким у?— деб бир ҳориғон товуш чиқди-да, тинди...

Ярим овруповори йиғиштирилғон бир уйда икки кишилик катта сим каравотга яхши, қалин жой солинғон. Пастгина бир жавон устида 20 ичи чироғ ёниб турар эди.

Қизил шоҳи кўлмак (аслида шундай — Д. Қ) кийган, қоп-қора сочлари ерларда судралган ёш келин каравот ёнида йиғлаб-йиғлаб қабарғон кўзларини энги билан артиб турар эди.

— Келин, ким у йиғлағон?

— ...

— Келин, сиз йиғладингизми?

— ...

— Нимага индамайсиз? Қодиржон қани?

Келин жавоб бермасдан, индамай ўрнидан турди.

— Айланай, келин, нимага йиғладингиз? Айтинг, жон болам!

Келин тўлғон-тошқон ҳолда, кучлик ва қўрқинч бир товуш билан «Онажон!» деб бақирди ва қайин онаси — кампирнинг қучоғига отилди.

Кампирнинг қучоғига бошини тикиб олиб, яна хўрсиниб, яна тўлуб-тошиб хийла йиғлади.

— Онажон, мен кечалари уй пойлаш учун келин бўлуб келдимми?

— Йўқ, айланай болам, Қодиржон қани?

— Қодиржонни сўраманг, онажон. Мана, келин бўлуб келганимга бир ярим ойдан ошқон бўлса, шу бир ярим ойнинг ичида икки кечагина бирга бўлдик... Бошқа кунларда ҳар кеча кута-кута тонг отдириб юбораман. Шунча кун чидаб келиб-келиб мана бугун ўз қадримга ўзим йиғлаб юбордим. Қандоқ қилай? Мен одам эмасми?..

Кампирнинг қаригон, қуруғон кўзларига йироқ-йи-

роқ ерлардан икки томчи ёш келди. Бутун танини, бутун аъзоларини босиб, эзиб, сидириб келган у икки томчи ёшини енги билан арткандан кейин:

— Отаси ҳам шундоқ, қизим...— деди.

Шу сўздан сўнг иккаласи ҳам узоқ вақт жимжит бўлуб қолдилар.

Кампирнинг кўз ёши каби заҳарлик юзлари узулуб ташланган гулдек сўлган. Тошдек қаттиғ бағри ортиқ даражада юмшаган, кўнглида кучли марҳамат ҳисси уйғонган эди.

Келиннинг қизарган, чарчаган, оғир қайғига тилмоч бўлуб турган кўзларига тикилиб қараб турғондан сўнг оналар муҳаббати билан кўзидан ўпди:

— Энди сен меним ўз қизим бўлдинг, энди сенга сира озор бермайман. Энди сен ҳам кундузги ишларни эсингдан чиқариб юбор!— деди.

Келин кўзларида бир ойдинлик, бир севинч кўланкалари ўйнагани ҳолда бошини кўтарди, икки кўлини кампирнинг елкасига ташлаб туруб:

— Онажон, мен унга хафа бўлмайман. Меним ёш умрим, гулдек ёшлигим кечалари сарғайиб ўтмаса эди!..— деди.

Худди шул чоқда очиқ турган эшикдан ўлгудек маст, тентиракланиб Қодиржон келиб кирди. Уни кўришлари билан икки аламзада бирдан:

— Ана, келди!— деб юбордилар.

Уларнинг бу жонли қарши олишлариға жавоб ўрнида Қодиржон:

— Где, где моя Анна, где моя Аннушка? (Қани Анна, қани мени Аннахоним, а?) — деди ва «гуп» этиб обрезага йиқилди...

ҚОР ҚУЙНИДА ЛОЛА

Бир, икки, уч, тўрт... беш; беш... олти! Етти, саккиз, тўққиз, ўн...

Кичкина, қизил ипдан безалган тўп (каптов) алжиб қочиб кетиб, ертўла оғилнинг деворига ёндошиб ўскан ёш қантак ўрикка бориб тегди-да, сакраб ҳовузға «шўп» этиб тушиб ҳам кетди...

Қизлар барчаси бирдан:

— Вой, ўлақолай, ҳовузға тушиб кетди!— деб қичқиришиб юбордилар. Тўпни туттиш учун қувалаб бораётган Шарофатхон ҳам ҳовуз ёнида қотиб қолди...

Тўп сувга шўнғиб кетиб ҳовузнинг ўртасидан чиқди ва қизларнинг ҳавасли, ўйноқи кўзлари олдида герда-йиб, секингина суза бошлади.

Барча қизлар сув юзида эркаланиб сузиб юрган тўпга бироз қарашиб турдилар-да, бу орада бир-бирларига боқишиб юмшоққина кулишиб ҳам олдилар.

Тожи қассобнинг кичик қизи Турғунбуш югуриб бориб оғилнинг томига чиқди-да, бир чеккага босиб қўйилгон тут ўтинидан битта узун булоқни синдириб олиб, ҳовуз бўйига келди ва ҳалиги булоқ билан сувни ўз томига торта бошлади; қизлар унинг теграсига дув йиғилиб, тўпнинг сувдан чиқишини кута бошладилар.

Сув ясама оқиш билан қизлар томонга оқа бошлагондан сўнг, ярим белидан сувга кўмилган тўп дам ботиб, дам чиқиб секингина қирғоққа келди. Қизлар қийчув билан ушлаб ҳам олдилар.

Сув билан шалаббо бўлгон тўпни Шарофатхон олди-да, «Ху, қочмай ўлгин, тутулдинг-ку!» деб ерга урди. Унинг бу ишига Абдулла жаллоб*нинг қизи Тўтихоннинг аччиғи келди, дарров бориб ердан тўпни олди ва:

— Ҳой, бунда нима ёзиқ? Бунинг жони бўлмаса... ўзингиз тушириб, бу бояқишни тагин қарғайсизми?— деб тўпни сувда чайқаб олгондан сунг, лабини тишлаб, бор кучи билан сиқмоққа бошлади.—

Шарофатхон қизларга қараб:

— Барибир, қанча сиқиб қуритмоқчи бўлсак-да, ҳўл тўп чиқмайду*, энди бошқа кимнинг тўпи бор?

— ...

— Вой, ўла қолай, ҳеч қайсингларники йўқми? Салтанат, сеники бор эди-ю?

— Меники бор эди-ю, тунов кун Гулнор ўлгур, йўқотиб келибдир...

— Бўлмаса, ўйин тугабдир-да?

— Йўқ, бошқа ўйин қиламиз!

— Ху, ўлақолсун, тўп ўйинидан ҳам яхшиси борми?

— Ҳай, Шарофатхон, сиз ўзингиз кира қолингиз, ўрус тўпингизни олиб чиқасиз!

— Ўрус тўпим ёрилиб эди-ку...

— Вой, эссизгина, қачон?

— Қачонлари-ю...

Шу вақтда боғнинг кичкина эшикчасидан ҳовруққанча югуриб бир кичкина қиз кела бошлади.

Турғунбуш бирдан:

— Ҳа, ана менинг синглим чиқиб қолди, уйга тўпга юбораман!— деди. Барча қизлар:

— Ҳа, ҳа, Фазилатни юборамиз!— дедилар.

Кичкина қиз — Фазилат югуриб келиб опасининг бўйнига осилди.

— Бир чеккага чиқинг, опа, сизга қизиқ гапим бор. Барча қизлар бирдан:

— Қизиғи ўлсин, қизиғи, айтабер барчамизга!

— Йўқ, опамнинг ўзига айтаман.

— Бўлмаса, опанг бизга айтиб берадир...

Эгачи-сингил ҳовуз бўйиға кетдилар... Эшмат қоровулнинг мамадана, қизиқ гапларни билатурғон қизи Тиллахон туриб:

— Қизиқ гапи нима бўлар эди, айтмаса ҳам биламан.

— Айт-чи, билсанг?

— Нима бўлар эди, Турғунбушга куёв келгандир!— Барчалари кулишдилар. Турғунбуш қайтиб келди-да:

— Ула қолсун, Тилла, менга куёв эмас, Шарофатхонга совчи келибдир!— деди. Қизлар бир-бирларига қарашиб олдилар. Шарофатхон қип-қизил қизариб, турғон ерида қотиб қолғон эди.

II

Шарофатхоннинг отаси Самандар ака илгаридан от чиқарғон бир савдогар эди. Шунча оғирчилик йилларда, қиймат, касод вақтларида ишини тарақлатиб келиб, охири ўзғон* йили эрта баҳорда синғон. Бор-йўғини қарзиға сотиб берганидан сўнг, жуда сўфи бўлиб эшонларникида чувалашиб қолғон эди.

Эрта билан саҳарлаб эшонникига кетар, зикр бўлса-бўлмаса эшоннинг ишини қилиб, кечқурун шомлатиб уйига келар эди. Уйга келгандан сўнг ҳам бир қошиқ қуюқ-суюғи бўлса тотиниб, малла жойнамознинг устига чиқиб ўлтуриб, қаҳрабо тасбеҳни неча давр айлантириб «вазифа»ларини ўқур, сўнгра то ярим кеча-саҳаргача ҳўнгур-ҳўнгур йиғлар эди...

Бир кун эшонникида катта ва қизғин бир зикр бўлди. Зикрга бошқа шаҳарлардан ҳам ўтли-нафас билан ўқийтурғон ҳофизлар келдилар. Хонақоҳнинг ичи зич тўлди. Эрта билан бамдоддан сўнг бошланғон «зикр» хуфтонга яқин зўрға тугади. Бир неча киши ўзидан кетиб у ер-бу ерда юмаланиб қолдилар. Енғон сўфилардан* бир-иккитаси «жазава»нинг ортиғлигидан бориб

Ўзларини ҳовузга ташладилар. Қисқаси, бу кун қиёмат бўлди.

Эртаси кунни эрта билан хонақоҳнинг меҳроби олди-да ҳазрат эшон ўлтурганлар, икки ёнларида учтадан олти ҳофиз*, бир ўн беш чамаси муридлар*...

Эшон қутлуғ бошларини қуйи солиб «сукут»га кетканлар.

Ташқарида тўполон, шовқин, бири қўй етаклаган, бири нон кўтарган, бири кийим сарпо...

Самандар ака хонақоҳдан чиқди, ҳалиги назрларнинг барчасини кўрди, кўздан ўтказди.

— Ҳа балли, баракалла, Султон Орифнинг жамолларини кўринг!— деб жавраб, ҳазрат эшоннинг қучоғ-қучоғ дуоларини хонақоҳдан чиқариб бериб тургон сўфи кулиб, ўйнаб Самандар акага қаради-да:

— Ҳа, бой ака, назрдан дарак борми?— деди. Самандар ака дарвозадан чиқар экан:

— Бўлиб қолар, сўфи!— деди.

Самандар ака уйга келгунча кўнглидаги туйғулар билан тортишиб келди. Ўзининг пири ва устозига тузуккина, каттагина, иложи бўлса бошқа муридлар бера олмагон бир нарса бермакчи эди. Бироқ, уйда арзигудек бир нарса йўқ. Арзийтургон нарсалари бўлса, барчаси қарзга кеткан... Кўп ўйлади, бироқ ҳеч бир нарсага кўнгли қарор топмади.

— Агар илгариги вақтим бўлса, ола қашқани тутар эдим...

Кўнгли оғриди, бир замонғи бойлиқлари, давлатлари эсига тушди: ола қашқаси, тўруқ йўрғаси, бўйи тевадек Масков зовуд оти*... уч файтўн, ер-суви...

Унча-мунчани беришни ўзига эп билмади. Бошқа назрларни босиб кетгундек бир нарса беришга ўйлар эди.

Бирдан Йўлдош бойвачча эсига тушиб кетди.

— Йўлдош бойвачча ўн ботмон гуруч, битта яхши улоқчи от, бош-оёқ кийим берди...

Шундай хаёллар билан ҳавлисига етиб, ичкари уйга кирмакчи бўлгон эди, хотини тўхтатди:

— Ичкарида хотинлар бор, сиз ташқари уйга кириб туринг, қўноқларга ош-сув қилгон эдим, мен сизга ош олиб чиқай!

Самандар ака кичкина товоқдағи ошни ёлғиз ўлтириб емакка тутинди. Ошни яримлатгон ҳам эди, олдига хотини чиқиб қаршисига ўлтирди:

— Яхши ҳам келиб қолдингиз, отаси, қизингизга совчилар келиб, мен нима дейишни билмай туриб эдим!

— Ким экан улар, қаердан экан?

— Анови Азиза отин билан Рустам аканинг хотини... Ўзингизнинг эшонингизникидан совчи бўлиб келишибдирлар... Энди эшоннинг ўзлари ҳам «қариб қуйилмагон, ачиб суйилмагон»лар, дея иккита хотинлари устига тагин бу...

Бу сўзни эшитиши биланоқ Самандар аканинг кўзлари чақчайиб кетди:

— Тўғрими, эшонникиданми, тўғрими? Эшон нега ўзимга мазмун қилмадилар экан?

— Энди катта одам, мен совчиларга ҳали қизим ёш, энди 17 га чиқди, дедим. Шундай деб жавоб бера қолайми?

Бу вақт кимдир, ташқаридан бир хотин товуши эшитилди:— Қумрибуш, қўноқлар туришдилар!— Қумрибуш ўрнидан турди, эрига бир нима дегандек қаради.

Самандарбой бир ёш қизини, бир эшонни, бояги назр-ниёз масаласини, энг сўнг кимсан ҳазрат эшоннинг куёвликларини ўйлаб турди-да:

— «Битта қизимиз бўлса, ҳазрат эшонимизга тутдик, садағалари кетсун!» дегил!— деди.

Қумрибуш кутилмаган бу гапдан оқарди, кўкарди, сувратдек қотиб деворга суялиб қолди...

III

Шарофатхон Самандар аканинг битта-ю битта қизи эди. Бу қиз шу тегранинг кўрклиликда, чеварликда, шўхлик ва ўйноқиликда битта-ю биттаси эди. Маҳалла-кўйнинг ўспурунларидан иккита-учтаси бир ерга йиғилсалар, топгон-тутгонлари шул Шарофатхон масаласи бўлур. «Бу қиз қайси худо ярлақагонники бўлур экан? Кимнинг уйини обод қилар экан?» деб бош оғритарлар эди.

Шарофатхоннинг эшонга берилиш хабари чиққондан сўнг, бутун маҳалла-кўй яна бир неча кун шунинг довриғини қилишдилар.

Кўчада қатор-қатор аравалар чопишиб, бир-бирларидан ўзишадирлар.

Ўн-ўн беш аравага тўлгон хотинларнинг тартибсиз «ёр-ёр»лари дунёни бузиб, кўкни кўтариб борар эди.

Сандиқ, кўрпа, гилам, тугун ва бошқа нарсалар юк-

лаган ва юклар устига яна битта-иккита кампир ўтқизган аравакашлар илгаригилардек бир-бирлари билан басма-баслашиб чопишар эдилар.

Шу гулдир-шолдир, шовқин-сурон, қий-чув билан кетаётқон кўч* энг сўнг эшоннинг эшигига яқинлашди. Кўчанинг ўртасига гуруллатиб ёқилғон, алангаси осмонга чиққон ўтнинг теграсига тўпланғон бир тўп эркаклар товушларининг борича «ёр-ёр»ни чўзғон; уларнинг бериги биқинида бошига паранжи ёпинғон, чопон ташлағон, рўмол тутғон хотинлар, келинлар, қизчалар... Ўз олдиларига катта тўп бўлиб, улар ҳам «ёр-ёр»ни қўйиб юборғон эдилар.

Тахта-тахта кўпурук тахтинг бўлсин, ёр-ёр,
Пайғамбарнинг қизидек бахтинг бўлсин, ёр-ёр!
Узун-узун арғамчи ҳалунчакка ёр-ёр,
Чакан кўнглак ярашар келинчакка ёр-ёр.

Ўтнинг теграсига тўпланғон эр-хотин барчаси бирдан: «Келин келди, келин келди!» деб юборишдилар. Бир неча йигит қучоқ-қучоқ ғўзапоя олиб чиқиб, ўтнинг ўртасига ташладилар, ўт яна кучайди, яна аланга берди.

Ҳар ким питирлаб қимирлаб қолди. Болалар қиз келлаётғон томонга қараб чопишиб кетдилар.

Шовқин, тўполон орасида аравалар етдилар. Халқ орасида:

— Ана келин, ана қиз тушган арава!— деган гаплар бошланди.

Аравакаш келинли аравани «намойишкорона» бир суратда ўтнинг ўртасидан отни қамчилағонча олиб ўтиб, эшикка яқин бир ерда тўхтади.

— Куёв почча, куёв почча! Тақсирим қанилар? Қоч, қоч,— деган товушлар кўтарилди.

Бир вақт оппоқ соқолли, қари, бўшашғон бир чол (куёв тўра) устига зарбоб тўн кийиб, катта ўрама белбоқ боғлағони ҳолда бирмунча оқсоқол муридлари ўртасида секингина судралиб аравага яқинлашди.

Яна халқ ўртасида:

— Кўтаринг-а, куёв почча, кўтаринг-а!

— Ўзингизни тетик тутинг, тақсир!

— Ҳа, тақсир, кўтаринг!

Чол титрак қўлларини аравага узатиб, қизни кўтарди ва бир-икки одум босғондан сўнг ерга қўйди.

Яна халқ чувирлашиб кетди:

- Баракалла, тақсир, баракалла!
- Бўш келмадилар тақсирим!
- Ҳали беллари бақувват экан тақсиримнинг!

Бу шовқин, қий-чув, тўполон ярим кечага бориб тўхтади. Ҳалиги томоша ўрни бўлган кўчада кишилар ариб, қоп-қоронғи, жимжит бир гўристонга айланди.

IV

Бу вақт эшоннинг эшигидан икки ёш йигит чиқдилар.

- Ҳўх-ҳў, кўча жуда қоронғи-ку!
- Шуни айтгил-а, осмонда дориға ҳам битта юлдуз топилмайдур!
- Юрабер. Бу кеча худди эшонбобонгнинг кўнглидек бўлибдир.
- Тўғри-я, мен қизга ачинаман, бояқиш келиб-келиб кимники бўлди-я!..
- Нимасини айтасан, отасининг уйи куйсун, одам эмас экан!

— Соқолини оппоқ тутадек* қилиб, неварасидек бир қизни аравадан олишини қара, киши чидамас экан. Шунини бир нарсага ўхшатғум келди-ю, ўхшата олмадим-да!

Шу чоқ бир бурчақда кўча пойлаб ётган Мамат қоровул йиғлағондай қилиб ҳуштагини чалиб олди-да:

— Нимасини айтасиз, йигитлар, дунё ўзи шундай тескари дунё экан... Лоланинг устига қор ёғди!..— деди.

Йигитлар жавоб бермадилар ва қоронғилиқ қучоғига кириб йўқ бўлдилар...

НОВВОЙ ҚИЗ

Қилғилиқ қилиниб, бечора қизнинг қизлиги олиниб, бўлар иш бўлиб битгандан кейин, иккаласи жим-жит бўлиб икки томонга чўзилишдилар. Уйнинг ичи, ташқари ҳовли, кўча-кўй худди тонг отишидан сал бурунги вақтлардай — чуқур, вазмин ва тинч бир жимликка ботқон эди. Баъзи-баъзидагина пастак пирамондан бир жуфт эр-хотин мусичаларнинг кукулашлари, қўшни ҳовлидан ёш болаларнинг ўйин вақтидаги шовқунлари, кўча томондан якка-ярим йигитларнинг кучсиз ва ғамли қўшиқлари эшитилиб қўярди. Дарвоза эшикнинг тор бир ёриғидан уй ичига жиндаккина ёруғлик тушар ва у ҳам ёлғиз қизнинг сўлғин юзини ёритарди.

Сўфининг шомга айтган азони Улмасбойни қўзғотиб юборди. У секингина туриб, усти бошини тузатди-да: «Қиз ухлаган бўлса, уйғотиб қўяйин!» деб унинг бошига келди.

Қиз кўзи очиқ, эзилган, беҳол... чўзилиб, хаёлланиб ётарди. Оппоқ оқарган юзларини секингина Улмасбойга бурди. Хоин эркакнинг марҳаматсиз кўзлари билан алданган қизнинг сўник кўзлари бир-бирига йўлиқишди. Эркак мағрур, заҳарли ва совуқ бир кулиш билан кулди. Қиз жуда оғир бир жирканиш билан юзларини бурди. Яна жим бўлдилар.

Улмасбой қизнинг юзларига мағрурлик назари билан яна бироз қараб тургач, шарпасиз қадам қўйиб эшикли теразага яқинлашди ва унинг бир қанотини секингина очди. Уй ичи бирдан ярақлаб кетди. Қиз тезгина очиқ-сочиқ ётган ерларини кўрпа билан беркитди-да, туриб ўтирди. Шу чоқ эшикни очқали бораётган Улмасбой билан қизнинг кўзлари яна учрашган эдилар. Қизга орқаси билан турғон Улмасбой ёлғиз калласинигина буриб, ҳалиги мағрур кулиш билан унга қаради: қиз бу сафар изтироб ва қийноқ аралаш бир юз билан тўппатўғри эркакнинг кўзларига тикилди-да, бўшанг бир овоз билан:

— Нима қилиб қўйдингиз?— деди.

Заҳарли ва мағрур кулишини яна бир оз кучайтира туриб Улмасбой ҳам безбетларча жавоб қайтарди:

— Маза бўлди, қўя беринг...

Қиз бу сўздан кейин жуда чуқур жирканиш билан юзини бурди ва титраган лаблари орасидан мана шу икки оғиз сўзни зўрға чиқара олди:

— Маза бўлмай ўлсин, илоҳим!

Улмасбой қизнинг бу сўзини бир ноз ва қизларга хос истиғно деб англаган эди. Шунинг учун хурсанд бўлиб бир кулди-да, эшикка қараб юрди. Ҳолбуки, эшикнинг бир қаноти очилган вақтда қизнинг кўзларидан йирик донали кўз ёшлари қаторлашиб туша бошлаган эдилар...

Улмасбой эшикнинг ёнида туриб, орқасига ҳам қарамасдан:

— Туринг, дарров усти-бошларингизни тузатинг. Хотинлар қовун сайлидан келишиб қолади. Мана мен эшикка чиқиб тураман!— деди. Шу гапни айтиб бўлди-ю, оёғини остонага қўйди ва ташқаридан туриб эшикни ҳам ёпди.

Қиз куйикиб-куйикиб бир оз йиғлагач, ирғиб ўрни-

дан турди. Наридан бери усти-бошларини тўғрилади. Асли ўзи ҳам усти-бошларини ечмаган, оч бўрининг чангалига кўчадан келган бўйича тушиб қолган эди... Бутун борлиғида тўлиб-тошган изтироб ва ғазаб, ҳорғинлик ва дармонсизликни сездирмас эди. Бири токчада ва бири ерда ётқон паранжи-чимматини тезгина қўлга олди. Уйдан югурганича чиқиб кетмакчи бўлиб ўзини эшикка урди. Эшик қулфланмаган эди. Дарров очилди. Очиши билан эшикда Улмасбой кўринди. Шу қадар тезлик ва шошилишлик билан уйдан отилиб чиқаётган қиз қандайдир бир кучнинг таъсири билан етган жойида тўхтади ва кўз очиб юмгунча паранжисини ирғитиб уйга кириб келди. Унинг кетидан думма-дум Улмасбой ҳам кирган эди. Кўзлари бурунғидай ғурурли эмас, мардлик аралаш бир изтироб билан жуда «мўмин ва сўфи» бўлиб кўринар эди.

— Ҳа, ойим қиз, йўл бўлсин? Жўнаб ётибсизми?

Қиз «ойим қиз» деган икки оғиз сўзнинг биттадан иккита найза бўлиб танга ботганини сизди. У титради, лаблари елга йўлиққан япроқлардай дир-дир қалтирай бошлади. Кўкси қисилди, дами оғирлашди, ҳансиради. Шу ҳолда бир оз безгакланиб тургач, бирдан бакирди:

— Имонсиз!..

Улмасбой бемалол кулиб туриб деди:

— Ойим, сизга нима бўлди? Мусулмон, калимагўй одамни имонсиз дейсизми? Нима гуноҳ қилдик?

Қиз қалтираб туриб токчадан бир пиёла олди ва титраган қўли билан Улмасбойга қараб ирғитди. Улмасбой салгина бир томонга қинғайиш билан пиёлани ёнидан ўткарди-да, бу сафар баланд ғурур билан бир қаҳқаҳа отди.

Денгиз шу қадар буюклиги билан ҳамма вақт қирғоқлардан енгиледи. Аччиғи келганда, ғазаби қайнаганда зўр-зўр тўлқинлар, кичик-кичик мавжларни қирғоқнинг тош-метин гавдасига қараб отади. Қирғоқ, юқори-ларга кўтарилиб кетган мармар қирғоқ кошки пинагини бузса! Бечора тўлқинлар, мавжлар синиб майда-майда бўлиб, яна денгизнинг кўксига тушади. Денгиз уларни яна силаб-сйпаб бошини бир ерга қовуштириб, тўплаб, яна қирғоққа отади. Яна бўлиниш, яна парчаланиш... Туганмас олишиш!

— Қиз — денгиз Улмасбой — қирғоқнинг пўлат танига кичкина бир пиёлани ёлғиз бир дафъагина отди. Шунда ҳам бу жонли қирғоқ чап берди-да, мўрига те-

гиб парчаланган бечора пиёла бўлди. Шундан сўнг қизденгиз ўз ожизлигини билди ва бутун қаҳри ва ғазабини ўз танига сингдириб олиб, паранжисини бошига ташлади-да, ғизиллаб эшикка чиқди.

Оҳ! Зиндонга кирганларнинг осонликча чиқишлари мумкинми? Бўрининг чангалига «омон» сўзи аслида ёзилганми? Шер қўлига тушганни қўйиб юбориш учун яратилганми? Аждар агар бор бўлса, бутун шуҳратини марҳамат орқасида чиқарганми? Чуқур жарлар, юксак қоялар, ваҳимали учуримлар... Одам боласини юлиб, кўтариб, юксакларга олиб чиқмоқ вазифасининг кўрадиларми? Қилич ўпиш берадими? Ханжар пешонангиздан силайдими? Чаён наштарга ўхшаш игнаси билан чокингизни тикадими? Йўқ!..

Қиз уйдан икки-уч қадам жилган эди... Орқадан ўша бурунги кучли қўл ҳирс билан келиб ёпишди. Омонсиз билаклар шу қадар «яхши» ишлар эдиким, қиз бечорага на бақирини, на чақирини, на қимирлаш ва на силкиниш учун озгина бир имкон қолмаган эди.

Бояги уйда, бояги жойда, бояги эркак боягидай босди...

Қовун сайилидан келадиганлар — келмас бўлганлар, тан ва тан бўлаклари кучли эркакнинг истакларига тугал бўйин эгиб кетган эдилар...

Бу сафар қиз тез қўзғалди. Дарров турди, усти-бошини тузатди, паранжини қўлга олди ва шамол тезлиги билан уйдан чиқди.

Орқасидан Улмасбой ғурур аралаш қаҳқаҳа билан гапириб қолди:

— Ойимтилла! Бекор кетаётирсиз! Бу кун хотинлар қовун сайлидан келмайдиган бўлибдирлар. Қолсангиз тонг отгунча базм қилар эдик. Маза бўлар эди...

Қиз кўча эшикка етганда ичкаридан Улмасбойнинг бақирғони эшитилди:

— Новвой қиз! Нон тўла саватинг қолибдир!

II

Ярим сўмга етар-етмас пул билан қиз бечора уйига келган вақтида онаси — кампир ўлим тўшагида ётган эди. Офтобда қатиқ ичишган қариндошларидан бир кампир уч-тўрт кундан бери касалга қарайди. Касал бу кун хўрдасини ҳам ичмаган, уни қизга қолдиргандир. Бўлмаса, қиз балки иссиқсиз қоларди...

Улим олдидаги онанинг бош томонида ўтириб, қуруқ сувдан қайнатилган бемаза хўрдани ичаётган, шу кампирдан бошқа бу дунёда ҳеч кимсаси бўлмаган бечора қиз ўйлайди:

«О... бечора онам! Улим олдида ҳам ўз насибасини менга беради. Оҳ! Мундан кейин кимнинг насибаси билан тўяман!..»

Уй мундан нари ўтгач, ойсиз тунлардай борган сари қораяди. Кўчаларда судралиб, ҳар бир йўлиққанга осилиб, «севган»дан ўпиш, «севмаган»дан қўпол бир туртки еб яшаш кўз олдига келади.

Сўфи одамларни «фалоҳ» (қутулиш)га чақирган вақтида кампир ҳам... узилди. Энди қиз бечора ҳали қанотини ростламай туриб онасини ва уясини йўқотиб қўйган қушдай бўлган эди...

Она ўлди.

Ҳеч ким билмасдан, сезмасдан кўмилди...

Кампирнинг ҳеч кими йўқ эди. Лекин кампирнинг «ҳар кими» бўлганда ҳам унинг кўнглини ҳам билмаган эди. У онасини ўзининг аламли кўнглида аллақачон... аллақачон кўмган эди.

Кенг юрт...

Кўп халқ...

Кампирнинг ўлгани, кўмилгани бир маҳаллага ҳам билинмагани билан, қизнинг «аллаким» билан ўйнашиб юргани ҳаммага билинган, бутун шаҳарга доврўқ бўлган эди.

Ахир, қиз ҳеч ким билан ўйнашгани йўқ-ку! Уни: «Уйимда хатми ҳожам* бор, нонингни тугал оламан, юр менинг билан бирга», деб олиб кетиб, куч билан босган Улмасбой эди-ку! Қиз беш-олти йил уйда нон ёпиб сотиб, биргина онасини боққани ҳолда, ҳеч кимга қий-шанглаб гапирмаган эди-ку! Қизда қилча ҳам гуноҳ йўқ-ку!.. Лекин бу ҳақиқатни Улмасбойнинг уйдаги девор ва теразалар билан ўша ерда қолган нон саватидан бошқа ким билади? Ким? Ҳеч ким! У жонсиз нарсалардан ун чиқмаса, овоз эшитилмаса, товуш келмаса, нима қилайлик? Нима?..

Орадан роса икки йил ўтмади — бечора қиз икки эрга тегиб чиқди. Бурунроқ унинг ёшлиги, ҳусни, тозалиги, бир оз умиди бор эди, энди у нарсалардан ҳеч бири қолмади. Сўнгги эридан чиққан вақтида устида бир қатор эски кийими, бошида «худо урган» бир паранжи-чиммати қолиб эди. Ундан икки-уч ой ўтгач, паранжи чиммат ҳам ташланди. Энди эски, йиртиқ бир қатор

кийим, эзилган юрак, чарчаган гавда, гангиган эсгина
қолди...

III

Суд.

Ибратли суд.

Кичкина masjidнинг кенг саҳни одам билан лиқ
тўлган. Бизнинг кичкина «тарзан»ларимиз* — ёш бола-
лар, теграсидаги дарахтларнинг шоҳларига чуғурчиқ-
дай ёпишиб олғонлар. Мингларча халқ тўпланган жой-
да — пастда шовқин кам, юзтача «ўзбек тарзанлари»
тўпланган жойда — юқорида дарахт шоҳларида катта
шовқун:

— Аҳмад, қаердасан?

— О... Йўлчи! Йўлчи ҳов! Йўлчи!!! Бормисан?

— Эргаш! Бу ёққа кел! Мен бу ёқдаман!

— Тўхта, туш дейман! Туш! Бўлмаса, тепиб юбо-
раман.

Айбланувчи қассоб Улмасбой Абдуқодир ўгли қиш-
лоқдан нон олиб келган бир қизнинг номусини бузиш
билан айбланади.

Суд тинч ўтаёттибдир.

Сўроқлар тугади.

Шоҳидлар ҳам бир-бир ўтдилар.

Айблағувчилар гапирдилар...

Оқлағувчилар вайсадилар...

Аллакимлар исбот қилди...

Аллакимлар тондилар...

Айбдор сўз олди. Тонди, гапирди, гапирди, ўзини
оқлади...

Унинг сўзи тугаётганда паранжисиз «папка» кўтар-
ган ёш бир хотин тўғри суд ҳайъати ёнига келди. У без-
гакдай титрарди.

Суд кишилари, оқлағувчи, қоралағувчи, шоҳид, то-
мошачи... ҳамма, ҳамма унга тикилди. У бир оз ҳушсиз
қараб тургач:

— Менга сўз!..— деб бақирди.

Халқ қоралағувчиси уқтирди:

— Бу киши хотинлар шўъбасининг раисаси! Масала
бир хотиннинг номуси устида бўлгани учун мунга сўз
берилсин!

У гапни тугатмасдан туриб хотин бақирди:

— Сўз!.. Сўз!..

Бердилар.

Яқинга келди. Ҳамма жим қолди. Масжиднинг кенг саҳни тўлди, балки кўмилди.

Вақт ўтади...

Ҳамма кутади.

Хотин жим...

Ҳаммани изтироб босади.

Бечора хотин қалтирайди. «Тўхта, арпирак»нинг шоҳидаги пачгидай қалтирайди...

Бошлади. Бирдан қаттиқ бошлади.

— Мен новвой қиз эдим... Беш йилдан бери нон ёпиб, ўзим сотиб қари онамни боқар эдим... Бир кун... Бир кун...

У ёғини айта олмади. Нафаси оғзига тиқилди, бўғилди, бадтар қалтиради. Сўнгра бирдан ёввойи бир «дод» чиқариб йиқилди.

Пастдан ҳам бир хунук «дод» чиқди. Сўнгра айбдор ҳам йиқилди. Икковини суяб олиб кетдилар. Суд бузилди.

Яна суд бўлганда...

Денгиз — қиз қуллардай жим туриб сўзлади.

Қирғоқ — Ўлмас тоғлардай тинч туриб тинглади.

Қирғоқ ағдарилди.

Тоғ йиқилди.

Денгиз мавжлари ва тўлқинларини қучоғига олиб, уларни қирғоқлардан сақлаш, кўриқлаш қайғисига ботди.

КИЛЕУПАТРА

Эй, Мисрнинг тангриси, Нилнинг маликаси Килеўпатра!

Ойдин кечаларда, сирли Нилнинг бўйларида узун этакларингни майсалар, гуллар устидан судраб юруб янги очилгон вафо ҳидли нилуфар чечаги узубсан. Ўзингни елпиб турғучи қулга чечакнинг фазилатларидан гапирганингни эшитдим: «Бу гул сувда ўсиб, сувда етишиб, яна сувда битадир»,— дединг. Биламан, тенгсиз қиз, биламан. Нил суви билан ўсган нилуфарни қанча мақтасанг ҳам оздир.

Менинг бағримда-да севги ҳидли бир нилуфар ўсмакдадир. Уни сувлаб ўсдирган, етишдириб турғон нарса меним «нилий» кўзларимнинг ёшидир. Не аччиғ, не заҳар, не тотлиғ — тўйуб бўлмас тоти бордир унинг!

Юзларингни энг оддий бир бозор қизининг юзларидай кўрксиз қилмоқ учун алам ҳидини соча бошлағон чоқда сергак бўл-да, менга яқинлашма! Юзлари қайғидан — сен узуб ташлағон Нил гулларидек — сўлғон ошиқларингга айт, келсинлар унинг севги ҳиди сочқон чоқларида ким, юзлари бурунги аслига қайтсун!

Гўзал Қилеўпатра! Отанг фиръавнининг* заҳарлари қадар аччиғ заҳарларни унинг кўк япроқларидан — истаганинг қадар — ола биласан. Ўзингнинг юзларингдек юмшоқлик ва малоҳатни яна унинг қизил япроқларидан эма биласан.

Балки эсингда йўқдир.

Бир кун отанг билан чиққан овдан чарчаб, ўзинг ёлғиз қайтиб келдинг. Чарчағон бўлсанг-да қарамасдан югуруб Нил бўйига тушдинг. Утган тонгда бир ҳиндистонли ошиқни тимсоҳнинг оғзига ташлаб берган жойингдан бир тўплам нилуфар чечаги йиғдинг. Ҳарам уйингнинг айвонидаги супачага жой солдириб ётдинг-да, ҳалиги гул тўпламини қизил ипак билан бошингга осдириб қўйдинг. Уйчан, қайғили кўзларингни Нилнинг устида каби кўрунган ойга тикиб олиб, тўймаслик билан гулни ҳидлаб-ҳидлаб ва шунга алданиб уйқуға кетдинг.

Тонгга ҳали йироқ эди.

Ой ёғдусини бутун тўлалиги билан сепиб, ер юзини сутдек ёруғига кўмуб ташлашга тилар эди. Миср — у сирлар ва яширинликлар уяси бўлғон Миср ўзининг бутун гўзалликлари билан бирга ухлар эди. Қатор-қатор фаллоҳ* қишлоқлари, қатор-қатор эҳромлари*, қатор-қатор абулҳавлари*, хавфдан титраб турғон бани Исроилга* махсус маъбудлари билан бирга ухлар эди. Нил — оппоқ оқариб, тала ўртасида илондек буралиб ётқон Нил ҳам кечанинг шу шарпасиз қучоғида жимгина ухлар эди. Отангнинг ҳашаматли саройлари, хурмозорлар бирга-бирга, бир тўплам ҳалоқат, бир қора ғужум бўлуб ухлайлар эди. Сени елиб турғон қулча елпуғичи билан, соқиянг косаси, чолғичи қизинг чолғиси, кеча тоғлардан олдирғон подачинг найи билан ухлар эди.

Сенгина, сен — фиръавн қизи, даҳшатли фиръавнининг юмшоқ қизи — уйғондинг. Сени эркалатиб ухлатғон нилуфар гулларинг сўлғон эди: нозик қўл билан нозик ипини бир тортдинг — узулди. Гулни — ҳеч қизғонмасдан* — ғужумладинг-да, бош томонингга иргит-

динг... тушди кетди! Сен гулни ғужумлаган тинда* бош томонингдан, боқчадан «оҳ» тортқон бир товуш келди; у бақирғон сенинг ошиқларингдан, эртага Нилнинг тимсоқлар тўлуғ қучоғиға киратурғон бир шаҳзода эди. Сен товушингни чиқармадинг, балки, эшитмагандирсан?!

Гулнинг сўлғониға жонинг чиқар даражада қизигон* эдинг.

Туруб бориб яна бир тўплам гул узуб келмакчи, унинг ҳиди билан тонг отдирмоқчи бўлур эдинг. Аммо буни қилмадинг, қила олмадинг, сўнг ортуқ тушунмакка*, кўзингни бир нуқтаға тикиб оғир-оғир ўйланмоқға бошладинг. Бирдан турдинг, хизматчилардан бирини уйғотиб гулга юбормоқчи бўлдинг шекилли, у ёқ-бу ёқға қарагач яна ётдинг. Яна оғир-оғир тушунар эдинг.

Нақ бошингда — айвоннинг пастиди — қараб турғон мен секингина бошингға келдим.

Сезмадинг.

Секингина бағримдаги гулни олиб бошингға ташладим.

Билмадинг.

Унинг ҳидлари сени бўшаштира бошлади. Шулар қадар бўшашган эдингким, сен Қилеўнатра бўлуб бунча яхши ухламағон эдинг. Кун ўзининг ўткур тигларини юмшоқ юзларингға санчғонда-да, уйғонмас эдинг.

Ён-берингдагилар уйғондилар.

Кўрдилар ким, сен ҳеч бир турмишингда кўрулмаганча тўлуб, тошиб, қайнаб, роҳатланиб ухлайсан. Ҳеч ким уйғотишқа журъат қила олмади. Отанг фиръавндан сени сўраб келган кишиға пойлоқчи кампиринг: «Ул кўб тотли уйқудадир», — деб жавоб берди.

Бош томонингда эндигона бош кўтариб келатқон ёппа-ёлғиз хурмо оғочиға суянганим ҳолда мен сени кузатар эдим. Мен сени-да, ён-берингдагиларни-да эркин-эркин кўрганим ҳолда, билмадим нима учундир, сенинг қулларинг, жорияларинг*, оқсоч ва чўриларинг мени кўрмадилар ёки кўрсалар-да: «Бу-да бир бечора ошиқдир, бу-да эрта-индин Нилнинг қурбони бўлур», деб ўйлайлар эди.

Фақат унлар янглишалар эди!

Мен бош томонингда ўлтуруб сени кузатганим билан-да, кўзим — кўнгил кўзим сира сенда эмас эди. Меним кўзим ўзимизнинг мутакаббир, семиз, даҳшатли Амуда* эди...

Ниҳоят кўзингни очдинг. Бошингни қалдиратиб туруб эснаш-ҳидлаш, сезгингнинг бутун кучи билан гул исини эснадинг*. Сенинг севгисиз бағрингга юмшоқлик сепиб турғон гулим шул тинларда бутун борлиғи билан сенинг тегрангга севги ҳиди сочиб турар эди.

Севгисиз кўнгилга севги ҳиди, билмадим, қандай хуш келди?

Фақат, юзларингнинг тағин-да яшариб кетганлигини очиқ-ойдин кўрдим ким, мана бу гулнинг таъсири эди. Ёнингдағилар ҳам сенга ва сендаги ўзгаришга тонгга қолалар, лабларини тишлайлар эди.

Кўзларингда яна уйқу кўланкалари учқони кўрилди, яна ухламоқ истадинг. Фақат, ҳиди тегрангни қоплағон сўлмас гулнинг қайда эканини билмак истаги уйқу истагидан ортиғроқ эди. Шунинг учун-да бошингни қалдиратиб, кўзларингни ўйнатиб, тинсизгина* уни излар эдинг. Ниҳоят сўрадинг:

— Бу хуш ис қайдан келадир?

Ёнингдағилар бирдан жавоб бера олмадилар. Бир — иккинчисига, иккинчиси учинчисига қарай бошлади. Фиръавн қизи эмасмисан — дарров ғазабинг чиқди:

— Шунини ҳам билмайсизми? Мен сизни нима учун боқиб ўлтураман?

Бир ҳабаш хотун дудулуб-дудулуб жавоб берди:

— Боқчадан!

Кулуб юбординг.

— Хурмозордан!

Яна кулдинг.

— Нил бўйидан!

Бу йўли аччиғинг келди:

— Жим! Тентакмисан?— дединг. Тиндилар...

Бир қизиқчи кампиринг бор экан, маймун каби қи-хихлаб келди-да:

— Нариги дунёдан!— деди. Шарақлаб кулуб юбординг. Кампирнинг кайфи келди:

— Нариги дунё деганим, яъни — гўристондан!— деди.

Бу йўли кулмадинг. Бироз қовоғингни буруштирдинг-да:

— Маъни бериш керак эмас. Бу хурмоға туз сепган каби бўлди,— дединг. Шунда мен сенинг ақлингни олқишлағон эдим.

Бирдан ўрнингдан туруб, юзингни боқча томонга қаратиб тиз чўкдинг. Бошингдан бир болишни олиб таш-

ладинг, орадан гул келиб чиқди, севиниб кетиб «Мана тобдим!» деб дарров қўлингга олдинг.

— О-о... Бу гул ёт гулдир, Миср гули эмас!

Ёнингдағилар яна тиндилар.

— Қайдан келди бу? Ким келтирди?

Яна жавоб бўлмади. Қизидинг:

— Нимага индамайсиз? Тилингиз узулдими?

Унлар қалтираб, титраб бир-бирларига қарамоққа бошладилар. Билдим ким, сенинг аччиғинг ёмон қўзгалса, у заволлиллар учун ёмон бўлар эди. Шунинг учун югуруб бошингга келдим. Ортиқ такаллуф қилмай, ортиқ ерларга эгилмасдан бошим билан ҳурмат саломи бердим-да:

— Гулни мен келтирдим, у меним гулимдир,— дедим.

Сен дарров сўрадинг:

— Сен кимсан?

Тинчгина жавоб бердим:

— Мен бир адашиб келган кишиман.

Қўзларинг оғули ҳаваслар билан менга қарай бошлагон эди. Бирдан юзингга жиддият кирди, шамол тезлиги билан юзимга:

— Адашиб келган бўлсанг, йўл кўрсатсинлар, кет!— деган сўзни ташладинг.

— Гулимни олайн-да, кетайин, хўп!— деб гулга қўл узатдим.

Амирлар товуши билан бақирдинг:

— Тегма, у гул мунда қоладир!

Тўқтадим. Ўзинг кўзингни узмасдан менга қарай эдинг.

— Йигит, сен ёмон тилак билан келмадингми?

— Йўқ, тескарисидир: энг яхши ва тўғри тилаклар билан келдим.

— Айт, нима учун келдинг?

— Севганимга Миср нилуфаридан бир тўплам олиб келмак учун келдим.

Бирдан уйғондинг.

— Севганингми бор?

— Бордир.

Шошилиб-шошилиб сўрадинг:

— Фиръавнинг қизи эмасми?

— Йўқ.

— Нил бўйида эмасми?

— Эмас.

— Қайдадир?

- Аму наҳри бўйида.
- Аму... Гул кимники?
- Боя ҳам айтдим: меники.
- Ким учундир?
- У учун.
- У кимдир?
- У... менинг Килеўпатрамдир.
- Жим! Мендан бошқа Килеўпатра йўқдир.
- Сен Миср, Нил бўйи Килеўпатрасисан, у эса

Ҳазар бўйи, Аму Килеўпатрасидир.

- Жим!
- Севгида жимлик бўлмас.
- Гул Аму сувиндами ўсмишдир?
- Йўқ... Кўзларимнинг ёшида ўсмишдир.
- Оҳ!

Кўзларингда томчи-томчи ёшлар кўринди. Бошингни ёстиқга қўйдинг-да, ўйга ботдинг. Бироздан сўнг ўрнингдан турдинг.

— Ол гулингни!

Олдим. Ўзинг олдимга тушдинг, менга «орқангдан юрмак учун» ишорат қилдинг, юрдик. Этакларинг ҳар-ҳар ерларни супуриб борар эдилар. Бир уйга кирдик ким, зийнати мени тонгга қолдирди. Сен олтун оёқли юмшоқ супачага ўлтурдинг; сенинг ишоратинг билан мен ҳам ёнингга ўлтурдим. Сўз бошланди.

- Нега Нил бўйи нилуфарлари тез сўлалар?
- Унлар оддий гул бўлғонлари учун.
- Сенинг гулинг нега тез сўлмайди?
- У сира сўлмас!
- Нима учун?

— Меним кўз ёшимда битиб, меним кўз ёшимда ўсгани учун.

— Кўз ёш тубда* аччиқдир, бу нимага аччиғ эмас?

— Мунинг-да аччиғ ҳид сочқон чоқлари бордир. Бу севги чечагидир, умидлик кўз ёшларини ҳам кўб эмгандир. Шунинг учун тотлидир.

— Менга қолдириб кетмак истамаганинг нима учун?

— Ўзимники бўлғон учун!

Тиндинг. Фақат, кўзларинг эгри ҳаваслар билан тўлғони ҳолда менга қарайлар эди. Сенинг қарашларингда хиёнат оловларини очиқ сеза бошлағон бўлсам-да, тиндим.

- Мен гулсиз қола билмайман.
- Сенинг учун мундоғ гуллар йўқ эмас, бор.
- Қайда?

— Истасанг Нилнинг бўйларида, истасанг шаҳар кўчаларида.

— Йўқ, ишонмайман — бўлмас, топилмас. Ҳам бу гулнинг эгаси бўлгон гўзал сира Миср Килеўпатраси каби бўла олмас.

— Менинг қарашимда ундан ҳам ортиғдир.

Бу жавобимга аччиғинг келмади, сўзни бурдинг:

— Мен шундай гулни қандай қилиб топаман?

— Нилга ташлангон, тимсоҳларга ем бўлгон ошиқларингда шундай гуллар бор эди.

Сен жиддийлашдинг:

— Йўқ, — дединг, — яхши ишонгил ким, улар менга гўзал бўлгоним учун эмас, фиръавн қизи Килеўпатра бўлгоним учун «ошиқ» эдилар. Биргина киши бўлсун чин севиш билан севгани йўқдир. Агар сенга ўхшагон бўлсалар... Мен уларни Нилда эмас, кўзимнинг қоралари орасида сақлар эдим... Мен уларни биламан: улар бир қўрқув олдида мени унуталар. Шунинг учун мен уларни қўрқинч тимсоҳларга ем қилдим. Сенда бу йўқ. Сен фиръавн қизи Килеўпатра ёнида турғонинг ҳолда...

— Аму бўйида тургон кабиман!

Жим бўлдик.

Сўзни мен бошладим:

— Боқчангда бир ошиқ бор, чин ошиқдир.

— Сўзлама! У мени эмас, менинг жорияларимдан лубнонли* бир қизни севадир. Шунинг учун мен унга тегинмадим.

— Шундайми? — бармоғимни тишладим.

Шул вақтда кўзим кўзингга тушди: ёмон қўрқинч тус олгон, қизигон эди. Ҳар иккаласидан хиёнат тўлуб тошар эди. Қўрқа бошладим. Локин яна тиндим...

Кичкина бир ишоранг билан уйда ҳеч ким қолмади; пардалар тушди, нариги ёқда ингичка чолғи товуши аралаш қизлар қўшуғи эшитила бошлади. Танингда бир ҳовлиққанлик сездим. Ўзимда-да чолғининг таъсири билан бир тўлқун бошланди. Чолғи, сездимки, эҳтирос куйини ўйнар эди. Муни сенинг хоин, кулган ва қуюқлангон кўзларинг ўйнаб-ўйнаб кўрсатар эди.

Чолғи бир даражага етди ким, мен бўшашиб секингина ёнбошладим. Бу чоқ сенинг, танингнинг ўтдек қизигони ҳолда менга яқинлашқонини билдим.

Қалтирар, қўрқар, кўз олдимда ўз Килеўпатрамнинг хаёлини истар эдим. Оҳ, хиёнат дамларида ул нечик келсун!

Яна гул кўмагимга етди.

Сен — мени ўзингнинг эҳтирос кучинг билан маст қилиб — гулимни ва йигитлигимни тортиб олмоқ истаган эдинг. Ишни шул даражага етказган эдинг ким, менда қаршилиқ қилмоқ учун куч қолмагон; мен бутун эҳтиросим билан хоин танларингга илондек ўралиб кетган эдим...

Бирдан гул ўлимлик ҳидини сочди.

Мен уйғондим, эҳтирос танимда ўз-ўзидан эриб йўқ бўлди.

— Сен — юзларинг сўла бошлаб — бўшашиб йиқилдинг.

Мен гулимни қўлга олдим-да, тўғри Нил бўйига чиқдим. Ўзимнинг гулимни Нилнинг сувларига, кўкат-майсаларига «кўст-кўст»лаб юруб, ўз Килеўпатрам учун бир тўплам нилуфар йиғдим-да, йўлимга кетдим...

Мен Аму бўйига етганимда орқамдан бир каптар учуб келди ва сенинг шу хатингни топширди:

«Йигит!

Мен бутун дунёга машҳур фиръавннинг қизи гўзал Килеўпатра бўлғоним ҳолда чин ва соф бир севги учратмадим. Чин муҳаббат эгаларининг кўз ёшларида етишатурғон узоқ умрли, вафо ҳидли нилуфарни сенинг қўлингга кўрганимдан бери кўрмадим.

Оҳ, унинг мен ухлаёлмай ётқон чоғимда сочқон ҳидлари қандай эди? Сира англаёлмайман. Сен «севги ҳиди», дединг шекиллиқ. Оҳ, агар севгининг бир чечагидан чиққон ҳиди шундай бўлса, унинг ўзи қандай нарсадир? Кошки сева билсам, ўзимнинг энг ҳақир кўрган қулимни бўлсада сева билсам!

Сени севдим, деб ўйлағон эдим, ўзинг кетгач билдимки, у сенга — сенинг йигитлигингга бўлғон шоҳона бир муҳаббатгина, бир ҳавасгина экан...

Оҳ, ул гулингга нима деяй экан? Агар ул ёмон ҳидини сочмаса, бир зумда пайдо бўлғон тентак бир ҳаваснинг қурбони бўлур эдим. Софлигим кетар эди. Оҳ, у софликнинг ҳақиқатда нима аҳамияти бор? Бўлди нима, бўлмади нима? Тубда софликни-да сақлаб қолатурғон муҳаббат керак эмасми?

Менда у йўқ...

Шунинг учун софликнинг аҳамияти ҳам йўқ... Тахтнинг, салтанатнинг қайғидан бошқа яхшилиги йўқ... Гўзал Нилнинг гўзаллиги йўқ... Хурмо ўрмонлари ваҳший... Нилуфарлар вафосиз... умрлари беш-ўн нафас...

Кел, менга соф муҳаббатдан бироз сўзлаб бер!
Энди эҳтиросга берилмайман, кел.
Мен-да соф севиб, севилмоқ истайман...

Миср, Нил бўйи. Килеўпатра».

Гўзал Килеўпатра!

Хатингни олдим. Аму кўпурмишдир, тошмишдир.
Амунинг тошқини ўзимнинг Килеўпатрамга-да, сенга-да
йўлни тўсди. Гулим ҳам ҳозир етим қолди...

УКТАБР ҚИЗИ

Шовқун, ғалва, қий-чув босилди. Парда кўтарила
бошлағон эди.

Ёшлиғидан қаттиғ гапириб, шовқун қилиб ўрганган
кишилар ҳозиргина давом этдириб турғон шовқунла-
рини тўқтатиб, жим бўлдилар.

Ҳар ким турғон ўрнида, сўнгги вазиятда қимирла-
май тек туриб қолди. Кенг чўзуқ саҳнада (заминда)
ингиллаб учуб борғучи чибиннинг товуши ҳам қулоққа
баҳузур эшитилар эди. Кўзлари саҳнага тикилган ҳар
бир кишининг кўкраги кўрилмаган бир нарсани кўра-
турғон чоғдаги каби юқори-қуйи ҳаракатини тезлатган,
ҳар ким ҳаяжон билан тин* ола бошлағон эди...

Кўк қарға шоҳидан узун ва текис қўйлак* кийган,
узун қирқ кокил сочли ёш бир қиз чаб қўлида дуторини
ушлағони ҳолда саҳнага чиқди ва саҳнанинг ўртасида
туруб келинчакларнинг қайин оналариға берган салом-
лари каби тавозуълик бир салом берди...

Саломга «алайк» ўрнида бир қарсак тўфони кўта-
рилди.

Қиз қарсаклар остида саҳнанинг юқори томонида ус-
тига шер териси пўстак ёпилғон супачага келиб ўлтир-
ди. Дуторнинг қиллари устида унинг бармоқлари ша-
мол юмшоқлиғи билан югура бошлаб, унинг ҳали бузул-
мағон қиз товуши саҳна ва саҳн мебилларига урулишиб,
суйкалашиб чопиб юрғон чоқда мингларча кишини ўз
қўйнига олғон кенг ва узун саҳн гўр тинчлиги, ўлим
жимжитлигига ётқон эди...

Ул ўзи отасиз, онасиз, қавми қариндошсиз етим бир
ўзбек қизи эди

Унинг қизлиғи етилиш нуқтасига яқинлашиб келганда ўзбек саҳнаси ҳам ёш ва чанқоғ қучоғини ёш кучларга эркин-эркин очиб келар эди. Ўзидаги санъат ҳаваси ҳам оила ҳаётида бўлгон эркинлик уни тўрт девор орасидан секингина тортиб олиб саҳнага отди. Саҳнанинг санъаткор, масрур қучоғида халқ дардларини ёшатмоқ истаган ўтли ёшлар уни ўзбек саҳнасининг илоҳий бир гули каби қарши олдилар. Унга бироз тарбия бердилар, унга оқ-қорани танитдирдилар, уни саҳна билан яхши таништиргач халқнинг ўз дардларини ўзига тўкиб бермак учун саҳнага чиқардилар.

Ўзбек қизининг ўз оғзидан, ўз тили билан тўкилган ўзбек дардлари, унинг дуторининг ижирғанувчи товушлари билан бирга ўзбек халқининг занг босиб келаётқон дилларига шунча яхши таъсир қилди ким, занглари секин-секин ювулуб, артилиб борғондек бўлдилар.

Шунинг учун халқ руҳи уни севди.

У саҳнага чиққон кунни унинг оёқлари остида бу халқ маҳшари, бир одам қиёмати уюшар эди. У халқнинг ўз қизи бўлуб қолди. Унга халқ ўзи Ваннайчахон деб от қўйди. Халқнинг қўйғон оти қари чоллардан тортиб кичкина болаларга қадар ҳар ерда, ҳар жойда, ҳар вақт такрор этилар эди: «Ваннайчахон!»

Халқнинг руҳ озуқиға муҳтож бўлгон кўнгли гоҳ-гоҳ ўз қизи Ваннайчахоннинг ихчам бармоқлари билан ширин тилларидан ўзига озиқ олар эди.

3

Бир совуқ шамол келди.

Дарахтлар сарғайгон баргларини чирс-чирс узуб ернинг қора қучоғиға ирғитдилар.

Қушлар кўзларида йироқдағи иссиқ ўлкаларнинг шаклини гавдалантириб ва мияларида хурмоли ўрмонларнинг завқини жонлантириб тўп-тўп, якка-якка бўлишиб, ғурбат харобалари устидан учуб ўтуб кетдилар.

Кўм-кўк кўйлакли толлар доғ тушиб сарғайиб қолгон кўйлаklarини йиртиб-парчалаб тупроқлар орасиға кўмдилар-да, ўзлари яп-яланғоч, қуруқ гавда билан қолдилар.

Йироқлардан қарғаларнинг мудҳиш нағмалари, шодлик куйлари эшитилди.

Бориб кўрдилар:

Пахта каби оппоқ тан, кўк қарға шоҳидан кўйлак — қонга беланган.

Бош тандан айрилғон ҳолда, қон суркалган қора сочлар устига ёпилғон.

Гўзал қора кўзлар жаҳаннам чуқурлиғига ботқонлар.

Юздаги нурлар йироқ ўлкаларни эслаб учуб кетган қушлар билан бирга кетганлар.

Ваннайчахон ўлган...

Ваннайчахонни эри ўлдирган...

Шафқатсиз эр халқ қизининг ҳаёт бўғизларига пичоқ қадағон...

Ваннайча милиўн сонлиқ ўзбек хотун ва қизлар ўрдусининг ёлғиз биргина осияси, биргина боғияси эди.

Ваннайча турмушга, қуллар, чўрилар турмушига исён қилғон, кишанларни юмшоқ қўли билан узган, парчалағон бир ўзбек қизи эди.

Ваннайча Уктабр туфайли қулликдан қутулғонлиғи учун Уктабр қизи эди.

Уни бешинчи қатла келатурғон Уктабр кўра олмади...

Бешинчи марта келатурғон Уктабрда у халқ дардига тилмоч бўла олмади...

У ўзини эркинликка чиқарғон Уктабрни оч ернинг қора бағрида қарши олғусидур...

4

Қушлар йироқларга учдилар...

Улар билан бирга Ваннайчахоннинг руҳи ҳам учди...

Шунинг билан халқнинг руҳидаги бир парча олов ҳам ўчди, сўнди...

Халқ Ваннайчахоннинг руҳини йироқларга учқон қушлар билан бирга учуб кетганини билган, сезган бўлса керакдурким:

Ҳаводаги бўз тўрғай
Бўзламасанг не бўлғай?
Ваннайчахон дардини
Сўзламасанг не бўлғай?

деган...

Бу Ваннайчанинг ҳаётидан-да, ўлимидан-да сирли ва маъноли сўзлардир...

Ваннайча — эркинликка интилгучи бир ўзбек қизи.
Ваннайча — Туркистонда Уктабр томонидан озод қилинган анъаналар қули.

Ваннайча — содда бир осия*.

У — франсуз ҳуқуқ нисони (феминизм)нинг* тимсоли мужассамаси бўлган Жузанна Волантин эмас...

Унда Жузанна Волантиннинг юксак фалсафий, илмий қарашлари йўқ.

У Жузанна Волантин каби оила турмишига, эр-хотун бўлуб турушга қарши қўзғолган эмас.

У франсуз муҳаррираси Марсел Тиндир ўйлагонча жаҳоний аламлар билан қайғирган қиз эмасдир.

У фақат Туркистон қуллуғига, мусулмон анъанасининг беҳуда таассубига қурбон бўлган бир ўзбек қизидир...

Гулидан айрилган саҳна, кел, кўнглингдаги аламларга қўлимдан келган қадар тилмочлик қилай! Қиздан айрилган халқ, кел, қайғиларингни ўртоқлашай!

Неча милиўнлик заиф қуллар орасидан биргинасини қутқарган Уктабр, кел, сенинг бешинчи ёшингни унинг хотирасига кўмилган ҳолда қарши олай!

Унинг руҳ уяси бўғизларида ўткур пичоқни ўйнатқан қотил, кел, бутун шу милиўн қуллар ўрдусининг барча лаънатини қора юзингга ирғитай!

Халқнинг алами, саҳнанинг қайғиси, қуллар ўрдусининг қарғишлари ўзимнинг кўз ёшларим ва Уктабрнинг ғазабидан йиғилган гуллар тўпламини, кел, эй ўзгариш қизи, қуллик севгучиларнинг юзлари каби қора бўлган қабр тупроқларингга Уктабр тонгида сочиб, ёйиб юборай!..

ТАРАҚҚИЙ

Шунинг билан тараққий қилиб бўлурми?

Ҳали кун буткул ётиб кўрунмай кетгани йўқ эди. Ҳали биз турган тўрт ёғи баланд девонлик қалъа каби ҳавлига ҳийла қоронғи тушуб қолган бўлса-да, ёнимиз-

дағи масжиднинг қари, қулоч етмас қайрағочининг учидан куннинг бир қучоқ қадар шуъласи ўчар-ўчмас бўлуб турар эди.

Илҳом бир марта соатига, яна бир марта масжид қайрағочининг учига қарагондан сўнг:

— Ўртоқлар, уже время,— деди.

Мен ўзим билиб туруб яна, нимагадир, сўрадим:

— Хўш, қаерга борамиз?

— Қартинага!

Мен Илҳомнинг одатини яхши билар эдим, шунинг учун унинг сўзи билан картинага чиқмоқни истамас эдим. Лекин Илҳомга индамасдан Салоҳиддинга қараб:

— Салоҳ, картинага чиқишга сира тобим йўқ, бошқа бир ерга борайлик,— дедим.

Салоҳ сўради:

— Майли, бўлмаса қаерга борайлик?

— Борамиз бирор ерга.

— Сиркга борайлиқми?

— Унда нима бор?

— Танса...

— Картинадан қочқон киши «танса» учун сиркга борадими?

Бизнинг сўзимизни диққат билан таъқиб қилиб тургон Илҳом бирдан ўрнидан туруб:

— Ну, ўртоқлар, вопросни мен решил!— деди.

Биз сўрадиқ:

— Хўш, қандоғ?

— Самый яхши маслаҳат шул ерга борамиз — городской садга, ов қиламиз, ов!

Салоҳ менга қараб хоҳлар-хоҳламас:

— Йўқ-эй, яхши эмас,— деди.

Иш бу даражага етиб ҳар кимнинг фикри билингандан кейин мен ҳам тилагимни очиб айтдим:

— Сўфи бобонинг олдиға кирамиз. «Урус келди*» да бўлгон гаплардан, ўшал вақтдағи хонларнинг, бекларнинг қилгон ишларидан гапириб беради, эшитиб чиқамиз. Сўфи бобо Қўқон хонлари билан Бухоро амирлари орасидағи беҳуда ғалваларни жуда яхши билади, бир эшитар эдик,— дедим.

Салоҳ бирдан эътироз қилди:

— Шу ҳам гапми? Эски, мияси чуруган бобойларни лақиллатишдан нима фойда?

— Фойда асли шунда. Сўфи бобо жонлик бир тарих,— дедим.

Бу сўзимга иккаласи ҳам баробар эътироз қилдилар:

— Шунинг билан тараққий қилиб бўладими?

Картинага чиқдиқ.

Локин картина қолиб кетди, боқчада ов қилиб юрубмиз.

Мен кўб бўшанг худо ургон эканман ким, шу «хунар»ни ҳеч ўргана олмадим.

Уртоқларим ҳар бир ўтган «этаглик»нинг* орқасидан селдек «ширин сўзлар» (кампилимент) ёғдирғонда, мен уялиб, қизариб ерга қарайман.

Мунга Илҳомнинг аччиғи келди:

— Шу ҳам қилиқми? Бироз очилсанг-чи? Қизарғонини...

Меним узурим катта:

— Қандай қилай? Урганмаганман.

Бунга ҳам баробар эътироз:

— Шунинг билан тараққий қилиб бўлурми?

* * *

Салоҳ билан биз искамияда ўлтурамиз.

Бирдан учтасини етаклаб Илҳом келди. Оғзидан мазалик ва мазасиз гаплар селдек ёғадир.

Биттасини дарров Салоҳ қўлтуқлади. Биттаси Илҳом билан қолди, қора кўйлаклиги менга яқинлашди.

Мен қизариб турибман.

Илҳомнинг аччиғи келди:

— Туришини... туришини! Ну, ушлашинг! Нимага қараб турасиз? Ну, возмите, ну...

Титрадим, секингина бориб қўлтиқладим.

Кетиб борамиз.

Улар иккаласи оғизларига нима келса сўзлайлар, гапиралар, қизларнинг кулгиси дунёни босди.

Мен гапирмак истасам ҳеч бир кишига муносиброқ гап тополмайман.

— Ну, молодой человек.

— ...

— Что нового?

— ...

Қора кўйлаклик Салоҳга қараб:

— Слушайте, почему он ничего не говорит?— деди.

Салоҳ менга:

— Ҳой, гапирсанг-чи, пес! Нима бўлди сенга?— деди.
— Нима гапирай?
— Қартушка, сабзи, пиёз, ошқобоқ... нима бўлса ҳам.

— Шуларни гап қилиб гапирадими?

Бу сўзимга Илҳомнинг жуда аччиғи келди:

— Шу песни нимага олиб чиқдик? Ғўдаймай ўлсун.

Шу ҳам инсонми?!

— Ҳа, инсонлик қандақа бўлар экан бўлмаса? Инсонлик — эгабозлик, ҳар соатда бир гул искаш эканми?

Бу сўзим Илҳомга бошқача таъсир этган экан ким:

— Ҳа ўлманг, шундай ширин сўзларни билар экансиз, шу сўзларни ёнингиздағиға айтмайсизми? Мунча уятчанлик, бу нима?

Бунга Салоҳ қўшди:

— Шунинг билан тараққий қилиб бўлар эканми?

ОҚПОШШОНИНГ ИНЪОМИ

(кулги ҳикоя)

Кеч қолган бозорчилардан бир тўдаси отларига шўх-шўх қамчи бериб кўчадан ўтгач, камқатнов кўчанинг кўпда увалиб етмаган йирик чанглари ҳар томонни булутдек босди. Шундан кейингина masjid жилвонхонасида* ўлтурганлар кўзларини юмдилар. «Туркистон вилояти газети»*ни уларга ўқиб бераётган Мулла Шамсиддин ҳам кўзини юмуб, газет билан бетини тўсди.

— Ҳа, ивирсимамай ўлсин, қишлоқи,— деди у.— Номозшом бўлганда бозордан қайтаётир...

— Кеч қолгандан отга шошилиб қамчи беришини кўринг,— деди яна битта чол.

— Битта-битта юрса ҳам бир нави эди, ҳаммаси ба-лодай тўдалашиб юради тагин.

Сўфининг шу сўзларидан кейин чанг бир оз тарқала тушиб, яна мирзанинг газет ўқуган овози чиқди.

Газетнинг энг қизиқ хабари Маскавдаги виставка тўғрисида эди: у виставкага Санкт-Петербург шаҳридан оқпошшонинг ўзлари келар эмиш, виставкада ўз ҳунарини кўрсатган ҳар бир фуқаросига шоҳона инъомлар берар эмиш.

Дурадгор уста Тўхташ гараниш (приступф) маҳкамасининг мирзаси бўлган Мулла Шамсиддинга юзланиб виставкага аралашув тўғрисида маслаҳат сўради. Пия-

ниста Шамсиддин негадир отахонлар муомаласини қилиб, уста Тўхташнинг виставкага атаб тайёрлайтурғон муюмини ўз қўли билан пўчтага топширишга ваъда қилди. Шомга азон айтилгач, эрмакли қарашлар остида мачитга кираётган уста Тўхташнинг юзларида қунт қилган одам ҳалитданоқ ўюнда ютиб чиққан қиморвознинг нашъасини кўрарди...

Бир ҳафта ўтмасдан ичига каттакон бир ёғоч кавуш солинган посилка — пўчта орқали — Маскавга жўнаб кетди. Ёғоч кавушни аслига қараганда икки-уч баравар зўр қилиб тайёрлаган ва бир пойининг бирёғини елим билан наридан-бери ёпиштириб қўйган устанинг ўз дидлари ва чўтлари, шунга яраша умидлари бор эди.

«Оқпошшо кўради,— деб ўйлаган эди у.— Бу мамлакатдаги фуқароларнинг мунчалар йўғон оёқли бўлишидан қотиб-қотиб кулади. Эҳтимол кийиб кўргиси келади. Кийиб кўради. Бир-икки қадам босар-босмас «тап» этиб йиқилади. Бир кулги беради... Шундан кейин инъом кавушнинг ўзидан ҳам катта бўлади».

Уста Тўхташнинг қора бахтига оқпошшонинг ўзи келмади. Ўз ўрнига аллақандай бир аъён (сенатор)ни юборади. Аъён ёнида Маскав губернатўри ва бошқалар бўлгани ҳолда виставкани қараркан, Туркистон бўлимида уста Тўхташнинг ёғоч кавушига ҳам диққат қилди:

— Нима бу? Қалўшми?

— Шундай, тақсир,— деди бўлим бошлиғи.

— Аъло ҳазратнинг Туркистон ўлкасидаги қайси фуқаролари мунча зўр кавуш кияр эканлар?

— Сартлар бўлса керак, тақсир...

Аъён кулди:

— Сартларнинг оёқлари мунча йўғон бўлса, ўзлари қандай келар экан?— деди.

Кавушни олиб кўрди: анча оғир эди. Яна сўради:

— Бунинг саноатда аҳамияти қандай? Бизнинг «правўдник»* калушлари билан рақобат қилоладими?

Бўлим бошлиғи жавоб берди:

— Туркистонда бизнинг калўшларни туб жой халқ сира киймайди. Қишда ҳам мана шуни кияди...

— Ундай бўлса, ички Русиядаги саноат шаҳарларидан бирида шу калўшга атаб катта бир завўд очиш масаласини кўтарингиз. Ватандош саноат ривожлансин.

— Жуда яхши бўлади,— деди Маскав губернатўри.— Ўрмонга бойроқ шаҳарларимизнинг бирида очайлик...

Аъён кавушни ҳали ҳам қўлида айлантиргани ҳолда:
— Буни кийиб кўрсататурғон биронта одам йўқми?— деб сўраб қолди. Бу савол чақмоқ тезлиги билан бир неча оғизда такрор қилинган, бурун Туркистонда ишлаган аскарӣй тўралардан бири олдинга чиқди:

— Мен биламан, тақсир...

Катта аъёнларнинг мароқли назари олдида бу кичкина тўра ҳаддан ташқари зўр ва қўпол кавушни кийиб бир-икки қадам босар-босмас шоп-шалоплари билан гулдираб ерга йиқилди ва ҳамманинг тортинчоқ кулиши остида залдан чиқиб кетди.

Шунда қари аъён Маскав губернатўрининг қулоғига уста Тўхташга тегишли инъомни эшитдирган эди.

Шоҳона инъомни Маскав губернатўри Туркистон губернатўрига, у вилоят ҳарбий губернатўрига, у, ўз навбатида, уез ҳокимига, у эса ярим кечага яқин телефон билан иккинчи даҳа приставига эшитдирди. Бемаҳал уйқудан уйғотилиб уста Тўхташнинг уйига юборилган Жалол миршаб устанинг эшигини синдиргудай бўлиб тақиллатди. Устадан бурун қўни-қўшнилар уйғониб чиқдилар.

Уста Тўхташ кеча ярмида миршабни кўргач қўрқиб кетди.

— Севинчини катта беринг, уста,— деди Жалол миршаб.— Оқпошшонинг инъомини келтирдим!

Шундан кейин уста Тўхташ ваҳимаси босилиб, юзида ҳайрат аралаш бир севинч ҳосил бўлди. Лекин боши ҳали ҳам гаранг эди. Устанинг ёнидан бор пулини (олти тангани!) қоқиб олгандан кейин, Жалол миршаб унинг қулоғига эгилиб деди:

— Хизматингиз оқпошшога жуда маъқул бўлиб, сизга «испасиба» айтиб юборибдилар!

Уста Тўхташ миршабни жўнатиб, ташқарининг эшигини занжирлаб ичкарига кираётган вақтда кўзига бутун дунё қоронғи эди. Бунинг устига ичкарида тўполон бошланди. Оқпошшонинг инъоми келганини эшитган хотинлар (устанинг онаси ва хотини) талашиб, нарибери гапга бориб қолдилар. Уста соқов сингари тилини сўзсиз қалдиратгани ҳолда, икки аёлни мушт дўлайиб зўрға тинчитди.

Эрта билан гузардан йўлкирага лойиқ пул топиб вилоят марказига келган уста Тўхташ вилоят губернатўрининг муовини томонидан қабул қилинди. Устанинг

тилини ундан яхшироқ билатурғон бу одамга Тўхташ арзини қисқа қилди:

— Тақсир, Оқпошшонинг бу катта инъомлари мендак фақир одамга оғирлик қилиб қолди... Шу учун сизга олиб келдим...

Уста амалдор бу нозик пичингни англади ва таъсирланиб кулгани ҳолда «икки юз сўм берилсин» деган мазмунда бир фармойиш қоғозчасини уста Тўхташнинг қўлига узатди.

Катта инъомни катта амалдорга қолдириб, икки юз сўм пул билан юмшоқ вағўнда ўз шаҳрига қайтаётган уста Тўхташ шу топда товуқ катаги бўлиб турган ёпиқни даранглаган бир уйга айлантиришга қатъий қарорини берган, фақат кимнинг қизига совчи қўйишини билмай ҳайрон эди...

АЙРИЛИҚ ЙЎЛИ

(Наср)

Айрилиқнинг алам отлиқ узун ва қоронғи йўлидан ўтмоқ истаган эдим.

Кирдим.

Кўзимни чип юмиб севги ботирлиғи билан у қўрқунч йўлга кирдим.

Икки томонга «ўлим» чечаклари экилган бу қора йўлдан севги тентаклиги билан эсириб* бироз борғоч, йўл устида қувонуб учуб юрғучи машъум бойўғлининг тўлқунланган қанот қоқишлари сезилди.

У меним устимдан учуб ўтмоқда эди.

Бошимга тегар-тегмас учуб ўтди-да, қанотидан бир неча парни устимга ташлади. Пар бошимга тушди.

Бўшашдим...

Оғирлашдим...

Мени оғирлатдирғучи шум парларни бошимдан олиб ташламоқ учун қўлим қимирламас, қалтирар эди.

Мен бунга қараб турмадим. Чоллар каби судралсамда, илгарига қараб йўл олдим.

Кетдим.

Кун кетдим, ой кетдим, йил кетдим — ёриғлиқ кўринмас...

Йўлнинг ниҳоятдан дарак йўқ. Қоронғулик борғон сайин қужқлаша борар эди.

Бордим.

Яна бордим.

Ниҳоят бўлмади, оёқларимдан куч кетди, заиф гавдам йўл устига чўзулди... Тубиға ботқон кўзларимдан оғу каби аччиғ ёшлар тўқдим. Заҳарлик ёшларимни тўқар эканман, бу йўлчиликни қарғар, ўз-ўзимни шилталар эдим...

Сўнг кўзимда умид ёшлари билан тонг ва ёруғлиқ тангрисини мақтадим, мақтағон чоқдағи кўз ёшларим ҳам ерга томдилар.

Қарғишлиқ кўз ёшларим томғон ердан бир туп тиканлик, оғу чечаклик гул ёғочи ўсди ва унинг қўланса иси тўрт ёғимни ўраб олди.

Умид ёшларимни тўққан ердан эса бир туп тотлик исочғучи, кучсизларга куч бергучи гул ёғочи униб чиқди ва унинг иси тиканлик ёғочнинг исларини бўғди.

Ёруғлиқ ва тонг тангриси ўзи мақталғон ерда кўринди.

Тонг отди.

Ёруғлиқ бўлди...

Тонг ўтар экан йироқларда кўрунган ёруғлиқ чизгининг ичидан қоронғиликларни йирта-йирта сабо париси кела бошлади.

У бизнинг ёнга келганда ислик гул ёғочи келинлар каби эгилиб салом берди.

Сабо-малак учуб ўтар экан ипак этагини бошимга тегизиб ўтган эди, шумли бойўғлининг оғирлик бергучи парлари тушуб кетдилар; у парларни Сабо оймнинг ипакли этаги шунуруб олиб кетган эди.

Мен енгилладим.

Сабо-парининг қўлларидан шудринг доналари учуб меним юзимга тушдилар: мен яшардим, севгим ян, яланди, умидим тозаланди.

Ўзимда куч, севги ва енгиллик сезгач, ислик гулнинг чечакларига бир ҳаво ўпуш юбордим-да, ул ердан секингина айрилдим...

БАҲОР АВВАЛЛАРИ

Қоронғу қиш қора кун, қора тунларин устимиздан кўтаруб чиқуб кетди. Чиройлик, ёруғли, иссиқ офтоб, шоирларча айтканда, нозли қиздай кулуб турадир. Қишнинг зулминдан қочуб узоқ ерларга кетган қушлар энди келуб яна устимизда ва қанотларин қоқишуб юрмоққа бошладилар. Улар ҳозирда ҳаммаси ўзларининг болалари учун уялар солмакда ва оғизларига чўплар қопуб* дарахт устларига ташумакдадирлар. Уларнинг ширин

овозлари қулоқларимиздан кируб, бутун руҳимизга таъсир қила бошлади. Шул тариқа баҳорнинг шафқатли ва марҳаматли офтоби қишнинг зулмига ғолиб келганга ўхшайдир. Энди қишда қоп-қора меҳмонхоналарнинг ўртасига гуруллатуб ўтни ёқуб, ўт атрофида ўлтуруб ҳар хил беҳуда гаплар ила қишни ўткарган деҳқон тоға ва акаларимиз эрта билан туруб елкага кетмонни солиб, бир қўлга қумғон, чой, нон олиб, йўл бўйи ашула қилиб ишламоқ учун далага кетадирлар. Шунга ўхшаш қишда зийнатлик меҳмонхоналарда қалин кўрпачалар устида, катта ўчоқлар олдида, чиройлик-чиройлик болаларга (аслида «дан»—Д. Қ.) каклик кабобларни қилдируб, ўзларининг кўнгиллари тортган дўстларини чақируб, ҳалиги ширин кабоблардан еб қиш ичи семирб чиқғон бойларимиз ҳам ёздаги срукка пул истаб банкага қараб югурадирлар.

Шеър:

Миллат ғами ҳам қарз ғами эсга тушарми?
Кўрпа қалин, пишса кабоб, бўлса жувонлар.

Қиш ичида мактабларда тиришуб-тирмашуб ўқуғон шогирдлар баҳор келаётганига севуниб ва анинг латиф шамолига қараб: «Эй баҳор! Эй ёз! Тез кел. Қиш ичи ўқий-ўқий зерикдук. Биз ҳам имтиҳон вақтига яна тиришуб дарсларни тайёр қиламиз. Сен ҳам латиф шамолларинг ва шафқатли офтобинг ила тез кел!»

Шеър:

Шогирд тиришуб қиш ичида яхши ўқурса,
Ёз вақти юрар сир айтуб жумла жаҳонлар.

Бу муносабат ила қиш ичида ўқитуб зерикган муаллим ҳам имтиҳонни ўтказгандан кейин бўладурғон саёҳатининг планини тайёрлаб турадир.

Шеър:

Саёҳатнинг планин кўрсатур ул вақт ҳамёнлар.
Муаллим имтиҳон яхши чиқуб кўрса гар мақбул,

Мударрисларимиз қишда тушган тўн, чойларни ҳисобламоқда, шаҳарлардаги қоп-қора самўварлар очилуб, хушёқмас халқ самўварларга йиғилмакдадирлар.

Шеър:

Ичинг чой, ўтирунг беҳуда ғийбат сотиб, эй халқ,
Келур қиш бир вақт, қолмас сизга бу даври давронлар.

ҚУРБОН

Қон, қон, қон!

Бечора қўй қассобнинг омонсиз панжасига тушгандир.

Қайроққа тилини суркаган ўткур пичоқ қўйнинг бўғизига тақалмишдир.

Оллоҳу Акбар!

Улуғ бўлгон Оллоҳнинг оти ёд этилгани ҳолда бечора ҳайвоннинг жони олинадир...

Оллоҳнинг ўзи томонидан яшамоқ учун яратилгон бир «жони бор» Оллоҳнинг бошқа ҳайвонларининг бошқа дунёдаги роҳатлари учун қурбон этиладир.

Арабистоннинг одам чидамас иссиғларида танур каби қизигон тошлари устида милиўнларча сўзлагучи ҳайвонлар тўпланишиб, милиўнларча сўзламагучи ҳайвонларни қатор-қатор чизиб қўюб бўғизлайлар.

Бўғизлайлар-да, чуқурга ташлайлар.

Бу-да бир фалсафаи диний...

Қон, қон, қон!

Мингларча, юз мингларча кишилар буёқда, иссиқ Арабистондан мингларча чақирим узоқда яна бир-бирларининг бўғизлариға ханжар тақағонлар, кўкракларига ўқ юборалар, бошларини қилич билан кесалар.

Бу орада сўзлагучи ҳайвонлар яна ўзларидек сўзлагучи ҳайвонларни кесалар.

Тўпларнинг оғизлари йигин-йигин ўлим пуркаб, какраклари* тўрт томонга ажал сочар экан... яна ҳар қайда қўйларнинг ғамгин маълашлари эшитиладир.

Яна қассоблар кучларини ўн марта ортдириб ҳавли-ма-ҳавли қурбонлик қидириб юрадилар...

Фақирлар, бечораларнинг сўнғи тийинларини бирлашдириб, қўшуб, тўплаб қурбонлик олалар, ўзлари каби йўқсул ҳайвонларни ўзларининг жаллодлари каби қизғонмас қассобларнинг қўллариға топширалар...

Яна пичоқлар ҳаракатда...

Яна тўплар ўлим пуркайдир...

Эй, бечора инсон, шу кетишинг билан қаерга борадирсан?

Адашқон арабларни тўғри йўлга солмоқ учун қанча машаққатларни чеккан зот, ажабо, қурбон байрами шарафига «қурбонлик» қилдиришдан шу мақсадни, тўғриси шу «мақсадсизлик»ними кузатган экан?!

Берида, бу ёқда Ислом фотиҳи Қутайба ибн Муслим* ётқон ерда қанча бандалар очликдан қирилиб ётқон чоқда, шу динни таълим беручи зотларнинг кўз олдида мингларча қўйлар сўйилиб, мингларча «қурбонлар» берилиб қорни тўқларнинг роҳатига сарф этиладир.

Арабистоннинг юксак тоғларида, қизгин тошларининг устида милиўнларча қўйлар кесилалар, сўйилалар, бўғузланалар-да... чуқурға ташланалар!

Шунча қурбон, шунча олинғон жон, шунча сўюлғон ҳайвон бир мўъмин-мусулмонни очликдан қутқара олмайдир.

Бир ёқда нимагадир, нима учундир қўй сўялар, қўйнинг гўштини, ёгини ерларга ташлайлар.

Бир ёқда нимагадир, нима учундир шу динга ишонғон бечоралар очликдан қўй каби қирилалар, кўчалар, толалар ва чўлларға ташланалар...

Эй, дунёга маслак тарқатмоққа келган доҳийлар, сизни тангри шунинг учунми юборғон эди?..

ЧОПОН ВА ПАРАНЖИ

Шаҳарнинг дилрабо, чиройлиқ боғлариға кирар эдим.

Кирар эдим мен бир вақтлар шаҳарнинг дилрабо боғлариға.

Қалта, ихчам пичимлик кийимлар кийган озода йигитлар, келишган, кўклам туслик ва тортқич ранглик* кўйлак кийган қизлар...

Келишган қизлар, озода йигитлар у ёқдан-бу ёқға аста-аста босишиб ўталар, ўталар эди қўлтиқлашиб...

Ихчам кийимлик, катта-катта келишган тугмалик йигитлар ва ҳирс қўзғатқучи кўйлак кийган қизлар орасида узун чопонлик, ола-була белбоғлиқ якка-якка йигитлар ҳам учраб қолурлар эди...

Учраб қолурлар эди шунда узун-узун, ола-була чопонлар...

Бир вақтлар бўлдиким, чопонларни ул боғларға қўймас бўлдилар.

Бир вақтлар бўлди ким, шаҳарнинг дилрабо боқчаси ола-була чопонни кўрушдан маҳрум қолди...

Чопонни, чопонликларни курсиларға ўлтурғузмай, боғларға кирғузмай қўйдилар...

Чопонни шаҳарнинг дилрабо боғидан ҳайдадилар,
қувдилар...

Чопонни маҳкамаларга, «олий остона»ларга кирғиз-
мадилар, қўймадилар...

Сиз бизнинг пойтахтимизга боринг. Таассуб хазина-
си деб айбланғон соддадиллардан бошқада чопон қол-
мади...

Қолмади чопон озода замона йигитларимизда...

Қатор тугмалар, ихчам беллар, чаққон, калта кийим-
лар бечора чопонни «енгиб» келади...

Ҳай-ҳай!

Эй, беш йиллик кўз ёшлари билан чўмулғон Фар-
ғона*!

Эй, Туркистоннинг жаннат бурчаги бўлғон содда во-
дий (долина)!

Сенинг боғларингда чопоннинг катта ҳурмати бор.

Чопондан қочқон йигитларни сен юмшоқ, эркалагучи
бағринга қабул қилмадинг.

Соф, бой, кўм-кўк бағрингда чопонга иссиқ жой бер-
динг.

Маҳкамаларингда чопон ёт эмас.

Ихчам тугмалар чопонга хўмраймайлар...

Қурултойларда бўлдим: қишлоқ деҳқонлари эски
чопонларини ташламағонлар. Сенинг бағринга ҳаёт ис-
таб келганларга қалин чопон кийиб юруб туйғазғучи
озик, тот бергучи мева-чева тайёрлайтурғон чорикор
ҳали ҳам чопон орасида...

Чопон орасидадур қишлоқ деҳқонлари...

Чопон биландур қишлоқ соддадиллари...

Қишлоқи деҳқон устидадур аларнинг ҳаёт бергучи
тупроқларини ўпган чопонлар...

Ҳали чопон сенда ташланмағон.

Ҳатто бир вақтлар чопонни ташлаб юборғон «мама-
дана» ўғиллар ҳам яна қайтиб чопон олғонлар...

Чопон «ватандошлиқ» (гражданство) қозонғон!

Дилрабо боғчаларга кирдим мен.

Юқори осмонларда юрдим мен...

Ола-була чопонлар, узун-узун белбоғлар...

У билан боғчалар ҳам булғанмағон, остоналар ҳам
кир бўлмағон, маданият ҳам қочиб кетмағон.

Чопон, элдан қувланмоқчи бўлғон мазлум, бечора
чопон!

Паранжини ҳам торт ёнингга, паранжини ҳам!..

САФАРНОМА

ИУЛ ЭСДАЛИГИ

КҮНГИЛСИЗ ЧИҚИШ

Тўғридан-да, уйдан чиқишим кўб кўнгилсиз бўлди.
Ўзим бу кезувимнинг қандай тотли умидлар орқаси-
да бўлгонлигини билганим ҳолда, негадир, чиқишим кўб
совуқ ва тушунки бўлди.

Узатғучи йўқ...

Ўзим ёлғиз...

Энг яқин дўстларим деб ишониб юрган кишиларим
«хайр»дан бошқани билмадилар: узатуб қўйишнинг ке-
рак эканлиги тўғрисида ўйларига тариқча бир нарса
келтирмаганларга ўхшади.

Кўнгилсиз, тушунки руҳ билан чиқиб кетдим.

Ёлғизлик, ўрганган ердан айрилиш оғирлиги бир
озгача мени эзиб борди, бир озгача қийналдим. Бироз-
дан сўнг эски танишим «хаёл» кўмагимга етди: ўзим
унинг билан кенг кўкнинг юмшоқ кўрпалари устида ага-
нағон чоқда, гавдам чарчаш, толиқиш сезмасдан илгари
отилар эди.

Хаёл, гўзал хаёл, қара, мен сенинг тўғрингда илгари
нима деб эдим:

Хаёл... хаёл... ёлғиз хаёл гўзалдир,
Ҳақиқатнинг кўзларидан қўрқамен.
Хаёлдаги юлдузларким, амалдир,
Оловимни алар учун ёқамен.

Гўзал хаёл, кел бошимда гул ўйнат,
Меним исрик тилагимни эркалат!..

Меним бу ўйларим хаёл тўғрисида кўб тўғри эди.
Ул меним энг умидсиз, энг қийналғон, энг эзилган чоқ-

ларимда келиб бошимдан силар, сийпар, юпатар, эркалатар эди.

Ул борида меним ёлғизлигим билинмас, кўзимнинг ёқут ёшларини сассиқ япроқлар силамас, етилган қизларнинг ипак ёвлиқлари (рўмоллари) каби юмшоқ бўлган хаёлнинг қўллари силарлар эди.

Уйдан кўнгилсиз чиқгон эдим.

Кўнглимни ёлғизлик, ётлик туйғуси айлантириб олгон эди.

Хаёл келди ва мени бу қийинликдан ҳам қутқазди!

КЕТИШ

Биз кетиб борар эдик.

Қулоқларимга отсиз аробанинг* тақир-туқури эшитилар эди.

Теваракни ёруқ қилиб тургон ер юлдузлари — чироғлар париларнинг кўзидай йироқдан йилтиллаб кўрунар эдилар.

Биз қоронғилиқга кириб борар эдик. Ёруқдан қоронғилиқга чиқиш биздек тентакларнинг иши бўлмаса, кимнинг иши?

Икки ёғимизда зўр боғлар қаторлашиб чизилиб кетканлар эди. Уларнинг хипча беллик, тўғри бўйлик, кўб бутоқлик таналари қоронғида бир тўплам «хаёл-вахм» каби кўринарлар эди. Олачуқ ва капаларда ёниб тургон ёғдусиз, хира чироғларнинг оловлари меним умидсиз чоқдаги кўзларимга ўхшаб милтирар эдилар.

Милтираган хира чироғ, сен йўқсул
Ел қаттиғроқ келиб урса ўчарсан,
Ер алдагон севгучининг руҳидай
Бир «лип» этиб йўқликларга кўчарсан!

Қоронғидан қўрқуб, ғужум бўлуб бекиниб ётқон дарахтлар бизнинг аробамизнинг ели билан қўрқа-қўрқа қимирлаб қўйуб, тагин тек бўлуб қолалар эди.

Чоғ-чоғ у ер-бу ердан эшитилган қуш товушлари ва-рамнинг* йўталгани каби туюлар эди.

Қоронғилик меним умид билан порлаб боргон кўнглимни ўзининг қўрқунч қучоғлари орасига олиб ўчурмакчи бўладур, кўнглум эса «хаёл»нинг кўкидан тушкуси келмай қоронғилиқга саноксиз қарғишлар юборар эди.

Қизил гулдан ясалғон чамбарак малика қизнинг бошиға тож бўлғонидай, кўнглимнинг аччиғ, ёмон қарғишлари қоронғилиқнинг бошиға «даҳшат тожи» бўлуб ўлтирар, қоронғилиқнинг «вахм»ларини тағин-да кучайтуб, унинг «азамати»ни тағин-да ортдирар эди.

Ортиқ меним таним бутунлай қоронғилиқнинг қучоғиға кирган, кўнглим ҳам хаёл кўкидан тушуб, шунда йўқолур каби эди. Бутун кучимни бир нуқтаға йиғиб курашуб турар эдим. Борғон сари ўйлов қуролларимнинг кучсизлангани сезила бошлаб, Д. Қ.) танларимда ҳам бир хил қалтироқ сезар эдим, бутун борлиғим безгак ҳолин кечирар эди.

«Мўъминлар» ётар чоқларида, ўзларини уйқуға берар чоқларида «оллоҳ» исмини айтиб ёталар, ўзларини уйқунинг кучли қўллари орасиға кўмар эдилар.

Мен-да бутун истагим, бутун амалларим билан «севганимнинг исмини» айтдим ва қоронғилиқнинг чуқур қучоғиға отилдим...

ТЕНГИЗЛАР...

Тоғ бошида, кўкмак супада қизил лоладан кўрпа ёпиниб ётқон «сабо»нинг турганига, сочларини ёзиб учганига, далаларда ёввойи гул, боғлар ва чаманларда элма гулларнинг исларини эснаб, ашула қилиб, кўшиқ айтиб ўтганига аллақанча чоғ бўлғон эди.

Мен қоронғилиқнинг қучоғидаги эсириклик*, хушсизлигимдан энди ўзимга келган, кўзларимни очғон эдим.

Қиздирғучи қуёш йўқ, қора-заҳар булутлар ҳам йўқ. Кўк аллақандай чучмал бир тусда турар эди.

Отсиз аробамиз йўқ қанотлари билан секингина учуб борар эди.

Хаёл аралаш томошаға толғон кўзларим олдида ужоҳ* манзараси очилди:

Тенгиз!

Қип-қизил лолақизғалдоқ тенгизи!

Кенг талада, кўк майсалар ичида

Лола гулнинг кенг тенгизи кўрунди,

Қизил туси хаёлимдай йиғилиб

Танларимга ипак янглиғ бурунди.

Кўзларимга қизил тусдан ингичка,
Юмшоқ парда секингина тортилди,
Ушал чоқда кенг кўргучи кўзларим
Кўрмоқ бўлгон истагимга тор келди...

Қизил лолалардан бириккан тенгиз кенг эди.
Бутун борлигимни ўзига ўраб, чулғаб тортар эди.
Қизил тенгиз — севги.

Унинг меним севги йўлимда учраши севгимнинг
умидли, соф, оппоқ эканлигини кўрсатар эди.

Оҳ, агар бир булбул бўлса эди-да, гул тенгизининг
қизил тўлқунларига қўнуб ишқимнинг оғир бир нағма-
сини сайраса эди.

Унинг орқасидан кўк гулларнинг тенгизлари, сариқ,
зангор гулларнинг тенгизлари, яна тагин қизил лола
тенгизлари қатор-қатор чизилиб кетганлар эди.

Тенгизлар, гўзал гул тенгизлари!

ТОҒЛАР ВА УЛАРНИНГ ГЎЗАЛЛИК ВА ХУНУКЛИҚЛАРИ...

Вафо кўрмаган ошиқнинг кўнглидай бузғунлиққа уч-
рагон Жиззах шаҳридан чиқғонимиздан кейин тўқ кўк
тусдаги тасбеҳ доналаридай чизилиб кеткан қатор-қа-
тор тоғлар кўрунмакка бошлади.

Меним севгим каби йироқдан чиройлик бўлуб кўрун-
ган ва бу кичкинагина деб ўйлангон тоғлар, яқин етгач,
дев гавдасидай кенгайган, ваҳимдай ўсган эди. Кў-
кимтил қора баданларига чиқиб қолгон майсалар тен-
гизга тушган ой ёғдуларидай кўрунар эди. Тоғлар сарв
(кипарис) дай бир тўқтамай юксалмак, кўтарилмак
истаганлар-да, кўзни ўйнатар қадар кўтарилганлар эди.
Бироқ, сарвнинг бўйини шарқ шоирлари «ёр»нинг бў-
йига ўхшатар эдилар, тоғларнинг бўйини на шарқ, на
ғарб шоири ундай ингичка тушунчалик нарсага ўхшата
олмайдир. Бир шарқ шоири: «Тоғлар, гўзал юртимни
сақлағучи деворлар каби», деган эди, мен эсам:

Юксак тоғлар меним баъзан алдагон
Хаёлимдай юксакларга ўсмишлар,
Хаёлимни ҳақиқатлар тўсмишди,
Бироқ тоғнинг юксалишин қандай кучлар тўсмишлар?

дедим...

Бу бир савол, мунинг жавобини кўнглим бера олғони йўқ.

Буюк табиат, товушингни чиқор, бир наъра торт ким, сўроғимга жавоб бўлсун!

Тоғларнинг энг бошига олбости ўлтурушидек бир ўлтуриш билан қуп-қуруқ қора тошлар ўлтурғонлар. Уларни кўрганда гўё бу қора нарса кўкдаги энг юзи қора олбостиларнинг бири бўлғондир, малаклар, фаришталарни ўзининг хунукликлари билан тўйдирғоч, улар кўтарганларда, тоғ устига ташлағонлардир; бу эса тоғ устига юқори кўкдан тарвайиб тушуб ўлтуруб қолғондир, ёни берίδαги, теграсидаги, пастлардаги майда қора тошлар унинг сўюқ гавдасидан синиб тушкан синиқлардир, демак мумкин.

Олбостиларнинг пастида ва балантида қора лочин, юзи қора сор, йиртғуч чўзахот* юрадир. Кучлик қанотлари билан ҳавони ёриб, ўткур кўзлари билан «қурбон» истаб борадир. Тавфиқ Фикратнинг:

Дин шаҳид истар, осмон қурбон,
Ҳар замон, ҳар тарафда қон, қон, қон!

дегани бошқа нарсага бўлса-да, мен шунга ҳам ўхшатмоқчи бўлдим.

Тоғлар мени қўрқуталар, юрагимни тўлқунлантиралар, титраталар эди.

Сорлар, чўзахотлар ва лочинлардан пастралда гуруллаб учғон бир гўзал қушқина меним қўрқғон кўнглимни озроқ юпатар эди...

КАПАЛАҚЛАР

Севгига йўлиқғон кишининг бир «кўнгул очатурғон игланжаси*» капалақ!

Бу қандай гўзал, қандай чиройлиқ махлуқ!

Тоғнинг ёнидан ўтуб борғонимизда кўкатлар орасидан визиллаб учуб чиқди. Худди меним ошиқлигимни билгандай меним теразамга қараб уча бошлади. Биз-да секин борамиз, ул-да секин учуб келади.

Ортиқ биз икки дардли бирлашкан эдик; ул мени теразамнинг ёнидаги ип устига қўнғон эди. Ул сўйлагандай бўлди, тиллангандай, сайрағондай бўлди. Чиндан-да ул менга гуллар билан ўпишканлиги тўғрисидаги ўйноқи эртагини айтиб борар эди:

Елгил силкиндим.
Тоғ устларидан
Толага индим.
Учдим бир талай,
«Қурбонинг бўлай,
Кел, бир ўпайин,
Турдим уйқудан,
Тотли ирингдан*
Сўруб ўтайин!»

Лола ошиқи капалак ўзининг кичкинагина эртаки
(си)ни битирган, жим бўлгон эди.

Мен-да ўзимнинг қизил лоламини тушунган, унинг
юмшоқ юзларига иссиқ иринларимни югурткан, топол-
мафонлигимдан капалакдан уёлуб, бошимни эккан
эдим...

ЗАРАФШОН...

«Кўз олдимда оқиб ётгон Зарафшон,
Еш боладай эркалайдир, ўйнайдур.
Ҳовлиқма ҳам бўлса ўзи кўб чаққон,
Унча-мунча тўсуқларни қўймайдир.

Унинг ўзи шу ўйноқи қилиғи,
Шу ҳовлиқма одати-ла кўп қўрқинч
Сувларининг нозли қиздай силлиғи
Кўп таиларни ағдарарлик улуғ куч!»

Зарафшоннинг севгига тегишли ёғи бордир. Мана
қандайдир у: юқори томондағи улуғ ва ҳайбатлик тоғ-
лар ошиқдир. Қуёш унинг севган гўзалидир. Қачонким
қуёш кулуб қараса, ошиқ тоғ чидай олмайдир, эрийдир,
кўз ёшларини оқиза бошлайдир: шул кўз ёшлари паст-
да биргалашиб Зарафшон деган дарё бўлурлар. «Зар» —
тоғ ошиқнинг кўз ёшларидир, дарё ўшал «зар» кўз ёш-
ларини «сочғучи»*дир.

Кўз ёшлари ўзлари ҳам ошиқдирлар. Уларнинг суй-
ганлари зўр тенгиздир. Улардан бахтли бўлгонлари
тенгизнинг қучоғига тушалар, бахтсизлари далаларда
ерга сингиб йўқ бўлуб кетарлар.

Зарафшон ишқдир...
Тоғлар, юксак тоғлар ошиқдирлар...

Қуёш, зўр тенгизлар маъшуқалардир...
Маъшуқа кулар, маъшуқа мағрур.

Ошиқ йиғлар, ошиқ эзилар, ошиқ оқар, ошиқ чопар,
ошиқ югурар.

Дарё ошиқ, тоғлар ошиқ, қуёш ишқ,
Қорлар ошиқ, сувлар ошиқ, тенгиз ишқ.
Маъшуқалар кула-кула қочарлар,
Ошиқлари йиғлай-йиғлай чопарлар,
Ўзларини ҳалокатга отарлар,
Баъзилари тилакларга етарлар,
Қўллари-да ерга сингиб кетарлар...

Мен-да қочқон маъшуқамни қувуб бораман, етайин-
ми, қучоғиға кирайинми ё ерга, йўқликға сингиб бита-
йинми?

Қўкдаги булут, оқ булут парчалари устида қизил
лолалар очилғон эди.

Қизил лолаларнинг қизил туслари кун ботиш ёқда
қўк юзига сочилғонлар эди.

ҚУЕШМИ, УМИДИММИ, СЕВГИММИ?

Қуёш ботар эди.

Унинг сўнг тиғлари юксакликларда лола бўлуб очил-
ғонлар эди.

Қуёшми ботадир?

Меним умидимми кетадир?

Севгимми битадир?

Меним умидим ҳам шу қуёш кабири ботар?

Меним севгим ҳам шу қуёш кабири битар?

Қўрқамен...

Йўқ, бу қуёш бугун ботар, яна эртага эрта билан
бош кўтариб чиқар.

Бироқ, дунё шу дунё, табиат шу табиат, борлиқ шу
борлиқдир.

Меним умидим ҳам шу чоғда қуёш билан биргами
ботар?

Йўқ, ул баъзан ботар, унинг ҳам шундай кечи бор.
Яна тонги келгач бош кўтариб чиқар.

Бироқ, севги ўшал севги, ишқ шул ишқ, муҳаббат
шул муҳаббатдир, ул мангуга ботмас!

Унинг дунё каби кеча-кундузи, ёруғлиқ-қоронғили-
ғи-да бордир.

Бироқ, ўзи мангудир, абадийдир, битмасдир, туган-
масдир.

Меним севгим абад билан туташқон,
Азал билан қучоқлашқон, ўрашқон,
Унинг бордир кундузлари, тунлари,
Ёруғлиғи, қоронғиси, булари —
Барчаси-да ўтатурғон нарсадир,
Бироқ ўзи мангу бўлган нарсадир!

Меним севгим ҳам қалбимда қизғалдоқ-лола бўлуб
очилмиш, танамга қизғилт тусларини тарқата бошла-
миш эди. Қуёшнинг қизиллиғи билан мунинг қизиллиғи
капалак билан лоланинг бирлашканидек бирлашиб кет-
кан эди.

Тинчлик... Кўкдаги қизиллик билан меним кўнглим-
даги қизиллик биткунча тинчлик...

Сўнгра: аччиғ бир «оҳ» билан кечанинг сирлик қучо-
ғига кўмулиш...

ЧИН БИРЛИК...

- Мен йироқ йўлдан келдим, сизнинг учун келдим.
- Кўб яхши, нима истайсиз?
- Айта олмаймен.
- Нима учун?
- Меним тилим айтишдан ожиздир, меним қаламим
айткандир.
- Англамадим?
- Эзасиз.
- Ҳеч...
- Қийнайсиз!
- Асло!
- Шафқат!
- Нима демакчисиз?
- Уқунг!
- Нимани?
- Меним дostonларимни, «Олтун дафтар»ни.
- Берингиз!
- Уйноқи кўзлар ортиқ бир нарсани куталар эди.
- Қалтирағон бармоқлар, қўллар «Олтун дафтар»ни
топширди.

— Бугун тилагим, истагим шунда ёзилмишдир.

— Уткур, алас кўзлар* йўллар устида эди.

Айтади:

«Қоронғи кечада кўкка кўз тикиб
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен,
Ул юлдуз уялиб, бошини букуб

Айтадир:

«Мен уни тушда кўрамен,

Тушимда кўрамен шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!»

(«Олгун дафтар»дан)

— Шеърлар кучсиздирлар, тилакни англата олмайлар.

— Англатадирлар.

— Англағонингизни кўрмайман!

Ул ҳамма ҳолни англағонини кўрсатмак учун қучоғимга отилғон эди. Иринларим иссиғ ва тотли иринларига тегиб, бир-биримизнинг севгимиз ичида кўмулган, ботқон чоғимизда «чин бирлик» шудир, деб ўйладим...

ТАРЖИМАЛАР

И. С. ТУРГЕНЕВ

ЧУРИ ҚИЗ¹

Бундан беш йил бурун, кузда, Маскав билан Тула шаҳарлари орасидаги йўлда пўчта аравасига от етишмагани учун менга пўчта бекатларидан² бирида кун бўйи ўтириб қолишқа тўғри келган эди. Ушанда мен уч дафъа чой ичмакчи бўлиб кўрдим, бир неча мартаба бекор овора бўлиб ухлашқа урундим, тераза ва доволлардаги ҳамма ёзувларни ўқиб чиқдим,— чунки ўзим жуда ёмон зериккан эдим. Совуқ ва умидсиз бўғилиш билан мен ўз аравамнинг³ юқори кўтарилган шотисига қараб тургон эдимким, бирдан қўнғироқ жинғир-жинғири эшитилди-да, ўлгудай чарчагон уч оти билан кичкинарак бир арава келиб дарвоза олдида тўхтади. Аравадаги йўловчи ирғиб тушди ва «бизга от беринг дарров!» деб бақириб уйга кирди. Бекат бошлиғи унга от йўқлиғини арз қилиб тургон вақтида, зериккан одамларга хос қизиқиш билан, мен янги йўлдошимни бошдан оёқ кузатиб олдим. Бу одам ўттуз ёш чамасида кўринарди. Қуруқ, сарғич, худди миска ўхшаб хунук йилтиллаган юзларида қизамиқнинг кетмас доғи қолгон эди, узун ва кўкимтил-қора сочлари орқа томони-

¹ Инқилобдан буринги, жуда қадимги Русияда бутун-бутун қишлоқлар, балки неча ўнлаб қишлоқлар ўзларидаги ҳамма фуқаролар ва ер сувлари билан бирга мулкдор памешчикларники бўлар эди. Крепоснўй аталган у қишлоқилар мол қаторида сотила берарди. Бизнинг «чўри қиз» деб таржима қилганимиз ўша кирепоснўй қизларидан биридир.

² Йўлчи ташайтургон извош араваларнинг йўл бошидаги бека-ти. У аравалар пўчта араваси дер эдилар.

³ Ундаги арава «тарантас» аталгон извош аравадир.

дан халқа-халқа бўлиб ёқасига тушкан, олдидан эса шўх йигитларнинг жамалаги каби ёнда гавжаглашкан, кичкина ва қаварғон кўзлари ўйнайлар — холос, устки лабларида бир неча мўй осилиб туради. Ул ўзи кўбрак умрини от бозорларида ўтказгучи «ўйинқароқ» мулкдорлар каби кийинган, чунончи: алвон гулли, анча моғорлангон тўн⁴, бинафша рангли ва ўнгиб кеткан ипак бўйунбоғи, мис тугмали желатка остидан тозаланмагон этикнинг буринлари зўрға кўриниб тургон кулранг ва кенг шим. У одамдан жуда кучли тамаки ва ароқ иси келар, енглари ичида қолиб кеткан қизил ва семиз бармоқларида кумуш узуклар кўринарди. Бу қиёфадаги одамлар рус элида «дўжналаб»* эмас, юзлаб учрайди, улар билан танишиш, гапнинг ростини айтканда, ҳеч қандай лаззат бермайди, лекин у йўловчининг ўзи менга унча ёқмаса ҳам, унинг юзидаги лоқайд яхшилик илашмасдан қолмади.

— Мана булар ҳам бир соатдан кўпрак кутиб ётибдирлар, — деди бекат бошлиғи, мени кўрсатиб туриб.

— Бир соатдан кўпрак, балки уларнинг ишлари унча зарур эмасдир, — деди йўловчи.

— Унисини биз ҳам билмаймиз, — деб қовоғи солиқ жавоб қайтарди бекат бошлиғи.

— Ҳеч бир иложи йўқми, чинакам? Сира қолмадимиз отлардан?

— Ҳеч иложи йўқ. Отлардан битта ҳам қолмади.

— Ундай бўлса айтинг, самовар қўйиб берсинлар. Қандай қилайлик, кутамизда энди.

Йўловчи курсига ўтирди, шапкасини олиб устал устига қўйди ва қўли билан сочларини сийпалади.

— Сиз чой ичиб бўлгандирсиз?

— Ҳа, ичдим.

— Улфатчиликка яна биттани ичмайсизми?

Мен унадим. Катта сариқ самовар устал устига тўртинчи дафъа келиб тикланди. Мен юкларим орасидан бир шиша ром¹ олдим. Ҳамсуҳбатимни ери оз дуваранлардан² деб ўйлагон эдим, чинакам янглишмагон эканман, ул Пётр Петрович Каратаеф деган киши экан.

Биз гапка туриб кетдик. Келганига ярим соат ҳам

⁴ Ундаги «тўн»дан ҳам рус, европа тўни англашилсин. Таржимачи.

¹ Бир хил май.

² Асилзода, бекзода.

бўлмай туриб, ул жуда оқ ва очиқ кўнгил билан менга ўз ҳаётидан гапира бошлади.

— Ҳозир мен Маскавга кетаётибман,— деди ул менга, чойнинг тўртинчи истаканини тугатаркан:— Қишлоқда мен учун ҳеч нарса қолмади энди.

— Нега ҳеч нарса қолмади?

— Чинакам, ҳеч нарса қолмади. Рўзгорим бузилди, қишлоқларимни хонавайрон қилдим, гапнинг рости, ёмон йиллар келди: экин унмади, турлик-туман балолар, билсангиз... асти ўзи,— деди яна ул, хафаҳоллик билан ёнига қараб,— менинг рўзгор соҳиби бўлишим ҳам келишмаган нарсаиди! Рухсат этингиз сўрашқа: сиз ўзингиз Петирбурданми ё Маскавдан?

— Мен Петирбурдан.

Ул бурнидан чўзиб-чўзиб тамаки тутунларини со-вирди.

— Мен бўлса Маскавга хизматқа кетаётибман.

— Қандай хизматқа кирмакчи бўласиз?

— Унисини билмайман, тўғри келганига-да. Гапнинг ростини айтсам сизга, мен ўзим хизматдан кўрқаман: масъулиятқа тушиб қолиш бор. Шу чоққача қишлоқда турардим, ўрганиб қолгон эдим, билсангиз... Энди ҳеч нарса қолмади у ерда. Эҳтиёж! Оҳ, шу эҳтиёжи қурсин!

— Лекин бундан сўнг пойтахтда яшашлигингиз бор-ку.

— Албатта-ку-я, лекин мен ҳали билмайманки, пойтахтнинг яхшилиғи бор. Кўрамиз, балки яхшидир-да... Аммо лекин, менимча, қишлоқдан яхши жой йўқдир.

— Оё бундан сўнг сизга қишлоқда яшаш мумкин бўлмайdimи?

Ул бир оҳ тортди.

— Бўлмайди. Энди ул меники бўлишдан чиқди.

— Хўш, нега?

— Эй, бир яхши одамга — қўшнига йўлиқиб қолдим... Вексил, қарз...— бечора Пётр Петрович қўли билан юзини силади, сўнгра бошини тебратди.

— Хайр энди, бўлар иш бўлди!.. Инсоф қилгонда,— деб илова қилди ул бироз сукутдан сўнг:— Ҳеч кимдан ўпкалашқа ҳаққим йўқ, айб ўзимда. Айшу-ишратни яхши кўрардим!.. жуда яхши кўраман-да, падарига лаънат, шу айшуишрат деган нарсани!

— Қишлоқда жуда айш қилиб турармидингиз?— деб сўрадим мен.

— Менинг, тақсир,— деди ул бироз тўқтаб ва тўппа-тўғри кўзимга тикилиб,— ўн иккита овчи итим бор эди,

Ўзлари ҳам, мен сизга айтсам, кам топилатурғон нарса-лар эди (сўнги жумлани ул куйлагандай қилиб айт-ди), қуённи худди етиб бориб қуваларди, даррандага десангиз — худди илондай ёпишарди, баччағарлар. Ул итларим билан қанча мақтансам ҳам арзийди. Энди ул ишлар ўтди, энди лофқа ҳам ҳожат қолмади. Милтиқ билан ҳам ов қилардим. Қаптеска деган бир итим бор эди, жуда ғалати ит эди. Ҳеч битта даррандани қўлидан чиқармас эди. Уйда ҳам жуда ювош юрарди. Ушандан бир кучук қолғон эди, у ҳам лекин, жуда бошқача бўл-ғон эди, Маскавга ҳам олиб кетай деган эдим уни, бир ўртоғим қўймасдан милтиқ билан бирга олиб қолди: «Маскавда, — деди, — ўртоқ, ундай нарсаларга вақтинг бўлмайди, ул ерда, — деди дўстим, — ишлар бошқача бў-лади». Шундан кейин кучукчани ўшанга қолдирдим, милтиғимни ҳам бериб юбордим, шундай қилиб, бил-сангиз, ўша ерда қолиб кетди.

— Маскавда ҳам ов қилсангиз бўлар эди-ку.

— Йўқ энди, нега керак? Ўзимни эплаёлмадим, энди чидашим керак. Ул гапларни қўйинг-у, менга айтиб бе-ринг: Маскавда қимматчиликми?

— Йўқ, унча эмас.

— Унча эмас?.. Айтиб берингчи, лутфан, Маскавда лўлилар бордир-ку?

— Қандай лўлилар?

— Бозорма-бозор юратурғонлари бор-ку?

— Ҳа, Маскавда деганингиз...

— Ҳа, ундай бўлса яхши, жуда яхши кўраман лў-лиларни, падарига лаънат, жуда...¹

Шу ерда Петр Петровичнинг кўзлари ҳам йигитлик севинчи билан чақнаб кетди. Шунда бирдан ўтирғон жойида бурилди-да, ўйга ботди, сўнгра бошини қуйи солиб туриб бўш истаканни менга узатди.

— Қани, ўша ромингиздан қуйиб юборинг менга ҳам, — деди ул.

— Чой тугаб қолди-да.

— Майли, чойсиз ҳам бўлаверади... оҳ!

Каратаев бошини қўлига қўйди-да, қўли билан ус-талга таянди. Мен жимгина унга тикилдим ва бу хил ишратпараст одамларда жуда мўл бўлатурғон ҳис қўз-

¹ Ички Русия лўлилари умум халқнинг ўртасида бошқача мавқе тутадилар. Улардан чиққан яхши ашулачи, яллачи ва сатанглар машҳурдир, айниқса «лўли хорлари». Бурун рус бойлари лўли гў-залларига кўб дунё тўкканлар. Таржимачи.

ратқучи хитоблар, балки кўз ёшларининг қайнаб чиқишини кута бошладим: лекин, ул бошини кўтаргач ва унинг юзларида чуқур қайғили бир ифода кўрингач, иқрор қиламанким, ўзим ҳам шошиб қолдим.

— Нима бўлди сизга?

— Ҳеч.. Ўтканлар эсимга тушди. Шундай бир воқеа... Айтиб ҳам берар эдим сизга, лекин сизга ташвиш беришка кўнглим бўлмайди...

— Марҳамат қилингиз!

— Ҳа, албатта,— деб уҳ тортиб давом қилди ул,— бундақа ишлар бўлади... Мана чунончи, мен билан бўлғон иш. Агар хоҳласангиз, сизга ҳам айтиб бераман, фақат, ҳайронман...

— Айта беринг, азизим Петр Петрович.

— Хайр, айтсам айтай. Ул воқеа мана бундай,— деб бошлади ул,— фақат, мана, гапнинг рости, ҳайронман.

— Кўйинг энди тортинчоқлиқни, азизим Петр Петрович.

— Хайр, айтиб берай. Мен билан бўлғон иш мана бу хилда бошланди. Мен қишлоқда турардим. Бирдан, бир қизни яхши кўриб қолдим, оҳ, ўзи ҳам қандай қиз эди-я... Бир чиройлик, бир эслик, тағин унинг олийжаноблигичи! Номи Матрёна эди. Ўзи «қоралардан», яъни, ўзингиз биласиз, корепоснўйлардан, оддий қишлоқ қизларидан эди. Бутун дард шундаки, ул менинг ўз қўлимда эмас, бировнинг қўлида эди. Шундай қилиб мен уни яхши кўриб қолдим, дунё бўлгондан кейин бўлар экан — ул ҳам мени яхши кўриб қолди. Шундан кейин Матрёна менга «хўжайинимдан мени сотиб олинг» деб ялина бошлади, менинг ўзимда ҳам бу хаёл йўқ эмасди... Уни (нг) хўжайини эса жуда бир бой хотин, жуда заҳар бир кампир эди, биздан ўн беш чақирим нарида турарди. Шундай қилиб, билсангиз, одамлар айткан яхши кунларнинг бирида, извош аравамга учта ғалати отни қўшдирдим-да, яхши либосларимни кийиб, Матрёнанинг хўжайини турғон жойга жўнаб қолдим. Бордим: улкан бино, ёни-берида майда ёпиқлари, боқчалари... Эшик олдида мени кутиб Матрёна турар, мен билан гаплашмак истади, лекин бир дафъа қўлимни ўпкач ёнимдан чекилди. Шундай қилиб мен даҳлизга кирдим, «уйдами?» деб сўрадим, новча бўйли бир хизматкор: «Қим келди деб айтайин?» деди. Мен дедим: «Бир иш тўғрисида гаплашмак учун мулкдор Каратаев келибдир, де». Хизматкор кириб кетди. Мен ўша ерда ўтириб ўйга бордим: «Ўзи бой хотин бўлиб туриб дунёнинг ба-

ҳосини сўрармикан. Бирор беш юз сўм сўрар». Ниҳоят хизматкор чиқди-да, «буюрингиз» деди. Мен унинг орқасидан меҳмонхонага кирдим. Қичкина ва сариққина бир кампирча, юмшоқ курси устида, кўзларини ўйнатиб ўтирибдир.

— Нима хизматингиз бор?— деди.

Мени, билсангиз. «Сиз билан танишқанамга жуда хурсандман» дейишни лозим топибман.

— Сиз адашиб ётибсиз,— деди ул,— бу ернинг соҳибаси мен эмасман. Мен унинг қариндоши бўламан... Нима хизматингиз бор эди?

Мен дарров жавоб қайтардимки, «Менга ўша кишининг ўзлари билан гаплашиш керак эди».

— Марина Илйинична бу кун нотоброқ, ҳеч кимни қабул қилмайдилар... Нима ишингиз бор?

Бошқа йўл қолмади, «муддаомни айтиб бера қолай», дедим ўз-ўзимга. Кампир гапларимни эшитди.

— Матрёна, қайси Матрёна?

— Матрёна Фёдоровна, Куликовнинг қизи.

— Фёдоров Кулик(ов)нинг қизи, сиз уни қаердан танийсиз?

— Тасодифий суратда.

— Сизнинг бу ниятингизни Матрёнанинг ўзи биладими?

— Билади.

Кампир жим бўлгон эди. Сўнгра бирдан:

— У ер ютқурни мен!..— деб қолди.

Мен, гапнинг рости, ҳайрон бўлдим.

— Нега керак бу ғазаб!.. Мен уни пул тўлаб олмоқчиман, марҳамат қилиб баҳосини айтинг.

Қари афсунгар шундан бошлаб вайсагали тушди.

— Хўб бизни қизиқтиратурғон нарсаларни топибсизми: сизнинг пулингизга жуда зор қолгон эканмиз!.. Адабкинасини бераман мен унинг, адабкинасини!.. Бузуқ ниятларини тортиб оламан мен унинг!

Аччиғининг кучидан бир йўталиб олди кампир.

— Бизникида қийналиб қолибдирми, ҳали? Вой яшшамагур-ей!

Иқрор қилайинким, шундан кейин мен ҳам қизиб кетдим.

— Бир йўқсул қизга мунча пўписа қиласиз? Нима гуноий бор унинг?

— Уни қара-е, ҳа нима бўлибдир, ё мен...

— У, ахир, сизники эмас-ку!

— Сиз гапирманг, Мария Илйинична биледи уни,

сизнинг ишингиз эмас, аммо мен кўрсатаман ул қизга кимнинг чўриси эканини.

Ушанда гапнинг рости, лаънати кампирни уриб юборай деган эдим-у, кейин Матрэнани ўйлаб яна жаҳлимни босдим. Сўнгра шу қадар қавшадимки, айтиб бериш ҳам қўлимдан келмайди. Кампирга ялина бошладим:

— Хоҳлағонингизни сўранг.

— Бошингизга урасизми уни?

— Маъқул бўлиб қолди менга, англасангиз-чи кишини, рухсат этингиз, қўлларингиздан ўпайин.

Шундай қилиб, билсангиз, ўша алвасти кампирнинг қўлини ҳам ўпдим.

— Хайр,— деди алвасти кампир,— мен Мария Илйичнага айтиб кўраман, сиз бир-икки кундан сўнг яна бир келингиз.

Мен уйимга тинчсиз бўлиб қайтдим. Узимнинг бўлмағур нарсаларга араллашиб қолғонимни, кўнглимдаги майилни бировларга чакки билдирганимни пайқай бошладим, лекин фурсат ўткан эди энди. Икки кундан кейин соҳиба хонимнинг ўзи билан кўришдим. Мени кабинага (аслида шундай — Д. Қ.) олиб кирдилар. Гул деган нарса ачиб ётибдир, уйнинг йиғиштирилиши* ҳам жуда яхши, ўзи юмшоқ курсининг устида. Бошини орқага — ёстиққа ташлаб ўтирғон. Уша мен кўрган қариндоши кампир ҳам ёнида, яна тағин кўк кўйлакли, оғзи қийшиқ бир қиз ҳам ўтирибдир, ўртоғи бўлса керак. Кампир «ўтирингиз» деб пинғиллаб қўйди. Мен ўтирдим. Неча ёшқа кирганимни, қаерда хизмат қилғонимни, энди нима иш қилмоқчи бўлғонимни — аллақандай кибру ҳаво ва катталиқ билан сўрай бошлади. Мен муфассал жавоб бериб бордим. Кампир устал устидан бир рўмолча олиб ўзини елпирди, елпиди-да... гапка бошлади:

— Сизнинг ниятингиз тўғрисида Катерина Карповна менга арз қилди,— деди кампир.

— Арз қилди. Лекин менинг бир одатим борки, одамларимни бировнинг хизматига бермайман. Ўзи ҳам яхши эмас ахир, одоблик хонадон учун сира келишмайди: бепартиблик бўлади! Мен буюриб ҳам қўйдим, энди ташвиш тортиб юришингиз ҳам лозим бўлмайди.

— Қандай ташвиш ахир...— деб сўрадим мен,— балки Матрёна Федоровна ўзингизга лозимдир?

— Йўқ, менга кераги йўқ.

— Ундай бўлса нега менга бергали унамайсиз?

— Сабаби шулки, тўғри келмайди, тўғри келмайди

холос, мен буйуриб ҳам қўйдим: уни олис бир қишлоққа жўнатадилар.

Бу сўз менга худди қалдироқдай таъсир қилди, кампир ҳалиги кўк кўйлақли қизга икки оғиз франсузча гапириб эди, ул қиз чиқиб кетди.

— Мен, — деди кампир, — урфу-одатни жуда маҳкам ушлайтурғон хотинман, сўнгра соғлиғимнинг ҳам унча мазаси йўқ: ташвишни кўтаролмайман, сиз ҳали ёш йигитсиз, мен бўлсам ёшим бир жойга бориб қолғон хотинман, шу учун сизга насиҳат қилишқа ҳам ҳаққим бор. Сиз яхши турмуш қуриш, уйланиш, ўзингизга яхши бир хотин топиш йўлини қарасангиз яхшироқ бўлмасмиди? Бой қаллиқлар камчил, лекин ўзи йўқсил бўлса ҳам яхши ахлоқли қизларни топиш мумкин.

Мен, билсангиз, ҳайрон бўлиб кампирга қарайману унинг нималардир деб ётқониға сира тушинмайман, ёлғиз уйланиш тўғрисида гапириб ётқонини эшитаман, аммо менинг қулоғимға тўхтовсиз ўша олис қишлоқнинг шарпаси келади. Уйланиш эмиш!.. Падарига лаънат...

Шу ерда қиссачи бирдан тўхтади-да, менга кўз ташлади.

— Сиз уйланган эмасдирсиз?

— Йўқ.

— Ҳа, албатта, маълум.

Шундан сўнг мен чидай олмадим:

— Ахир ўзингиз ҳам инсоф қилинг, онажон, — дедим, — нега беҳуда гапларни қиласиз? Уйланиш нима қилади бунда? Уша Матрёна деган қизингизни менга сотасизми, йўқми — мен фақат шунигина билмакчиман.

Кампир вой-войлай бошлади.

— Вой, бу мени ташвишга солди! Вой, айтингиз чиқиб кетсин! Вой...

Шундан сўнг ҳалиги қариндош ирғиб турди-ю менга қараб ўшқура бошлади. Кампир бўлса ҳали ҳам вой-войини қўймайди.

— Нима ёзиғим бор эди менинг?.. Ё бўлмаса ўз уйимга ҳам эга бўлмай қолдимми, вой, вой!

Шапкални қўлга олдим-да, худди жинни кишидай уйдан қочиб чиқдим¹.

¹ Мулкдорнинг иккала кампир билан суҳбати русчасида наср санъатидаги повествование (қисса қилиш) йўлининг эски, ўз заманидаги шакли билан ёзилғон. Уни ўша шаклда таржима қилиш ҳам оғир, ҳамда ҳозирги ўқувчи ёшларга вазминлик қилгани учун мажбурийат орқасида янги шакл билан, энгиллаштириб таржима қилдим. Таржимачи.

— Балки сиз,— деб давом қилди қиссачи,— паст қатламдан чиққон бир қизга бу қадар боғлангоним учун мени айб қиларсиз: мен ўзим ҳам ўзимни оқламоқчи эмасман... Бу иш бўлди!.. Билмадим, ишонармикансиз: мен учун на кеча, на кундуз ҳеч бир ором деган нарса қолмади... Қийналаман-эй!.. Нега шўрлик бир қизни нобуд қилдим мен, дер эдим ўзимга! Унинг ғоз боқиб юрганини, хўжайинларнинг буйруғи бўйинча жуда забт қилиниб сақланишини, қишлоқ элликбошиси билан арава мойли этик кийган қишлоқининг уни жеркиб ташлаётгонларини ўйлағундай бўлсам — бутун баданимдан совуқ тер чиқиб кетарди, охирда чидамадим, қайси қишлоққа юборгонларини билдим-да, извошимга тушиб, ўша ерга жўнаб қолдим. Эртаси куни кеч тушканда етиб бордим. Маълум бўлдиким, мендан бу хил журъатни кутмаган ва менинг тўғримда ҳеч қандай буйруқ бермаган эканлар. Худди ўзимнинг қўшнимдай, тўппа-тўғри элликбошиникига бориб тушдим, ҳавлисига кирдим, қарасам Матрёна зинапояда, панжарага суяниб, ўтирибдир. Ул, энди бақириб юбораман деган эди, мен дарров ҳимо билан пўписа қилиб ташқарини кўрсатдим. Уйга кирдим, элликбоши билан лақиллашиб ўлтирдим, сўнгра қулай фурсатни топиб туриб Матрёнанинг ёнига чиқдим. Ул, шўрлик қиз, менинг бўйнимга шундоққина осилиб олди. Ранги ўчиб, ориқлаб кетибдир жонгинам, мен унга, билсангиз, «қўй, йиғлама» дейману, ўзимнинг кўзимдан бирушта ёш келади. Охирида бўлмади, ўзимни ҳам хижолат босди, сўнгра дедим:

— Матрёна, кўз ёшидан ҳеч бир фойда йўқ, менга қара: бу ерда қатъий ҳаракат қилиш керак, мен билан бирга қочишинг лозим, мана шундай қилмасанг бўлмайди.

Матрёна эсини йўқотиб қўйди.

— Бўлар эканми!— деди ул.— Мен ахир нобуд бўлман, улар ахир мени еб ташлашади!

— Эсипассан сен,— дедим мен,— ким топа оларди сени?

— Топадилар,— деди ул,— албатта топадилар, Қуллиқ сизга Петр Петрович, бу юмшоқ муомилаларингизни сира унутмайман, аммо лекин сиз мени тинч қўйинг, қандоқ қилай, ёзмишим шундай экан-да.

— Оҳ Матрёна, Матрёна, мен сени ёвюрак қиз деб юрардим.

Чиндан ҳам ул қиз жуда ёвюрак эди... Қўнгли-чи унинг, олтин эди, олтин. Мен давом қилдим:

— Нима қиласан бу ерда қолиб? Барибир энди кетишинг ҳеч қачон қолишингдан ёмон бўлмайди. Қани, ўзинг айтиб бера қол: элликбошининг муштларини то-тидинг, а?

Матрёна бирдан куйкиб кетди ва лаблари дир-дир титрамакка бошлади.

— Менинг туфайлимдан ота-оналаримга ҳам кун кўрсатмайдилар,— деди ул.

— Эй, қўй ўша ота-она деган гапларни... Ҳайдаб юборармиди уларни?

— Ҳайдайдилар, акамни эрта-қачон ҳайдайдилар.

— Отанг-чи?

— Отамни, лекин, ҳайдамаслар. Бу ерда биргина уста машиначи ўша.

— Мана холос, аканг бўлса ҳайдалиш билан очқа ўлмайди.

Ишонасизми, йўқми, зўрға кўндира олдим уни гапимга. «Ҳамма ишқа ўзингиз жавобгарсиз» дегандай гапларни гапира бошлагон эди. «Эй, ул тўғрида,— дедим мен,— сенинг ишинг бўлмасин»... Лекин у қилдим, бу қилдим, охирида олиб кетдим... Уша сафарнинг ўзида эмас янаги сафарда бўлди бу иш: кечаси менинг аравамга келди — олиб кетдим.

— Олиб кетдингиз?

— Ҳа, олиб кетдим... Шундай қилиб, ул менинг ҳавлимда бўлиб қолди. Менинг ҳавлим унча катта эмас, хизматкорларим ҳам оз эди. Улар мени яхши кўрардилар, ҳар қандай нозу неъмат бараварига ҳам мени сотмас эдилар. Шундан сўнг мен маза қилиб яшай бошладим. Матрёначам бўлса яхши дам олиб, анча ўзига келди, шундай қилиб мен унга боғландим қолдим... Эй, ўзи ҳам қандай қиз эди денг, а? Қандай етишиб қолгон экан дейман-а? Ашулла ҳам айтарди, ўйинга ҳам тушарди, гитара ҳам чаларди... Бирор жойда лақиллаб нетиб қўймасинлар деб, мен уни қўни-қўшнимга кўрсатмадим. Менинг бир ошнам, қадрдон дўстим бўларди, Пантелей Горностаев деган — сиз танимасмидингиз экан? Ул одам Матрёнани чин кўнгилдан яхши кўрарди, ёлғиз уни соҳиби хонанинг хотинидай ҳурмат қилиб, қўлини ўпкучи эди. Рост гапни айтиб бераман сизга, Горностаев мендакларнинг тенги эмасди, ул жуда билимли, шоир Пушкиннинг асарларини бутун ўқиб чиққон киши эди. Баъзида, қаранг Матрёна билан менга гап қилиб қолса, қулоғимизни ола олмас эдик, Матрёнага, қара, хат битишни ўргатиб қўйибдир. Узи шу-

нақа ғалати одам эди! Қандай кийимларни кийгизардим мен Матрёнага, билсангиз, губернатор хотинидан ўтказиб юборардим, тоза терилардан адиб қўйдириб, парманчак ранглик барқутдан бир пўстин тикдириб бердим... Пўстиннинг унга ярашканини айтинг! Унинг ўзини ҳам маскавли бир хоним, янги нусха билан тиккан эди. Қандай ажойиб нарсаиди ўзи ҳам, қизи тушкур! Баъзида бир нарса ўйлаб кетса, соатларча ерга тикилиб ўтириб қолар, бир марта кирпигини ҳам қоқмас эди. Ушанда мен ҳам қимирламасдан ўтириб олиб унга қарар, худди умримда биринчи марта кўраётгондай қараб тўёлмас эдим... Ул табассум қилгундай бўлса, менинг кўнглим, худди биров қитиқлаб ёткандай, дир-дир қалтирарди. Сўнгра бирдан кулишка, тегишишка, ўйинга тушишка бошларди, сўнгра келиб шу қадар иссиқ ва шу қадар маҳкам қучоқларди мени, қаранг, бошим гангираб қоларди. Эртадан кечкача, билсангиз, фикри-зикрим шу бўлардики: нима билан хурсанд қилсам экан уни? Ишонасизми, йўқми — унга бир нарсалар олиб берсам ёлғиз ўша жонгинамнинг қандай севинганини, севинчидан қандай қизарғонини, мен олиб келган нарсаларни қандай қилиб кийганини, сўнгра, янги кийимларини кийгач, қандай қилиб менга яқинлашқонини ва қандай қилиб мени ўпканини кўрмак учунгина олиб берардим. Билмадим, қандай бўлибдир-да, қизнинг отаси Кулик ҳамма ишни пайқаб қолибдир, бир вақт бизни кўрмак учун келди шўрлик, унинг йиғлаганини айтинг ўшанда... Мана шу аҳволда биз Матрёна билан беш ойча бирга яшадик, мен ўзим, шу хил яшаш бўлса, бир умр кета беришка ҳам тайёр эдим-да, лекин аслида менинг бахтим ўлгир қора.

Пётр Петрович тўхтади.

— Нима бўлди сизга?— деб куйиниб сўрадим мен ундан.

Ул қўлини силтади.

— Ҳаммасини худо уриб кетди!— деб яна сўз бошлади Петр Петрович:— Мен ўзим нобуд қилдим у бечорани. Матрёначам чанада айланиб юришни жуда яхши кўрарди, баъзида отни ҳам ўзи ҳайдарди. Пўстини билан қўлда тўқулғон биялайини* кийиб ол(ар)ди-да, чанага ўтириб қийқириқни соларди, бировлар кўриб-нетиб қолмасин деб, билсангиз, ҳаммавақт кечалари айланардик. Бир кун, қаранг, ҳаво жуда яхши бўлди: қаттиқ совуқ, кўл юзи очиқ, шамол йўқ... Шунда биз ҳам чанага ўтириб кетдик. Тизгинлар Матрёнанинг қў-

лида эди. Мен ҳайрон бўлиб қарайман, билмайманки, қаерга кетаётибдир ул? Ё бурунги соҳибасининг қишлоғига, Кукуевкагами? Қарасам, чинакам, ўша томонга қараб кетаётибдир. «Қаерга кетаётибсан, ҳой тен-так?» дедим. Ул елкаси устидан менга томон қаради-да, «Келинг энди, бир хурсандчилик қилишайлик» дегандай қилиб, кулди. «Хайр» — деб ўйладим мен, бўлса бўла қолсин!.. Хўжайинларнинг ҳавлилари ёнидан от қўйиб ўтиш яхши эмасми, ахир? Ўзингиз ҳам айтинг, яхшида, ахир? Шундай қилиб биз кетдик. Отларим бўлса худди қушдай учишади, бир зумда Кукуевка қишлоғи ҳам кўриниб қолди! Шунда, бирдан, қарасакки, қаршимиздан кўк ранглик, эски мапали бир чана келаётибдир... Матрэнанинг бурунги соҳибаси, билсангиз, мен бироз қавшаб олдим, Матрёна бўлса узун тизгинлар билан солди отларни, улар ҳам тўппа-тўғри ўша мапага қараб уча бошладилар! Уларнинг кўчири қаршидан учиб келаётқон отларни кўрди-ю, отларни дарров бир томонга буриб юбормоқчи бўлди, лекин бирданнига, қалтис буриб юборғон экан, мапали чана гурсиллаб олиб чуқирликка ағанади. Ойнаклари синди, соҳиба хоним дод дегали тушди: вой-дод, вой-дод, вой-дод! Ёнидаги ўртоғи бўлса «ушла-ушла» деб бақиради. Биз дарров отларни бурдик-да, орқага қараб солдирдик. Ўзимиз чошиб кетаётибмизу мен бирушта «Энди ёмон бўлади! Эй... чакки унаған эканман Кукуевкага борғали!» деган ўйларни ўйлайман. Мунга нима дейсиз сиз: кампир ўлгур ўшанда Матрэнани ҳам, мени ҳам таниб қолғон экан. Шундан сўнг менинг устимдан ариза берибдир: «Қочиб кеткан чўри қизим мулкдор Каратаевникида» дебдир, ариза билан бирга амалдорларнинг оғзини ҳам мойлабдир. Бир вақт меникига ҳоким келиб кирди, бу ҳоким, Степан Сергеевич Кузовкин деган — мен билан ошна, яхши одам эди, яъни масалан аслидаку унча яхши одам эмасди-ку-я. Шундай қилиб ўша ҳоким менга деди:

— Хўш, Петр Петрович, нега бундай қилдингиз сиз, а? Бунинг жавобгарлиги оғир, бу тўғридаги зақунлар ҳам жуда равшан эди-ку.

Мен айтдим унга:

— Бу тўғрида, албатта, ҳали иковимиз гаплашиб, англашамиз, ҳозир йўлдан келдингиз, жиндак бир овқатланиб олмайсизми?

Овқатланиб олишга-ку унади-я, лекин яна ўша гапни қўймайди:

— Адолат шуни талаб қилади, Пётр Петрович, ўзингиз ўйланг ахир.

— Адолат деганингиз,— дедим мен,— албатта, адолатку-я... аммо лекин, эшитишимга қарагонда, сизда бир қора тойчоқ бор эмиш, ўшанингизни менинг улоқчи отимга алишдирмайсизми? Ул Матрёна Федорова деган қиз бўлса менинг қўлимда йўқ.

— Қўйинг,— деди ул,— Пётр Петрович, қиз сизни-кида, уни ахир, ҳамма билади... Улоқчи отингизга қора тойчоқни алишдириш бўлатургон бўлса — бу мумкин, ҳаттоки, алишдириб ўтирмасдан ҳам олса бўлади.

Шундай қилиб мен уни зўрға-зўрға йўлга солиб, узатдим. Лекин кампир ўлгурнинг бурингидан ҳам ёмонроқ жаҳли чиққан, «ўн минглаб пулим кетса ҳам аямайман», деган. Буни қарангки, мени биринчи кўришдаёқ, кампир ўлгур, кўк кўйлакли дўстини менга хотинликка мўлжаллаб қўйгон экан. Мен буни қаранг, кейин билиб қолдим. Унинг бунча жаҳли чиқиши ҳам шундан экан. Бу хўжайин хонимлар нималарни ўйлаб топмайди денг-а?... Ҳаммаси бекорчиликдан, зеркишдан бўлса керак. Менга ёмон жавр бўлди: пул ҳам аямадим, Матрёнани ҳам бекитдим,— натижа яна ҳеч! Эздилар. Мели хонавайрон қилдилар, қарзга ботдим, соғлигимни йўқотдим... Бир кун, қаранг, жойимда ётибману ўйлайман: «Эй худованди карим, нега менга бунча кўргилик? Уни севмаслик қўлимдан келмаса, қандай қилай мен?.. Қўлимдан келмайди, вассалом!» Шундай хаёлларда эдимки, бирдан Матрёна кириб келди. У вақтларда уни мен ўзимнинг икки чақирим наридаги қўрғонимга беркитиб қўйгон эдим.

Шу учун қўрқиб кетдим:

— Ҳа,— дедим,— у ерда турғонингни ҳам билиб қолдиларми?

— Йўқ, Пётр Петрович,— деди ул,— у ерда эканини ҳеч ким билгани йўқ. Фақат қачонгача шу аҳвол бўлади? Юракларим ёрилиб кетаётибдир менинг, Пётр Петрович. Сизга, ўзимнинг севгилимга, раҳмим келади, сизнинг юмшоқ маъмилаларингизни бир умр унутмайман, Пётр Петрович, аммо мен шу топда сиз билан хайрлашкали келдим.

— Нима, нима, нималар дейсан сен, тентак қиз?.. Нега хайрлашасан? Нега, ахир?

— Шундай... тўппа-тўғри бораману, ўзимни топшираман.

— Бекор айтибсан! Сени — сен тентакни мен, томинг ёпиғиға қамаб қўяман... Ёки, сен мени нобуд қилмоқчимисан? Йўқ қилмоқчимисан сен мени?

Қиз шўрлик дамани чиқаролмасдаь ерга қаради.

— Хўш, қани, гапиргил, гапир!

— Бундан сўнг сизга ташвиш беришни хоҳламайман, Пётр Петрович.

Қани энди унга гап уқдириб бўлса...

— Биласанми, сен эсипас, биласанми, ахир, сен тен... тентак...

Деди-ю, хўрсиниб йиғлаб юборди Пётр Петрович.

— Буни кўринг сиз, буни томоша қилингки,— деб устални мушлаб ва қовоғини буриштириб давом қилди Пётр Петрович, шу ҳолда ҳам лекин қизиб кеткан юзларидан кўз ёши томчилари югуришарди:— Узини топширди-я, қиз ўлгур-а, тўппа-тўғри бордию топшира қолди...

Шу чоқда эшикдан кириб келган бжкат бошлиғи:

— Арава тайёр!— деб, тантана билан хабар берди.

Икковимиз ҳам қўзғалдик.

— Матрёна нима бўлди шу билан?— деб сўрадим мен

Каратаев жавоб қайтармасдан, ёлғиз қўлини силтади.

**ИВАН ИВАНОВИЧ БИЛАН ИВАН НИКИФОРОВИЧ
ОРАЛАРИДА БУЛИБ УТМИШ НИЗОЛАР
ҲИКОЯТИ.**

Биринчи фасл

ИВАН ИВАНОВИЧ ВА ҲАМ ИВАН НИКИФОРОВИЧ

Иван Ивановичнинг пўстуни жуда яхши! Ниҳоят да-
ражада аъло! Барраси-чи, барраси! Бай-бай, баррасини
айтинг! Ўзи каптар рангида-ю, бир оз асари бор. Бун-
дай бир нарсанинг бошқа ҳеч кимда йўқлигига ҳар ким
билан ҳар қандай шарт боғлашқа ҳозирман! Қарангиз,
азбаройи худо, бир қарангиз, айниқса у кишининг ўз-
лари бошқа биров билан гаплашиб турганда ёнларидан
туриб қарангиз: қандай ноёб нарса! Таъриф ва тавсиф-
га сизмайди: зарбоф! нуқра! ўт, олов! Субҳонолло! Ё
азизлар, ё авлиёлар, ё анбиё, ё атқиёлар!* Нега, нега
ахир менинг бисотимда бу давлат йўқдир? У бу нарса-
ни марҳума Агафия Федосеевна Киев шаҳрига бормас-
дан бурун тикдирган эди. Агафия Федосеевнани сиз
ҳам танирмидингиз? Заседател тўранинг қулоғини
тишлаб олган ўша марҳума эди-да.

Иван Иванович кўп яхши одам! Унинг Миргород-
даги ҳовли-жойини айтинг! Уйининг чор тарафи қара-
гай устунлик айвон, унинг ҳар жой-ҳар жойига курси-
лар қўюлгон. Кунлар кўп исиб кетганда Иван Иванович
пўстунини ва бошқа либосларини чечиб ташлайди-да,
ёлғиз кўйлак ва лозим билан қолиб айвонда истиро-
ҳат қилади; баҳузур истироҳатда ётиб ҳовлида ва кўча-
да бўлаётган ишларни томоша қилади. Теразаларнинг
ёнгинасида ўсиб турган олма ва нашватиларни айтинг!
Теразаларни очқундай бўлсангиз шохларнинг ўзлари
ичкарига уриб кирадилар. Лекин буларнинг ҳаммаси
том олди ҳовлида, уй олдидадир; энди боғидан келинг,
боғидан! Йўқ нарса ҳам бормикан дейман. Олулар, ги-
лослар, қора гилослар*, анвойи сабзавот, офтобпараст*,
бодринг ва қовунлар, нўхот, ловия, мош ва бошқа-бош-

қалар; ҳаттоки дон омборлари билан темирчилик дастгоҳларигача.

Иван Иванович кўп яхши одам. Қовунни кўп яхши кўради, унинг энг севган емиши — шу. Овқатдан бўшаган ҳамон кўйлақчан айвонга чиқади, Гапка деган оқсоч хотинга бир эмас, бирданига иккита қовун келтирмакка буюради, қовун келгач ўз қўли билан сўяди, уруғларини алоҳида бир қоғозга олиб қўяди-да, ундан сўнг егали бошлайди. Еб бўлгандан кейин яна ўша хотинга сиёҳ билан қоғоз-қалам келтирмакка буюради, улар ҳозир бўлгандан сўнг яна ўз қўли билан қовун уруғларининг устига «ушбу қовун фалониланчи тарихда тановул қилинди» деб қўяди. Агарда ўша жойда бирорта меҳмон-измон ҳам бўлган эса, «фалоний ҳам ҳозир эди» деб яна қўшиб қўяди.

Миргород шаҳрининг марҳум судяси Иван Ивановичнинг жойига ҳамма-вақт ҳавас билан қарар эди. Чинакам, у жойнинг ўзи ҳам чакки эмас. Менга шуниси маъқул эдиким, унинг чор тарафи ёпиқ ва ёпиқчалар билан тўлган. Агарда олисдан туриб қарасангиз, бир-бирларининг устларига мингашган томлардан бошқа нарса кўрунмасди. У томларнинг ўзи ҳам ичи хамир тўла товоққа ёхуд дарахтнинг бўқоғига жуда ўхшаб кетарди. Яна у томлар қамиш билан ёпилган бўлиб, уларнинг устларига тол ва эман дарахтлари узун ва кенг кўланкаларини ёйган бўлардилар. У дарахтлар орасида йилт-йилт қилиб, ҳатто кўчага чиққундай бўлиб, теразалар кўрунар ва у теразаларнинг ўймакорлик билан ишланган ва оққа бўялган дарпардалари бўлар эди.

Иван Иванович кўп яхши одам! Полтава шаҳрининг мансабдор тўраларидан Дарош Тарасович Пухивочка деган зот у кишини танийди ва Харал шаҳридан ўтушда, албатта, уникига бир тушиб ўтади. Кулибар деган жойда яшовчи биринчи поп деб саналатурғон Пётр домла бўлсалар ҳовлиларида беш киши жам бўлса ҳам, ҳаммавақт марҳамат қилиб айтадиларким, христиан динининг буюрганларига бунчалик ихлос билан амал қилатурғон ва Иван Иванович сингари умр кечира олатурғон бир одамни сира учратмаган эмишлар.

Эй парвардигори олам, бу умр қандай тез ўтади. Хотинидан айрилганига ўша вақтда ҳам ўн йил бўлиб эди. У кишининг фарзандлари йўқ эди. Оқсоч Гапканинг фарзандлари бор ва улар ҳовли саҳнида аксари югуришиб ўйнайдилар. Иван Иванович уларга ҳар до-

Йим ҳар бирига бир ададдан думалоқ нон ёхуд бир тиликдан қовун ёхуд бир донадан нашвати беради. Ертўла омборнинг ва бошқа омборларнинг калити ўша Гапкада бўлади, аммо лекин ўз ётоқхонасидаги катта сандиқнинг ҳамда ўрта омборнинг калити Иван Ивановичнинг ўз ёнида туради ва уларга бировнинг яқинлашмоғини у кишининг ўзи хоҳламайди. Гапка жуда бардам аёл, устига украин кўйлаги кияди, болдири семиз, йўғон, сергўшт ва тоза; юзлари ҳам тоза.

Бу Иван Ивановичнинг сўфилик ва тақводорлигини айтинг. Ҳар якшанба кuni пўстунини кийиб ибодатхонадан қолмайди. У ерга кирган ҳамон Иван Иванович ҳар томонга бир-бир салом беради ва, ўз одати бўйича, доим «маҳаллий қироат»*га чиқади ва йўғон овози билан кўп яхши қироат қилади. Ибодат тугаган ҳамон... ҳамма тиланчиларни бир-бир кўриб, ҳолидан хабар олиб чиқмаса, кўнгли тинчимайди. У ўзи бундай серташвиш иш билан шуғулланмоқни, эҳтимол, хоҳламас. Лекин у кишининг зотларида мавжуд бўлган яхшилик шу «кори хайр»га у кишини етаклайди. Уша тиланчилар орасидан либоси ёлғиз ямоқлардангина иборат бўлган ва ҳаммадан кўра ожиз ва нотавон бир хотинни ахтариб топади-да, одати бўйича, «омонмисан, ҳой мискин? Ўзинг қайдан бўласан?» деб сўрайди.

— Мен, тақсир, қўрғондан келдим: уч кундан бери ҳеч нарса еб-ичганим йўқ, мени ўз туққан болаларим ҳайдаб солдилар.

— Э, ғариб, бечора! Нега келдинг бу ерга?

— Шундай, тақсир, хайр сўрагали келдим, ҳеч бўлмаса нон пули бергундай сахийлар чиқиб қолмасми дейман.

Шундай фурсатларда Иван Иванович, ўз одатлари бўйича, сўрар эдилар:

— Ҳа! Шундайми, сен нон сўрайсанми?

— Сўрамай нима қилай? Жуда ёмон очман.

— Ҳа,— дер эди Иван Иванович,— сенинг кўнглинг, балки, гўшт ҳам тилар?

— Оч одам суруштириб ўтурардимми? Нима марҳамат қилсангиз ҳам бўлаберади.

Мана шундай фурсатда тиланчи кампир, аксар, қўлларини узатарди.

— Қани, юришиб қол, худо деб!— дер эди Иван Иванович,— Нега қараб турибсан? Елкангга мушт тушмасдан илгари жўнаб қол!

Шу хилда муомала билан бошқа тиланчилардан ҳам «ҳол-аҳвол сўрагач», охирда у киши уйларига қайтарлар, ёхуд Иван Никифорович деган қўшнисиникига, ё судяникига ёки гараниш* тўраникига бир пиёла ароқ ичгали кирар эдилар.

Ўзларига совға-салом олиб келган кишиларни Иван Иванович кўп дўст тутар ва у нарсани жуда яхши кўради.

Иван Никифорович ҳам, у кишига ўхшаш, кўп яхши эдам. У кишининг ҳовлилари Иван Ивановичнинг ҳовлиларига яқин. Улар иккаласи шундай қалин дўстларки, дунё уларнинг мислини кўрмаган деса мумкин. Антон Прокофьевич Попопуз деган яна бир киши борким, ҳалигача мовий энглик мошранг суртук кияди ва ҳар якшанба куни судяникида овқат қилади; ана ўша киши аксари айтар эдиларки: «Иван Иванович билан Иван Никифоровични рўзи азалда бир-бирларига маҳкам ип билан боғлабдирлар: бири қаю тарафга юрса, иккинчиси ҳам унинг кетидан қолмайди».

Иван Никифорович бир умр уйланмай ўтдилар. Баъзи-баъзида у кишининг уйланмоқчи бўлганлари тўғрисида гапирсалар ҳам у гаплар ҳаммаси ёлғондан бошқа нарса эмасди. Каминалари, Иван Никифоровични жуда яхши биламан ва шу сабабдан айтоламанким, у кишининг уйланмоқ борасида ҳатто ниятлари ҳам йўқ ва ажабо, қаердан рўй берди бундай тухматлар? Бир замон бир овоза бўлган эдиким, гўё Иван Никифорович онадан туғилганда орқасида думи билан туғулган эмиш. Бу шу қадар нолойиқ, ёпишмагаж ва инсофдан ташқари бир тўқума гапдирким, унинг ёлғонлигини маърифатлик ва доно ўқувчиларга билдириб ўтурмоқни ҳам зарур кўрмайман, негаким, орқасида думи бор махлуқотнинг ёлғиз олбостилар бўлгани ва мазкурларнинг ҳам жуда ози думдор бўлгани уларга равшандир. Ва ҳам олбостилар, аксар, хотин тоифасига мансуб бўлиб, эркак тоифасидан бўлганлари камдир.

Бир-бирларига жуда маҳкам боғлангонлари билан ҳам, у икки ноёб дўст бир-бирларига унча ўхшамас эдилар. Уларнинг мизожларини энг яхшиси қиёс йўли билан билиш осон. Иван Иванович жуда ёқимли ва ширин гапирмак жиҳатидан ҳаддан ташқари буюк бир неъматга эгадирлар. Ё олло, унинг гапириши! Унинг гапини эшитмоқдан ҳосил бўлатургон лаззатни ёлғиз бошингизни боқиб турган замондаги ёхуд товонингизни қашлағондаги лаззат билангина қиёс қилмоқ мумкин-

дир. Эшитабериб-эшитабериб бошдан ажрайсан киши! Ширин! Жуда ҳам ширин! «Бамисоли хоби баъдаз гусл»*. Иван Никифорович бўлсалар, аксар, аксинча, жим ўтурадилар, аммо оғзидан бир оғиз гап чиққундай бўлса, адабингни еб қоласан киши: энг тез ва иттик устарадан ҳам ёмон кесади. Иван Иванович бир қадар ориқ ва баланд бўйлик, Иван Никифорович эса унга нисбатан бир оз пакана, аммо унинг семизлик бобидан вусъати* зўр. Иван Ивановичнинг боши — турпнинг думи пастга чўзулганига ўхшайди, Иван Никифоровичники эса турпнинг думи юқори кўтарилганига ўхшайди. Иван Иванович ёлғиз овқатдан сўнг ётиб, истироҳат қилади ва мутлақо қўйлақчан бўлгани ҳолда ўз айвонида; оқшомлари бўлса пўстунини кийиб бирор жойга боради: ё ўзи ун бериб туратурғон жойга, яъни шаҳардаги улкан дўконига, ёхуд бедана овлагали — далага. Иван Никифорович бўлса эртадан кечгача эшик олдида ётади, агарда кун кўп ҳам иссиқ бўлмаса, албатта орқасини кунга қилиб ётади ва ҳеч қаерга боришни истамайди. Эрталаб, ҳафсаласи келиб қолса, ҳовлини бир айланиб, рўзғор ишларини кўриб, яна истироҳат қилғали ётади. Бурун замонларда, баъзи-баъзида, Иван Ивановични кига киргучи эди. Иван Иванович жуда таъби нозик одам ва одоб билан гаплашилганда оғзидан ҳеч бир беҳуда сўз чиқмайди ва ўзгалар айтганда ҳам дарров хотири ранжида бўлади. Аммо Иван Никифорович баъзида тилини сақлаёлмай қолади. Ундай вақтларда Иван Ивановичнинг одати шуки, дарров ўрнидан туради ва бундай дейди: — «Бас, энди, Иван Никифорович, бундай журму* исёнга боис бўлган гапларни гапиргунча, тезроқ офтобга тушайиқ». Иван Ивановичнинг шўрвасига чибин (қора пашша) тушиб қолса, у киши бўғуладилар, бундай вақтларда у ўзини билмай қолиб товоқчаларни ҳам ирғитиб ташлайди, овқат бергани ҳам хижолат қилади. Иван Никифорович бўлса чўмулишни жуда яхши кўради, то бўғзиғача сувга кириб туриб, шу ҳолда сувга стол ва самовар қўйдиради, ана ўша хилда салқинлаб туриб чой ичади. Иван Иванович соқолини ҳафтада икки мартаба олдиради, Иван Никифорович бир мартаба.

Иван Иванович жуда ажиб одам: унинг олдида бир ҳикояни бошлаб қўйиб тугатолмасликдан худонинг ўзи сақласин! Агар бир нарсадан норози бўлса, дарҳол изҳор қилади. Иван Никифоровичнинг зоҳирига боқмоқ билан унинг рози ё норози бўлганини пайқамоқ қийин,

бир нарсадан хурсанд бўлса ҳам изҳор қилмайди. Иван Иванович пича қўрқоқ мижоз одам. Аммо Иван Никифорович, унинг аксича, жуда кенг лозим кияди ва у лозимини пуфлаб шиширилса, унинг ичига ҳамма омборлари ва бинолари билан бирга тамом ҳовлини сиғдирмоқ мумкин бўлади. Иван Ивановичнинг зўр-зўр, маънолик ва тамаки рангида кўзлари бор, оғзи қадимги рус ҳарфларидан «ижица»* деганларига ёхуд рома рақамларининг бешлигига ўхшайди, чунончи: «v». Иван Никифоровичнинг кўзлари эса сап-сарик ва ҳам қалин қошлари билан семиз юзлари орасида зўрға кўзга илашади, бурни бўлса пишган олуга ўхшайди. Иван Иванович сизни папирос билан меҳмон қилмоқчи бўлса, энг аввал ўша папирос қутичасининг қопқоғини бир мартаба ялайди, сўнгра бармоғи билан бир чертади, ундан кейин сизга узатиб туриб, башарти ошна бўлсангиз: «Марҳаматингиздан умидвор бўлмагим мумкинмикан, э пийри муҳтарамим?» — дейди ва агар ошна бўлмасангиз—«Мансаблари ва даражалари ва рутбалари ва хизматларини билмоқ шарафига эришолмаганим ҳолда, марҳаматларидан умидвор бўлмагим мумкинмикан, э пийри муҳтарамим?»— дейди. Иван Никифорович эса сизга тўппа-тўғри бурунакисининг* қутичасини узатиб бир оғиз калтагина таклиф қилади: «марҳамат». Ҳам Иван Иванович ва ҳам Иван Никифорович иккалалари ҳам бурга деган махлуқни жуда ёмон кўрадилар ва шу учун кўчаларидан ўтган ҳар бир яҳудий чорбозорчисини тўхтатиб, ўша махлуқотнинг дафъи учун лозим бўлган «элексир»* ва бошқа шунинг сингари дориларни олмасдан қўймайдилар, лекин яҳудийнинг молини олмасдан бурун унинг ўзини яҳудий динига мансуб бўлгани ваҳҳидан кўп келишдириб сўкиб оладилар.

Сўзнинг қисқаси, иккалаларининг ораларида бир навъ айирма бўлушига қарамасдан, улар, яъни Иван Иванович билан Иван Никифорович жуда яхши кишилардир.

Иккинчи фасл

**ИВАН ИВАНОВИЧНИНГ НИМАЛАР ХОҲЛАГАНИ,
ИВАН ИВАНОВИЧ БИЛАН ИВАН НИКИФОРОВИЧ
ОРАЛАРИДА ҚАНДАЙ СУҲБАТЛАР УТГАНИ ВА У
СУҲБАТЛАРНИНГ НИМА БИЛАН ТАМОМ БУЛГАНИ
БАЕНИДАДИР**

Асад (июл) ойида, эрталаб Иван Иванович айвонда ётар эди. Кун ниҳоят даражада иссиқ, ҳаво қуруқ ва

қақшағон, осмондан худди ҳарорат ёққандай бўларди. Иван Иванович жуда эрта туриб, шаҳардан ташқарига чиқиб, ўроқчиларни кўриб, қўрғонни айланиб, учраган деҳқонлар билан хотин-халаждан қаердан келмакда, қаерга кетмакда ва нима учун келиб-кетмакда эканини суруштириб келиб жуда ҳорғондан сўнг яна ётган эди. Жойида ётиб туриб биноларга, ҳовлига, омборларга, саҳнларга ва саҳнда югуришиб юрган товуқларга узоқ тикилиб турди-да, ўзича ўйлади: «Э худованди олам, мен қандай бадавлатман-а! Менда йўқ нарсадан нима бор? Қушлар, бинолар, омборлар, турли-туман неъматлар, эски ароқ ва янги ароқлар; боғимда бўлса нашватилар ва олулар; сабзозоримда кўкнор, карам ва нўхот... Яна нима кам менинг? Билмоқ истар эдимки, нима кам экан менда?»

Узига бундай чуқур саволни бергандан сўнг Иван Иванович фикрга ғарқ бўлди, бу орада унинг кўзи янги нарсалар ахтариб Иван Никифоровичнинг деволдан нарийёққа ошиб ўтди ва ихтиёрсиз, бир қизиқ томошани сайр эта бошлади: арвоқ бир кампир узоқ ётиб қолгон кийимларни бирин-бирин олиб чиқиб, шамоллатмоқ учун узун арқонга ёйиб турарди. Тез орада енг учлари тўзган жуда кўҳна бир мундир (тўралар камзули) енгларини юқори кўтаргани ҳолда ипак қумошли* бир хотинлар кўйлакчасини қучоқлади; унинг кетидан тамга тугмали* ва тўзган ёқали бир двориан (асилзода) камзули чиқиб келди; ундан сўнг устига доғ тушган ёзлик ёш бола шимчаси чиқиб келдики, бир замонлар Иван Никифоровичнинг оёғи сиққан бу шимга энди ёлғиз бармоқлариғина сиғмоғи мумкин. Унинг орқасидан «л» ҳарфига ўхшаган бошқа бир шим чиқди, сўнгра казак (казачий) формасида тикилган кўк бир бешмат* ёйилдиким, уни Иван Никифорович бундан 20 йилча бурун аскарый хизматга кирмакчи бўлиб муйлабини ўстуруб юрганида тиктирган эди.

Охирда, бир-бирига қарши ўлароқ, учи найзага ўхшаб ҳавода осилгани ҳолда қиличлар қаторлашди. Сўнгра кўк майса рангли, бир мирилик чақа зўрлиғида кумуш тугмали кафтан* сингари бир нарсанинг этақлари чўзулди. У этақлар орқасидан олтин жиякли ва олтидан кенг ёқа очилган желатча* кўрунди. Кўп ўтмасдан бу желатчани марҳума ача (катта она)нинг эски кўйлаги ёпдиким, унинг ҳар бир чўнтагига биттадан тарвуз сиғар эди. Бутун булар бирлашиб Иван Иванович учун жуда мароқли бир томоша ташкил қиларди.

Шу билан бирга сафсар ёхуд кўк енгларга, қайтарилгон қизил енг учларига, ёки тилларанг кимхобнинг бир бўлагига тушиб турган ва ёхуд қиличнинг учида йилтиллаб ўйнаган офтоб зарралари уни аллақандай ажиб қилиб кўрсатарди.

Кўп ўтмай кампир энтика-энтика ертўла омборидан бир эгар кўтариб чиқдиким, унинг узук узангилари, тўзган қайишдан милтиқ халталари, зар гуллар ва кумуш нишончалар билан безалган ва бир замон қизил рангда бўлган ёпқичлари бор эди.

— Ахмоқ кампирни кўринг!— деб ўйлади Иван Иванович.— Қўйиб берса Иван Никифоровичнинг ўзини ҳам шамоллатгали олиб чиқади бу!

Чинакам, Иван Иванович бу фикрида янглишмаган эди. Бирор беш дақиқа ўтгандан сўнг Иван Никифоровичнинг хитой қумошидан тикилган катта шими келиб чиқиб саҳннинг ярми қадар бир ерни эгаллади. Унинг орқасидан кампир битта шапка билан битта милтиқ олиб чиқди.

— Бу нима бўлди?— деб ўйлади Иван Иванович.— Мен Иван Никифоровичнинг қўлида бир умр милтиқ кўрган эмасдим. Нима қилгани бўлди бу? Ўзи милтиқ отмаса ҳам милтиқ ушлар экан-да! Нима кераги бор экан унга? Лекин яхши нарсага ўхшайди! Мен кўпдан бери шундай бир нарсани тусаб юрар эдим. Бу милтиқчани қўлга туширишни кўнгил жуда тилаб қолди, милтиқ ушлашни жуда яхши кўраман мен ўзим. Ҳой кампир, ҳой кампир!— деб бармоғи билан имлаб чақирди Иван Иванович.

Кампир деволга яқин келди.

— У нима нарса бўлди, кампир?

— Кўриб турибсиз-ку, милтиқ.

— Қандай милтиқ?

— Ким билади, унинг қандайлигини? Ўзимники бўлса нимадан ясалганини, балки, билардим, лекин у— хўжайинники.

Иван Иванович ўрнидан туриб милтиқни ҳар томондан айлантириб кўра бошлади ва шундай қилиб уни қилич билан бирга шамоллатгали қўйгани учун кампирни тергамак истагани эсидан чиқди.

— Бу ўзи темирдан бўлса керак,— деб сўзини давом қилдирди кампир.

— Ҳим! Темирдан? Нега темир бўлар экан?— дея ўзича сўзланди Иван Иванович.— Қанчадан бери тутадди хўжайиннинг?

— Анча бўлгандир.

— Яхши нарса,— деб давом қилди Иван Иванович.— Мен сўраб оламан буни. Нима даркори бор унга? Ё бўлмаса бирон нарсага алиштираман. Хўш, кампир, хўжайиннинг уйдаи?

— Уйда!

— Ҳа, ётибдими?

— Ётибди.

— Кўп яхши, мен кираман унинг ёнига.

Иван Иванович уйга кириб кийинди. Миргород шаҳрининг кўчаларида одамдан кўра ит кўпрак бўлгани учун итга қарши қўлланатурғон ғудур-будур таёғини қўлига олиб, сўнгра жўнади.

Иван Никифоровичнинг ҳовлиси Иван Ивановичнинг ҳовлиси билан ёнма-ён бўлиб, уникидан буникига четан девол орқали ошиб тушмоқ мумкин бўлса ҳам, Иван Иванович кўча орқали юрди. Бу кўчадан чиққач яна бир тор кўчага кирмак лозим бўларди ва у тор кўча шу қадар танг эдики, иккита бир отлик арава дуч келиб қолса, на олдинга юролмаи ва на орқага қайтолмай шундай тўхталиб қоларди. Сўнгра араванинг орқа ғилдираklarини кўтарибгина иккисини икки ёққа ўтказмак мумкин бўларди. Пиёда ўтган одам эса тор кўчанинг икки тарафида девол бўйлаб ўсган ҳар хил тиканак ва чакамуқлар* орасида қоларди. У тор кўчага бир томондан Иван Ивановичнинг омбори келиб чиққан бўлса, иккинчи томондан Иван Никифоровичнинг омбори ва каптархонаси келиб чиққан эди. Иван Иванович дарвозага етиб келиб шарақлатиб занжирини тушурган эдики, ичкаридан ит ҳуриши кўтарилди, лекин ола ит кирган одамнинг таниш эканини кўргач, думини қийпанглатиб чопганича яна жойига қайтиб кетди. Иван Иванович ҳовлининг саҳнидан ҳам ўтди, бу саҳн Иван Никифоровичнинг худди ўз қўлидан дон ейтурғон ҳинд каптарлари, тарвуз ва қовун пўчоқлари, баъзан сабзавот ва баъзан синиқ ғилдираklar, бочка белбоғлари ёхуд думаланиб ётган шалтоқ кўйлакли бола билан безалган эдики, ундай манзарани рассомлар яхши кўрадилар; ёйилган либосларнинг кўланкаси бутун саҳни деярлик қоплагон ва унга бир даража салқин тушуриб турарди. Кампир Иван Ивановични таъзим билан қарши олди ва унга тикилгани ҳолда турган жойида туриб қолди.

Иван Ивановичнинг кирган уйи жуда қоронғи эди,

негаким, тераза қопқоқлари* берк ва қопқоқдаги кичкина ёриқдан кирган офтоб шуъласи найкамалак каби кўрунарди.

— Ё олло!— деди Иван Иванович.

— Ҳа, келинг, Иван Иванович!— деган овоз келди уйнинг бир бурчидан. Шундан сўнггина Иван Ивановичнинг кўзи ерда гилам устида ётган Иван Никифоровичга тушди.— Авф этингиз, модарзод ҳолда ҳузурингизда бўлунаман.— Чинакам, Иван Иванович бутунлай кийимсиз, ҳатто кўйлаксиз ётар эди.

— Зарари йўқ. Уйқуни урдингизми бу кун, Иван Никифорович?

— Ҳа, уйқуни урдим. Сиз ҳам ухладингизми, Иван Иванович?

— Ҳа, ухладим.

— Демак, ҳозиргина уйқудан турибсиз-да?

— Ҳозиргина турган эмишман. Масиҳнинг¹ раҳмати бўлсин сизга, Иван Никифорович. Шу вақтгача ухлаб бўладими, қалай! Мен қўрғондан эндигина келдим. Йўл бўйи экинлар шундай чиройлик бўлибдики! Жуда ҳам гўзал! Пичан ҳам шу қадар ўсган, юмшоқ, қалинки!

— Горпина!— деб қичқирди Иван Никифорович.— Иван Ивановичга ароқ билан сузмалик варақи сомсадан олиб кел!

— Жуда ҳам соз кун — шу бу кун.

— Мақтаманг, Иван Иванович. Куни қурсин, падарига лаънат! Иссиқдан қаерга қочишингни билмайсан киши!

— Лаънат ўқушингизни қаранг энди. Э, Иван Никифорович! Менинг бу сўзимни бир кун эслайсиз-ку, лекин фурсат ўтган бўлади: бу мужримона сўзларингиз учун у дунёда ёмон ҳолга қоласиз².

— Қандай озор етказдим мен сизга, Иван Иванович? Мен ахир, на отангиз ва на онангизга тил тегизмадим-ку. Билмадим, нима билан ранжитдим экан сизни.

— Бас энди. Иван Никифорович, бас!

— Худо ҳаққи мен сизни ранжитганим йўқ. Иван Иванович!

— Қизиқ, шунча чақирилсалар ҳам беданалар тузоққа яқинлашмайдилар.

¹ М а с и ҳ — Исо демак.

² Бу ерда одобсизлик ва гуноҳ ҳисобланган сўз лаънат деган сўздирки, русчасида «шайтон» номи зикр этилади.

— Сиз ўзингизча нима ўйласангиз ўйланг, лекин мен сизга ҳеч қандай озор берганим йўқ.

— Билмадим, нега улар яқинлашмас эканлар,— деди Иван Иванович худди Иван Никифоровичнинг гапларини эшитмагандай:— Ё вақти келмадимикан... Лекин шу топда авжи вақти бўлса керак.

— Сиз экинларни жуда яхши дедингизми?

— Экинлар жуда ҳам яхши, экинлар!

Шундан сўнг жимлик чўкди.

— Нега сиз, Иван Никифорович, либосларингизни ёйдириб қолдингиз? — деди ниҳоят Иван Иванович.

— Ҳа, жуда тоза, бутунлай янги деярлик кийимларимни кампир ўлгур чиритиб қўйибди, энди ўшаларни шамоллатдириб ётибман, қумоши жуда мулойим, тоза нарса, оғдариб қоплатилса яна киймак мумкин.

— Шулар орасида бир нарса менга ёқиб қолди, Иван Никифорович.

— Нима нарса экан?

— Менга қаранг, Иван Никифорович, либосларингиз билан бирга осилган милтиқнинг сизга нима даркори бор?

Шу ерга келганда Иван Иванович папирос тақдим қилди.

— Марҳаматингизни сўрасак бўлармикан?

— Қуллуқ, марҳамат қилингиз, мен бурнакимни тортаман.— Шундан сўнг Иван Никифорович ёни-берисини қараб қутичани топди.

— О, эси паст кампир-эй! Милтиқни ҳам ёйиб қўйибдими ҳовлига? Сарўчиндаги жуҳуд тамакини жуда боппайди-да. Билмадим нима қўшар экан, лекин кўп хушбўй-да! Канўпир* деган гиёҳга ўхшаб келади. Мана, жиндак шимиб кўринг. Чинакам, канўпирга ўхшайдими? Олингиз, марҳамат қилингиз.

— Менга қаранг, Иван Никифорович, менинг эсим ҳали ўша милтиқда: сиз нима қиласиз уни? У, ахир, сизга керак эмас-ку?

— Нега керак бўлмасин? Отиш лозим бўлса-чи?

— Эй, худо ярлақагур Иван Никифорович, қачон отар эдингиз сиз уни? Қиёматдами? Сиз мени(нг) билишимча ва ўзгаларнинг шаҳодатича, шу чоққача битта ўрдак ҳам урганингиз йўқ, ҳамда ҳаллоқи жаҳон сизга зотан мерганлар мизожини берган ҳам эмас. Сиз басавлат, бавиқор ва олипта бир одамсиз. Усиз ҳам сизнинг номини атаб айтмоқ нолойиқ бўлган кийимла-

рингизни¹ тез-тез қурутиб турмоқ лозим келади-ю, сиз энди ботқоқликларда судралиб юриб ов қилармидингиз? Қандай бўлади унда? Йўқ, сизга тинчлик ва истироҳат лозим (Иван Иванович, юқорида айтилгани каби, бировни бир гапга кўндурмак лозим бўлганда фавқулодда санъат билан гапирарди. Қандай гапирарди! Ё раббий, қандай гапирарди!). Шундай, сизга жуда одоб доирасида ҳаракат этмоқ керак. Сўзимга унангиз, беринг менга милтигингизни.

— Бўлатурғон гапмиди! Бу — қийматбаҳо милтиқ, ҳозир бундай милтиқни ҳеч қаердан тополмайсиз. Мен буни милитсия* хизматига чақирилган вақтимда бир туркдан сотиб олган эдим, энди келиб сизга дарров бериб қўяманми? Бўлатурғон гапмиди, бу жуда керак нарса.

— Ҳўш, нима кераги бор унинг?

— Нимага кераги бўлмасин? Уйимни ўғрилар босқундай бўлсачи... Шунда ҳам керак бўлмайдимми? Худога шукур! Ҳозир мен тамом хотиржамман ва ҳеч нарсадан қўрқмайман. Бу нимадан? Бу шунданки, ўқланиб қўюлган милтиғим борлигини ўзим яхши биламан.

— Жуда яхши милтиқ! Лекин, Иван Никифорович, қулпи бузуқ.

— Бузуқ бўлса нима қилар эди? Тузатдириш мумкин, ёлғиз занг босмасин учун кунжут ёғи билан ёглаб қўюш керак.

— Сизнинг бу сўзларингиздан, Иван Никифорович, менга бўлган дўстларча ихлосингиз ҳеч бир зоҳир бўлмайди. Сиз менга ошналик важҳидан ҳеч бир нарса қилмоқни хоҳламайсиз.

— Нечик, масалан, Иван Иванович, сиз дейсизки, мен сизга ошналик важҳидан ҳеч нарса қилмайман? Оё, айб эмасми сизга? Сизнинг ҳўкузларингиз менинг еримда шу қадар ўтлайдилар, бир бор ҳам уларни тутдурганим йўқ. Ҳар қачон Полтавага борар бўлсангиз мендан арава сўрайсиз ва шунда ҳам бир бор бўлсин йўқ дедимми? Сизнинг болаларингиз четан деволдан ошиб менинг ҳовлимга тушадилар ва менинг итларим билан ўйнашадилар, уларга ҳам мен нарса демайман-ку; май-

¹ Бундаги кийимдан фарз — ички кийимлар, яъни кўйлак-лозимлардир. Иван Никифоровичнинг семизлигидан ва оз ҳаракат қилса ҳам терлай бериб кийимлари ҳўлланганидан бир қочирим.

ли, ўйнай берсинлар, фақат ул-булга тегмасалар бўлди, ўйнай берсинлар, дейман-ку.

— Ҳады тариқасида бермоқни хоҳламасангиз, энди бирор нарсага алмаштирамиз шекилли.

— Хўш, нима берасиз менга унинг эвазига?— шу сўзни айтгандан сўнг Иван Никифорович энгагига таянгани ҳолда Иван Ивановичга қараб қолди.

— Мен сизга унинг эвазига сури чўчқамни* бераман, ўзингиз ҳам биласиз: мен уни ўзига хос бир оғилда боқиб семиртирганман¹, жуда обдон чўчқа, келаси йилда болалаб бермаса менга келасиз.

— Мен ҳайрон бўламанки, нега масалан, сиз, Иван Иванович, бу гапларни гапирасиз? Чўчқангиз нега керак менга? Шайтоннинг маъракасига сўйиб бераманми?

— Яна? Шайтонни оғизга олмасангиз бўлмас эканда? Гуноҳ бу, азбаройи худо, гуноҳ бу, Иван Никифорович!

— Ахир, Иван Иванович, бу қандай гапки, сиз менга милтиқ эвазига аллақандай бўлмагур бир ҳайвонни бериб ўтурибсиз!

— Нима учун у, Иван Никифорович, аллақандай бўлмагур ҳайвон бўлар экан?

— Нега бўлмасин? Ўзингиз ўйлаб кўринг, ахир. Бу ахир, милтиқ — ҳаммага маълум нарса, у бўлса — бўлмагур бир ҳайвон, чўчқа! Агар бу гапни сиз гапирмасдан ўзга биров гапирса озурда бўлар эдим.

— Хўш, чўчқанинг нимаси ёмон сизга?

— Ким деб ўйладингиз, дарвоқе, сиз мени? Мен чўчқани...

— Утуринг... Бўлдим энди... Милтиғингиз ўзингизга бўлсин, менга деса уйингизнинг бир бурчида тура бериб занглаб, чириб кетсин: бундан кейин унинг тўғри-сида гапирмакни ҳам истамайман.

Шундан сўнг жимлик чўкди.

— Дейдиларки,— дея гап бошлади Иван Иванович,— уч қирон бир бўлиб бизнинг подшоҳимизга уруш очган эмишлар.

— Ҳа, Петр Федорович айтиб эди. Бу қандай уруш экан? Нима тўғрида чиққан бўлса?

— Аптидан, Иван Никифорович, нима тўғрида чиққанлигини айтиб бўлмайди шекилли. Мен ўйлайманки,

¹ Аслида чўчқа камрак ҳаракат қилиб яхшилаб семирсин учун қилинатурғон тор бир катак.

қиронларнинг ҳаммаси бизни турк динига киргизмакчи бўладилар.

Иван Никифорович бошини кўтара тушиб деди:

— О, аблаҳлар-эй, шуни хоҳлабдилар-а?

— Мана, кўрдингизми, бизнинг подшоҳимиз шу важҳдан уларга уруш очибди. Йўқ дебди, подшоҳимиз, ўзингиз Масиҳ динига кириңгиз!

— Нима дейсиз? Бизникилар уриб ташларлар-а, Иван Иванович?

— Ҳа, уриб ташлайдилар. Шундай қилиб, Иван Никифорович, милтиғингизни алмаштирмақ истамайсизми?

— Мен ҳайрон бўламан, Иван Иванович, сиз ўзингиз олим бўлиб танилган бир кишисиз-у, гўдаклар гапини қиласиз. Ё мени ахмоқ деб ўйлайсизми?..

— Ўтуриңг, ўтуриңг! Кераги йўқ! Менга деса чириб кетсин. Бундан сўнғ гапирмайман.

Худди шу пайтда дастурхон келтирдилар. Иван Иванович бир стаканчада ароқ билан битта сузма сомсани уриб олди.

— Менга қаранг. Иван Никифорович, мен сизга ҳалиги чўчқадан бошқа яна икки қоп арпа ҳам берайин, сиз ўзингиз арпа экканиңгиз йўқ. Сизга бу йил, барибир, арпани сотиб олмоққа тўғри келади.

— Азбаройи худо, Иван Иванович, сиз билан гаплашатурғон киши илғари бир-икки қадоқ нўхот еб олмоғи керак (бу ҳали ҳолваси: Иван Никифоровичнинг оғзидан бундан ўткур гаплар ҳам чиқиб кетади). Бутун бошлиқ бир милтиқни икки қоп арпага алмаштирган киши қаерда кўрилибди? Хотиржам бўлиңг, бу ижтиҳодингиз* бекор кетади.

— Лекин сиз, Иван Никифорович, мен сизга яна ҳалиги чўчқани ҳам бермоқчи бўлганимни унутаётирсиз.

— Нима! Шундай милтиққа икки қоп арпа билан битта чўчқами?

— Ҳа, нима бўлибди, озми?

— Милтиққа-я?

— Албатта, милтиққа.

— Шундай милтиққа икки қоп?

— Икки қоп бўш эмас, ахир, арпаси бор, чўчқасини унутдингизми?

— Упушиб ётаберинг ўзингиз ўша чўчқангиз билан! Агар уни хоҳламасангиз — шайтон билан ўлушинг!

— Илоҳим, тилиңгиз тутулсин сизнинг! Кўрарсиз: бундай бедиёнат сўзлар учун у дунёда тилларингизга игналарни қип-қизил чўғ қилиб санчадилар. Сиз билан

гаплашиб бўлгандан сўнг одам бет-қўлини ювиб, елка-сидан бир-икки челақ сув тўкиб олмаса бўлмайди.

— Ўзингиз инсоф қилинг, Иван Иванович, милтиқ жуда яхши нарса, жуда кўнгул очатурғон нарса, боз устига уй учун ҳам кўп чиройлик зийнат...

Иван Иванович чинакам аччиғлана бошлаган эди, шу учун бу сафар жаҳли келибрақ гапирди:

— Сиз ўзингиз ҳам, Иван Никифорович, шу милтигизга ахмоқ ҳамоқатига* ёпишгандай ёпишиб олиб-сиз.

— Сиз, Иван Иванович, ғознинг эркагидан ўзга эмас-сиз.

Агарда Иван Никифорович шу сўзни айтмаса, улар иккаласи бироз баҳслашар ва сўнгра бурунгидай ширинлик билан ажралишар эдилар. Лекин бу дафъа иш тамом бошқача бўлди. Яъни, Иван Иванович жуда ёмон тутақиб кетди.

— Нима дедингиз, сиз, Иван Никифорович, нима?— деб овозини кўтариб сўради у.

— Мен дедимки, сиз, Иван Иванович, ғознинг эркагига ўхшайсиз!

— Сиз, бегим, бир одамнинг даражаси ва ному насабига эҳтиром ва одоб билан қарамоқни ёддан чиқариб, бундай ҳақоратомуз ном билан беобрў қилмоққа нечик журъат қилдингиз?

— Нимаси ҳақоратомуз бунинг? Хўш, нега сиз ўзингиз, Иван Иванович, қўлларингизни бундоқчасига дўлайиб ҳамлага келтириб қолдингиз?

— Такрор сўрайман: нега сиз тамом одобларга муғойир* бир йўсунда мени эркак ғоз деб атадингиз?

— Айтабераман мен, Иван Иванович! Нега сиз ҳадеб товукдай қақиллайсиз?

Иван Иванович шундан ортиқ ўзини тўхтатишга ярамади: лаблари дир-дир қалтиради, оғзи одатдаги «ижица» ҳарфига ўхшаган вазиятдан чиқиб «о» ҳарфи вазиятига кирди; кўзларини чунон ўйнатар эдики, қарағон одам кўрқиб кетарди. Бундай ҳол Иван Ивановичда жуда ҳам кам-кўруларди, бунинг учун унга қаттиқ озор бермоқ лозим эди.

— Шундай қилиб мен сизга билдираманки,— деди Иван Иванович,— сизни кўргали ҳам тоқатим йўқ.

— Оббо, катта гап бўлибдими! Худо урсин агар, қилча қайғирсам!— деб жавоб қайтарди Иван Никифорович. Унинг бу гапи ёлғон, ёлғон, худо урсин агар, ёлғон! Ҳақиқатда бу унга жуда оғир келган эди.

— Бундан нари остонангизга қадам қўймайман.

— Уҳ-хў!— деди Иван Никифорович, лекин ўзи жаҳлининг зўрлигидан нима қилишини билмас ва ўз одатига хилоф ўлароқ ўрнидан туриб кетган эди.— Ҳой, бола!— шу сўз айтилган ҳамон эшикда ўша ўзимиз билган арвоқ кампир билан узун ва кенг суртук кийган паст бўйли бола кўрунди.— Бўлинглар, Иван Ивановичнинг қўлидан ушлаб ташқарига олиб чиқиб қўйинглар.

Иван Иванович бу дафъа ҳайсиёт* сезгиси ва аччиқланиш билан бақариб юборди:

— Нечик? Дворян (асилзода)ни-я? Тега кўрманг! Яқинлаша кўрманг! Йўқса аблаҳ хўжайинингиз билан бирга кулингизни кўкка совираман! Қузғунлар ҳам тополмайди жасадингизни! (Кўнгли бузулган вақтларда Иван Иванович шунақа фавқулодда ўткур гапирар эди).

Бутун бу маърака ажиб бир манзара арз этарди: уйнинг ўртасида ўзининг бутун гўзаллиги билан, яъни ҳар бир зийнатдан орий ва барий* Иван Никифорович турарди!

Оғзини очган ҳамда юзида энг бемаъни ваҳима тўла башара кўрсатган кампир! Худди тасвирлардаги Рома хатиблари* каби қўлларини юқори кўтарган — Иван Иванович! Бу фавқулодда бир он, ажиб бир томоша эди! Ҳолбуки, томошабин биргина эди, у ҳам бўлса ортиқ даражада кенг суртук кийиб жимгина тўхтаган ва бармоқлари билан бурнини кавлаб турган бола!

Охирда, Иван Иванович шапкасини қўлига олди.

— Жуда яхши муомала бу, Иван Никифорович! Жуда гўзал! Бир кун эсингизга тушириб қўяман мен бун!

— Ҳайданг, Иван Иванович, ҳайданг! Лекин ҳеч қайда менинг кўзимга кўрунгундай бўлманг! Йўқса, ўттиз икки тишингизни қоқиб қўяман.

Иван Иванович бош бармоғини иккинчи ва учинчи бармоқлари орасидан чиқариб кўрсатди-да:

— Мана бу келади қўлингиздан, Иван Никифорович, ёлғиз мана бу!— деди ва чиқаркан эшикни шундай қаттиқ ёпдики, эшик унинг кетидан яна бир қур очилиб кетди.

Иван Никифорович эшик ёнига борди ва бир нарса демакчи бўлди, лекин Иван Иванович орқасига қарамасдан югурганича чиқиб кетган эди.

Учинчи фасл

**ИВАН ИВАНОВИЧ БИЛАН ИВАН НИКИФОРОВИЧ
ОРАЛАРИГА НИЗО ТУШГАНДАН СЎНГ НИМАЛАР БЎЛДИ?**

Шундай қилиб, Миргород шарафи ва зебу зийнати бўлган икки зоти муҳтарам бир-бирлари билан аразлашиб қолдилар. Тағин нима учун денг? Беҳуда бир нарса, бир эркак ғоз учун! Улар бир-бирларини кўрмак истамас, ораларидаги дўстлик ипларини тамом узиб ташлаган эдилар, шундай бўлса ҳам ҳамма уларни бурунгидай айрилмас дўстлар деб биларди! Дарвоқе, бурунлар Иван Иванович билан Иван Никифорович бир-бирларининг соғлиғини сўраш учун ҳар кун одам чиқарар, иккалалари ўз балконларида туриб тез-тез бир-бирлари билан гаплашар ва бир-бирларига шундай ёқимли гаплар айтишардики, эшитган киши маза қилар эди! Бурунлар ҳар якшанба куни Иван Иванович бир хил, Иван Никифорович бошқа бир хил кийим кийишиб, бир-бирини қўлтуқлашиб черковга борардилар. Иван Ивановичнинг кўзи тетик бўлганликдан йўлда кетатуриб бирор жойда кўллаб ётган сувга ёхуд бошқа шундай ифлосликка кўзи тушиб қолса (бундай нарсалар Миргородда баъзан бўлади), дарров Иван Никифоровичга танбеҳ қиларди: «Ҳазир бўлинг, оёғингиз мана бу ифлос чуқурга тушиб кетмасин». Иван Никифоровичга танбеҳ қилардилар: «Ҳазир бўлинг, оёғингиз дўстлигини унга ғоят таъсирли воситалар билан билдирарди, яъни, ундан ҳар қанча йироқ турган вақтларида ҳам қўлидаги папирос қутичасини у томон узатиб «Марҳамат!» дер эди. Нақадар гўзал эди икковининг хўжалиғи! Мана шу икки дўст бирдан... Шу хабарни эшитган вақтимда мен худди чақмоқ чалиб кетгандай бўлдим! Анчагача ишонмоқ истамадим. Э, одил худо! Иван Иванович ва Иван Никифорович бир-бирлари билан урушиб қолибдилар-а! Шундай қобил одамлар! Бу ёруғ дунёда бунёди мустақкам нима қолди энди?

Иван Иванович уйига қайтгандан кейин анчагача изтироб тортиб юрди. Бурунлари у энг аввал бир марта отхонасига кириб тойчоғининг ем-хашагидан хабар оларди (Иван Ивановичнинг тойчоғи саман қашқа, пешонаси сийқа, жуда яхши тойчоқ), сўнгра амриқо теувуқлари билан чўлпиларига* ўз қўли билан овқат бергандан кейин уйига кириб ёғочдан ҳар хил идишлар ясар, ё китоб ўқиб, ёки айвонда ётиб дам олар эди (Иван Иванович ҳар хил ёғоч идишлар ясашда жуда

хунарманд бўлиб, анча-мунча устадан қолишмас эди; сўнгра ўқуғон китобларининг исмини эслаёлмас эди, негаким, хизматчи хотин болаларини ўйнатаман деб китобнинг номи ёзилган ерларини йиртиб юборган эди). Энди бу сафар у одатдаги ишларининг ҳеч бирига киришмади. Лекин унинг ўрнига кўзига кўруниб қолгон Гапкани «нега бекор санқираб юрасан?» деб, тергай бошлади. Ҳолбуки, у ошхонага гурунч ташимоқда эди; ҳаммавақт бирор нарсанинг таъмаси билан келиб ўрганган хўроз тераза олдига келгач, уни таёқ билан уриб солди; шалтоқ бола йиртиқ кийимлари билан келиб «Тоға, тоға! Қанд беринг!» дегач, унга ҳам шундай пўписа қилиб ер тепиндики, бола бечора қўрққанидан аллақайларга қочиб йўқ бўлди.

Ниҳоят, ҳар қалай унга эс кирди ва одатдаги ишлари билан шугуллана бошлади. Овқатни ҳам кеч қилди ва қоронғи тушар-тушмас айвондаги жойида дам олгали чўзулди. Гапканинг каптар солиб пиширган яхши шўрваси эрталабги воқеаларни ҳам унутдириб юборди. Иван Иванович буюк бир завқ билан яна ўз хўжалигини қарамоққа киришди. Ниҳоят, кўзи қўшни ҳовлига тушгач, ўз-ўзига «Бу кун Иван Никифоровични кўрганим йўқ, бир кўриб чиқай», деди. Сўнгра дарҳол қўлга таёғи билан шапкасини олиб кўчага чиқди, кўчага чиққан ҳамон урушиб қолғони эсига тушди-да, «туфув!» деб яна уйига қайтиб кирди. Худди шундай бир ҳол Иван Никифоровичнинг ҳовлисида ҳам рўй берган эдики, уни Иван Иванович ўз кўзи билан кўрди, яъни, Иван Никифоровичнинг хизматчи кампири бу ҳовлига ўтмоқ учун энди деволга тирмаша бошлаб эди-ким, у ёқдан Иван Никифоровичнинг овози келди: «Қайт, қайт! Керак эмас!» Лекин бу орада Иван Иванович жуда ёмон зериккан эди: бу икки покиза зот, балки, бу чоққача ярашиб ҳам кетар эди, ёлғиз Иван Никифоровичнинг ҳовлисида фавқулодда бир ҳодиса рўй бериб, бутун умидни сўндурди ва душманликнинг ўчарга турган оловига ёғ тўкиб юборди.

Уша кун кечга томон Иван Никифоровичникига Агафия Федосеевна деган хотин келиб қолди. Бу хотин Иван Никифоровичга на туғишган, на қайин эгачи ва га уруғ — ҳеч нарса эмасди. Шундай бўлгач, унинг буникига келмагининг ҳеч бир даркори йўқ ва бу ўзи ҳам бунга хурсанд эмасди; у хотин буникига келиб ҳафталарча ва баъзан кўпрак ҳам туриб қоларди. Ундай вақтларда у ҳамма калитларни тортиб олар ва уйга

буткул эгалик қилар эди. Бу нарса Иван Никифоровичга жуда ўнғайсиз туюлса ҳам, лекин, негадир, худди бир ёш боладай унга итоат қилар ва баъзан у билан зўр чиқарди.

Мен, гапнинг рости, англаёлмайман: нима учун бу хотинлар худди чойнакнинг сопидан ушлагандай бизнинг ҳам бурнимиздан бемалол ушлаб, истаганларича олиб юрадилар? Ё — уларнинг қўллари шу учун яратилганми, ё — бизнинг бурунларимиз шундан бошқа нарсага ярамайдими? Ҳолбуки, Иван Ивановичнинг бурни бир қадар аличага ўхшарди, шундай бўлса ҳам яна Агафияхоним уни ўша бурнидан ушлаб, ит сингари истаганича эргаштириб юрар эди. Ҳатто, Иван Никифорович у келганда ўзининг одатдаги турмушини ҳам ихтиёрсиз ўзгартириб юборарди: офтобда кўп ётмас, ётса ҳам бурунгидай яланғоч эмас, балки доим кўйлак ва лозим кийиб ётар эди; ҳолбуки, Агафияхоним ундан буни талаб ҳам қилмас эди. У киши такаллуфни суймас эдилар, шундайким, Иван Никифорович безгак бўлиб қолғонида унинг танига бошдан-оёқ ўз қўллари билан дори суркаб қўйган эдилар. Агафияхоним бошига дурра ўрар, бурнида учта сўғали бўлар ва устига сарғиш гуллик тўқ малладан капот* кияр эди. Унинг бутун қадди-қомати кувага ўхшар эди, шу учун унинг белини топиш ҳам кўзгусиз ўз бурнини кўролмаслик каби қийин эди. Оёқлари худди биттадан иккита болишга ўхшаш каттагина эди. У жуда кўп ғийбат қилар, ҳар кун эрта билан қовирилғон қизилча ер ва жуда усталлик билан сўкинарди. Ва шу қадар кўп турли-туман ишлар билан шуғулланғони ҳолда сира турқини бузмас эди.

У келган кундан бошлаб ҳамма нарса ағдар-тўнтар бўлди: «Сен, Иван Никифорович, у билан ҳеч яраша кўрма ва унга узр айтма; у сени нобут қилмоқчи, у ўзи шунақанги одам! Сен ҳали уни билмайсан!» деб қўйди қулоғиға лаънати кампир ва Иван Иванович хусусида Иван Никифоровичнинг тушига ҳам кирмаган нарсаларни айтиб уқдирди.

Ҳамма нарса бошқа рангга кирди. Қўшнининг ити бу ҳовлига кириб қолгундай бўлса, қўлига кирган нарса билан уриб ҳайдардилар: девол ошиб ўтган болалар ўз ҳовлиларига «дод-вой» билан, кўйлаклари баланд кўтарилган ва орқаларида қамчи излари бўлгани ҳолда қайтардилар. Ҳатто кампир хотин ҳам, бир кун Иван Иванович ундан бир нарса сўрамоқчи бўлганида, шун-

дай беадаблик билан муомала қилдики, Иван Ивановичдай фавқулодда одоб ва тарбия эгаси бир одам ҳам унга қараб тупурмоққа ва «Эй, беадаб кампир! Хўжайинидан ҳам ёмон, а!» демоққа мажбур бўлди.

Ниҳоят, бутун буларни такмил* қилмоқ учун гиначи қўшни Иван Ивановичнинг рўпарасига, одатда одам ўтиб юратурғон четан девол тагига, бурунги таҳқири-ни атайлаб чуқурлаштирмоқ қасди билан бўлса керак. ғозлари учун бир катак солдирди. Иван Ивановичнинг нафратини қўзғатғон бу катак яна жуда тезлик билан бир куннинг ичида битказилди.

Бу нарса Иван Ивановичда қаттиқ жаҳл ва ўч олиш истагини қўзғатди. Лекин у, ўз еридан бирмунчаси ҳалиги катакка қўшилиб кетгани ҳолда ҳам, хафа бўлганини сира билдирмади; лекин унинг юраги шу қадар қаттиқ урардики, бу зоҳирий сукунатни сақлаш у учун жуда мушкул бўлиб қолғон эди.

У кунини шу билан ўтказди. Кеч кирди... Шу кечаси қўлига арра кўтариб ташқариға чиққан Иван Ивановични тасвир қилиб бермоқ, қўрқаманким, менини қўлимдан келмас, яъни, юзида турли-туман сезгилар шу қадар кўп битилган эди! У аста-аста, бекинибгина ғоз катаги томонга ўтди. Иван Никифоровичнинг итлари икки орада бўлган жанжалдан хабарсиз эдилар, шу учун ёски ошналари катак томонга юрганда индамадилар. Катакнинг ўзи эман ёғочидан қилинган тўртта оёқ билангина тикланиб турар эди. Шундай қилиб, Иван Иванович оёқларнинг бирига яқинлашдида, арраламоққа бошлади. Арранинг серхаршаха овози уни тез-тез теграсига қарашга мажбур этар, лекин катак эгасидан кўрган озори унга дадиллик берарди. Биринчи оёқ арраланди, шундан сўнг у иккинчи оёққа ўтди. Унинг кўзлари ўтдай ёнар ва қўрқувдан ҳеч нарсани кўрмас эди. У бирдан «дод» деб бақариб юборди ва шу бўйича қотиб қолди: унинг кўзларига ўлик кўрунган эди! Лекин бир оздан сўнг, бўйинини мунинг қўйнига тиқиб келган бир ғоз эканини англагач, яна ўзига келди. Ўзига келгач, аччиғидан бир тупуриб олиб яна ишга бошлади. Иккинчи оёқ арраланиб бўлди, катак ларзанглаб қолди. Учинчи оёқни арралай бошлаганда унинг юраги шу қадар қаттиқ урар эдики, бир неча дафъа ишни тўхтатмоққа мажбур бўлди. Оёқнинг ярмидан кўпраги арраланиб бўлган эдики, бебурд бино қаттиқ ларзанглай бошлади... Иван Иванович ўзини четга олар-олмас каттак гулдураб йиқилди. Қўлига аррасини олиб жуда

ёмон қўрққани ҳолда югуриб уйига кирди ва ўзини каравот устига ташлади, шу чоқда у ўз мудҳиш ишининг оқибатини тераза орқали кўрушга ҳам ботинолмас эди.

Унга шундай туюлардики, ҳозир Иван Никифоровичнинг бутун хонадони қўзғалғон; қари кампир, Иван Никифоровичнинг ўзи, кенг суртукли бола — оқ калтак-қора калтак бўлушиб Агафия Федосеевна саркардалиги остида унинг уйини бузмоқ ва таламоқ учун келарлар!

Бутун эртанги кунни Иван Иванович безгак ҳолда ўтказди. Унга шундай туюлардики, бу ёмон қўшни шу ишнинг ўчини олмоқ учун ҳеч бўлмаганда бунинг уйига ўт қўяди, шу учун у Гапкага буйруқ қилдики, бирон жойга бир ҳовуч-ярим ҳовуч похол тушиб қолмаслиги учун ҳаммавақт ҳар томонни қараб юрсин. Ниҳоят, Иван Никифоровичга танбиҳ бўлсин, деб ундан бурун ҳаракат қилмоққа ва Миргород уезд судига ариза бермоққа қарор қилди. У аризанинг нимадан иборат эканини қуйидаги фаслдан англамоқ мумкин.

Тўртинчи фасл

МИРГОРОД УЕЗД СУДИ МАҲКАМАСИДА НИМАЛАР БЎЛИБ ЎТГАНИ БАЁНИДА

Жуда соз жой бу Миргород! Иморатларининг навъини айтинг! Похол билан, қамиш билан, ҳатто тахта билан ёпилган томлар. Унга юрсангиз — кўча, чапга юрсангиз — кўча, ҳаммасида чиройлик четан деволлар; етмак ўти* унга чирмашиб чиқади туваклар унга осилади, кунгабоқар ўзининг қуёшнуса юзини унинг тагидан кўрсатади, кўкнор унинг кетида қизариб пишади, семиз ошқобоқлар унинг орқасидан кўрунади... Сўлун!* Унинг кенг майдонига чиқиб қарасангиз, манзарасини томоша қилмоқ учун бир нафас тўхталмоқдан ўзингизни тиёлмасиз балки: унда кўлмак сув, жуда соз бир кўлмак сув бор! Бутун умрингизда биринчи мартаба кўролганингиз, бирдан-бир бутун майдонни деярлик эгаллайди. Кўп гўзал кўлмак сув! Йироқдан пичан ғарамларига ўхшаб кўринатурғон уй ва уйчалар унинг теграсини қуршаб олиб, унинг гўзаллигидан танг қолиб турадилар.

Лекин, менинг фикримча, бу шаҳарда уезд судининг уйдан яхши уй йўқ. Эман ёғочидан солинганми ё қайинданми — бу билан ишим йўқ, ёлғиз, муҳтарам афан-

дилар, унинг саккизта теразаси бор! Майдонга ҳамда юқорида айтганим ва гараниш тўра томонларидан «кўл» деб аталган кўлмак сувга қараб турган қатор-қатор саккизта теразаси бор. Бутун Миргород шаҳрида биргина ўша уй гранит тош рангига бўялган бўлиб, қолғон уйлар ҳаммаси шундай оқлатилиб қўйилғон холос. Томи бутун тахтадан ёпилган, бунинг устига қизил бўёқ билан ҳам бўялган бўлар эди, агарда... бўёқ учун тайёрланган ёғни мирзахонада пиёзга қўшиб еб қўйғон бўлмасалар, ҳолбуки, рўза кунларида ёғ еб бўлмаслигини билиб туриб мирзахонадагилар атайлаб ҳалиги йўл билан ёғни еб қўйғонлар ва шу билан том ҳам бўялмай қолғон. Уйнинг зинапояси майдонга чиқиб туради ва унда аксари товуқлар югуришиб юради, чунки унинг усти тариқ ва бошқа шу сингари донлар сочилиб ётган бўлади; шу билан бирга уларни ҳеч ким атайлаб сепмайди, ёлғиз судяга арз қилгали келганларнинг бепарволиги орқасида тўкулади. Уй икки бўлакка бўлунган: ярми — маҳкама, ярми — авақта. Маҳкамага хосланган бўлак тоза ва оқланғон икки хонадан иборат: бири ганжина — арзга келганлар учун, яна бирида қора доғлар билан «безалган» стол, стол устида кўзги¹. Баланд орқалик тўртта эман курси, девол ёнида ҳар хил ариза, шикоят ва чақирув қоғозлари тўлган тунука белбоғли сандиқлар. У сандиқларнинг бирида, ўша вақтда, мум билан мойланган этик турарди.

Сўроқ ишлари эрталабдан бошланди. Иван Никифорович қадар бўлмаса ҳам етарлик даражада семиз, очиқ юзли, яғир тўнли судя узун найлик тамакисини чекиб, ёнида бир пиёла чой бўлгани ҳолда нойиби билан гаплашиб ўтурарди. Судянинг лаблари бурнининг таккинасида бўлиб, шу сабабдан бурни устки лабларини истаганича торта оларди. Унинг устги лаби бурунакини бурунга узатиш вазифасини жуда бемалол бажарарди. Чораки бурунга жўнатилмоқчи бўлган тамаки ҳаммавақт ҳалиги лабга солинарди. Шундай қилиб, судя ўз нойиби билан гаплашиб ўтурарди. Ялангоёқ бир қиз бир чекада патнус устида чой кўтариб турарди.

У столнинг бир бошида саркотиб ҳукномани ўқурди ва шундай бир якоҳанг ва ҳазин овоз билан ўқурдики, эшитган вақтида айбдорнинг ўзи ҳам ухлаб қоларди.

¹ Бу кўзгининг устида бургут қушнинг сурати бор, шу сабабдан у ўзи подшолик маҳкамасининг расмий аломатидир.

Буни, ухлаб кетишни, судянинг ўзи билан ҳаммадан бурунроқ бажарарди, башарти унга қадар қизиқ бир суҳбатга киришмаган бўлса.

Судя совиб қолгон чойни ичиб туриб гапини давом қилдирди: «Уларнинг бундаги яхши сайрамоқларининг қай хилда бўлмагини билмоққа мен қастдан урундим. Бундан икки йилча бурун менинг кўп яхши бир сайроқи қушим бор эди. Нима бўлди денг? Бирданига, билсангиз, айниб қолиб аллақандай бўлмагур нарсаларни сайрай бошлади. Шундан кейин борган сари баттарлашиб, баттарлашиб бориб охирда дудулиб, хирқираб, шундай ҳолга келдики, ирғитиб ташлашдан бошқага ярамай қолди. Ҳолбуки, жуда арзимас бир иллат билан! Бунинг илллати, билгингиз келса, мана бундай бўлади: худди томоғининг тагига нўхотдан кичикроқ бир без чиқади. Ана ўша безни дарров игна билан тешиб ташламоқ керак. Буни менга Захар Прокофевич ўргатиб қўйди, истасангиз, бунинг воқеасини сизга сўзлаб ҳам бераман: бир кун уникага бориб қолдим...»

Хукмнома ўқушни бир неча минут бурун тугатган саркотиб шу ерга келганда сўзни бўлди:— «Бошқасини ўқушга рухсат этасизми, Демйян Демйянувич?»— деди. Мен эшитмай қолибман! Қани ўзи? Бу ёққа узатинг,

— Дарров ўқуб бўлдингизми? Қаранг-а, мунча тез! Қўл қўйиб берай. Яна нимангиз бор?

— Бу Китко деган қозоқ ўруснинг сигир ўғурлатғони тўғрисидаги иши.

— Хўп, ўқунг!.. Шундай қилиб, бир кун уникага бориб қолдим. Мен сизга ҳатто унинг мени қандай меҳмон қилғонини ҳам батафсил айтиб бера оламан. Жуда яхши узунбурун балиқ* билан бирга ароқ қуйиб бердилар. Лекин балиқ бизнинг бу ердаги анақаларимиз (шу ерга келганда судя тилларини чалпиллатиб кулди, бурни ҳам ўзига тегишли жойдан бурнақини тортиб олди), яъни баққолларимиз сотатурғон балиқлардан эмас эди. Сардалия балиғидан* мен емадим, бунинг сабабини ўзингиз биласиз: есам ичим гулдурамоққа бошлайди. Увудуқдан* тотиб кўрдим — аъло увудуқ! Инсоф қилиш керак, ғоят яхши! Сўнгра мен ичига хушбўй гийёҳлар солинган шафтоли ароғидан ичдим. Заъфар гулидан* қилинган ароқ ҳам бор эди, ўзингиз биласизки, мен уни истемол қилмайман. У ҳам, билсангиз, яхши нарса: аввал иштаҳани бир очиб олиб, сўнгра боплаб қорин тўйгазмоқ учун... Э, сизни ҳам кўрар кун бор экан, а! Сизни ҳам учуратурғон шамоллар бор экан, а!— деб,

шу ерга келганда бирданига қичқириб юборди судя, чунки бу вақтда кўзи эшикдан кириб келаётган Иван-Ивановичга тушган эди.

Иван Иванович ёлғиз ўзига хос ёқимлилиқ билан ҳар томонга эгилиб, таъзим қила-қила «ассалому алайкум! Ҳорманглар, ҳормангизлар!» деди. Ё оллоҳ, ўз муомалалари билан ҳамманинг муҳаббатини жалб қилишга қандоқ уста бу киши! Бундоқ мулоимликни ҳеч қайда кўрмадим. У ўз иззатини жуда яхши билар ва шу учун умумнинг ҳурматига мазхар* бўлмоқни лозим амрлардан санарди. Иван Ивановичга судянинг ўзи ўз қўли билан курси қўйиб берди ва бурни тепа лаби устидаги бурнакиларини бир тортишда тамом сўриб олди, бу эса кўпинча унинг хурсанд бўлганлигини англагарди.

— Қани, Иван Иванович, нима билан сийлашга амр қиласиз? — дея сўради судя. — Бир пиёла чой тутаймикан?

— Йўқ, ғоят муташаккурман сизга, — деб жавоб қайтарди-да, таъзим қилиб ўтурди Иван Иванович.

Рухсат этингиз, биргина пиёла холос, — дея такрор қилди судя.

— Йўқ, раҳмат. Меҳмоннавозлигингиз учун кўп қуллуқ! — деди Иван Иванович, яна таъзим қилиб ўтурди.

— Биргина пиёла! — дея такрор қилди судя.

— Йўқ, заҳмат чекмангиз, Демйян Демйянович! — бу гапдан сўнг ҳам Иван Иванович яна таъзим қилиб ўтурди.

— Биргина-я?

— Хайр, майли, биргина пиёла ичай! — деди Иван Иванович ва қўлини патнусга узатди.

Ё оллоҳ! Қандай теран нозиклик бўлади бу одам боласида! Бундай муомалаларнинг қандай таъсир қилғонини айтмоққа ожизлик қилади киши!

— Яна биргина пиёла марҳамат қилмайдиларми?

Тўнтарилган кўйи пиёлани патнусга қўяркан таъзим билан:

— Ожизона муташаккурман, — деди Иван Иванович.

— Марҳамат қилингиз, Иван Иванович!

— Мумкин эмас, ғоят муташаккурман. — Шу сўз барабарда Иван Иванович яна таъзим қилиб ўтурди.

— Иван Иванович, дўстлик ҳурмати: биргина пиёла!

— Йўқ, ҳали ҳам ғоят муташаккурман. — Шу сўзни айтгач, Иван Иванович яна таъзим қилиб ўтурди.

— Биргина пиёла, биргина!

Иван Иванович патнуга қўлини узатиб пиёлачани олди.

Бай-бай, бай! Бу одам боласи ўз иззатини қандоғ сақлайди, муни қандоғ эплайди!

Сўнги ҳўпламни ичаркан Иван Иванович мақсадга шурув* қилди:

— Мен, Демйян Демйянович, сизга зарур бир иш билан келиб эдим. Мен ариза бераётирман.

Шу сўз бараварида Иван Иванович пиёлани жойига қўйди-да, чўнтагидан бир тахта — тамғали ариза қоғози олди:

— Бир душманим, ёмон бир душманим устидан ариза.

— Қим экан у?

— Иван Никифорович Давгочхун.

Шу сўзни эшитганда судя курсидан йиқилиб кетишга бир баҳя қолди. У қўлларини бир-бирига ура-ура деди:

— Нималар деб ётирсиз? Иван Иванович! Сиз ўзингизмисиз?

— Қўриб турибсиз-ку, ўзимман.

— Худо уриб, авлиёларнинг қарғишига учрадингизми? Нима бўлди? Сиз, Иван Иванович, Иван Никифоровичга душман бўлиб қолдингизми? Ўз оғзингиздан чиқаётирми бу сўзлар? Яна бир қайтаринг, а! Орқангизга бирорта бошқа одам беркиниб олиб, сиз бўлиб гапираётган бўлмасин?

— Нима фавқулоддалиги бор бунинг? Ҳозир унинг юзини кўрмакка тоқатим йўқ: у менга ўлимдан қаттиқ озор берди ва менинг номусимни таҳқир қилди.

— Ё муқаддас салоса!* Бу гапга қандоқ қилиб онамни ишонтира оламан мен энди? Шўрлик кампир биз, синглим билан ,урушиб қолсак, ҳар сафар насиҳат қилиб «Сиз болаларим, бир-бирингиз билан худди итмушукдай турасиз. Ҳеч бўлмаса Иван Иванович билан Иван Никифоровичлардан ибрат олсангиз эди: дўст десангиз ана ўшалар, ана ўшалар — ўртоқ, ана ўшалар қобил одамлар», дер эди. Дўстларнинг аҳволини кўринг энди! Айтиб берингчи, нима учун бу бундай бўлди ва нечик бўлди?

— Бу иш жуда ажойиб бўлди, Демйян Демйянович! Уни оғзаки тушунтириб бўлмайди. Яхшиси аризаномамни ўқутдириб эшитинг.

Судя саркотибга мурожаат қилди:

— Уқуб юборинг, Тарас Тихонович! — деди.

Тарас Тихонович ариза қоғозини қўлига олди ва уезд суди маҳкамаларининг ҳамма саркотиблари каби рўмолча ўрнига икки бармоғини ишлатгани ҳолда яхши-лаб бир миширди, сўнгра ўқумоққа бошлади:

«Миргород уездининг дворяни ҳам мулкдори Иван Иван ўғли Перерепенкодан ариза, аммо нима хусусда экан пастдаги боблардан маълум бўлур:

1. Узининг боғиёна*, одамни нафрат даражасига келтирувчи ва асло ҳадди-ҳудуд билмовчи, азрўйи қонун мужримона ҳаракатлари билан тамоми рўйи заминга маълум бўлган дворянлардан Иван Никифор ўғли Давгочхун ушбу 1810 ланчи йил моҳи июлнинг 7 ланчисида ҳам шахсан ўз номусимга тааллуқли ва ҳам шу миқдорда менинг мансаб ва даражам ва насли-насабимнинг таҳқир ва тарзилига оид ва ниҳоят даражада оғир озор еткурди. Мазкур дворяннинг ўзи ҳам бадчеҳра ва бадбашара бўлгани устига яна ҳақоратгўйлик мижозига молик бўлиб, ҳаллоқи олам хусусида ҳар хил куфрлар сўзловчи ва ҳақоратомиз иборалар ишлатувчи бир одамдир...

Шу жойга келганда яна бир мишириб олмоқ учун саркотиб бир оз тўхтади. Судя бўлса камоли иштиёқ ва завқ билан икки қўлини икки ёнига ташлаб ўз-ўзига ёлғиз шу сўзларни сўзларди:

— Бу қандай ўткур қалам экан! Бай, бай, бай! Ёзишини қаранг-а, бу одамнинг.

Иван Иванович нари томонининг ўқулмоғини илтимос қилди. Тарас Тихонович давом этди.

— Мазкур дворян Иван Никифор ўғли Давгочхун каминалари мазкурникига ошналик таклифлари билан кирган вақтинда, мени омма олдида озор тушатурғон ва менинг номусимни булғайтурғон ном билан зикр қилди, чунончи, масалан, «эркак ғоз» деб атади, ваҳоланки, Миргород шаҳрининг тамоми аҳолисига маълумдурким, мазкур паст махлуқнинг номи билан мен каминалари ҳеч қачон аталган эмасман ва бундан нари ҳам аталмоқ ниятим йўқдур. Узимнинг дворян наслидан бўлганимнинг исботига эса шуни кўрсатурманким, муқаддас салоса калисосининг* таваллуд дафтаридида каминанинг явми валодатим* ҳам ёзилган ва шу миқдорда каминанинг ному-насабим ҳам зикр қилинғондур. «Эркак ғоз» эрса, илмдан чийзи баҳраманд* бўлган ҳаммага маълумдурким, таваллуд дафтарига ҳеч бир тариқ билан қайд қилинмайдур, зероки мазкурнинг одам бўлмасдан парранда бўлгани, ҳатто мадраса кўрмаган кишиларга

ҳам, кифоят миқдорида маълумдур ва лекин мазкур бадзод дворян, бу хусусларда тамом бохабар бўлиб туриб, ўзга бир қасд билан эмас, маъзи* шу каминанинг мансаб ва даражамга ва насли-насабимга ниҳоят даражада оғир бир озор еткурмак нияти билан каминани мазкур паст ибора билан ҳақорат қилди.

2. Яна ўша бадахлоқ ва беадаб дворян, боз устига, каминанинг ирсий, яъни руҳоний мансаб соҳиби бўлган марҳум падари бузрукворим Иван Анисей ўғли Перерепенкодан мерос тариқасида тегмиш мулкимга ҳам тажовуз қилди, чунончи масалан, тамоми қонун ва қондаларга хилофлик қилиб, ғозлар катагини каминанинг худди эшигим олдига келтирди, мазкурнинг бу иши албатта, ўзга бир мақсад билан бўлмайн, мутлақ менинг хусусимда раво кўрган ҳақоратини ордирмоқ қасди биландур, чораки мазкур ғозлар катаги алҳолгача ўзига лойиқ бир жойда маҳкам ва мустаҳкам турмоқда эрди. Балода мазкур дворяннинг бундан ҳам паст ва ҳақоратомиз мақсади, фақат камина бандаларини но-лойиқ томошаларга шоҳид қилмоқдур: чораки, ҳаммага маълумдурким, ҳеч кимарса катак, алалхусус, ғоз катагига кори машруъ* билан кирмайдур, яъни кирган тақдирда албатта бир кори номашруънинг талабида кирадур. Боз устига, мазкур катакнинг икки оёғи, яъни бир жуфт сутунчаси* каминанинг хос мулкига ҳам таарруз* қилиб, чиқиб турибдур, аммо мазкур мулк эрса, раҳматлик падари бузрукворим Иван Анисей ўғли Перерепенконинг ҳаётидаёқ каминага теккан эрди ва ўзи бир қитъа* заминдурким, омборнинг эшигидан тортиб то хотинлар тувак тўкатурғон жойгача келадир.

3. Фақат биргина исми ўзи одамни қўрқутатурғон балода мазкур дворян каминани ўз турган уйимда ёндириб ўлдурмоқчи бўлиб, кўнглида шу ниятни сақлайдур. Бунинг бешак ва шубҳа аломатлари қуйида зикр қилинғонлардан маълум бўладир: аввало, мазкур наҳсбашара дворян ўз хонасидан тез-тез ташқарига чиқмоққа бошлади; бу нарсани ул ўзининг хушёқмаслиги ва баданининг манфурлик даражасида семизлиги сабабидан авваллари қилмас эрди; сониян*, каминанинг раҳматлик падари бузрукворим Иван Анисей ўғли Перерепенкодан қолғон бир қитъа еримни иҳота қилиб турувчи деволга келиб тақалғон мазкур дворянга қарашлик меҳмонхонада ҳар кун ва одатдан хориж бир муддат орасида шам ёниб турадурким, юқорида баён қилғон фикрим учун бу ҳам сариҳ* бир далилдур: чораки,

алҳолгача мазкур дворян ўзининг бахил ва хасислиги сабабидан тоза шам эмас, ҳаттоки паст, жайдари шам-ни ҳам ўчириб қўяр эди.

Шунинг учун сўрайманким, мазкур дворян Иван Никифор ўғли Давгочхунни ўт қўймоқда айбдор бўлгани сабабидан ва ҳам каминанинг мансабим ва номунасабимнинг ҳақорат қилгани сабабидан ва боз устига, ҳаммасидан баттари — каминанинг номунасабимга «эр-жак ғоз» деган номни разолат ва ҳақорат мақомида зам қилгани* сабабидан мазкурнинг жарима бермоққа ва ҳам зарар-зиёнларни тўламоққа ҳукм қилгайсиз ва ўзини, қонун бузувчи бўлгани важҳидан, занжирбанд қилгайсиз ва ўшал занжирбандлик ҳолатида шаҳар ҳибс-хонасига юборгайсиз ва ҳам каминанинг ушбу аризаси юзасидан дарҳол ва била-таваққуф» чора кўргайсиз. Ёзувчи ва тавоиф қилувчи дворянлардан, Миргород шаҳрининг мулкдорларидан Иван Иван ўғли Перерепенкодирман».

Ариза ўқулуб бўлгач, судя Иван Ивановичнинг ёнига келди, унинг тугмасидан ушлади ва унга мана бу равишда деярлик гапира бошлади:

— Нима қилгонингиз бу, Иван Иванович? Худодан қўрқинг! Кечинг бу аризангиздан, шайтонга насиб қилсин уни! Яхшиси шуки, Иван Никифорович билан қўл бериб кўрушингиз, ўпушингиз, сантур навъидан ёинки никопол хилидан май топингиз, ёинки осонроқ пуншик деган содда майимиздан муҳайё қилингиз-да, мени чақирингиз, биргалашиб ичамиз ва ҳамма кудуратларни чиқарамиз.

— Йўқ, Демьян Демьянович, бу унақа — сиз айтган ишлардан эмас, — деди Иван Иванович ҳаммавақт ўзига ярашиб тушатурғон бир улўғсимонлик билан. — Бу унақа тарафларнинг мураса ва мадораси билан битатурғон иш эмас. Хайр энди, хайр энди сизларга ҳам, ҳай яхшилар! — деди-ю, яна ўша улўғсимонлик билан ҳозируннинг* ҳаммасига юз тутди: — Умид қиламанки, бандаларининг аризаномаси тегишли натижани берар. — Шундай деб, ҳаммани ҳайратда қўйиб, чиқиб кетди.

Судя чурқ этмасдан ўтуриб қолди. Саркотиб бурнаки тортарди. Кансалариядагилар сиёҳдон ўрнига ишлатилмоқда бўлган шиша синиғини ағдариб юбордилар ва судянинг ўзи ҳам боши айланганлигидан столнинг сиёҳ тўкулган ерларига қўлини қўйди.

Бир оз жимликдан сўнг ўз нойибидан «Сиз нима дейсиз бу тўғрида, Дорофей Трофимович?» деб сўради.

— Ҳеч нарса деёлмайман,— деди нойиби.

— Шунақа ишлар денг! — дея давом қилди суди. У бу гапни айтиб битиргани йўқ эдики, эшик очилиб Иван Никифоровичнинг ярим гавдаси маҳкама ичида кўрунди, қолгон ярми эса ҳали даҳлизда эди. Иван Никифоровичнинг бирдан келиб қолиши, яна тагин суд маҳкамасига келиши маҳкамадагиларга шул қадар ажаб туюлдиким, судя қичқириб юборди, саркотиб ўқушини тўхтатди. Қалтарак кийинган бир мирза пўлат қаламни лаблари орасига олди, иккинчиси эса чивинни ютиб юборди. Ҳатто хат ташувчи ва дарвозабон вазифасини бажарувчи елкаси гуллик ифлос кўйлаги билан эшик олдида қашиниб турувчи майиб ҳам, ҳатто у ҳам ҳайрон бўлиб оғзини очди ва аллакимнинг оёғини босиб олди...

— Эй, қандай шамол учурди? Нима гап, нима сўз? Қалайсиз, соғ-саломат бормисиз, Иван Никифорович?

Лекин Иван Никифоровичнинг на ўлук, на тирик экани билинмас, у эшик орасида қотиб қолгон эди. Судянинг даҳлизга қараб: «Бирортангиз Иван Никифоровичнинг орқасидан итариб маҳкамага ўтказиб юборингиз!» деб қичқирғонидан ҳам фойда бўлмади, чунки даҳлизда судга арз билан келган биргина кампир бор эдики, у ўзининг қоқ суякдан иборат бўлган қўллари билан қанча урунса ҳам, ҳеч нарса қилолмади. Шундан сўнг дўрдоқ лаблик, кенг елкалик, қалин бурунлик, ғиллай ва «пияниста» кўзлик, йиртиқ тирсаклик бир мирза Иван Никифоровичга олдин томондан яқинлашди-да, икки елкасига тиради, сўнгра ҳалиги майиб чолга имо қилиб эди, у тиззасини Иван Никифоровичнинг қурсоғига* таяди, шундан кейин унинг дод-войига қарамасдан зўр билан яна даҳлизга ўтказдилар. Ундан кейин эшикнинг яна бир қанотини ҳам очиб Иван Никифоровични маҳкамага олиб кирдилар. Лекин шу орада ҳалиги мирза билан унинг муовини майиб кўп кучаниш орқасида, оғизларидан пишиллаб дам олмоқ билан — шу қадар қаттиқ бир бўй чиқарар эдиларким, маҳкаманинг ичи бир озгача худди арақхонага айланиб кетди.

— Бирор жойингизни майиб қилмадиларми, Иван Никифорович? Мен волидамга одам юбораман, у киши жиндаккина суйкайдиган дориларидан юборсалар, ундан бир озгинасини ёлғиз белингиз билан орқангизга суйкаб олсангиз, андак фурсатда тузалиб қолади.

Лекин Иван Никифорович кирган ҳамон ўзини кур-

сига ташлади ва чўзиб-чўзиб вой-войламоқдан бошқа ҳеч нарса деёлмади. Ниҳоят, ҳорғинлик орқасида зўрға-зўрға чиққан дармонсиз бир овоз билан «марҳамат қилмайдиларми?» деди ва чўнтагидан тамаки қутичасини олиб илова қилди:— Олингиз, марҳамат қилингиз!»

— Сизни кўрганимга жуда мамнунман,— деди судя,— лекин ҳанузгача таҳаййюр* ва таажжубдирманким, оё қандай сабаблар билан жаноблари бу ерларга қадам ранжида қилдилар ва бизларни бу кутулмаган давлатга эриштирдилар.

— Илтимос билан...— ёлғиз шу сўзнигина айтолди Иван Никифорович.

— Илтимос билан? Қандай илтимос билан?

— Ариза билан... (шу жойда нафаси сиқилиб анча сукут қилиб қолди) Вой!.. Ҳалиги муттаҳам... Иван Иванович Перерепенко устидан ариза.

— Ё оллоҳ! Сиз ҳам шундай қилдингизми? Шундай қалин дўстлар, а? Шундай саховатпеша бир одамнинг устидан, а?

Иван Никифорович сўзни қирт кесди:

— У шайтоннинг ўзгинаси!

Судя чўқуниб туриб истиғфор айтди.

— Аризани олиб ўқуб кўрингиз!

— Найлайлик, майли, ўқунгиз, Тарас Тихонович,— деб башарасида норозилик аломатлари кўрунгани ҳолда саркотибга хитоб қилди судя, шу орада унинг бурни ихтиёрсиз равишда юқори лабини сўра бошладики, буни у илгарилари ёлғиз хурсанд бўлган чоқларидагина қиларди. Бурнининг бу хилда ўзбошимчалиги судянинг яна ҳам кўп аччиғини келтирди. У ёнидан рўмолчасини олиб бурнининг адабини бермоқ учун юқори лабидаги тамакиларни батамом тортиб олди.

Саркотиб, ҳар дафъа ариза ўқушдан бурун қилатурғон одати бўйича, бурнини рўмолчасиз тозалагач, ўзининг одатдаги овози билан шу хилда ўқумоққа бошлади:

«Ариза берувчи Миргород шахрининг дворяни Иван Никифор ўғли Давгочхундурман, аммо нима хусусида экани пастдаги моддалардан равшан бўлади:

1. Ўзини дворян атаб юрувчи Иван Иван ўғли Перерепенко ўзининг хусуматкорона жаҳли ва офтобдек равшан бадхоҳлиги орқасида каминага каминанинг ғазабини қўзғататурғон ҳаракатларни қиладир ва кечаги кунда ҳам бадъаз қиём*, худди бир қалтабон* ва босмачи янғлиғ, қўлида болта, арра, болға ва шунга ўх-

шаш темирчилик асбоблари бўлгани ҳолда кечаси девор ошиб менинг ҳавлимга тушди ва унда менинг хос мулким бўлган товуқ катаги бор эди, унга кирди, худди ўзининг хос қўллари билан ва ҳақоратомиз бир суратда ани бузиб йиқитди ва лекин бу қадар хориж аз қонун* ва босқинчи бир ҳаракатга сабаб бўлгундай ҳеч бир иш камина тарафидан содир бўлмаб эрди.

2. Ва яна мазкур дворян Перерепенконинг каминанинг ўз ҳаётига қасд қилмоқ ниятлари ҳам бордур ва шу ниятни ўтмуш ойнинг 17 ланчи кунигача махфий сақлаб, мазкур кунда каминаникига кириб келди ва ўз уйимда сақланмоқда бўлган милтиқни дўстлик ва маккорлик йўллари билан каминадан сўрамоққа бошлади ва унинг бараварига, ўзи кўп хасис ва бахил одам бўлганидан, бирмунча арзимас ва ярамас нарсаларни каминага бермоқчи бўлди, мазкур нарсалар, чунончи бир сури чўчка билан икки қоп арпа эрди. Лекин ўша онинг ўзидаёқ мазкурнинг ёмон ниятини пайқаб қолиб, ани мазкур ниятдан қайтармоқ учун кўп кўшиш* қилдим, ва лекин мазкур ўғри, муттаҳам Иван Иван ўғли Перерепенконинг асли ва зоти ҳам бисёр пастдур: анинг ҳамшираси бутун рўйи заминга машҳур бузуқ эди ва бундан беш сана муқаддам ушбу Миргород шаҳрида қишлагон терандоз* лашкарларга эргашиб кетиб қолди ва ўз эрини деҳқон қилиб қишлоққа ёздирди; мазкурнинг отаси билан онаси ҳам бисёр ва бисёр бадаҳлоқ одамлар эрди ва аларнинг иккалалари ҳам бетовфиқ «пиёниста» эрдилар. Мазкур дворян ва босқинчи Перерепенко бўлса ўзининг ҳайвонга лойиқ ва нафратга сазовор ҳаракатларини ўзининг ота-она ва қавмиқариндошларидан чандон-чандон ортдириб юборди ва ўзини мўмин ва тақводор олгани ҳолда, ўзгаларни йўлдан оздирувчи ишларни қиладур; чунончи, рўза тутмайдур, чораки, Филиповка номли рўза ойининг арафасида мазкур худо беҳабар бозордан қўй сотиб олди ва ани бўғизламоқ учун эртаси куни ҳавлисидаги ғайри машруъ хотинига, яъни Гапкага берди ва шу баҳонани қилдиким, гўё ўша кунга шам қўйдурмоқ учун ёғ лозим бўлган эрмиш.

Шу сабабдан илтимос қиладурманким, мазкур дворянни ва босқинчини ва зиндиқни* ва ўғрини ва ҳам ўғрилик ва босқинчилик билан қўлга тушган мужримни* қўл-оёғини занжир билан маҳкам боғлаб авақтага ва ёхуд подшоҳлик қўрғонларига юборилса ва у ернинг ўзида, улуғларнинг маслаҳатлари билан, даражасидан

ва дворянлигидан маҳрум қилиб, дарра ва таёқлар билан ҳўп жазосини бериб, лозим бўлса Сибирга бадарга қилинса ва зиён ва зарарларнинг ҳаммасини мазкурнинг зиммасига қўюлса ва каминанинг ушбу аризаси юзидан ҳукм қилинса.

Ушбунинг ростлиги учун Миргород шаҳрининг дворян Иван Никифор ўғли Давгочхун қўлим қўйдим».

Саркотиб аризани ўқуб битирган ҳамон Иван Никифорович шапқасини олиб таъзим қилди ва чиқа бошлади.

— Хўш, Иван Никифорович, қаерга? — деди унинг кетидан судя. — Утуринг озроқ. Чой ичиб кетинг. Оре-шак, ахмоқ қиз, нима қилиб турибсан? Ё мирзалар билан имо қилишиб ётибсанми? Тез бўл, чой олиб кел!

Лекин Иван Никифорович уйдан бу қадар йироқ тушиб қолғонини ва бундай заҳматларга дуч келганини ўйлаб музтар бўлганлигидан аллақачонлар ташқари эшикка етиб қолгон эди. Уша ердан туриб — «Заҳмат чекмангиз, жоним билан...» — деди-да, ташқари томондан эшикни ёпди ва ҳаммани ҳайратда қолдириб, кўздан йўқ бўлди...

Бошқа чора йўқ эди. Иккала ариза ҳам қабул қилиниб, шу билан бу иш анча қизиқ бир ранга кира бошлаган эдики, бу орада сира кутулмаган бир ҳодиса рўй бериб қолиб, у ишни яна ҳам қизиқроқ кепатага солиб юборди. Судя, ёнида нойиби, саркотиби бўлгани ҳолда, эндигина маҳкамасидан чиққан, кансалариядагилар эса аризачилар томонидан келтирилган товуқ, тухум, ноннинг карсиллама жойлари, сомса, патир ва бошқа балобаттарларни энди қопга сола бошлаган эдиларки, бирдан маҳкаманинг ичига сури чўчқа кириб келди, на сомса ва на ноннинг карсилламасига тегмасдан, варақлари пастга осилгани ҳолда столнинг бир чеккасида ётган аризага, Иван Никифоровичнинг аризасига ёпишиб ҳаммани ҳайратда қолдирди. Аризани олгандан кейин, сури чўчқа шу қадар тезлик билан қоча бошладики, орқасидан чизғичлар ва сиёҳдонлар отилгани ҳолда, суд хизматчиларидан ҳеч бири уни қувалаб ета олмади.

Бу фавқулодда ҳодиса жуда ёмон таъсир қилди, негаким, у аризадан ҳали нусха ҳам кўтарилмаган эди. Судянинг саркотиби билан нойиби бу эшитилмаган воқеа хусусида анча вақтгача кўп нарсаларни гапириб юрдилар, ниҳоят бу тўғрида гараниш (шаҳар ҳокими)га қоғоз ёзмоққа қарор берилди, негаким, бу хил иш-

ларнинг тергови, кўпрак, шаҳар политсасига қарар эди. Уша куннинг ўзидаёқ гаранишга 389 рақамли алоқа қоғози юборилди ва шу иш устида яна бир қизиқ суҳбат бўлиб ўтдики, ўқувчилар уни қуйидаги фаслда кўрадилар.

Бешинчи фасл

БУ ФАСЛДА МИРГОРОД ШАҲРИДАГИ ИККИ МУЪТАБАР ЗОТНИНГ ҚАЙСИ ХИЛДА СУҲБАТ ҚИЛГОНЛАРИ БАЕН ҚИЛИНУР

Иван Иванович рўзғор ишларидан бўшаб, ўз одати-ча, янча чўзулмоқ учун эндигина айвонга чиқиб эдики, орқа эшик томонда бир нарса қизариб кўрунди ва уни унсиз бир ҳайратга солиб қўйди. У нарса гаранишнинг қизил енг учлари эдики, эгасининг бўйнидаги оқ ёқага ўхшаб жило ҳосил қилгон ва чекалари амиркон терига айланиб кетган эди. Иван Иванович аввал «Петр Федоровичнинг гаплашгали келгани ёмон эмас» деб ўйлади. Лекин гаранишнинг жуда тез юганини ва бирушта қўл силкиб келганини кўргач, жуда ҳайратда қолди. Негаки, гаранишнинг бу хилда юриши одатда жуда кам бўлувчи эди.

Гаранишнинг мундирида саккизта тугма бор эди, унинг тўққизинчиси эса бундан икки йилча бурун диний бир маросим чоғида узулиб кетиб йўқолгон, шундан бери, миршабларнинг шунча зўр бериб ахтаришларига қарамасдан, ҳанузгача топилмаган эди. Йўқса, эллик-бошилар маҳалла-кўйнинг аҳволдан гараниш тўрага маълумот бергали келганларида, у киши «Тугма топилмадимми?» деб ҳар кун бир марта сўраб турар эдилар. У саккиз тугма ҳам хотинлар эккан ловиялар сингари бири чапда ва бири ўнгда қадалгон эди. Гаранишнинг чап оёғи охири урушда ўқ тегиб майиб бўлган, шу учун юрган вақтида шундай қулочкаш қадам ташлаб, «чакки босиб» юардики, ўнг оёғининг бутун меҳнатлари бекорга кетарди. Унинг пиёда «аскарлари»¹ қанча тезлик билан ҳаракат қилсалар, шунча секинлик билан олдинга жилардилар. Шу учун у киши айвонга етиб келгунларича Иван Ивановичнинг хаёллари «Нега бу

¹ Оёқлари.

гараниш қўлларини бу қадар кўп силкийди?» деган саволлар денгизини неча мартадан сузиб чиқди. Бундай саволлар билан нега бош қотирмасинки, ишнинг фавқулодда муҳим эканлиги гаранишнинг янги шоп осиб келишидан ҳам кўруниб турарди.

— Ассалому-алайкум, Петр Федорович!— деб қичқирди Иван Иванович. Юқорида кўрганамиз каби, Иван Иванович ўшанда жуда қизиқсиниб турганлигидан гаранишнинг айвонга чиқолмай қийналаётганини кўриб тоқати тоқ бўлди. Воқеан гараниш бир ҳамла билан айвонга чиқмоқ учун қанча зўр берса ҳам, ўзи кўзларини ердан узолмас ва бир ҳамла билан зинага чиқмоққа ярамаган «пиёда аскарлари» билан айтишиб ётарди.

— Ва алайкум ассалом, азиз дўстим ва муруватманд Иван Иванович! — деб жавоб қайтарди гараниш.

— Марҳамат қилиб ўтурингиз. Сиз, афтидан, анча чарчаганга ўхшайсиз, чораки мажруҳ оёғингиз сизга озор беради...

— Менинг бу оёғим,— деб қичқирди гараниш ва шунда Иван Ивановичга шундай бир қарадики, у хил қараш билан ёлғиз фил — чичқонга, тоғ — қумурсқага қарайди... ва айни ҳолда оёғини чўзиб туриб, сўнгра аскарларча ер депсинди. Бу ботирлик лекин, унга кўп қиммат тушди, чунки ер депсинган вақтида бутун жасади ларзанглаб кетиб бурни панжарага бориб тегди, лекин ўзи тартиб ва осойиш жойлаб ўрганган бу зийрак амалдор сирни бой бермаслик учун дарҳол ўзини ўнглади ва чўнтагидан тамаки қутисини олмоқчи бўлган кишидай, қўлларини чўнтагига узатди.

— Мен агар ўз хусусимда сизга арз қилсам, азиз дўстим ва муруватмандим Иван Иванович, мен ўз умримда кўп ажойиб жангларда бўлунганманки... Чунончи, масалан 1807 йилдаги жанг вақтида... Эй, мен сизга қандай йўллар билан, девол ошиб юриб, соз бир немис аёлининг ёнига тушганимни арз қилайин.

Шуни деярдан гараниш тўра бир кўзини қисди, маккорларча ва шайтонларча бир табассум билан кулиб қўйди.

Иван Иванович гаранишни бу хил сўзлардан тўхтатмоқчи ва тезроқ ҳозирги зиёратнинг сабабларига олиб келмакчи бўлиб сўради:

— Бу кун қаерларда бўлдингиз?

Ҳаттоки, Иван Иванович гаранишдан тўппа-тўғри «менга нима гапингиз бор?» деб сўрамоқчи ҳам бўларди, лекин мажлис ва суҳбатларнинг нозик одобларини

жуда яхши билганлигидан бу хил саволнинг одобдан хориж бўлиб тушмагини ўйлаб, юраги ҳар қанча қаттиқ уриб турса ҳам, ночор тишини-тишига қўйиб муаммонинг ҳалини кутиб қолди.

— Ҳа, воқеан, рухсат этингиз, қаерларда бўлганимни айтиб берай сизга,— деди гараниш тўра,— аввало, сизга арз қилайинки, бугунги кун — бағоят марғуб*...

Шу сўнги жумла айтиларкан, Иван Иванович ўлар даражада қаттиқ бўғулди.

— Хўш, энди рухсат этингиз,— деб давом қилди гараниш.— Мен бу кун сизнинг ҳузурингизга муҳим бир иш билан келдим.

Шу жойда гаранишнинг башараси ва авзойи зинага бир ҳамла билан чиқмоқчи бўлган вақтидаги каби андишалик вазият касб этди. Иван Ивановичга жон кирди ва безгак тутган одамдай қалтирамоққа бошлади, шу билан бирга ўз одати бўйича қуйидагича савол бермоқдан ҳам ўзини тиёлмади:

— Қандай муҳим иш экан? Чинакам муҳим ишми-кан?

— Мана, марҳамат қилиб эшитингиз: аввало шуни арз қилмоққа журъат этаман сизга, севгили дўстим ва муруватмандим Иван Ивановички, сиз жанобингиз... Ўзимга қолса-ку, мен, азиз дўстим, ҳеч нарса демайман-а, лекин ҳукуматнинг обрўси, ҳукуматнинг эътибори шуни тақозо қилади: сиз тартиб ва интизом қоидаларини бузгансиз.

— Бу нима деганингиз, Петр Федорович? Ҳеч нарсага тушунолмамай ётибман.

— Азизим Иван Иванович, нега сиз ҳеч нарсага тушунолмамай ётирсиз? Сизнинг хос бир ҳайвонингиз бағоят муҳим бир подшолик қоғозини олиб қочади-ю, сиз тагин ҳеч нарса тушунмадим дейсиз.

— Қандай ҳайвон у?

— Рухсатингиз билан арз қилсам, ўзингизнинг хос ҳайвонингиз: сури чўчқа.

— Менда нима айб? Нега суд дарвозабони эшикни очик қўяди?

— Йўқ, Иван Иванович, сизнинг хос ҳайвонингиз бўлгандан сўнг айб сизда бўлса керак.

— Бағоят миннатдорман сиздан, мени чўчқа билан баравар қилғонингиз учун.

— Мана бу гапни сира айтганим йўқ, Иван Иванович, азбаройи худо, айтганим йўқ! Марҳамат қилиб, пок виждон билан ўзингиз ўйлаб кўрингиз. Сизга, би-

лошакки-шубҳа маълум бўлса керакким, катталарнинг фармойишларига мувофиқ, шаҳарда ва алалхусус шаҳарнинг улкан кўчаларида нопок ҳайвонларнинг юрмоқлари мамнуъдир. Ўзингиз ҳам қабул қилингизким, бу иш мамнуъ* ишлардандур.

— Нималарни гапираётирсиз, азбаройи худо? Чўчқанинг кўчага чиқмоғи ҳам муҳим иш бўлиб қолибдими?

— Рухсат этингиз, арз қилайин, рухсат этингиз, Иван Иванович, йўқса мумкин эмас. Нима қилайлик, ахир? Катталар шуни истар экан — биз итоат қилмоққа мажбурмиз. Мумкин: кўчага ва баъзан майдончаларга ҳам товуқлар, ғозлар чиқиб қолишади, бу мумкин, лекин чўчқалар билан эчкилар хусусида уларнинг издиҳомли майдонларга киргизилмакларини тақиқ қилиб ўтган йили буйруқ берган ва мазкур буйруқни йиғинда, кўпчилик олдида ўқуб бермоққа фармойиш қилгон эдим.

— Йўқ, Петр Федорович, бу ишда — менга озор бермоқ учун жиддий жаҳд қилмоғингиздан ўзга ҳеч бир нарсa кўрунмайди.

— Мана бу гапни сира айтолмайсиз, азиз дўстим ва муруватмандим: гўё мен сизга озор бермоқ истаган бўлсам. Ўзингиз эслангиз: ўтган йили томингизни қонунда кўрсатилган меъёрдан тугал бир газ ортдириб ёнганингизда ҳеч нарсa демадим. Балки, билъакс, билмаган кишидай бўлиб юрдим. Ишонингиз, азиз дўстим, ҳозир ҳам мен бутунлай, чунэнчи... Лекин менинг бурчим, хуллас гарданимдаги вазифам тозаликнинг риоясини кузатиб турмоқни талаб қилади. Ўзингиз ўйлангиз, ахир, шаҳарнинг катта кўчасига бирдан...

— Чинакам, катта кўчаларингизнинг ўзи ҳам кўп яхши-да, ҳамма хотин-халаж керакмас нарсасини ўша ерга олиб чиқиб тўкади.

— Рухсат этингиз, Иван Иванович, арз қилайин: Ўзингиз озор бераётирсиз менга! Ори рост, ўша айтганингиз баъзи-баъзида рўй беради. Лекин, деволлар, омборлар, оғил-моғилларнинг тағларида; лекин улкан кўчада, майдонда бўғоз чўчқанинг тиқилиб юрмағи, бу шундай бир ишки...

— Хўш, нимаси бор экан унинг, Петр Федорович? Чўчқа ҳам, ахир, худонинг махлуқи-ку?

— Хўп. Бутун рўйи заминга маълумки, сиз билимдон бир одамсиз. Илми-ҳикматлар ва бошқа анвойи нарсаларни яхши биласиз. Мен бўлсам ҳеч қандай илм-

ни ўқумагонман, ёшим ўн учга етгандагина савод чиқармоққа бошлаганман. Мен, ахир, ўзингизга маълумки, оддий сарбоз орасидан чиққанман.

— Ҳим!— деб қўйди Иван Иванович.

— Шундай қилиб,— деб гапида давом этди гараниш,— 1801 ланчи йилда мен 42 ланчи терандоз олойнинг* 4 ланчи бўлуғида кичик офитсер эдим. Бўлук бошлиғимиз, марҳамат қилиб билмоқ истасангиз, миролой* Еремеев деган зот эдилар.

Шу вақтда Иван Ивановичнинг қўлида сғзи очиқ папирос қутичаси бўлунарди, гараниш, сўнг сўзини айтаркан, қўлини қутичага узатиб бармоқлари билан тамаки ўрмоққа бошлади.

Иван Иванович яна «ҳим» деб қўйди.

— Лекин, менинг вазифам,— деб гапида давом қилди гараниш,— ҳукуматнинг талабларига итоат қилмоқдур. Биласизми сиз, Иван Иванович, маҳкамадан подшолик қоғозни ўғурловчи, бошқа ҳамма мужримлар қаторида, жиноят маҳкамасига тортилади.

— Биламан, агар лозим бўлса, сизга ҳам ўргатиб қўяман. У айтганингиз одамлар тўғрисида, чунончи, қоғозни сиз ўғурлагон бўлсангиз, аммо чўчқа ҳайвондур, худонинг махлуқидур.

— У-ку шундай. Лекин қонун «ўғирлашда айбланувчи...» дейди, ўтунаман, яхшироқ қулоқ берингиз: айбланувчи! Бу ерда на уруғ, на жинс, на даража — ҳеч бири кўрсатилмайди, демак, ҳайвоннинг ҳам айбдор бўлмаги мумкин. Ихтиёр сизда, аммо мазкур ҳайвон жазо ҳукми содир бўлмасдан муқаддам, тартиб ва интизомни бузувчи сифатида, политсия маҳкамасига ҳозир бўлмаги керак.

— Йўқ, Петр Федорович!— деб совуқ қонлилиқ билан эътироз қилди Иван Иванович.— Бу деганингизга йўл қўйилмайди.

— Нима десангиз денг, лекин мен катталарнинг фармойишларига амал қилмоққа мажбурман.

— Нима бу, мени кўрқутганингизми? Ҳайвонни олиб кетмак учун анави бир қўли йўқ сарбозни юбормоқчимисиз, шундайми? Хизматчи аёлларга буюраман — сарбозингизни косов билан ҳайдаб соладилар. Унинг соғ қолгон қўлини ҳам синдириб жўнатадилар.

— Сиз билан баҳслашгали журъат этолмайман. Албатта, ундай бўлса, сиз уни политсия маҳкамасига юбормоқ истамасангиз, у ҳолда уни истаганингизча тасаруф қилингиз, истаган вақтингизда мавлудга атаб сўй-

дурингизда, калла-пачча солдирингиз, ёхуд тўғри пиширтириб истеъмом қилингиз. Ёлғиз мен сиздан сўрар эдим, башарти мазкурнинг гўштидан қази қилдирсангиз, бир жуфтгина менга ҳам юборингиз. Оқсочингиз Гапка мазкурнинг қони билан ёғидан шундай ширин қазилар қиладики, менинг аҳлиям Аграфена Трофимовна ҳаддан ташқари яхши кўради.

— Қази десангиз жоним билан бир жуфтини юбораман.

— Бағоят миннатдор бўламан сиздан, севгили дўстим ва мурувватмандим. Энди рухсат этингиз, яна бир сўзим бор эди, айтай: камина ихлосмандларига, судя жаноблари ва ҳам бошқа ҳамма ёру-биродарлар тарафларидан, чунончи масалан, сизни ўз дўстингиз Иван Никифорович билан яраштириб қўймоқ вазифаси топширилган эди.

— Нима! Уша жоҳил билан! Уша дағал одам билан мен ярашар эканманми? Асло бўлмайди бу нарса, бўлмайди!

Бу вақтда Иван Иванович жуда қатъий бир вазиятда эдилар.

Гараниш иккала бурнини бурнаки билан силаб туриб деди:

— Билганингизни қилингиз. Мен сизга маслаҳат бергали ботинолмайман, шундай бўлса ҳам, рухсат этингиз, арз қилай: сиз ҳозир у киши билан урушгансиз, лекин бир дафъа ярашиб олдингизми, сўнгра...

Лекин худди шу фурсатда Иван Иванович бедана ови хусусида гап бошлаб қолди, у киши гапни бошқа ёққа бурмоқ истаганларида ҳамиша шундай қилардилар.

Шундай қилиб, гараниш тўра ҳеч бир нарса чиқаролмасдан қуруқ қўл билан қайтмоққа мажбур бўлди.

Олтинчи фасл

БУ ФАСЛДА НИМАЛАР ЕЗИЛГАНИНИ ФАСЛНИНГ МАЗМУНИДАН ОСОНЛИК БИЛАН АНГЛАБ БУЛАДИР

Суддагилар бу ишни ҳар қанча яширмоққа тиришсалар ҳам, Иван Ивановичнинг чўчқаси келиб Иван Никифоровичнинг аризасини олиб қочқонини эртаси куниёқ бутун Миргород аҳолиси билиб улгурди. Биринчи дафъа гаранишнинг ўзи сўз орасида билмасдан айтиб

қўйди. Бу хабарни Иван Никифоровичга эшитдирган эдилар, у киши ҳеч нарса айтмасдан «сури чўчқами?» деб сўраб қўйдилар.

Лекин шу суҳбат чоғида ҳозир бўлунган Агафия Федосеевна яна Иван Никифоровичга ҳужум бошлади.

— Нима бўлди сенга, Иван Никифорович? Индамай ўтура берсанг ахмоқ қилиб ўйнатаберадилар сени! Шунча гапдан кейин дворянлигинг қолдими сенинг? Агар бундай қилсанг, кўча-кўйларда ҳолва сотиб юратурғон хотиндан ҳам хор бўласан! Унинг ҳолваларини қандай яхши кўрадинг...

Шундай қилиб кўндурди ҳам бу тиниб ўлмас хотин! Аллақайдан ўрта яшар ва доғ босган юзли, енглари ямоқлик, тўқ мовий рангда суртук кийган ва худди маҳкамаларнинг сиёҳдонларига ўхшаган бир кишини ҳам топди. У одам этигини извош мойи билан мойлар, қулоғига доим учтагача қалам қистириб юрар, тугмасига ип боғич билан кичкина бир шишача осилган бўлиб, у сиёҳдон вазифасини ўтарди. У ўзи бир қўл уришда тўққизта сомсани бирдан ер, ўнинчисини чўнтагига солар, қўлига бир тахта ариза қоғози тушиб қолса, анвойи тухмат ва бўҳтонлар билан шундай тўлғазар эдики, ҳар қандай мулла одам ҳам уни орада бир неча марта йўталмасдан ва чучкурмасдан туриб бирданига ўқуёлмас эди. Мана шу — одам деган нарсанинг кичкина бир нусхаси — астойдил уринди, ёзди ва ниҳоят мана бу аризани тайёрлади:

«Миргород уезд судига дворянлардан Иван Никифор ўғли Давгочхундан:

Бундан муқаддам берган аризам важҳидан менким дворянлардан Иван Никифор ўғли Давгочхундирман берарман ушбу аризани азбаройи дворянлардан Иван Иван ўғли Перерепенко устидан бундан муқаддам берилган ариза хусусида. Аммо мазкур ариза бермоқнинг сабаби бўлгани важҳидин. Чунончи, мазкур бундан муқаддам берилмиш аризамга Миргород уезд судясининг розилиги бўлган важҳидин. Яъни шу хусусдаким, бундан муқаддам аризада баён бўлмуш қора чўчқанинг беадабона ва ўзбошимча афъоли* хусусида ва яна мазкур чўчқа мардумлардин махфий сақланар эмиш ва унинг ахбори дигар одамлардин бизга масму* бўлгани хусусида¹. Судя маҳкамасида бўлмуш мазкур бепарво-

¹ Бу ариза бошидан-оёқ, айниқса шу жойгача, жуда саводсизларча ёзилган, ундан бир нарса англаб бўлмайди.

лик албатта бир ёмон ниятдан ҳоли бўлмагани ваҳидин анинг судга берилмаги лозим ва лобиддир*. Зероинки, мазкур чўчқа беақл ҳайвонлардин бўлиб унинг қоғоз ўғурламоғи хориж аз фаҳмдур. Ушбулардан равшан маълум бўладурким, мазкур чўчқа каминанинг кушандаси бўлган ва ўзини дворян деб юрган Иван Иван ўғли Перерепенконинг, яъни босқинчиликда ва калтабинликда ва бировнинг жонига қасд қилмоқда ва дин йўлидан хориж бўлмоқда барчага маълум бўлган мазкур кушандаминг ўзидан таълим олгани муҳаққадур*. Лекин мазкур Миргород судяси ўзига хос мунофиқлик билан, ўзига хос бир махфий йўл билан ўзи ризолик бергандур. Зероинки, шундоқ бир ризолик бўлмаса, мазкур чўчқа ҳеч бир ваҳд билан қоғоз ўғурламоққа қобил бўлмас эрди. Чораки, Миргород уезд суд маҳкамаси хизматкорлар ваҳиддан бисёр мамнундир. Унинг мисолига биргина сарбоз бор, уни кўрсатмак басдур. Ҳар доим муҳокамада ҳозир бўлувчи бу сарбоз ҳарчанд бир кўзи ғилай ва қўли бироз заҳимдор бўлса ҳам ва лекин чўчқани ҳайдамоқ ва уни калтакламак учун кифоят миқдорида бақувватдур.

Ушбудан муҳаққақ маълум бўладурким, мазкур Миргород судяси, унинг, яъни каминанинг кушандасининг журмига* шерикдир ва орада ҳосил бўлган ҳаён* ҳар иккалалари жуҳуд қабилдин тақсим қилиб оладилар. Мазкур ва номи зикр этилмиш калтабон ва дворян Иван Иван ўғли Перерепенко эрса мундоқ бадкорларга аввалдан шерик бўлиб келадир. Шу сабабдан мазкур уезд судига мен Иван Никифор ўғли Давгочхун мазкурнинг ахборот ва маълумоти учун маълум қиладурманким, мазкур сури чўчқадан — ёинастки анинг билан ҳамжурим бўлган мазкур Перерепенкодан мазкур ариза тортиб олинмаса ва мазкур аризанинг мазмуни юзасидан ва каминанинг фойдасига ҳукм чиқарилмаса, у ҳолатда мен дворянлардан Иван Никифор ўғли Давгочхун мазкур суднинг шу хилда қонунга хилоф корлари хусусида юқори палатага ариза берурман ва ушбу ишни ўз йўли билан мазкур жойга кўчуурман деб: Миргород уездининг дворянларидан Иван Никифор ўғли Давгочхун бўлурман».

Бу аризанинг таъсири бўлди: судя сал қўрқоқроқ киши эди (асли ўзи ҳамма яхши одамлар ҳам шундай бўладилар-ку-я!), саркотибга мурожаат қилди. Лекин саркотиби лаблари орасидан келишган бир «ҳим» овозини чиқармоқ билан бирга, юзини шундай лоқайдлик

ва фитнаангиз маънилик қилиб буруштирдик, бу хил башара тузоғига илинган одамни кўрган вақтда ёлғиз иблисдагина бўлади. Биргина йўл қолғон эди, у ҳам бўлса: икки дўстни яраштирмақ, лекин бу йўлда шу чоққача кўрулган ҳамма тадбирлар бекор кетганлигидан, бу ишга қандай қилиб киришмак хусусида ҳамма ҳайрон эди. Шундай бўлса ҳам яна бир мартаба уруниб кўрмакчи бўлдилар, аммо Иван Иванович ўзининг рози бўлмаслигини тўппа-тўғри айтиб берди ва ҳатто анча жаҳли чиқди. Иван Никифорович эса жавоб ўрнига орқасини ўгуриб олди ва бир оғиз бўлса ҳам бир нарса демади.

Шундан сўнг даъво иши фавқулодда тезлик билан олдинга жилди, зотан суд маҳкамалари одатда шундай тез ишлаш билан машҳурлар. Аризани олдилар, дафтарга ёздилар, рақам қўйдилар, ишга тикдилар, имзо қилдилар — шуларнинг ҳаммаси бир кун ичида қилинди; сўнгра уни жавонга солдилар, ўша бўйича ўша ерда бир йил, икки йил, уч йил қолиб кетди... Бу орада кўп қизлар эрга тегиб кетдилар, Миргородда янги бир кўча чиқардилар, судянинг битта олдинги, иккита ён тиши тушди, Иван Ивановичнинг ҳовлисида ўйнашиб юратурғон болалар бурунгидан анча кўпайди (буларнинг қаердан пайдо бўлиб қолганини бир худонинг ўзи билди); Иван Никифорович Иван Ивановичнинг қасдига, бурунгисидан бироз ичкарига бўлса ҳамки, янги бир ғоз катаги солдирди ва Иван Иванович билан ўз ўртасини бутунлай ёпиқлар билан тўлдуриб ташлади. Шундай қилиб бу икки қобил одамлар бир-бирининг юзини бутунлай кўролмас бўлди; ҳалиги даъво иши ҳам жавоннинг бир жойида, тартиб ва қоидага жуда ҳам мувофиқ бир ҳолда, ҳануз ётмоқда ва жавоннинг ўзи ҳам сиёҳ доғларидан мрамарга айланиб бормоқда эди.

Лекин шу орада бутун Миргород учун фавқулодда бир муҳим ҳодиса рўй бериб қолди, яъни: гараниш тўра катта бир зиёфат бердилар! Бу йиғиндаги танаввуъни (ҳар навъликни) ва дастурхоннинг тақаллуфини тасвир қилиб бермоқ учун мен бечора қаердан қалам топаман, қаердан сиёҳ? Соатингизни олингизда, очиб олдингизга қўйингиз ва кўрингизки, унинг ичида нималар бўлаётибди! Беҳуда бир нарса, шундай эмасми? Энди, гаранишнинг кенг ҳовлисига ўшанча ғилдирак жамъ бўлганини ўйлаб кўрингиз. Қандай бричкалар¹ ва қандай повоз-

¹ Рус аравалари.

калар бўлунмади дейсиз унда! Бирининг орқаси — кенг, олди — тор, бошқа бирининг орқаси — тор, олди — кенг; бири ҳам бричка, ҳам повозка, яна бири — на бричка, на повозка; баъзилари улкан бир пичан гарамига ёки семиз бир бой хотинга ўхшайди; баъзилари эса жулдур чопон бир жухудга ёхуд териси тушиб етмаган кадидга¹ ўхшайди; баъзилари ёндан қарасангиз кудди найи узун чилимга ўхшайди, баъзи бирлари эса ҳеч нарсага ўхшамасдан, жуда хунук ва ёлғиз чўпчакларда айтилтурғон аллақандай ажиб бир махлуқни эслатади.

Бу филдирак ва ўтурғучлар² бозорида бир нарса ажралиб кўрулардики, у — уй теразалари каби теразалик, қалин жилд билан ўралган бир «маофа»* арава — карета эди.

Турли-туман чопонлар, ҳар хил сертакаллуф бош кийимлари кийган кучерлар, қўлларида папирос найчалари бўлгани ҳолда, аравадан чиқарилган отларни ҳовлига жойламоқда эдилар. Қандай сертакаллуф зиёфат берди бу гараниш тўра! Рухсат этингиз, мен сизга ҳамма меҳмонларни бир-бир санаб кўрсатай:

Тарас Тарасович, Евпл Акенфович, Евтихий Евтихевич, Иван Иванович — у биз билган Иван Иванович эмас, бошқа; Савва Гаврилович, бизнинг Иван Иванович, Елеферий Елевфериевич, Макар Назарович, Фома Григорьевич... нарисини айтолмайман! Дармоним қолмади! Қўлим чарчади. Хотинларни айтинг, хотинларни! У... хотинлар: буғдой рангли ва заҳир юзли, новча ва пакана, Иван Никифоровичга ўхшаган семиз ва гараниш тўранинг шоп қинига сиғиб кетатурғон даражада арвоқ ва нозик хотинлар! У... хотинларнинг бош кийимлари! У... кўйлақлар: қизил, сариқ, жигарранг, кўк, мовий рангли янги кўйлақлар; рўмолчалар, ленталар, қўл чўнтақлари! Хайр энди, бечора кўзлар, бу томошадан сўнг сиз ҳеч нарсага ярамайтурғон бўлиб қоласиз! Дастурхоннинг узунлигини айтинг! Гапирилган гаплар, кўтарилган ғовур-ғувурни айтсангизчи! Уларнинг нима тўғрисида гаплашганларини, эҳтимол, мен сизга айтиб беролмасам. Лекин, ўйлайманким, кўп яхши ва фойдали нарсалар тўғрисида гапирилган бўлса керак, чунончи: обу ҳаво, итлар, буғдой, кийим-кечак, тойчалар,

¹ Скелет.

² Кучер ўтуратурғон баланд курси.

кусусида. Уша мажлисида биз билган Иван Иванович эмас, бошқа бир кўзи ғилай Иван Иванович туриб бундай деди:

— Мен шунга ҳайронманки, менинг ўнг кўзим (бу ғилай Иван Иванович шунақа ҳаммавақт ўзидан кулиб гапирарди) бу ерда Иван Никифорович Давгочхун жанобларини кўролмай ётибди.

— Келмак истамади,— деди гараниш.

— Нима учун бундай?

— Мана энди, худога шукур, икки йил бўладиким, улар, яъни Иван Иванович ва Иван Никифорович бир-бирлари билан урушиб қолиб, бири бор жойга иккинчиси ўлдурсангиз ҳам бормайди.

— Э, тавба-е! — шуни деркан ғилай Иван Иванович кўзларини юқори кўтарди ва икки қўлини бирлаштирди.— Қандай қилайлик, бу дунёда яхши ва соғ кўзлик одамлар иттифоқ билан яшамагандан кейин, менга ким қўйибдир шу ғилай кўзим билан яхши туришни!

Бу сўзга ҳамма меҳмонлар кучлари борича кулдилар. Ғилай Иван Иванович ҳаммавақт шунақа мақомига муносиб ҳазил қилгонлигидан ҳамма уни яхши кўрарди. Баланд бўйлик, арвоқ, мовут суртук кийган ва бурнига пластир деган малҳам суркаб олган бир одам шу дамгача бир бурчакда тек, қимирламасдан ўлтурар ва ҳатто бурнига чибин кўнса ҳам башарасини бузмас эди; ана шу муҳтарам одам бирданига ўрнидан турди ва ғилай Иван Ивановични айлантириб олган бир тўда одамларга яқин келди. Узини бирмунча одамлар айлантириб олганини кўргандан сўнг ғилай Иван Иванович сўз бошлади:

— **Ҳой, менга қаранглар!** Менга қаранглар! Сиз ҳаммангиз ҳозир менинг ғилай кўзимни томоша қилиб ўтурубсиз! Ундан кўра ҳаракат қилиб ўзимизнинг икки дўстимизни яраштириб қўяйлик! Ҳозир Иван Иванович хотинлар ҳам қизчалар билан гаплашиб ўтурибди, шу вақтда Иван Никифоровичга бир одам юборайлик-да, иккаласини бир-бирига тўқнаштириб қўяйлик.

Ҳамма бир оғиздан Иван Ивановичнинг бу таклифини қабул қилиб, Иван Никифоровичнинг уйига бир одам юбормоққа ва ундан, бир иш қилиб, гаранишникига — зиёфатга етиб келмагини сўрамоққа тўхтаб қилдилар. Шу ерда муҳим бир масала чиқиб қолди, яъни бу муҳим вазифани кимга топшириш керак, деган савол ҳаммани ҳайратга солган эди. Кимнинг сиёсат илмида кўп-кўп бурро ва уста бўлгани тўғрисида кўп баҳслашди-

лар, ниҳоят, ҳамма бир оғиздан бутун бу ишни Антон Прокофьевич Голопузга топширмоқни муносиб кўрди.

Ҳикоянинг нариги томонига ўтмасдан бурун ўқувчини бу ажиб одам билан бир оз таништириб ўтмоқ лозим. Антон Прокофьевич, сўзнинг бутун маънисини билан, галат солиҳ* ва ювош одам эди: Миргороднинг мўътабар одамларидан бири унга бир бўйинбоғ ёхуд кўйлак-лозим бериб қўйса ҳам қуллуқ қилар, биров келиб секингина бурнига чертиб кетса ҳам қуллуқ қиларди. Агарда ундан: «Антон Прокофьевич, нега суртугингиз мош ранги, енглари мовий ранг?» деб сўрасалар, у ҳаммиша бундай жавоб берарди: «Сизда шу ҳам йўқ. Шошманг, эскирсин, ҳаммаси бир хил бўлиб кетади!» Дарвоқе, ҳалиги мовий ранг қумош куёшнинг таъсири билан мош рангга айлана бошлади ва энди ҳозир суртукнинг айни ўз рангига ўхшаб қолди. Лекин қизини шундаки, Антон Прокофьевичнинг бир одати бор: у киши қалин кийимни ёзда, юпқасини қишда киядилар. Антон Прокофьевичнинг ўз уйи йўқдир. Илгари шаҳарнинг бир чеккасида бир уйи бўлар эди, кейинча уни сотиб юбориб, пулига учта тўруқ от билан битта кичкинарак бричка арава сотиб олди ва шунга тушиб олиб мулкдор бойларникига меҳмондорчиликка юратурган бўлди. Уч отнинг ташвиши зўр, бунинг устига ем-хашакка ҳам пул лозим бўлганлигидан Антон Прокофьевич уларни битта скрипка билан битта оқсоч қизга алмаштирди ва устига йигирма беш сўм пул ҳам олди. Кейин Антон Прокофьевич скрипкани сотди. Қизни эса саҳтиёндан тикилган, тилла сув кашталиқ тамаки катичасига айирбош қилиб олди. Энди ҳозир ундай катича ҳеч кимда йўқ. Бу давлатнинг эвазига у энди қишлоқма-қишлоқ юришдан маҳрум бўлди, ҳозир шаҳарнинг ўзида қолиб ҳар кимларникида ётиб юришга мажбур, айниқса, бунинг бурнига чертишдан лаззат олатурган дворянларникида кўпрак ётади. Антон Прокофьевич овқат хусусида жуда ҳарис*, «дурак» ва «мельник» деган қарта ўйинларини яхшигина билади. Итоат қилмоқ — унинг мизожига сингишган нарсалардан. Шу учун шапкаси билан таёғини қўлига олди-да, дарҳол йўлга тушди.

Йўлда кетаркан Иван Никифоровични қандай қилиб зиёфатга боргали кўндуриш тўғрисида ўйлай бошлади. Аслида лойиқ ва қобил бўлган бу одамнинг (яъни, Иван Никифоровичнинг) ортиқча ўжарлиги Антон Прокофьевичга топширилган вазифанинг ижросини муҳол* даражасига етказмакда эди. Чинакам, у бечора қандай

қилиб зифатга боролсинки, ётган жойидан туруш учун ўзи қанча қийналади? Хайр, фараз қилайликки, у жойидан ҳам турди, энди қандай зиёфатга буроладики, унда ўзининг умрлик кушандаси бўлса (кушандасининг борлигини у, албатта, билади)? Шундай қилиб, Антон Прокофьевич қанча кўп ўйласа, шунча кўп монё топарди. Кун дим, қуёш қовирмоқда, терлар селдек қуюларди. Антон Прокофьевич ҳар кимдан бурнига чертдириб юргани билан, кўп ишларди, анчагина уста одам эди. Ёлғиз боя айтганимиздай, айирбошлаш ишидагина унинг толеи йўқ эди. У қандай жойда ўзини тентакликка солиб олишни жуда яхши билар ва баъзан, ҳар қандай эслик одам ҳам шошиб қолатурғон ишлар ва ҳодисалар учраганда, албатта, бир йўлни топарди.

Унинг яратувчи зеҳни Иван Никифоровични қандай қилиб кўндуриш йўларини ўйлаб, ўзи ҳам ҳар бир нарсани қарши олгали жуда дадиллик билан бораётган вақтида, кутулмаган бир нарса уни анча шошириб қўйдди. Энди шу жойда ўқувчиларга бир нарсани айтиб ўтсак зарар қилмас: Антон Прокофьевичнинг бошқа кўп шимлари орасида шундай ажойиб хосиятлик бир шими бор эдики, уни кийиб кўчага чиққан вақтларида мутлоқ ҳамма итлар унга осилар эди. Учакишгандай у куни ҳам у киши худди ўша шимларини кийган эканлар. Шу учун эндигина чуқур хаёлларга ботган эдиларки, ҳар томондан бирданига чиққан ит ҳурушлари қулоқларини қоматга келтирди. Антон Прокофьевич шу ерда шундай баланд овоз билан бақирдиларки (ҳеч ким у кишидан ортиқ бақиролмас эди), ўзлари таниган бир аёл ва ўлчаб бўлмас даражада кенг суртук соҳибигина эмас, ҳатто Иван Ивановичнинг ҳовлисидаги болалар ҳам қаршисига югуришиб чиқдилар; осилган итлар у кишининг ёлғиз оёқларидангина олган эдилар, шундай бўлса ҳам шу воқеанинг ўзи у кишининг бояги дадилликларини анча сусайтириб қўйди ва у киши остонага бр-оз ҳайиқиш билан қадам қўйдилар.

Еттинчи ва охиричи фасл

Антон Прокофьевич билан ҳамма тегишиб гаплашарди, шу учун уни кўрган ҳамон Иван Никифорович деди:

— Ҳа! Ассалому-алайкум. Нега итларнинг гашига тегдингиз?

— Э, қирон келсин ҳаммасига! Ким гашига тегибди? — деб жавоб қайтарди Антон Прокойевич.

— Елгон айтасиз.

— Азбаройи худо, рост! Петр Федорович сизни зиёфатга айтиб юбордилар.

— Ҳим.

— Азбаройи худо! Шу қадар ялиниб айтдиларки, таърифдан тилим ожиз. Нега, дейди, бу Иван Никифорович биздан худди ғанимдай қочади. Гаплашиб-негиб ўлтургали бир мартаба ҳам келмайди.

Иван Никифорович ўз жағларини силаб қўйди.

— Агарда, дейди, Иван Никифорович бу сафар ҳам келмаса, нима дейишга ҳам ҳайрон бўлиб қоламан: чинакам, бу одамнинг менга қандай бўлса ҳам бир кеки бор экан-да! Бир иш қилиб, Антон Пракофйевич, шу Иван Никифоровични кўндулинг! Қани Иван Никифорович, жўнайиқ! У ерда ҳозир жуда азиз меҳмонлар жамъ бўлушганлар.

Иван Никифорович бу вақтда зинапояда туриб олиб бор кучи билан бўғзини йиртиб қичқираётган хўрознинг томошасига берилган эди.

Бўш келмас элчи ҳам сўзида давом қилди.

— Билсангиз эди, Иван Никифорович, билсангиз эди! Петр Федоровичникига бирам ғалати марсин балиғи*, бирам тоза увулдиқ келибдики, сира қўяқолингда.

Шу жойга келганда Иван Никифорович бошини буюққа буриб, гапга астойдил қулоқ сола бошлади.

Бу нарса элчига дадиллик берди.

— Бўлинг тезроқ! Фома Григорйевич ҳам ўша ерда! Қани нима дейсиз?

Иван Никифоровичнинг ҳануз ўша ҳолда турганини кўриб яна илова қилди:— Хўш, нима дейсиз? Борасизми, бормайсизми?

— Бормайман.

Бу «бормайман» деган сўз Антон Пракофйевични шошириб қўйди. Негаким, у одам «бу қадар жидду-жаҳд билан урунганимдан сўнг аслида лойиқ ва қобил бўлган бу одам менинг таклифимга аллақачон кўниб қолди», деб ўйлаган эди, ҳолбуки, бунинг ўрнига «бормайман» деган кескин бир сўзни эшитиб ўтурибди.

— Нега бормайсиз, ахир?— деб койишга яқин бир савол билан сўради у, койиш ҳолати унда расми жуда кам бўларди, ҳатто судя билан гараниш баъзида бунинг бошига ёниб турган қоғозни қўйиб ҳазиллашар эдилар, шунда ҳам бу даража койимас эди.

Иван Никифорович бурнакисини тортди.

— Ихтиёр ўзингизда, Иван Никифорович, мен хайронманки, қандай нарса сизнинг йўлингизни тўсади? Ниҳоят, Иван Никифорович гапни очиб ташлади.

— Нега бораман экан у ерга? Ҳалиги ўғри ўша ерда бўлгандан кейин!

Иван Ивановични у энди шундай деб атарди. Э, одия эгам! Қачондан бери.

— Азбаройн худо, у киши у ерда бўлмайди! Худонинг азаматига* онт этаманки, у киши у ерга келмайди! Турган жойимда ер ютиб кетсин агар!— деди Антон Прокофьевич. Ўзи ҳам шу топда, соатда ўн марта қасам ичишга ҳозир эди.— Қани, юринг, Иван Никифорович!

— Ёлғон айтасиз, Антон Прокофьевич, у бор ўша ерда!

— Азбаройи худо, азбаройи худо йўқ! Жойимдан жиллолмай қолайин, агар ўша ерда бўлса! Ўзингиз ҳам ўйлаб кўринг, ахир ёлғон, гапиришнинг нима ҳожати бор менга? Кўл-оёғимдан ажралмай агар!.. Энди ҳам ишонмайсизми? Кўз олдингизда жувонмарг бўлайин агар! На отам, на онам, на ўзим — ҳеч биримиз тонглақиймат кунини кўрмайлик агар! Яна ҳам ишонмайсизми?

Бу қарғишлардан сўнг Иван Никифорович тамом хотиржам бўлди ва ўзининг ҳаддан ташқари кенг суртук киядиган хизматкорини чақириб, кенг шими билан мовут камзулини олиб келмакка буюрди.

Мен ўйлайманки, Иван Никифоровичнинг қандай қилиб шим кийганини, қандай қилиб унга ёқа боғлағонлариңи ва ниҳоят чап енги остидан йиртилиб кетган мовут камзулини қандай кийганини тасвир қилиб ўлтуруш ортиқча бўлади. Ёлғиз шунигина айтмоқ билан қониқайикки, кийимларини тамом кийиб бўлгунларича у киши бир чиройлик сукунат сақладилар ва Антон Прокофьевичнинг ўзидаги турк катчасини бошқа бирор нарсага айирбошлаш тўғрисидаги таклифларига бир оғиз ҳам жавоб қайтармадилар.

Бу тарафда эса бутун мажлис аҳли Иван Никифоровичнинг келмағи ва, ниҳоят, шу икки лойиқ ва қобил одамларнинг умум орзуси бўйича бир-бирлари билан ярашмоқларидан иборат бўлган қатъий онларнинг келишини сабрсизлик билан кутмакда эди. Кўплар Иван Никифоровичнинг келмаслигига бутунлай деярлик ишонган эдилар. Гараниш, ҳаттоки, унинг келмаслиги

устига ғилай Иван Иванович билан гаров боғлашгон эди; сўнгра ғилай Иван Иванович туриб «гаровнинг шартига сиз ўқ теккан оёғингизни қўйинг, мен ғилай кўзимни қўяй», дегандан кейин гараниш жуда озор топди ва шу баҳона билангина ҳалиги гаров бузулиб кетди, меҳмонлар эса секингина кулиб қўйдилар. Соат иккидан анчагина ўтиб кетган бўлса ҳам, ҳеч ким ҳали дастурхонга ўтурмади, ҳолбуки Миргород шаҳрида, ҳар қандай расмий йиғинда ҳам, соат икки бўлганда дастурхонга ўтурадилар.

Антон Прокофьевич эшикда кўрунган ҳамон ҳамма меҳмонлар уни ўраб олдилар. У эса ҳамма саволларга қарши ёлғиз биргина кескин сўз билан қичқириб жавоб берди:

— Келмайди!

Ушандай дейиши билан ҳар томондан унинг устига ҳайфсанлар, сўкушлар ва балки, унумсиз чиққан элчилиги учун бошига муштлар ёғмири ёғишга тайёрланган эдики, бирдан эшик очилиб Иван Никифорович кириб келди.

Агарда ўша топда эшикдан шайтоннинг ўзи ёхуд кафанга ўралган бир ўлук кириб келганда, бу мажлис, Иван Никифорович кириб келгандаги қадар ҳайрат ва таажжубга тушмас эди. Антон Прокофьевич эса бу вақтда бутун мажлис аҳли билан бу даража ўткур ҳазиллаша олгани учун ичига сиғмай, биқинини ушлагани ҳолда кулгидан қотиб ётарди.

Нечик бўлса-бўлсин, Иван Никифоровичнинг бу қадар қисқа бир муддат орасида бир дворянга муносиб равишда кийиниб келмагини ҳеч ким кутмаган эди. Иван Иванович негадир ташқарига чиққанлигидан, бу вақтда у йўқ эди.

Ҳайратдан ёйилганларидан сўнг, меҳмонлар Иван Никифоровичнинг эсон-омонлигини сўрамоққа бошлаб, унинг сезимлик томонига ўсмоқда бўлганига хурсандлик изҳор қилдилар. Иван Никифорович ҳамма билан ўпушиб кўрушди ва ҳаммага бир-бир «бағоят миннатдорман» деди.

Бу орада уй ичига борш (шўрва)нинг ҳиди келиб кириб, оч қолгон меҳмонларнинг димоқларини қитиғлаб ўтди. Ҳамма бирдан дастурхонга ёпирилди. Сергап ва индамас, арвоқ ва семиз хонимлар сафи олдинга қараб чўзулди ва узун дастурхон турли ранглар билан товланди. Дастурхонга қўюлган таомларни таъриф қилиб ўтурмайман! На сузмалик минишка*, на боршга

қўшиб берилган бузоқ қорни, на мева қўшиб пиширилган ҳинд товуғи, на квас билан ҳўлланган — этикка ўхшаб келган таом, на ошпазнинг дастурхон тугалишида бературғон «хайр-маъзур» қовурмаси, на-да устига оловли ароқ қуйиб берилатурғон қўғурма тўғрисида тавсифлар ёзиб ўтурмайман. Айниқса, уларнинг мана бу кейингиси хонимларни ҳам кулдурди, ҳам қўрқутди. Бутун бу таомлар тўғрисида гапирмаганим шу учунки, мен уларнинг мақтовларини эмас, ўзларини яхши кўраман.

Иван Ивановичга бир хил ачиқ томир билан тайёрланган балиқ жуда маъқул бўлди. У киши бу фойдали ва тўйдурувчи неъмат билан кўпрак машғул бўлиб, балиқнинг энг майда қилтириқларини териб бир тарелкага қўя бошладилар; худди шу ишга машғул пайтлари эдики, бирдан кўзлари қаршиларига тушди: ё ҳолиқус — самовот! Бу қандай қизиқ ҳол? Қаршиларида Иван Никифорович ўтурибди.

Худди ўша онда Иван Никифорович ҳам қаради!.. Ҳар иккаласининг юзи ҳайратнинг акси билан худди бир тошга айланган эди. Икковлари ҳам кўпдан бир-бирларига таниш бўлган чеҳрани кўрдилар, демакки, ўзларининг кутмаган дўстларига ихтиёрсиз яқин бориб папирос қутчасини узатсалар, «марҳамат» ёхуд «лутфингиздан умидвор бўлмагим мумкинми?» десалар керак эди, ҳолбуки, у ошна чеҳра худди бир совуқ хабар каби хунук кўрунди! Иван Ивановичда ҳам Иван Никифоровичда ҳам тер деган нарса селдай оқарди.

Дастурхон устида ўтирган меҳмонларнинг ҳаммаси камоли диққат билан қарагонларидан лол бўлдилар ва бир вақт яқин дўст бўлган бу икки кишидан кўзларини узолмай қолдилар. Бу чоққача хўрознинг қай хилда пичилмаги тўғрисида ширингина суҳбат қилишиб ўтурган хонимлар бирданига суҳбатларини тўхтатдилар. Ҳамма жим бўлди! Бу кўруниш, чинакам, буюк рассомларнинг хунарига арзийтурғон кўруниш эди!

Ниҳоят, Иван Иванович ёнидан рўмолчасини олиб миширмоққа бошлади, Иван Никифорович эса теграсига кўз югуртгач, очиқ турган эшикни мўлжаллаб қолди. Гараниш дарҳол бу ҳаракатни сездди ва эшикни қаттиқроқ ёпмоққа буюрди. Шундан кейин дўстларнинг икковлари ҳам таом емоққа бошладилар ва шу бўйича бир-бирига сира қарамадилар.

Овқат тугаган ҳамон иккала қадрдон дўст ирғиб

Ўрунларидан турдилар ва секингина бу ердан чиқиб кетмак истаб, шапкаларини ахтара бошладилар. Буни кўргач гараниш бир имо қилди, у имо билан Иван Иванович (бу Иван Иванович эмас, нариги ғилай кўзлиги) туриб Иван Никифоровичнинг кетига ўтди. Гараниш бўлса Иван Ивановичнинг орқасига ўтиб тўхтади, шундай қилиб, булар уларнинг икковини орқадан туриб сура бошладилар, бундан мақсад, у иккала дўстни қарши-ма-қарши келтирмак, то бир-бирларига қўл бермагунча қўйиб юбормаслик эди. Ғилай кўзлик Иван Иванович Иван Никифоровични қийшиқроқ бўлса ҳамки, анча усталик билан Иван Иванович турган жойга суриб қўйди: лекин навбат гаранишга келганда, у чархни ортиқ даражада ёнга томон буриб юборди, негаки унинг ўзбошимча «пиёдалари» бу сафар ҳеч қандай буйруққа қулоқ солмай, ўчакишкандай, жуда йироққа ва бутунлай акс томонга қараб кетганлигидан (бу, балки, дастурхонда ҳар хил ичкиликларнинг кўп бўлганлигидан келгандир), уларни идора қилмоқдан бутунлай ожиз бўлиб қолди, мана шу сабабдан Иван Иванович ҳангомага қизиқиб иккала дўстнинг ўртасига кириб қолғон қизил кўйлакли хонимнинг устига бориб тушди. Бу, албатта, фоли хайр аломати эмасди. Шундай бўлса ҳам ишни ўнгламоқ мақсадида гаранишнинг ўрнига судя ўтди ва юқори лабидаги ҳамма бурнакини бир сўришдаёқ тортиб олгач, Иван Ивановични яна нариги томонга қараб сурди. Миргородда аразлашганларни, расми, шу йўл билан яраштирарлар, бу ўзи бир қадар тўл ўйинига ўхшаб келарди. Судя Иван Ивановични бир томонга қараб сурган ҳамон, бу ёқдан ғилай Иван Иванович ҳам бутун кучини йиғиб туриб Иван Никифоровични ўша томонга қараб сурди, бу вақтда Иван Никифоровичдан оққан тер тарновдан оққан ёмғирга ўхшарди. Иккала дўстнинг анчагина қаршилик қилишларига қарамасдан, уларни ҳам ҳолда бир-бирларига тўғри келтиролдилар, чунки бу ишга бел боғлаган азаматларнинг икковига ҳам орқада турган одамлар анчагина ёрий беришдилар.

Шундан сўнг уларни тўрт томондан маҳкам айлан-тириб олдилар-да, то бир-бирларига қўл бергунча бўшатмадилар.

— Э, худо ярлақасин сизларни, Иван Никифорович ва Иван Иванович! Инсоф билан айтингиз: нимани таллашиб урушдингиз? Бир беҳуда нарсани эмасми? Худодан, эл-халқдан уялмайсиз-ми?

— Мен билмайман,— деди Иван Никифорович. Ўзи ҳорғинлик билан ҳансираб турарди (унинг ярашмоққа кўп ҳам қарши эмаслиги сезиларди).— Мен билмайман, нима қилиб қўйгон эканман мен Иван Ивановичга? Нимага у киши менинг катагимни йиқитиб ўзимни нобуд қилгали қасд этдилар?

Иван Иванович Иван Никифоровичга кўз солмасдан жавоб қилди.

— Ҳеч бир ёмон қасдда бўлунганим йўқ. Ҳам худонинг олдида, ҳам, эй ҳурматли дворянлар, сизнинг олдингизда қасамёд этаманки, душманимга қарши мен ҳеч нарса қилгоним йўқ. Нима учун у мени беобрў қилиб рутбам ва даражамга зиён етказиб юради?

— Қанақа зиён етказибман мен сизга, Иван Иванович?— деди Иван Никифорович. Яна бир дақиқа шунақа изоҳот олиниб берилса, бу кўҳна адоват битиб кета қоларди. Иван Никифорович ёнидан тамаки қутичасини олмоқ ва «марҳамат» демак учун киссасига қўлини узата бошлаган эди.

— Бу, ахир, осилмоқ эмасмики,— деди Иван Иванович, кўзини ердан олмай туриб.— Сиз, пири муҳтарам, менинг даражам ва насли-насабимни бу ерда зикр қилиб бўлмайтурғон даражада одобсиз бир сўз билан ҳақорат қилдингиз?

— Рухсат этингиз, Иван Иванович, мен сизга ўртоқлик тариқи билан айтиб бераман! (Шу онда Иван Никифоровичнинг бармоғи Иван Ивановичнинг тугмасига тегиб турардики, бу унинг эски дўстига нисбатан майлини кўрсатарди.) Сиз ўзингиз ҳам қаердаги бўлмагур гаплардан озурда* бўлиб юрибсиз: ниҳоят, сизни «эркак ғоз» деб қўйганимга ё...

Иван Никифорович шу сўзни чакки айтиб юборганини ўзи ҳам пайқади, лекин бўлар иш бўлган, сўз айтилган эди. Бутун меҳнат бекор кетди! Ҳеч ким йўқ ерда айтилган бу сўзга ҳам Иван Ивановичнинг жони чиққан ва шу қадар ғазаби келган эдики, худо ҳеч бир бандасига кўрсатмасин, энди қандай чидасин у киши, ўзингиз ўйлаб кўрунгиз ахир, севимли ўқувчилар, қандай чидасинки, у ўлдурувчи сўз жуда кўп хонимлар ҳозир бўлган бир ерда айтилди ва Иван Иванович ўзи у жонимларга доим сипо кўрунмак истарди. Агарда Иван Никифорович бундай қилмаса, «эркак ғоз» деган сўзнинг ўрнига «парранда»гина деса ҳам, балки, ишни ўнглаб бўларди. Лекин, бўлмади, иш пачавага айланди!

У киши Иван Никифоровичга шундай бир қаради,

шундай бир қарадики, агарда у қарашга ҳокимият қуввати берилган бўлса, бир нафасда Иван Никифоровичнинг кулини кўкка совурарди! Буни меҳмонларнинг ўзлари ҳам пайқадилар ва дарҳол уларни ажратиб қўйдилар. Шундан кейин у одам, тавозеънинг мужассам намунаси бўлган ва ҳеч бир гадойни ҳол-аҳвол сўрамасдан ўткармаган бир одам, даҳшатли бир паришонлик ичида бу ердан ўзини олиб қочди. Алам ўтгандан кейин шунақа кучли талвасаларга тушар экан киши!

Бир ойгача Иван Ивановичдан бир нарса эшитилмади. У киши ўз уйларида пинҳон бўлган эдилар. Кўҳна, оғзи тилсимлик сандиқ очилган, ундан — нима деб ўйлайсиз? — нуқралар*, эски ота-бободан қолғон нуқралар буёққа олинган эди ва бу нуқраларнинг ҳаммаси «аҳли қаламдон»нинг сиёҳ билан қорайғон қўлларига ўтди. Иш эса бориб-бориб палата маҳкамасига тушди. Мазкур палатадан даъвонинг эртага қаралажаги хусусида севинчли ахборнома келгандан кейингина Иван Ивановичнинг кўнгли ёришди ва ташқарига чиқмоққа жазм қилди. Афсус, афсуски, ўша вақтдан тортиб то 10 йилгача мазкур палата ҳар кун ахборнома юборардики, «Иш эртага қаралади» деб.

Бундан беш йилча муқаддам ўша Миргород шаҳрига йўлим тушиб қолди. Мен ёмон вақтда йўлга чиққан эканман. Ғамгин ва ҳам намли, серлой ва сертуман куз фасллари эди. Зериктирувчи ва тинимсиз ёмғирларнинг ижодкордаси бўлган аллақандай ўхшовсиз ва ғайритабиий майсалар — қирлар билан толаларни суяқ бир тўр билан қоплағонлар ва уларнинг танларига шўхлик — чолга, гул — кампирга ёпишгандай ёпишиб олган эдилар. У вақтлар обу-ҳаво менга кўп таъсир қилувчи эди: у бўғулғонда мен ҳам зерикар эдим. Лекин бунга қарамасдан Миргородга яқинлашғон сари юрагимнинг тобора қаттиқроқ урганини сезардим. Ё оллоҳ, қанча хотиралар бор бу ерда! Миргородни кўрмаганимга ўн икки йил бўлади.

У вақтларда бу ерда икки ягона, зот, икки ягона дўст ниҳоят даражада қадрдон бўлиб яшардилар. Бу орада қанча номдор зотлар дунёдан ўтдилар! Судя Демьянович ўша вақтларнинг ўзидаёқ марҳум бўлган эди, гилай кўзлик Иван Иванович ҳам дорилфанодан дорилбақога азимат қилғон эдилар. Шаҳарнинг улкан

кўчасига кирдик. Ҳар ерда учига бир тутам похол боғланган ходача қозиклар кўрунарди, демакки, шаҳарни қайта бошдан режага солиб тузатмоқчилар! Бир қанча уйларни олиб ташлаганлар. Деволлар ва четан деволларнинг қолдиқлари мунгли-мунгли чиқиб турардилар...

У кун — байрам кунини эди, чипта соявонли аравамни черков олдида тўхтатиб, астагина, ҳеч кимнинг кўзига қоқилмасдан черковнинг ичкарасига кирдим. Зотан, кўзи тушатурғон киши ҳам йўқ. Черковнинг ўзи ҳам бўм-бўш. «Намозхонлар» йўқ ҳисобида. Энг сўфи «намозхонлар»нинг ҳам лойдан қочиб уйларидан чиқмағонлари кўрунуб турарди. Айниган, тўғриси тоби йўқ ҳаволи бир кунда ёнган шамлар ҳам, алланега, ажиб бир кўнгулсиз кўрунарди; черковнинг икки ёнидаги қоронғи йўлаклар қайғига ботган каби эдилар; чамбар ойнаклик баланд бўйли деразалар ёмбирдан кўз ёши тўкардилар. Мен секин ён йўлакка ўтдим-да, оппоқ сочли муҳтарам бир чолдан «Мумкинми билсак, Иван Никифорович ҳаётми?» деб сўрадим. Худди шу чоқда сурат олдида ёниб турган шамнинг алангаси ловуллаб кетиб бутун ёруғи мухотабимнинг* юзига тушди. У юзга қараб унда ўзимга ошино нишоналарни кўргач, менинг ҳайронлигимни томоша қилсангиз эди! Воқеани, Иван Никифорович шунинг ўзи эди! Нақадар ўзгарибди лекин!

— Хўш, эсон-омон бормисиз, Иван Никифорович? Жуда қариб қолибсиз-ку!

— Ҳа, қариб қолдим. Мен бу кун Полтавадан келиб турибман, — деди Иван Никифорович.

— У нима деганингиз! Шундай бузуқ ҳавода Полтавага бордингизми?

— Қандай қилай! Даъво иши...

У шундай дегач, мен ихтиёрсиз бир уҳ тортдим.

Менинг уҳ тортганимни Иван Никифорович пайқадди-да, деди:

— Энди хотиржам бўлинг: ишни янаги ҳафтага ва менинг фойдамга ҳал бўлуши хусусида аниқ хабарим бор.

Мен таажжуб мақомида елкамни қоқдим-да, Иван Иванович тўғрисида билай деб ташқарига чиқдим.

— Иван Иванович шу ерда, — деди кимдир биров, — у киши ҳозир меҳробдалар.

Шунда арвоқ бир кишига кўзим тушди. Шуми ҳали, Иван Иванович?

Юзларини ажин босган, сочлари тамом оқариб кетган, лекин устидаги пўстунни ҳали ҳам ўша ўзим кўрган пўстун эди. Салом-алайк ва эсонлик сўзлари тугар-туғамас, Иван Иванович ўша — ўзининг варўнка нусха юзига келишиб тушатурғон хурсанд жилмайиш билан кулиб туриб деди:

— Севинчли бир янгиликни арз қилайинми сизга?

— Қандай янгилик экан?— дедим мен.

— Эртага мутлақ менинг ишим қаралади. Палата жуда ишонтириб айтди.

Мен илгаригидан ҳам оғирроқ уҳ тортдим-да, жуда зарур бир иш билан келаётганимдан, тезгина хайр-маъзур қилиб аравамга чиқдим.

Миргородда «учағон» деб ном чиқарғон арвоқ отлар, сури лойлар орасидан кечаркан, туёқларидан қулоққа ёқмайтурғон бир овоз чиқариб, чопа кетдилар. Ёмғир кучер бўлиб ўтурган ва бошига чипта ёпиниб олган жуҳуднинг устига бор кучи билан сув қуярди. Нам бутун баданимдан ўтиб кетди. Шаҳардан чиқаберишда мунғайиб турган қоровул будкаси, ичида эски кийимларини ямаб ўтурган майиб билан бирга, секин-секин ёнимиздан ўтди. Яна ўша, баъзан ўйдум-чуқур қора, баъзан ўт ўсган кўм-кўк қирлар, ивиган қарға ва зағчалар, бир хилда ёғиб турган ёмғир, кўзи ёшли ва нурсиз осмон... Шу дунёдан ҳам, тақсирлар, тўйиб кетасан киши!

ОСИЛГАН ЕТТИ КИШИНИНГ ҲИҚОЯСИ

1. КУНДУЗ БИРДА, ВАЗИР ҲАЗРАТЛАРИ

Вазир жаноблари жуда ҳам семиз ва «томла»¹ дардига мубтало бир одам бўлгонлигидан ҳар ҳолда эҳтиёт йўлини тутиб, у кишига бўлмоғи мумкин қаттиқ талвасаларнинг олдини олмоқ учун, унга қарши ғоят жиддий бир суиқасд тайёрланмоқда бўлгонини унинг ўзига илгаридан хабар бериб қўйдилар. Суиқасднинг тафсилларини ҳам битта-битта баён қилдилар: суиқасд эртага эрта билан бўлмоғи керак, ўз шерикларидан бир хоин томонидан фош этилган ва ҳозир агентлар томонидан изма-из пойланмоқда бўлгон бир неча террўрчи², бомбалар ва тўппончалар билан яроғлангонлари холда, кундуз соат бирда вазирнинг эшиги олдида тўпланиб, унинг уйдан чиқмоғини кутсалар керак. Ўзлари ҳам шу ернинг ўзида қўлга олинажаклар.

Вазир шундан сўнг тезгина човриб, уст-бошини кийиб, аллакимнинг меҳмондўз ўрдасига тунагали кетди. Унинг хотини билан икки боласини ҳам эртага рўбарусида бомба отувчилар тўпланажак бу қўрқинч уйдан бошқа бир жойга жилдирдилар.

Аллакимнинг бегона ўрдасида, ҳали чироғлар ўчмаган, ўзига таниш кишиларнинг олқишловчи юзлари салом бериб, кулиб ва суиқасд ташаббуси сабабли таас-

¹ Мия фалажлиги касали.

² Бу жойда — бирор уюшманинг топшириғи бўйича ўзи қарши бўлгон ҳукуматнинг катталарини ўлдурадиган киши. Умуман «террўр, ўлди» усули ҳар иккала томондан (ҳам ҳукумат, ҳам унинг қаршилари томонидан) ишлатиладир.

суф билдириб тургон пайтларда бу улкан одам ҳам ўзи-да бир турли ёқимли ҳаяжон ҳис этарди, лекин бир қанча вақт ўтгач, одамлар тарқалишди, чироқлар ўчди ва шунда тун бўйи ётоқнинг жим ва ёлғиз қўйнида у, жуда ёмон қўрқиб чиқди.

Унинг кўз олдидан яқинда бўлуб ўтган ҳамма қўрқинч воқеалар бир-бир кетин ясов тортиб ўтдилар. Унинг ўзи каби улкан ва ҳатто ундан ҳам улканрак қанча кишиларга бомбалар ташланди ва у бомбалар одам танларини пардек тўздириб юбордилар, мияларини ифлос деволларга уриб парчалади, тишларини милкларидан жудо қилди. Бу ўйларнинг таъсири билан унинг картга ёйилиб кетган йўғон ва касал гавдаси бомба портлашнинг заҳарли қувватини ҳозирданоқ ўзида сезиб тургон ёт бир гавда каби туюлар ва шунда худди қўллари елкасидан узилиб, тишлари тамом тўкулиб, мияси кулпарча бўлиб, оёғи эса бутунлай жонсиз қолиб, ўлук оёғи каби бармоқларини юқори кўтаргани ҳолда қимирламасдан ётгандай бўларди. У зўр бериб қимирлади, баланд овоз билан дам олди. Қайта-қайта йўталди, сўнгра «ҳеч бир ўлукка ўхшагон жойим йўқ» деганни қилиб, ўзини карт пуржиналарининг ғижирлаши ва адиёлнинг шитирлашидан ҳосил бўлгон жонли унлар ичига олди ва ўзининг тамом тирик бир киши бўлгонини, ўлумга ҳатто ёндашмагонини ва бошқа ҳамма одамлар каби ўлумдан узоқ бўлгонини кўрсатмоқ учун ётоқнинг жим ва ёлғиз қўйнида ўзининг йўғон овози билан қаттиқ ва уzub-уzub бўкурди:

— Баракалла, шоввозлар, баракалла, шоввозлар, баракалла, шоввозлар!

Бу мақтов сўзлари унинг жонини сақламоқда бўлгон, худди ўз вақтида жуда усталик билан муҳаққақ бир ўлумнинг олдини олгон агентлар, полислар, солдатлар ва бутун шу хил одамларга оид эди.

У сўзлар неча хил овозларда товуш бергани, яъни дам хушчақчақ-эрмакли, дам азобли, дам ўжар ва дағал рангларга киргани ҳолда:

— Кундузи бирда, вазир ҳазратлари! — дея яна ўз теграсида акс этди. Гўё ётоқхонага тайёр буроғли гирамафонлардан юзларчасини қўйдилар-да, улар ҳаммаси бир-бир кетин машинага хос бемаъни ҳафсала билан ўзларига буюрилган сўзларни бақира-бақира қайтардилар:

— Кундуз бирда, вазир ҳазратлари!

У сергўшт, хушбўй кафтлари билан ўз юзларини сиқаркан, қўидаги нарсалар даҳшатли бир равшанлик билан унинг хаёлидан кечдилар: агар суиқасд бўлишини хабар бермасалар, эртага эрта билан у ҳеч нарсадан хабари йўқ ўрнидан турар, сўнгра, яна ҳеч нарсадан хабари йўқ, қаҳвасини ичар, сўнгра даҳлизга чиқиб уст-бошини киярди. Ўша топда на бунинг ўзи, на бунинг пўстунини кийгизиб қўйгон дарвозабон, на-да унга қаҳва келтирган хизматчи, — қаҳва ичиб, пўстун кийиб ўлтурмоқнинг жуда беҳуда эканини, чунки бир нафасдан сўнг бутун ўша нарсаларнинг, яъни ҳам пўстун, ҳам унинг жисми, ҳам у жисмига сингган қаҳва... ҳаммаси-ҳаммасининг бомба портлаши билан нест-нобуд бўлиб, ўлум қўли билан йўқ қилинажагини билмаган бўладилар. Ана, дарвозабон ойнабандлик эшигини очаётир... ўша солдат, ўзи сингари бутун кўкрак нишонлар билан тўлғон севимли, солиҳ ва мулойим дарвозабоннинг ўзи, ўз қўли билан ҳалиги мудҳиш эшикни очаётир, очаётир, чунки унинг ҳеч нарсадан хабари йўқ. Теварак-атрофдагилар ҳам ҳаммаси куладир, чунки ҳеч нарса билмайдир...

— Аблаҳлар! — деди у жеркиш ва жирканиш билан.

Сўнгра, тегишли кишилар эшитсин дея, аввалгидан баландрак овоз билан ва бир қадар эшикка томон бурилиб туриб яна бир мартаба қайтарди:

— Аблаҳлар!

Бу хитоб эса яқиндагина ўзи томонидан «ёшоввозлар» дея мақталгон ва ортиқча ғайрат кўрсатамиз деб суиқасд масаласини унга батафсил айтиб берганларга тегиш эди.

Сўнгра бирдан фикрлари мустаҳкамланиб ва тартибга тушиб чуқур-чуқур ўйга толди: «Ҳа, албатта, — деди у ўз-ўзига, — мана эндигина менга хабар берганларидан ва ҳамма гапни билганимдан кейингина мунақа қўрқинч бўла бошлади-да, йўқса, мен ҳеч нарсани билмасам, тинчгина қаҳвамни ича берардим-да. Сўнгра, албатта, у ўлум деган нарса келарди — лекин мен, оё, ўлумдан шу қадар қўрқатургон кишиманми? Мана, юрагимда ёмон бир касалим бор, албатта бир кун ўлиб кетаман, аммо бу тўғридан ҳеч қандай хавф қилмайман, чунки қачон ўлушимни билмайман. Бу аблаҳлар бўлса менга келиб «кундуз бирда, вазир ҳазратлари» деб ўтурибдирлар. У аблаҳлар мени хурсанд қиламиз деб ўйладилар, ҳолбуки, унинг аксинча ўлум деган нарса кўз олдимга келиб олиб сира кетмайдир. Сира кет-

майдир, чунки менинг бутун фикрим ўша бўлиб қолди. **Асл қўрқув ҳам ўлумда эмас, уни билишда:** агарда одам боласи ўзининг қайси кун ва қайси соатда ўлушини аниқ ва пухта билса, яшамоқ асло мумкин эмас бир ҳолга келарди. Бу аблахлар бўлса танбиҳ қиларлар: «кундуз бирда, вазир жаноблари».

«Кундуз бирда, вазир жаноблари!» дейдилар бу жонкуяр эшаклар, ори рост, ўлумни олдини олишга муваффақ бўлгонлари учунгина шундай дейдилар, лекин келажак ўлум соатини билишнинг ўзгинаси ҳам бутун ваҳима солиб юборди.

Кўнглида бирданига пайдо бўлгон аччиқ бир алам билан у англадики, ўша лаънати қора соат ўтмагунча бунга на уйқу, на роҳат, на шодлик насиб бўлмаяжак. Бир дафъа уйқусидан уйғотилган ўлум ваҳимаси бутун аъзо-баданига ёйилди, суякларгача кириб сингди, ўзининг сўнук чеҳрасини тандаги ҳамма тешикчалардан чиқариб кўрсатмакда.

У энди эртаги куннинг ўлдуручиларидан қўрқмасди: улар йўқ бўлгонлар, унутилгонлар, унинг инсоний ҳаётини ўраб тургон душман одамлар ва ҳодисалардан иборат бир издиҳом ичига кириб йўқолгон эдилар; унинг қўрқ-қани бирданига келажак ва келмай қолмаяжак аллақандай бир нарса эди: ё «томла» касалининг бирданига ҳуружи, ё юрак ёрилиши, ёхуд қоннинг сиқишига чидаёлмасдан, семиз бармоқларга тор келган биялайдек, бирданига узилиб кетажак ингичка қон томири эди.

Шунда ўзининг семиз ва қисқа бўйни ҳам ўзига қўрқинч кўринди, хўппа ва калта бармоқларига қарамоқ, уларнинг нақадар калта, ўлум номлари ила нақадар тўла бўлгонликларини ҳис этмак ҳаддан ташқари оғир келди. Илгари қоронғида ўлукка ўхшаб қолмайин деб қимирламоғи ва ҳаракат қилмоғи мумкин бўлса, энди бу ёниқ душман юзидек совуқ, қўрқунч ишиқда папирос қутичасини топув ёки жинғироқ тугмасини босув учун салгина қимирламоқ ҳам қўрқинч ва маҳол эди. Асаблар «белни маҳкам боғлагонлар», уларнинг ҳар бири худди типпа-тик бўлгон букма симга ўхшар эдиким, унинг юқори учига — қўрқувдан олайгон кўзлари ҳамда томир тортишқондаги каби тартибсиз очилгон, дами ичига тушган ва жим қолгон оғзи билан—кичкинагина бир бош келиб қўнмишди. Нафас олиб бўлмасди. Бирдан қоронғилик ичида, чанглар ва ўргамчик уялари орасида, аллақайси бир шип остида тургон электир чи-

роғига жон кирди. Унинг маъдандан ясалгон кичкинагина тилчаси жиринглаган пиёлачанинг қирғоғига титраб-қалтираб ўзини ураб, сўнгра тўқтар, сўнгра тиним билмас кўрқув ва жингқираш билан яна дилдирамакка бошларди. Бу вазир ҳазратларининг ўз ётоқхонасидан туриб одам чақириши эди.

Одамлар чопишиб қолдилар: У ер-бу ерда, қандиллар ва деволларда битта-яримта чироғлар туташди, ёруғ бермоқ учун камлик қилгон бу чироғлар кўлагалар кўрсатмак учун етарли эди. Улар ҳар томонда пайдо бўлдилар: бурчакларга келиб рўдайдилар, шип бўйлаб ўралдилар, ҳар бир баландликка титрай-титрай осилиб, деволларга ёнбошладилар.

Йўғон ва қалтирағон бир овоз алланималар деди. Сўнгра телефон орқали дўқтўр чақирдилар, чунки улкан одам ўсал бўлиб қолгон эди, вазир ҳазратларининг хотини ҳам чақирилди.

2. ОСИБ ЎЛДИРИЛСИН!

Полисанинг айтғони бўлди. Бомбалар, «жаҳаннам машиналар»¹ ва тўппончалар билан яроғлангон, ўзлари уч эркак ва бир хотиндан иборат бўлгон тўрт террўрчини худди вазирнинг эшиги олдидан ушладилар, бешинчисини, «яширин квартир» эгаси бир хотин экан, уни ҳам топиб қамоққа олдилар. Шунда кўпгина «денамит»², ҳали ўқи солиниб битмаган бомба ва бошқа яроғлар топилди. Қамоққа олингонларнинг ҳаммаси ҳам жуда ёш нарсалар эди: эркакларнинг энг улуғи 28 да, хотинларнинг энг ёши 19 дагина эди. Уларнинг сўроғлари ўзлари қамалгон қалъанинг ўзида бўлди, сўроқ ўша омонсиз йилларнинг бошқа бутун сўроғлари каби ёпиқ ва тез бўлиб ўтди.

Сўроғда уларнинг бешови ҳам ўзларини тинч, лекин ғалат жиддий ва ўйчан тутдилар: сўроқчиларга қарши улардаги нафрат шу қадар зўр эдики, ортиқча бир табассум ёхуд шодликнинг ясама бир аломати билан ўз дадиллигини кўрсатув деган нарсани уларнинг ҳеч бири истамади.

Сўроқчиларга энг яқин ўлтурғони — ўзини Сергей

¹ Ўзидан-ўзи ёриладурғон бомба.

² Жуда кучли портловчи нарса.

Головин деб атагон ишдан чекинмиш бир миролойнинг¹ ўғли, ўзи ҳам бурун зобит (офитсер) бўлиб ўтган бир йигит эди. Ҳали жуда ёш, сариқ сочли, кенг елкали бўлган бу навқирон йигитча шу қадар соғлом эдики, на зиндон ва на муҳаққақ ўлумнинг интизори унинг юзларидан—қизилликни ва мовий кўзларидан эса—ёш масъуд болалик жилосини кетказалмас эди. У ҳаммавақт ўзининг ҳали ўзи кўника олмагон пахмоқ, оқимтил ва бир чимдимгина соқолчаси билан зўр бериб ўйнар, ҳамда кўзларини пирпирата-пирпирата ва қиса-қиса бирушта теразага қарарди.

Шунда—чанг босқон, ўтган йилдан бери артилмаган юқори қават тераза орқали жуда ажиб ва гўзал бир ҳаво — осмон кўринадир: дастлаб қарашда у бир оз кул ва тутун сингари сурранг² кўринса-да, қарагон сари унинг кўкимтиллиги ортиб, бора-бора мовийлиги яна ҳам чуқурроқ, яна ҳам очиқроқ, яна ҳам кетсизрак зоҳир бўладир. Сергей Головин ҳам ана ўша ҳавога тикилгани ҳолда соқолчаси билан ўйнар, узун ва пахмоқ киприкли кўзларининг дам унисини, дам бунисини пирпиратар ва зўр бериб бир нарсани ўйлар эди. Бир қур у бармоқларини апил-тапил ҳаракатга келтириб аллақандай бир хурсандлик билан болалар сингари пешанасини тириштиргон эди, — сўнгра, теграсига бир кўз ташлагоч, оёқ остида қолгон учқун каби яна дарров сўнди ва ўша оннинг ўзида юзидаги қизиллик устига ер ва ўлум сингари совуқ бир кўкариш чўкди ва пахмоқ сочи алам ва озор билан пойидан тортиб олиниб, сўнук³ бармоқлар орасида худди ашканчага* тушгандай қисилди. Шунда ҳам яна турмуш ва кўклам севинчи зўр келди: бир неча минутдан сўнг ўша бурунги болаларча юзи баҳорнинг осмонига тамом бурулди.

Кимлиги номаълум, лекин Муся деб юритилган сўнук юзли ёш бир қизнинг кўзлари ҳам осмонда эди. У, Головиндан ёшроқ бўлса ҳам, ўзининг ўткурлиги ҳамда тўғри ва мағрур кўзларининг қоралиги билан ундан кўра улуғроқ кўринадир. Аммо унинг ёшлигини ингичка ва мулойим бўйни билан яна ўшандай ингичка ва қиз болача бармоқлари билинтриб турарди. Унинг ранги сўнук эди. Лекин бу ўлум рангидаги сўнуклик эмас, балки одамнинг ичига жуда зўр олов ёқилғонда ва

¹ Полковник.

² Серый.

³ Бледный.

унинг бадани худди хитой чиннисидек шаффоф¹ ярқи-
рағонда зоҳир бўлатурғон ўзгача бир қизгин сўнуклик
эди. Унинг осмонга қараши ҳам ёлғиз шу учун эдиким,
бутун шу ифлос — подшоҳлик залда осмоннинг шу мо-
вий парчаси қадар чиройлик, пок, тўғри қизнинг кўзла-
рига фитна тузоғини қурмағон бир махлуқ топилмасди.

Сергей Головинга сўроқчилар (судлар)нинг раҳмла-
ри келди, қизни эса улар жуда ёмон кўрдилар.

Қизнинг ёнида, унинг ўзига ўхшаб қимирламасдан,
қўлларини тизлари орасига қўйғони ҳолда кимлиги но-
маълум, лекин Вернер деб юритилган бир киши ўлту-
рар эди. Агар одамнинг юзини мустаҳкам эшик сингари
беркитиб, қулуплаб бўлса, шу кимлиги номаълум киши
ўз юзини темир дарвоза каби беркитар ва устидан те-
мир қулуб соларди. У ўзи қимирламасдан ўлтурғони
ҳолда тақтадан ясалғон полдан (ердан) кўзини узмас
ва шунда билиб бўлмас эдики: тинчми у одам ё узлук-
сиз талвасадами, бирон нарсани ўйлайдими ё агентлар-
нинг судга бераётган гувоҳликларини тинглайдими? У
бўйига кўп ҳам баланд эмасди, унинг юз белгилари но-
зик ва асл эди. Ўзи мулойим ва чиройли бўлғон бу
одам айни замонда жуда буюк, лекин ювош бир кучга,
бўшашмас бир мардликка, совуқ ва дадил бир мардлик-
га эга бўлғонини кўрсатиб турар эди. Қалта ва очиқ
жавобларини у жуда мулойимлик билан бериб, ҳам шу
мулойимлик унинг лабларида ва ярим таъзимларида
ҳаммадан қўрқинчроқ кўринарди, ва бандилар чопони
ҳам ҳамманинг устида келишмаган бир масхарабоз
кийими каби кўрунгани ҳолда, унинг устидан тамом йўқ
бўлиб, кўринмай кетган, яъни кийим деган нарса бу
одамга шу қадар бегона эди. Ҳамда бошқа террўрчи-
лардан бомбалар билан «жаҳаннам машинлари» топи-
либ, бунинг — Вернернинг ёнидан ёлғиз бир тўппонча
чиққан бўлса ҳам, сўроқчилар негадир унга ўшаларнинг
каттаси деб қарар ва ундан сўз сўраркан, унинг ўзи ка-
би қалта ва ишчан сўзларини ишлатиб, бир қадар ҳур-
мат кўрсатар эдилар.

Унинг кетидан келган Василий Қашириннинг бутун
вужуди муттасил ва тоқатдан ташқари бир ўлум қўр-
қинчидан ҳамда шу қўрқинчни босмоқ ва сўроқчилар-
дан яширмоқ мақсадида яна шу қадар зўр бериб урун-
моқдан иборат эди. Ҳў... эрта билан, уларнинг ҳаммаси-

¹ Ута кўринган, у томондан бу томони кўрунган — прозрачный.

ни сўроққа олиб чиқилғонда-ёқ, у юрак тепишининг зўрлигидан бўғулар даражага келган эди, пешанасига томчи-томчи тер чиқиб турар, қўллари ҳам худди шу сингари терлик ва совуқ бўлиб, устидаги совуқ терли кўйлаги этига келиб ёпишар ва оёқларини жилдирмай кўйғондай бўларди. У фавқулодда куч ишлатмак билан ўз бармоқларини қалтирашдан сақлар, овозини қаттиқ ва англайишли бўлмоққа, кўзларини тинч турмоққа мажбур этарди. У ўз теграсида ҳеч нарсани кўрмас, овозлар унга туманлар орасидан чиққан каби эшитилар ва ўзининг баланд овоз билан қаттиқ-қаттиқ жавоб қайтармоқ учун жон ҳалпида урунишларини ҳам ўша туманлар орасига йўлларди... Жавоб бериб бўлғондан сўнг у сўралган саволни ҳам, ўзи берган жавобни ҳам дарров эсдан чиқариб, яна ўша унсиз ва мудҳиш курашига бошларди. Унда ўлум шу қадар барала кўрулардики, сўроқчилар унга қарашдан ўзларини тортардилар ва шунда унинг ёшини белгиламак ҳам бузулишга бошлагон ўлукни белгиламак сингари қийин эди. Паспортга қарағонда унинг ёши 23 да холос. Бир-икки мартаба Вернер унинг тиззасига секингина қўлини тегизди ва ҳар дафъасида у мана шу биргина оғиз сўз билан жавоб қайтарди:

— Тинчлик.

Баъзан унда бирданига сўзсиз, ҳайвонларча ва жон аччиғи бир фарёд билан ҳайқирмоқ учун чидаб бўлмас бир истак пайдо бўлар ва унинг энг мудҳиш онлари ўша бўларди. Ушанда у секингина Вернерга томон ўтар, у ҳам ердан кўзини олмасдан секингина жавоб қайтарди:

— Тинчлик, Вася, Оз қолди энди.

Яна шунда ҳаммани ўзининг оналарча ғамхўр кўзлари билан қучоқлагони ҳолда, изтироб ичида эзилиб бешинчи террўрчи — Ковальчик Таня ўлтурарди. У ҳанузгача ҳеч бир бола кўрмаган, ўзи ҳали жуда ёш бўлиб, Сергей Головин каби қизил юзли бўлса-да, бутун шу кишиларнинг онаси мақомида эди, яъни унинг қарашлари, табассумлари, қўрқувлари шу қадар ғамхўр ва шу қадар беҳад мунис эди. Утаётган сўроққа у бутун дахли йўқ нарса каби қараб, ҳеч бир аҳамият бермас, ёлғиз бошқаларнинг не равишда жавоб берганликларинигина тинглар эди: яъни, товуши қалтирадими, қўрққандан бўлдими, сув бермасмикан дея.

У Вася хусусида жони сиқилғонидан унга қараёлмасдан ҳадеб ўзининг дўндиқ бармоқларини қайириб ўй-

нарди, Муся билан Вернерга эса ғурур, ҳурмат билан қарар ва шунда юзлари ҳам жиддийт ва эҳтиром касб этарди. Сергей Головинга эса бирушта ўз табассумини етказишга тиришарди.

«Кўзи осмонда яхши йигитнинг. Қараб ол, қараб ол, азизим», — деб ўйлади у Головин тўғрисида. — Васячи? Бу нима қилғони унинг, ё рабби, ё рабби... нима қиламан энди мен буни? Бирор нарса десам яна бадтар бўладир: бирдан йиғлаб юборса?»

Ўз устида ҳам сўроқ бўлаётқонини ва ўзининг ҳам шулар каби осилажагини у сира ўйламас эди, яъни бу тўғрида тамоми лоқайд эди. Йўқса бомбалар ва динамитлар омбори мана шу хотиннинг уйдан топилган, ҳам шуниси қизиққи, яна шу хотин полисани ўқ узуб қарши олғон ва бир агентни бошидан ярадор қилғон эди.

Сўроқ қоронғи тушгач, ҳу... соат 8 да тугади. Зангор рангли осмон аста-аста, Муся билан Сергей Головинларнинг кўз олдида сўнди, лекин сўнаркан ол рангларга бўянмади, ёз оқшомларида бўлғони каби секингина табассум қилмади, балки бузулиб-айниб, сур ранганиб, бирданига совиб қиш кепатасига кирди. Головин оғир бир нафас олди, бир чўзулди, яна бир-икки мартаба теразага кўз ташлади, лекин унда совуқ тун қоронғисидан ўзга нарса йўқ эди, яна бурунгидай соқоли билан ўйнашда давом этиб, болаларча қизиқиш билан сўроқчиларни, милтиқли солдатларни томоша қилмоққа бошлади. Таня Ковальчукка қараб табассум қилди. Муся бўлса, осмон сўнгандан сўнг, тинчгина кўзларини қуйи тушириб ўлтурмасдан, тўппа-тўғри бир бурчакка бурди, шу пайтда унда бир ўргамчик, ислик димлик печнинг сиқиги остида шарпасизгина тебраниб ётарди, у қиз ҳукмнома ўқулгунча шу ҳолатда қолди.

Ҳукмнома ўқулиб бўлғоч, закунчилар билан хайрлашиб ҳамда уларнинг ноиложлик орқасида гангираган, шиквали ва гуноҳкор кўзларига қарамасликка тиришиб, айбланувчилар эшик олдида биргина минут бир-бирлари билан дуч келишиб қолдилар ва шунда қисқа-қисқа жумлалар билан жиндек гаплашиб олдилар.

— Ҳа, мен ҳам жуда хотиржамман, дўстим, — деб баланд овоз билан, тинчгина ва ҳатто шодликка ўхшаган бир ҳолат билан жавоб қайтарди Каширин.

Воқеан ҳам унинг юзи пича қизара тушган ва энди унақа бузулаётқон ўлук юзига ўхшамасди.

— Падарига ланъат буларнинг, охирда бориб осадурғон бўлдилар-а, — деб болаларча сўкуниб қўйди Голвин.

— Кутганимиз ҳам шу эди-да, — деди Вернер тинчгина.

— Эртага ҳукмномани қатъий равишда эшитдиражак ва ҳаммамизни бир жойга қўяжаклар! — деди тасалли бериш мақсадида Ковальчукка, — дорга еткунча бирга бўлажакмиз.

Муся жим эди. Сўнгра дадил қадам қўйиб илгарига босди.

3. МЕНИ ОСИШ ҚЕРАК ЭМАС

Террўрчилар сўроғидан икки ҳафта илгари шу округ судининг бошқа бир ҳайъати Иван Янсон деган бир деҳқоннинг сўроғини ўтгазиб осишга ҳукм қилғон эди.

Бу Иван Янсон бой бир деҳқонникида қароллик — батраклик хизматида бўлиб, ўзига ўхшағон бошқа бирмунча ғариб, кимсасиз қароллардан ҳеч бир фарқи йўқ эди. Унинг асли ўзи эстонияли эди, бир неча йил орасида аста-аста у қишлоқдан-бу қишлоққа, у деҳқонникидан-бу деҳқонникига ўтиб юриб, охирда пойтахтгача етиб келди. Русчага жуда нўноқ эди, бунинг устига унинг хўжайини Лазарев фамилияли бир рус бўлиб, яқин ўртада бошқа эстониялилар ҳам бўлмагонлигидан, бутун икки йилни Янсон индамасдан ўтказди. Аптидан, унинг ўзи ҳам унча гапга майл қилмайтурғон нарса эди ва унинг индамаслиги ёлғиз одамларга эмас, ҳайвонларга ҳам (индамасдан — Д. Қ.) юрарди: индамасдан от суғорар, майда ва эътимодсиз* қадамчалари билан ҳар от теграсида секин ва эрина-эрина судралиб юриб, индамаслигидан норози бўлғон от бунга ноз қилиб ҳазиллаша бошласа, яна индамасдан уни қамчи билан пишитарди. Урғонда ҳам совуқ ва баджаҳл бир қайсарлик билан жуда қаттиқ урар, агарда унинг ичкиликка ашаддий хумор бўлғон вақтларига тўғри келса, калтаклаш қутуриш даражасига етарди. Ушанда қамчининг чирсиллаши ва тагига тахта ётқизилғон отхонада от тўёқларидан чиққан авайлагич, ноғора сингари дириллагич, оғирлик тўла тапур-тупур хўжайиннинг уйига етиб борарди. Янсон отни урадир деб хўжайини

унинг ўзини урарди, лекин ура-ура тузатолмагач, «бор» деб ташлаб қўйди.

Ойда бир ёки икки мартаба Янсон хўп ичкилик ичиб мастлик қиларди ва бу ҳол, одатда, у ўз хўжайинини ёнида буфети бор катта бир темир йўл истансасига олиб борғонида юборарди (юз берарди — Д. Қ.) Хужайинини истансага туширгач, Янсон чанасини ҳайдаб истансадан ярим чақиримча нарига кетар, ўша ерда кўчанинг бир жойида от-аравасини қорга ботириб қўйиб, пўезднинг жўнашини кутарди.

Сўнгра истансага қайтиб келиб тезгина ичгани ўлтурарди.

Қишлоғига қайтаркан, бутун шу ўн чақирим йўлни улоқ чопқон кишидай чопиш билан босарди. Эзилган, даҳшатли бир ҳолга тушган от бечора тўртала оёғи билан худди устига ўт кетган одамдай чопар, чана ағдарилгундай бўлар, қинғаяр, симёғочларга ўзини урар, Янсоннинг ўзи бўлса узун тизгинини ташлаб қўйиб ва ҳар минутда бир чанадан учқундай бўлиб ё ашула айтар ёки узук ва англашилмас жумлалар билан эстон тилида алланималар деб бақирарди.

Уни бошқа кўп жойлардан қандай ҳайдагон бўлсалар, бу ердан ҳам аллақачон ҳайдаб юборув керак эди, лекин унинг ойлиги жуда оз бўлиб, бошқа қароллар ҳам бундан яхши бўлмагонликларидан, шу жойда икки йил қолиб кетди. Янсоннинг ҳаётида ҳеч қандай айтарлик воқеа бўлмагон эди. Бир мартаба унга эстон тилида ёзилгон бир хат келди, у ўзи саводсиз ва бошқалар эстонча билмагонликларидан у хат шу бўйича ўқулмасдан қолиб кетди. У аллақандай ёввойи ва бераҳм лоқайдлик билан гуё у хатнинг ўз юртидан хабар келтирганини ҳеч бир тушунмагандай уни ахлатлар орасига ташлади. Хотин тусаганидан бўлса керак, Янсон ошпаз хотиннинг кетидан ҳам бироз юриб кўрди, лекин бу ишда муваффақ бўлолмасдан, қўполлик билан рад қилиниб, қаттиқ эрмакда қолди, чунки унинг ўзи пакана бўйли, арвоқ — «тараша», сепкил юзлик, шиша ва балчиқ рангида заиф уйқу кўзлик бир йигит эди. Ўзининг бу қуруққа чопишини» у лоқайдлик* билан қарши олди ва ундан кейин ошпаз хотинга сира даҳл қилмади.

Мана шу Янсон қиш кечаларининг бирида, қаролларнинг яна бири истансага кетган оқшомда, қурол кучи билан ўғрилиқ қилиш, одам ўлдириш ва хотин кишининг номусига тегув учун уриниб, каттакон бир жинойт қилиб қўйди. У бу жинойтни аллақандай ажойиб бир

содалик билан қилғон эди: ошпаз хотинни ошхонага қамаб қўйиб, ўлар даражада уйқуси келган бир киши каби эринчаклик билан ўз хўжайинининг кети томонидан яқинлашиб келди ва орқасига пичоқ билан битта урди. Хўжайин ҳушидан кетиб йиқилди, хўжайин хотини у ёқ-бу ёққа ўзини уриб дод-вой қилди, Янсон эса тишини гижиллатиб, пичоқ дўлайғони ҳолда сандиқлар билан жавонни тита бошлади. Истаган пулини топиб олди, сўнгра хўжайин хотинини биринчи дафъа кўрган кишидай ва ўзи ҳам сира кутмагани ҳолда зўрламоқ учун унга томон ташланди. Лекин шу пайтда пичоғи қўлида бўлмагонлигидан хўжайин хотини ундан кучлилик қилди ва ўз номусга теккали бунга йўл бермаслик билангина қолмасдан, унинг ўзини ҳам бўғиб ўлдураёзди. Шу вақтда ерда ётқон хўжайин қимирлаб қолди, ошхона эшигини ағдариб чиқиб қўлида каттакон темир қисқичи билан гулдураганича ошпаз хотин келиб кирди, шу билан Янсон тола томонга қочмоққа мажбур бўлди. Уни бир соатдан сўнг омборнинг бир муюлишида чўкка тушиб ўлтуруб, ўт қўйиш ниятида бир-бир кетин гугурт чақиб турғонида ушлаб олдилар.

Бир неча кундан ўнг хўжайин «қон кетиш» орқасида ўлди. Янсонни эса бошқа ўғрилар ва қотиллар қаторида ўз навбати келгач, сўроқ қилдиларда, ўлум жазосига ҳукм этдилар. Сўрағонда ҳам у боягидай эди: пакана, арвоқ, сепкиллик, кўзлари шишаранг ва уйқулик. У гўё бўлиб ўтган ишларнинг аҳамиятини унча ҳам тушунмаган ва кўриниши тамомила қайд эди: оқ кирпичларини ўйнатар, ўзи қизиқмағони ҳолда ўзига ёт лекин савлатлик бўлғон залга дағал-дағал кўз ташлар ҳамда қотқон, рўдайғон ва эгилмас бармоқлари билан бурнини кавларди.

«Осув йўли билан ўлум жазосига ҳукм қилинди» деган мазмунда ҳукмнома ўқулғоч, Янсон бирданига бесаранжом бўлиб қолди. Юзлари чўғдай қизарди ва бўйнидаги «шарф» рўмоли ўзини бўғаётқондай сўроқчига юзланиб, ҳукмнома ўқуганини кўрсатиб туриб деди:

— Бу мени осилсин деб айтди, йўқ, мени осув керак эмас.

— Олиб чиқнинг айбдорни.

Унгача Янсон таъсирлик ва кескин бир овоз билан қайтариб айтишга улгура олди:

— Мени осув керак эмас.

Янсон шу топда ўзининг кичкинагина ва ҳиддатли* юзларини виқорли кўрсатмак учун беҳуда урунарди. У.

Ўзининг ўша юзлари ва марҳамат ўраб узалгон бармоқлари билан шу қадар ярашиқсиз кўрунардики, ҳатто пойлоқчи солдат ҳам, низом бузулишига қарамасдан, уни залдан олиб чиқаркан пастрак овоз билан унга қараб деди:

— Ўзинг ҳам, жуда эси паст нарса экансан, оғайни.

— Мени осув керак эмас, — дея ўжарлик билан такрор қилди Янсон.

— Қамоли ҳурмат билан сиртмоқни бўйнингга солиб бир тортадир, қимирлашга ҳам улгурмайсан.

— Бас энди, жим тур! — деб аччиқланиб қичқирди иккинчи солдат.

Янсон сўроғидан бурун авақтанинг бир хонасида бир ой ётиб унга ва унинг ҳар нарчасига кўникиб қолгон эди, бу сафар ҳам уни яна шу хонага қўйдилар. Назарател¹ ҳукмидан воқиф бўлғоч, унга келиб насиҳат тариқасида деди:

— Қалайсан, дўстим? Мана, осилдинг кетдинг!

— Қачон осажаклар мени? — дея ишонмасданрак сўради Янсон. Назарател ўйланиб қолди.

— Бу тўғрида, биродар, сенга ҳали бироз бардош қилишга тўғри келади. Осиладурғонлар бир тўп бўлгунча. Йўқса, битта одам учун, яна тагин сендек бир одам учун овора бўлиб ўлтиришга арзимайдир.

— Бўлмаса, қачон, ахир? — дея яна исрор қилиб сўради Янсон.

«Бир ўзинг овора бўлгонга ҳам арзимайсан» деган гап Янсонга ҳеч бир қаттиқ тегмаган эди, бу сўзга ишонмади, «бу ҳукмнинг ижросини кечиктирмас, сўнгра бутунлай бекор қилиб юбормоқ учун бир баҳонадир» деб ўйлади. Шундан сўнг ўзи ҳам очилиб кетди: ўйлаб ҳам бўлмайтургон қоронғи ва даҳшатли дақиқалар олисларга, аллақайларга чекилган ўлумнинг ўзи каби афсона ва хаёлга айланган эди.

— Қачон, қачон эмиш! — деб аччиқланиб берди қўпол ва тунд чол-назарател. — Биз нима, ит осиб ўйнармидик бу ерда: дарров омборнинг кетига олиб ўтсаку, «омин обло» қилсак, сен, ахмоқ, ҳали шунақа қилиб осилмоқчи экансанда!

— Йўқ, истамайман мен! — дея бирданига хурсанд-

¹ Авақта нозирни маъносида бўлгон надзирательни бизнинг бандилар тилида шундай дейдилар.

лик билан юзларини чимирди Янсон. — Мени осилсин деган у¹ эди, мен ўзим истамайман!

Сўнгра, балки бутун умрида биринчи мартаба, у кулди — гижиргич, ярашмагон, лекин ўтакетган хурсандлик ва шодлик кулгиси билан кулди. Худди ғозлар галаси қичқирғондай бўлди: га-га-га!

— Шайтоннинг ўзи! — деди калимасини ўгириб туриб назарател.

Ҳолбуки, кичкина қапишгон юзлик бу одамнинг ҳеч бир шайтонга ўхшагон жойи йўқ эди, шундай бўлса ҳам унинг ғозларча «га-га» лашида авақтанинг бутун муқаддаслиги ва мустақиллигини бузувчи аллақандай бир куч бўлунар эди.

Энди Янсон кулишдан тўқтади ва писмиқлик билан қош-қовоғини чимирмакка бошлади.

— Ҳа, шунақа бўладир! — деди назарател чучмал бир пўпаса билан, сўнгра бурилиб қарай-қарай чиқиб кетди.

Бутун шу кечани Янсон хотиржамлик ва хурсандлик билан ўтказди. У ўз — ўзича бояги «мени осув керак эмас» деган жумлани такрор қилар ва у жумла ўзига шу қадар таъсирлик, ҳикматлик ва эътироз кўрмайдиган бўлиб эшитилардики, ҳеч бир ташвишга ҳожат қолмас эди. Ўз қилмишларини у аллақачонлар унутган, ёлғиз хўжайиннинг хотинини зўрлаёлмай қолғонига қурқур афсус еб қўярди. Кўп ўтмай уни ҳам унутди.

Ҳар кун эрта билан Янсон ўзининг қачон осилажанин сўрар ва ҳар сафар назарател аччиғланиб жавоб берарди:

— Шошилма, улгурасан, ҳали, шайтонбачча! Ултура тур! — ва жавоб берар-бермас Янсоннинг кулганини кўрмайин деб шошилиб чиқиб кетарди.

Террўрчилар қамоққа олинғоч, бу хабар қамоқхонага ҳам эшитилди, ҳам Янсоннинг одатдаги саволига **бу** сафар назарател бирданига аллақандай кутилмаган ва ёввойиларча бир жавоб қайтарарди:

— Энди оз қолди.

Янсон оппоқ оқариб кетди ва худди уйқудан уйғонаётқон кишидай, яъни унинг шиша кўзларидаги қараш шунақа хира эди, сўради:

— Тегнашәтирсанми?

¹ 1-бет 2-изоҳини кўринг. Бу ерда ҳам шу нарса бор.

— Илгари шоштириб ўлаётиб эдинг, энди ҳазилми дейсан. Бизнинг бу ерда ҳазилни кўтармайдир,— деди назарател насихат билан, сўнгра тезгина чиқиб кетди.

Уша куннинг кечигача бизнинг Янсон ориқлаб ҳам қолди. Унинг тарангланган ва бир озга бўлса ҳам силлиқлангон териси бирданига аллақанча ажин ҳолида бир орага тўпланди, баъзи жойларда ҳатто сангиллаб қолгондай ҳам бўлди, ғолибона, кечаси ўзининг картчасига чўзулди, лекин кўзларини юмолмади, улар, улар уйқуға тўлгонлари ҳолда эрта билангача шундай очиқ қолдилар.

Ўлумнинг қандай нарса бўлгонини у ҳеч бир хаёлига келтирмаган ва унинг назарида ўлумнинг белгили бир кепатаси ҳам йўқ эди, аммо у энди очиқ сизди, тўйди ва кўрдиким, ўлум унинг хонасига кирди ва қўллари билан тимискиланиб буни изламакда, шунда ўлумдан қочмоқчи бўлиб хонаси ичида югурарди.

Лекин хона («камир») шу қадар кичик эдики, унинг учлик эмас, тўмтоқ каби кўрунган бурчаклари буни доим ўртага итариб турардилар. Ҳеч нарса ҳам йўқки, унинг панасига беркинса. Эшик ҳам берк, ташқари ёриқ. Бир неча мартаба индамасдангина бутун гавдасини деволга келтириб урди, бир мартаба эшикни ҳам қоқди— жим ва бўш эди. Бир нарсага қоқилиб кетиб бетинчасига ерга тушди ва шунда ўлум келиб ўзини тутаётқонини сизди. Қорничасига ерга узалиб, унга маҳкам ёпишиб, унинг қора, ифлос «асфалт»ига юзларини бергани ҳолда қўрқувидан бақириб юборди. Уша ётқон кўйича бақирди ва то у ёқдан одамлар етиб келгунча овозини борича қўйиб бақирди. Уни ердан кўтариб олиб картачасига ётқиздилар ва устидан совуқ сув қўйдилар, шунда ҳам у маҳкам юмулгон кўзини очишга ботинолмас эди. Бир қур очадир, ёриқ ва бўш бир бурчакни ва бўш бир бурчакни ва бўшлиқда аллакимнинг этигини кўради-да, яна бақира бошлайдир.

Сўнгроқ совуқ сув ҳам таъсир қила бошлади. Ундан кейин навбатчи назарател, яъни ўша ўзимиз билган чол, Янсоннинг бошига шифоли муштлардан бир нечасини тушириб эди, у ҳам фойда қилди. Ҳаётнинг таъмидан бу хилда тотилғоч, ўлум ўз-ўзидан йўқ бўлди, Янсон ҳам кўзини очди ва шу билан кечанинг қолгон қисмини ўтмасланган мияси билан қаттиқ ухлаб ўтказди. Чалқамчасига узалиб, очиқ оғзи билан, овозини баланд қўйиб зўр бериб хуррак тортарди ва жипс ёпил-

мағон киприклари орасидан қорачиқсиз ясси ва ўлук кўзи оқариб кўрунарди.

Ундан сўнг дунёдаги ҳамма нарса — кундуз ҳам, кеча ҳам, қадамлар ҳам, овозлар ҳам, ачигон карам шўрваси ҳам унинг учун бутун-бутун бир қийноққа айландилар ва уни ёввойи, ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайтурғон бир ҳайратга солиб қўйдилар. Унинг заиф муҳокамаси бир-бирига қарши бу даража зид кетган мана бу икки тасаввурни бир-бирига ёпиштиролмас эди: бир томонда — оддий ёруғ кун, карамнинг ҳиди ҳам мазаси, яна бир томонда — эндигина ё эртага унинг ўлуб кетишга тегишлиги... у ҳеч нарса ўйламас, ҳатто соатларни ҳам ҳисобламас, балки унинг миясини иккига бўлиб юборғон бу зиддият қаршисида унсиз бир даҳшат билан қотиб турарди ва унинг ранги ҳам на оқармай, на қизармай — бир хилда сўнук бўлиб қолди, зоҳирий кўрниниши ҳам тинч каби эди.

Пайшанбагача шундай ўтди. Пайшанба куни эса, кечаси соат 12 да Янсоннинг хонасига кўп одамлар кирдилар ва аллақандай «погонли» бир одам деди:

— Қани жовдунг. Жўнаш керак.

Янсон ҳали ҳам ўша секин ва бўшанг қимирлаши билан қимирлаб, бисотида бор ҳамма кийимларини кийди ва қизил рангли кир шарфини бўйнига ўради. Унинг кийинишини кўргач, папирос чекиб турғон погонли афанди аллакимга:

— Бу кун қандай илиқ кун-а. Худди баҳордай, — (деди — Д. Қ.)

Янсоннинг кўзлари юмулди, у бутунлай ухлаб кетди ва ўзи ҳам шу қадар бўшанг ва имиллаган эдики, назарател қичқирди:

— Бўл, эй, бўл, ухлаб қолди-я!

Янсон бирданига тўқтади:

— Мен истамайман! — деди у бўшанггина.

Уни қўлтуғидан йўлаб олиб кетдилар ва у елкаларини кўтара-кўтара мутелик билан бораберди. Ташқарида уни бирданига баҳорнинг нам ҳавоси ўртага олди ва бурун остини (қитиғлаб — Д. Қ.) ўтди, кечаси бўлушига қарамасдан тоб келиш яна орта тушган ва тошнинг устига аллақайдан тез-тез, оҳангли ва қувноқ томчилар томарди. Фонарсиз қора араваларга шопларини шолоплатиб ва энгаша-энгаша жандармалар чиққунча, Янсон уларни кутаркан бармоқларини эрина-эрина изи-ган бурни остида ўйнатар ва ёмон ўралиб қолгон шарфини тузатарди.

4. БИЗ ОРЛОФ ОДАМЛАРИ

Округ ҳарбий судининг яна ўша — Янсонни ҳукм қилгон — ҳайъати томонидан Орлоф губернаси Елтск уези¹ деҳқонларидан Михаил Голубетс деган биров ҳам осилиш жазосига ҳукм қилинди. Бу одамнинг асл ўз исимидан бошқа Мишка Тсиганок² ҳамда Татарин деган лақаблари ҳам бўлуи эди. Унинг аниқ исбот бўлгон сўнгги жинояти — уч кишини ўлдириш ва қуроли талончиликдан иборат бўлиб, ундан нариси унинг қора кечмишидаги сирли чуқурликлар ичига кириб кетарди. Яна бошқа бирмунча талонлар ва ўлдиришларга ара-лашқони тўғрисида ҳам муҳим ишоралар бўлғони каби, умуман унинг кечирган умридан қон билан бирга сар-хуш бир бузуқликнинг ҳиди келарди. Тугал бир очиқлик билан жуда самимий равишда у ўз-ўзини ўғри деб атар-ди, беркитгани билан ҳеч нарса чиқмайтургон сўнгги жиноятини у ўзи ҳам батафсил ва қизиқиб ҳикоя қила-дир, аммо кечмиш тўғрисидаги саволларга келганда тишларини гижирлатиб ва тишлари орасидан ҳуштак чиқариб туриб:

Ўтган ишга салавот, — дейдир.

Уни зоҳирий кўринишига ва ўғричалиш ҳаракатлари-га қараб «Тсиганок» дер эдилар. Унинг сочлари ўтакет-ган қора, ўзи арвоқ, бўртиб тургон татар нусха бетида сариқ куйукликнинг доғлари кўринарди. Кўзларининг оқларини аллақандай ота сингари ўйнатар ва доим ал-лақайларга қараб талпинар эди. Унинг кўз қараши қис-қа, лекин одам кўрқарлик даражада тўғри ва сермароқ, агар бир нарсага салгина кўзи тушиб қолгундай бўлса, у нарса ўзининг бир нарсасидан ажрар, ўзининг бўла-гини унга топширар ва ўзи ҳам бошқа тусга кирарди. Унинг кўзи тушган папирос ҳам худди бошқа кишининг оғзига кириб чиққандай кўнгул тортмайтургон ҳолга

¹ Бурунги жуғрофий-маъмурий бўлинишлар — вилоят қаторида, туман қаторида, бизнинг Ўрта Осиёда бурун-сўнг губерна таъбири ишлатилган эмас, у ёлғиз ички Русияда ишлатилар эди.

Бизда ўблўст (вилоят) сўзи бор эди. Уези эса миллий чегара-ланишга қадар бизда давом этди. (Тошкент уезди, Нишон уезди ва ҳоказо).

² «Тсиган» сўзи — лўли (жўш), озғини маъниларида юрадир. Бу лақаб характерлидир.

келар ва уни оғизга олиш қийинлашиб қоларди. Сувни ҳам худди от сингари пақирлаб ичарди.

Суд вақтида савол берилганда у ирғиб ўрнидан туриб, калта, кескин ва ҳатто завқланиброқ жавоб берадир:

— Рост!

Баъзан туртиб айтадир:

— Ро-о-о-ст!

Гап бошқа хусусда кетаётқонда ҳам бирдан кутилмаганда ўрнидан туриб раисдан сўрайдир:

— Бир ҳуштак чалсам!

— Нима учун? — деб танғирқаб сўрайдир раис.

Булар айтишадирки, мен шерикларимни ҳуштак чалиб чақирар эканман, мана шу ҳуштак, қиёмат!

Бир оз таажжубга қолиб туриб раис рози бўладир. Тсиганок ҳар қўлидан иккитадан тўртта бармоғини тезгина оғзига тикадир, кўзларини даррандалар сингари қинидан чиқарар эди — шу билан суд залининг ўлук ҳавосини ўғриларнинг асл ва ёввойи ҳуштаги ёриб ўтадир, уни эшитган ҳамон гангираган отлар бирдан тисарилиб орқамчасига ўлтуриб қолатурғон ва одам боласининг ранги ихтиёрсиз ўчиб кетатурғон шу ҳуштакдир. Бировлар қўлида ўлдирилатурғон кишининг ўлимдай қаттиқ қайғиси ҳам, ўлдирувчининг ёввойиларча хурсандлиги ҳам, ваҳималик «ҳазир ўл»лар ҳам, кўнгул сиқучи куз кечаларининг чақирғи ҳам, қоронғилиги ҳам, ёлғизлик ҳам — ҳаммаси шу қулоқни ёратурғон, на одам ва на дарранданикига ўхшамағон фарёдда эди.

Раис баланд овоз билан алланималар деб ғулдуранадур, сўнгра Тсиганокка қараб қўлини қимирлатадир, шундан сўнг у итоат қилиб жим бўладир. Ундан кейин ўзи қийин бўлса ҳам, лекин ҳар вақт кўпга маъқул бўлатурғон бир ашуллани айтиб бературғон бир артистдай яна ўз жойига ўлтурадур, ивиган бармоқларини танига артиб, ўзидан ўзи хурсанд ёни-берига қарайдир.

— Уғри десанг, мана! — дейдир қулоғини қашиб туриб сўроқчиларнинг бири.

Аммо паҳмоқ соқоли ва Тсиганокники сингари татар кўзли яна бириси Тсиганокнинг тепасига аллақайларга хаёлчан-хаёлчан қараб туриб кулумсар ва:

— Аммо лекин чинакам қизиқ-а! — деб қўяр эди.

Тамом тинч кўнгул билан ҳеч бир раҳму шафқат ва бир оз бўлса ҳам виждон овози сезмасдан сўроқчилар уни ўлумга ҳукм қилдилар.

— Тўғри! — деди Тсиганок ҳукмнома ўқулғоч. — Саёқ юрган таёқ ер. Тўғри!

Сўнгра пойлоқчи солдатга қараб йигитларча айтиб ташлади:

— Қани, юришиб қолайиқ энди, ҳой пўкканда*. Милтиқни маҳкам ушла, олиб қўяман-а.

Солдат бир қадар қўрққани ҳолда кескни назар билан унга қаради, сўнгра шериги билан кўз имоси қилишиб бўлгач, милтиғининг қулупини сийпалаб кўрди. Шериги ҳам шундай қилди. Сўнгра то авақтага еткунча бутун—йўл бўйи солдатлар ўзлари ҳам оёқ билан юриб эмас, балки ҳаводан учиб боргондай бордилар, яъни бутун ўйларини гуноҳкорда бўлиб, улар на оёқлари остидаги ерни, на ўтган вақтни, на-да ўз-ўзларини сезмадилар.

Мишка Тсиганок ҳам Янсон сингари жазо кунигача, ўн етти кунгача авақтада қолишга мажбур бўлди. Унинг шу ўн етти кунлик умри бу ердан қочмоқ ва ҳаётга қовушмоқ хаёллари билан худди бир кундай — худди отилгон ўқдай ўтди. Унинг ҳозир деволлар, панжаралар ва ҳеч нарсани кўрсатмайтургон ўлук тераза орқасида бўғулиб қолгон бетоқатлиги бутун ғазоби билан бунинг ичига уриб бутун ўйларини тақта бетига сочилгон чўғдай куйдириб борар эди. Тиниқ, лекин нотаом тасаввурлар худди авжига чиққон мастликдак ҳар ёнга ўзини урар, йиқилиб-ағдарилар ва чувалашиб кетар, кўз қамаштиручи ва тўқтатиб бўлмас бир довул каби ёндан кечар ва ҳаммаси бир томонга — қочиш, эрк ва ҳаёт томонига қараб чопар эди. Тсиганок дам от сингари пишқириб, бурнини ишириб соатларча ҳавони искар, чунки унда худди каноп (кендир), ўт кетгандаги тутун, туссиз ва заҳар куйиндиларнинг ҳидлари буруқсағондай туюлар эди. Дам эса тез-тез деволларни сийпалаб, чертиб, ўлчаб ҳамда кўз қораси билан шипни рандалаб, панжара темирни арралагандай бўлиб — хона ичида худди бўридек айланар эди. Ўзининг бу бетоқатлиги билан у тешикчадан бандиларни кузататургон солдатнинг ҳам жонига тегди, солдат бир неча мартаба камоли жаҳли чиққанлигидан «отаман» деб бунга пўписи ҳам қилди, унга қарши бу қўполлик билан масхара йўсунида жавоб қайтарди ва бу ишнинг тинчлик билан ётиб кетмагига ёлғиз орадаги айтишувнинг кўп ўтмасдан оддий, қишлоқча ва кўнгул оғритмайтургон сўкуш билан тугамаги сабаб бўлди, албатта, ундай бир ҳолда ўқ чиқариб ўлтириш яхши ҳам эмас, мумкин ҳам эмас эди.

Кечаларини Тсиганок ҳеч бир қимирламасдан, донг қотиб ухлагони ҳолда ўтказди, унинг бу уйқусида вақтинча тўқтагон пуржина каби ўзгармас, лекин жонли бир ҳаракатсизлик бор эди. Лекин ирғиб ўрнидан турғоч, дарҳол яна айланмакка, тушунмак ва тимискиланмакка бошлар эди. Унинг қўллари доим иссиқ ва қуруқ бўлса-да, аммо юраги бирдан баъзан совуб кетар эди.

Гўё унинг кўкрагига эримайтурғон бир муз парчаси кўярдилар-да, ўшанинг таъсири билан бутун тани бўйлаб майда ва қуруқ бир титрама чопар эди. Усиз ҳам қора тўруқ келган Тсиганок шундай онларда яна ҳам қорая тушиб, мовий кўян каби товуш (отгенок) берар эди. Сўнгра унда ажиб бир одат рўй берди: ўтакетган ва тоқатдан ташқари ширин бир нарса еган кишидай у ҳаммавақт бармоқларини ялар, оғзини чапиллатар ва тишлари орасидан чиқариб, «шит» этдириб оғзига келган тупурукни тупуларди. Сўзлар ҳам чала қолар эди: яъни, ўйлари шу қадар тез чопар эдики, тили уларга етолмай қолар эди.

Бир кун кундузи унинг ёнига пойлоқчи солдати билан бирга бош назарател кириб келди. Тупурук тўла ерга кўз учи билан шундоқ бир қарағоч, тентайиб туриб:

— Тоза булғабсан! — деди.

Тсиганок дарҳол жавоб қайтарди:

— Сен ўзинг, товоқ бет, бутун дунёни булғадинг, сенга индамайман. Нега кирдинг бу ерга?

Назарател яна ўша тундлик билан унга жаллодлик хизматини таклиф қилди. Тсиганок тишларини иржайтиб қаҳқаҳа солди:

— Ҳа, топилмай қопти-да. Қизиқ, боргину осабер, дегин, ҳа-ҳа, томоқ ҳам тайёр, сиртмоқ ҳам тайёр, осатурғон одам йўқ эмиш. Азбаройи худо, қизиқ.

— Улмай қолишинг бор-ку.

— Йўғасам-чи: ўлугим осиб берармиди сенга? Гапини қара, аҳмоқди!

— Нима дид бўлмаса? Сенга барибир эмасми: хоҳ ўл, хоҳ ўлдур!

— Шошма! Узинглар қанақа осасизлар? Индамасдан бўғиб қўяқоласизларми?

— Йўқ, музыка билан бўғамиз! — дея қўпол жавоб берди назарател.

— Эсингни қара, албатта «музиканг» билан-да. Мана бундай, — деди Тсиганок ва аллақандай бир мардлар ашуласини бошлаб юборди.

— Хўш, дўстим, пухта «хўп» дедингми? — деб сўради назарател. — Хўш, нима дединг, гапир очигроқ.

Тсиганок тишларини иржайтди.

— Мунча тез, яна бир келгин, ўшанда айтаман.

Ўзларининг учагонликлари билан Тсиганокни қийнагон, тиниқ, лекин нотаом тасавурлардан иборат чувалчиқ ичига энди мана бу янги тасавур ҳам келиб қўшилди: қизил кўйлакли жаллод бўлишдан яхши нарса борми? Унинг кўз олдида дарров мана шу жонли кўриниш келиб тикланди: оломон тўлиб тошқон кенг бир майдон, баланд супа, унинг устида у ўзи, яъни Тсиганок, қўлида ойболтаси ва устида қизил кўйлаги — у ёқ-бу ёққа босиб юрадир. Офтоб одамларнинг бошларини ёритмоқда, унинг шуъласи ойболта устида қувнаб йилтиллайдир, шу топда ҳамма хурсанд ва ҳайитлаган ва ҳатто шу топда ана у боши кесилатургон ҳам кулиб турмоқда, оломоннинг кетида аравалар ва отлар ҳам келганлар, ундан нарида тола кўринадир.

— Тса-оҳ, — дея оғзини чапиллатди Тсиганок лабини ялаб ва тупуругини ташлаб туриб.

Шунда гўё иссиқ бир телпакни бирданига унинг бошига қоплаб бутун юзини, ҳатто оғзи-бурнигача бўғиб ташлагондай бўлдилар: қоронғи ва дим бўлиб, кўкраги ҳам бир парча эримас музга айланиб, бутун танига майда ва қуруқ бир титрама югурди.

Назарател яна икки мартача келиб хабар олди, ҳар сафар Тсиганок тишини иржайтиб туриб:

— Мунча тез, яна бир келиб хабар ол! — деган жавоб билан жўнатди.

Ниҳоят, бир кун назарател йўл усти бунинг эшигига тўқталиб, кичкина тешикча орасидан:

— Ўз бахтингни қўлдан тушурдинг, ҳой қарға! Бошқа одам топдик! — деб қичқирди.

— Эй, падарингга лаънат сенинг, оса бер ўзинг! — дея қўпол жавоб қилди Тсиганок. Шундан сўнг жаллодлик тўғрисида хаёл қурушни ҳам бас қилди.

Бора-бора, жазо кунни яқинлашқон сари, узулган тасавурларнинг чопагонлиги чидаб бўлмас бир ҳолга кела бошлади. Баъзи вақтларда Тсиганок чинакам ўзини унутиб юбориб, ўз хонаси ичида бемаъни гардишлар билан айланар, лекин ҳали гудур-будур шувалгон деволни сийпалашни ҳам ташламас эди. Сувни ҳам бурунгидай пақирлаб ичарди.

Бир кун, кеч кирар пайтда, чироғлар ёқилғоч, Тсиганок ўз хонасининг ўртасида ҳайвон сингари тўрт оёқ

бўлиб эмаклаб туриб олиб, қалтировчи бир увлаш билан бўрига ўхшаб увлай бошлади. У буни жуда жиддийлик билан қилди ҳамда муҳим ва зарур ишни бажарган киши каби увлади. Илгари бир қур кўкрагига ҳавони тамом тўлдириб олиб, сўнгра уни чўзиқ ва қалтирама товуш билан секин-секин қайтариб чиқарар эди, ундан кейин кўзларини чимириб туриб, увлашнинг қандай чиқғонига ўзи ҳам қўнт қилиб қулоқ, сол(ар)ди. Овозидаги ҳалиги қалтириш бир қадар ясама каби кўринди, шундай бўлса ҳам маъносиз овоз билан қичқирмасдан, балки ўзининг тилига келмаган даҳшат ва аламлар билан тўла шу ҳайвонларча увлашида ҳар бир сўзни дона-дона қилиб чиқарди. Сўнгра бирдан увлашини кесиб, яна ўша эмгаклаган кўйича, бир неча минут жим қолди. Сўнгра бирдан ерга қараб ғудуранди:

— Азизларим, севимлигиналарим... азизларим, севимлигиналарим, раҳмингиз келсин! Азизларим!.. севимлигиналарим!..

Бунинг ҳам қандай чиқғонини тинглагон каби эди. Бир оғиз гапириб қўйиб дарров қулоқ берар эди.

Сўнгра иргиб ўрнидан турди ва бир соат қадар дам олмасдан ота арвойидан туриб сўкунди.

— Ҳў, фалонингга — пистонлар, унақа — мунақалар, — деб бақирди у қон тўлғон кўзларини ўйнатиб. — Оссанг, ос, йўқса... ҳўй, фалонингга пистонлар.

Ранги бўрдай оқаргон солдат ҳам сиқилишдан ва даҳшатдан ёрилгундай бўлиб, милтиқнинг қўндоғи билан эшикни урди ва дармонсиз бир ҳолда:

— Отвораман! Худо ҳақи отвораман! Ҳой дейман, — деб қичқирди.

Лекин отишга ботинолмади, ўлумга ҳукм қилинғонларни, қаттиқ қўзғолон чиқармасалар, расми отмас эдилар. Тсиганок бўлса тишларини гижиратиб сўкуниб ва тупуриб берди: унинг ҳаёт билан ўлум орасидаги жуда қўрқинч—ўткур чегарага туриб қолғон инсоний мияси худди шамол теккан ва қуруғон кесакдай бўлак-бўлак бўлиб ушалиб борар эди.

Жазо майдонига олиб кетмак учун кечаси унинг ёнига одамлар киргач, у қимирлади, жонланиб қолғондай бўлди. Оғзи яна бадтар ширинланиб, тупуруклари тўқтовсиз келиб туратурғон бўлди, лекин юзлари бир оз қизара тушди, кўзларида ҳам бурунги ва бир оз ваҳший муғомбирлик йилтираб қолди. Кийина туриб у ҳукумат маъмуридан сўради:

— Қим осадн бизни ҳали? Янги жаллодми? Урганмаган қўли қалтираб ўлмасин тағин.

— У тўғрида сиз қайғирмасангиз ҳам бўладир! — дея қуруқ жавоб қайтарди маъмур.

— Нега қайғирмас эканман, ҳурматлик тўра, сизни эмас, мени осадилар-ку. Ҳеч бўлмаса, сиртмоққа кетадиган подшолик совунни сиз аяманг.

— Яхши, яхши, ўтунаман, жим турингиз.

— Йўқса, бу кишим бу ердаги совунларингизнинг ҳаммасини ўзи еб қўйди — дея назарателни кўрсатди Тсиганок. — Ана, турқининг ялтирашини кўринг.

— Жим!

— Ишқилиб сиз аяманг-да!

Тсиганок қаҳқаҳа солиб, кулди, оғзи эса тобора ширинлашиб борар эди, бирданига оёқлари ҳам ажиб равишда жонсизлана бошлади. Ҳар ҳолда ташқарига чиққач:

— Бер бу ёққа бегзоданинг аравасини! — дея қичқиришга яради.

5. УПУ, ЖИМ БУЛ

Беш террўрчи тўғрисидаги ҳукмнома қатъий суратда эълон қилиниб, ўша куннинг ўзидаёқ тасдиқ этилган эди. Қайси кун жазо бўлажagini маҳкумларга айтмадилар, лекин бу хусусдаги таомиллар юзасидан, улар ўзларининг шу кечанинг ўзида ёки, жуда кечикса, эртага кечаси осилажакларини билган эдилар. Сўнгра уларга «индинга, яъни пайшанба кuni ота-оналарингиз билан кўришарсиз», дейилгач, жазонинг жума кuni тонг чоғида бўлажagini билдилар.

Таня Ковальчукнинг яқин қариндошлари йўқ эди, бўлғонлари ҳам аллақайда, олис жойларда, Маларусияда¹ бўлиб, бу ердаги суд ва жазо воқеаларидан хабардор ҳам эмас эдилар; Муся билан Вернер номаълум кишилар бўлғонликларидан, уларнинг қариндош-уруғлари бўлиши сира эҳтимол тутилмас эди, шу учун улардан ёлғиз икки киши — Сергей Головин билан Василий Каширингина ота-оналари билан кўришмакга тегиш эдилар. Уларнинг иккови ҳам бу кўрушув тўғрисида уйлағонда ташвишга тушиб, юраклари сиқилиб кетарди, шундай бўлса ҳам у қаригон одамларни сўнгги кўри-

¹ Бу кунги Украина Жумҳурияти.

шув ва сўнгги ўпишувдан маҳрум қилмоққа кўнгуллари бўлмади.

Бўлажак кўришув устида энг кўп изтироб чеккан Сергей Головин эди. У ўз ота-онасини жуда яхши кўрар, яқиндагина уларни кўрган ва энди «қанақа бўлар экан бу кўришув» деб ваҳима қилар эди. Аслида ўзи таърифга сиғмас даражада ҳарикилодда (фавқулодда — Д. Қ.) ва одамни эсдан оғдирар даражада ваҳимли бўлгон ўлум жазоси ҳам унинг хаёлида энгилрак бўлиб суратланар ва у қадар мудҳиш кўринмас эди. Энг содда ва энг оддий бир муомала, яъни қўлини олиб, ўпиб туриб «омонмисиз, ота» дейиш — таърифга сиғмас, инсонликдан хориж ва ақлдан йироқ бир алдашдан ўзга нарса бўлмағони учун — ҳалиги ўлум ваҳмидан ҳам мудҳишрак ва оғирроқ кўринарди.

Лекин бутун булар Сергейнинг кутганига қарағонда анча энгиллик билан ўтди.

Эшикдан дастлаб Сергейнинг отаси, ишдан чекилмиш миролойлардан Николай Сергеевич Головин кирди. У бошдан-оёқ бир текис оқ эди: соч-соқол оқ, юз оқ, қўл оқ, — кўрган киши уни «қордан ясалган ҳайкалга одам либоси кийдирганлар», дерди, устида ҳам ўша эски, лекин яхши — тозалангон, бензин ҳиди келадиган, кўндаланг қадалган янги пагонлик суртуги¹ бор эди, у эшикдан қаттиқ-қаттиқ, бўлак-бўлак қадам қўйиб, пишиқ ва сипоҳларча юриб кирди. Оқ ва қоқ қўлини узатиб туриб баланд овоз билан деди:

— Омонмисан, Сергей!

Унинг кетидан майдарак қадам босиб ва қизиқ бир табассум билан кулиб Сергейнинг онаси кирди. У ҳам қўл бериб баланд овоз билан деди:

— Омонмисан, Сергей!

Ўғлининг оғзидан ўпди-да, индамасдан ўлтурди. Бевозта бўлмади, йиғламади, қичқирмади, аллақандай ваҳмлик ишларни қилар деб Сергей кўрққан эди — уни ҳам қилмади, ниҳоятини ўпди-ю ўлтурди. Ҳатто ўз устидаги қора ипак кўйлагини ўзининг қалтирагон қўллари билан тузатиб ҳам қўйди.

Миролой ўтган кечани — тонг откунча мана шу маросимни қандай ўтказиш хусусида бош қотириб ўйлаш билан ўтказган ва бундан Сергейнинг хабари йўқ эди. Ўғлимизнинг сўнг минутларини оғирлаштирмасдан, энгиллаштирайлик! — дея кескин қарор берди миролой ва эрта бўлажак кўришувда айтилмоғи ва қилинмоғи

¹ Тиззадан келадиган йирмали кийим.

мумкин бўлгон ҳар бир жумла ва ҳаракатни жуда зеҳн қўйиб ўлчаб чиқди. Лекин баъзида адашиб кетар, зўрға, ҳозирлагон сўзларини ҳам унутиб қўяр, сўнгра килиянкали юмшоқ курсининг бир бурчига ўлтириб аччиқ-аччиқ йиғларди. Эрта билан хотинига кўришув тартибларини ўргатди.

— Энг муҳими — ўпмак ва жим бўлмакдир! — деб ўргатди у. — Сўнгра, бир оз ўтгач, гапирсанг ҳам мумкин, лекин ўпган вақтда дамингни чиқарма. Ўпкандан кейин дарров гапириб юборма, уқтингми? Йўқса керакмас бир сўзни айтиб юборасан.

— Тушундим, Николай Сергеевич! — деди она йиглаб туриб.

— Йиғини ҳам қўй, худо сақласин, йиғлашдан! Агар йиғлагундай бўлсанг, болани ўлдирасан, кампир!

— Ўзингиз нега йиғлайсиз, бўлмаса?

— Сиз бўласизу йиғлатмай қўясизми кишини!

— Йиғламаслигинг керак дейман мен сўнгра, уқтунгми?

У ўша насиҳатини извошда ҳам бир мартаба қайтармоқчи эди, эсидан чиқди. Шундай қилиб иккала қари чол билан кампир энгашган ҳолда, индамасдан, ўй ўйлаб бордилар, бу вақтда шаҳар қувноқ бир говур-гувур ичида эди: «ёғ нафаси»¹ байрами бўлгонлигидан кўчалар тўпаланг, одам кўп эди.

Ўлтурдилар. Миролой ўнг қўлини суртугининг оралигига тикиб, жавдигон кишидай ўлтурар эди. Сергей бир нафасгина ўлтурди, сўнгра онасининг тиришгон юзини кўз олдида кўриб, ирғиб ўрнидан турди.

— Ўлтур, Сергейчам! — дея ўтинди онаси.

— Ўлтур, Сергей! — дея тасдиқ қилади отаси.

Жим бўлдилар. Она қизиқ бир табассум билан куларди.

— Сенинг тўғрингда хўп уруниб кўрдик, Сергейчам.

— Бекор овора бўлибсизлар, онажон...

Миролой шиддат билан деди:

— Биз шундай қилмасак бўлмас эди, Сергей, йўқса сенинг кўнглингга «ота-онам мени ташлаб юборди» деган бир гап келмаги мумкин эди.

— Синглим қалай, саломатми?

— У ҳали ҳеч нарса билмайдир, — деди онаси шошилиб.

¹ Христианларда рўзага бир ҳафта қолгонда ўтказилатургон «ҳайит ҳафтаси».

Лекин шу ерда миролой уни забт қилиб тўхтатди:

— Ёлғоннинг нима кераги бор? У ҳам газетда ўқуб билди. Майли, Сергей билсинки, унинг ҳамма қавмиқариндошлари... ҳаммаси... шу пайтда... уни ўйлашиб ҳам...

У ёғини айтолмасдан у тўқталиб қолди. Тўсатдан (қўққусдан) онасининг юзи ҳам алланечик бирданига бўшашиб, чўзилиб, қалтираб-намланиб ва ёввойиланиб кетди. Ранги ўчган кўзлари жин теккандай олайиб, нафас олиши тобора тезланиб, қисқариб ва йўғонланмоққа бошлади.

— Се... Сер... Се... Се... — дея лабларини жилдирилмасдан такрор қилар эди у. — Се...

— Онажон!

Миролой бир-икки қадам олдинга босди ва суртугининг ҳар бир тиришиғи, юзининг ҳар бир бурушиғи билан титраб-қалтираб туриб, шу топда ўзининг ўлукдай оқариб ва зўраки шиддат кўрсатмакчи бўлиб шу орқада на даража қўрқинч бир ҳолга тушканидан ўзи бе-хабар, хотинига қараб сўзланди:

— Жим тур! Қийнама уни! Қийнама! Қийнама у ўлум олдида, қийнама!

У, хотин киши, қўрққанидан аллақачон жим бўлғон, лекин унинг ўзи маҳкам гижимланғон муштини кўкрак олдида вазминлик биланрак ўйнатқони ҳолда бирушта:

— Қийнама! — деган сўзни қайтарар эди.

Сўнгра орқага чекилди, суртугининг ораларига қалтирағон қўлини тикиб туриб, баланд овоз, зўраки вазминлик, оппоқ оқарғон лаблар билан сўради:

— Қачон?

— Эртага эрта билан!— деб отасиники сингари оқарғон лаблар билан жавоб берди Сергей.

Онаси эса бу чоқда ерга тикилиб олиб, хўрсинганидан лабларини буруштирар ва дамани чиқармай ултурар эди. Сўнгра, хўрсунини дамом этдиргани ҳолда, мана бу содда ва қизиқ сўзларни худди оғзидан тушиб кетаётгандай қилиб айтди:

— Синглинг акамни мен учун ўпиб қўй, деган эди, Сергейчам.

— Мен учун ҳам ўпуб қўйинг! — деди Сергей.

— Хўб... яна Хвостовлар ҳам сенга салом айтдилар.

— Қайси Хвостовлар? Ҳа, билдим!

Миролой сўзни кесди:

— Қани, жўнайиқ энди. Тур, онаси, жўнайиқ.

Оғирлашғон онани ота-бола иккови биргалашиб тур-
ғуздилар.

— Хайрлаш, — деб буйруқ қилди миролой.

Она нима айтсалар шуни қилди. Лекин ўғлини унча
ҳам берилмасдан, бўшроқ ўпаркан, бошини тебратар ва
маънисиз жумлаларни такрорларди:

— Йўқ, бу бундай бўлмайди! Йўқ, бундай бўлмай-
дир, йўқ! Йўқ, ундай бўлмайди.

— Хайр энди, Сергей! — деди отаси.

Улар иккови қўл қисишдилар ва маҳкам, лекин қис-
қагина ўпишдилар.

— Сиз... — дея сўз бошлади Сергей.

— Хўш? — дея узиб олиб сўради отаси.

— Йўқ, бундай бўлмайди. Йўқ, йўқ, нима дейман
мен? — дея бошини тебратиб такрорларди онаси. У яна
ўлтуриб олиб, бутун гавдаси билан чайқалмоққа бош-
лади.

— Сиз... — дея яна гап бошлади Сергей.

Бирданига унинг юзлари аянчли ва гўдакларча бу-
рушди, кўзлари ҳам бир дамда жиққа ёшга тўлди. Уша
ёшларнинг йилтироқ пардаси орқали у отасининг оппоқ
оқарғон юзини ва у юзидаги ўзиники сингари кўзини
кўрди...

— Сиз, ота, олижаноб одамсиз.

— Йўқ эй, йўқ эй! — дея эътироз қилди миролой.

Бирдан, худди қоқ белидан синғондай, бошини ўғли-
нинг елкасига ташлади. Бир замон у Сергейдан новча
эди, энди ундан паст бўлиб қолибдир — ва шу топда
унинг пахмоқ, қуруқ калласи оқ бир ип турмагига ўх-
шаб ўғлининг елкасида ётарди, ва шунда иккаласи ҳам
дам чиқармасдан бир-бирларини чанқоқ-чанқоқ ўпар-
лар: Сергей-пахмоқ оқ сочларни, у эса — бандилар як-
тагини ўпарди.

— Мен-чи? — деган қаттиқ бир овоз келди бирдан.

Қайрилиб қарадилар: тик туриб олғон она бошини
кетига ташлаб, ғазаб ва ҳатто бир даража адоват би-
лан буларга қарар эди.

— Ҳа, нима дейсан, онаси? — дея қичқириб сўради
миролой.

— Мен-чи, мен? — деди она бошини тебратиб туриб
ниҳоятда маънилик қилиб. — Сиз ўзингиз ўпишаётир-
сиз, мен-чи, мен? Сиз эркаксиз-да, а? Мен-чи, мен?
Мен-чи?

— Онажон! — дея унга томон ташланди Сергей.

Мана шу ерга етганда шундай нарсалар рўй бердики, уларни гапириб ҳам бўлмайди.

Миролойнинг сўнг сўзлари шу бўлди:

— Улимингга фотиҳа бераман, Сергейча. Мардларча ўлгин.

Шу билан улар чиқдилар. Алланечик чиқдилар-да, кетдилар. Қирдилар, тўқтадилар, гапирдилар-да, бирдан йўқ бўлдилар. Мана бу ерда она ўлтурғон эди, мана бу ерда ота тўқтагон эди — ва бирдан алланечик чиқиб йўқ бўлдилар. Ўз хонасига қайтгач, Сергей картчасига узанди, солдатдан яширинмоқчи бўлиб юзини девол томонга бурди-да, узоқ йиғлади.

Сўнгра йиғлай-йиғлай чарчаб, қаттиқ уйқуга кетди.

Василий Кашириннинг ёнига ёлғиз онасигина келди, отаси эса бой бир савдогар эди, келмак истамасди. Ҳаво илиқ ва ҳатто иссиқ бўлса ҳам, Василий ўз онаси кампирни хона бўйлаб юрунган ва совуқдан қалтирағони ҳолда қарши олди. Орадаги сўзлашув ҳам калта ва оғир бўлди.

— Онажон, аслида келиб овора бўлмаслигингиз лозим эди. Ёлғиз мени ва ўзингизни қийнағонингиз қоладир.

— Нега сен, ахир, Вася, нега сен бу ишни қилдинг, ё рабби.

Кампир қора шойи рўмолининг учлари билан артиниб йиғларди. Васяда ва унинг ака-укаларида ҳеч нарсага тушунмайдиган оналарига ўшқуруш одати бор эди. ана шу одатнинг тақозоси билан Вася ҳам юринишидан тўқтади ва совуқдан титраб туриб, жаҳл билан гапирди:

— Мана шу-да! Уша ўзим айтган! Сиз, ахир, ҳеч нарса англамайсиз, онажон! Ҳеч нарса англамайсиз!

— Хўп энди, хўп майли, қўй, нима бўлди сенга: совуқ едингми?

— Совуқ... — деди Василий сўзни узиб олиб, сўнгра кўз учи билан аччиқланиб онасига қаради-да, яна хона бўйлаб юринмакка бошлади.

— Шамоллаб қолдингмикан?

— Эй, онажон, шамоллаш нима қилсин бу ерда, одам ўзи ўлум...

Сўзини тугатмасдан-оқ ноумид қўл силтади. Кампир «отанг душанба куни чўзма¹ қилгин «деган эди» демакчи бўлди-ю, қўрқиб бошқа гапга айлантирди:

¹ Баҳор байрамида пишириладиган ёғлиқ нон.

— Кўп айтдим мен унга: ўз ўғлинг, ахир, боргин, розилик бергин, «йўқ» деди-ю туриб олди, қайсар ўлгур...

— Қўйинг ўшани! Падарига лаънат! Менга ота бўлса экан у, бутун умри муттаҳамлик билан ўтган эди, яна ўша муттаҳамлигича қолди.

— Василийча, отангни шунақа дейсанми, ҳали, — деб ёмон койиб гапирди кампир.

— Ҳа, отамни.

— Ўз отангни-я!

— Ўз отам бўлса экан.

Рўбарўсига ўлум келиб турипти-ю, бу ёқдан тагин бачкана, бемаъни ва керакмас нарсалар чиқиб келадир. Сиқилишдан ҳамда ўзи билан ота-оналарининг орасини, доим бир девол каби тўсиб келган англашилмасликдан йиғлаш даражасига етган Василий.

— Тушунсангиз-чи сиз ҳам, ахир: мен осилатурғон кишиман, осилатурғон, тушунасизми, йўқми? Осилатурғон, — деб бақирди.

— Ўзинг бировларга тегмасанг, сени ҳам... — деб қичқирди кампир.

— Ё раббий, бу қандай гап, бундай ҳолни даррандаларда ҳам кўрмайсан киши. Сизнинг болангизманми мен, йўқми?

Шу билан йиғисини тутиб бир бурчакка бориб ўлтурди. Яна бир бурчакда ўлтуриб кампир ҳам йиғлади. Муҳаббат ҳислари билан бир-бирига ишонишиб кетмак ва қаршида турғон ўлумнинг даҳшатини шу билан енгиллаштирмакдан ожиз бўлғон бу она-бола ёлғизликнинг у совуқ ва кулини қизитмай турғон кўз ёшлари билан йиғлар эдилар. Она деди:

— Сен, мана, мендан койийсан, онаммисиз йўқмисиз деб сўрайсан. Мен шу бир неча куннинг ичида тамом қариб, кампир бўлиб қолдим. Сен бўлсанг койийсан, таъна қиласан.

— Ҳа, майли, майли энди, онажон, кечиринг. Сиз энди кетсангиз бўладир. Укаларимни ўпиб қўйинг.

— Мен, ахир, она эмасманми, куймайманми?

Охири чиқиб ҳам кетди. Аччиғ-аччиғ йиғлаб, рўмонининг учи билан кўзини артиб, юрган йўлини билмасдан кетди. Адашиб бориб яп-яланғоч бир боқчага кириб, ёғоч «эшак»га ўлтурди. Ана ўшанда бирдан тушундики, эртага уни осажақлар.

Кампир ирғиб ўрнидан турди, югурмакчи бўлди, лекин бирданига боши айланиб йиқилди. Йўлакнинг музи

эриб тайгончиқ бўлгонлигидан кампир сира ўзини тиклаёлмади: у ёқ-бу ёққа ағанади, кафтини ва тиззасини ерга таяб кўтарилиб кўрди, бўлмади — яна ёнчасига ерга йиқилди...

6. ЎЛУМ ЙУҚДИР

Таня Ковальчук умр бўйида ёлғиз бошқаларни ўйлаб, ўзини ҳеч бир ўйламагон эди, энди ҳам ёлғиз бошқаларнинг изтиробини тортиб, уларни соғинар эди. Одамни қийнайтургон ўлумни у уларнинг олдиларида тургон бир нарса деб, Сергей Головин, Муся ва бошқа шериклари учунгина тасаввур этар — ўзи учун эса ўлумни ҳеч бир даҳли йўқ нарса каби билар эди. Шу учун Сергейнинг шу топда папириси йўқмикан, Вернер одатланғони қуюқ чойдан маҳруммикан деган ўйлар ва бутун буларнинг устига уларнинг ўлум олдида тургонлигидан келган ташвиш уни ўлум жазосининг ўзини ўйлашдан кўра ортиғроқ қийнарди.

Унинг энг кўп аягани Муся эди. У анчадан бери ўйлаб юрар эдики, Муся Вернерни севадир, унинг бу ўйи бутунлай тагсиз бўлса ҳам, уларнинг иккаласи учун аллақандай ёруғ ва ширин умидлар тутарди.

Мусянинг ўзи эса ҳозир масъуд эди.

У ўзини худди бир эркак кишига, бировнинг либосини кийган ёш болага ўхшатиб — қизиқ бир кепатага солиб қўйгон кенг, бўйига номуносиб бандилар яктагини кийиб олиб, икки қўли орқасида, ҳеч чарчамасдан бир хилда ва бир текис қадам ташлар эди.

Шу хилда қадам ташлар экан у талвасалар ва уялиб қизаришлар билан одамлар олдида ўзини оқламоқ истарди. У ўзи ҳали айтарлик бир иш кўрсатмаган, ботир-қаҳрамонлик даражасига етмаган ёшгина, аҳамиятсизгина бир қиз бўлгон ҳолда, уни шу чоққача ҳақиқий қаҳрамонлар ва шаҳидларгагина насиб бўлгон шарафли ва гўзал бир ўлумга маҳкум этдилар, унинг одамлар олдида оқланмоқ истагани мана шу важҳдан эди.

Шу топда унинг ёлғиз биргина тилаги бўлиб, у ҳам — ўзининг қаҳрамон эмаслигини, ўлумнинг ҳеч бир қўрқинч бўлмағонини, уни аяб ва унинг тўғрисида қайғириб ўлтурмоқ керакмаслигини одамларга англаймоқ ва аниқ исбот қилмоқ эди.

«Ростданми, — деб ўйлайдир Муся уяла-уяла, — ростдан ҳам мен арзийманми? Одамларнинг мен учун,

шу қадар кичкина ва аҳамиятсиз бўлгон бир қиз учун, йиғлашлари ва изтироб тортишларига арзийманми?»

Шунда уни айтиб бўлмаслик бир шодлик ўраб оладир. Энди ҳеч бир шак-шубҳа, ҳеч бир иккиланиш йўқ, у маҳфилга* қабул қилинди, у — тўла ҳуқуқ билан асрлардан берли оловлар, қийноқлар ва ўлум жазолари орқали юқори кўкларга томон юксалучи азизлар сафига доҳил бўлди. Порлоқ олам, порлоқ истироҳат, кетсиз, жим ва нурли саодат, у худди ердан йироқлашқонда ҳақиқат ва ҳаётнинг кўрилмаган қуёшига яқинлашиб, унинг шуъласида қанот қоқиб учаётқондай бўладир.

— «Бу тагин—ўлум эмиш. Нимаси ўлум бунинг!» — дея қувноқ-қувноқ ўйлайдир Муся.

Агарда унинг ёнига бутун дунёдан олимлар, файласуфлар ва жаллодлар жамъ бўлсалар-да, қаршисига китоблар, жарроҳлик асбоблари, ойболталар ва сиртмоқларни ёйиб қўйиб, ўлум деган нарса бор, одам ўладир ва ўлдириладир, ўлмаслик деган нарса йўқ деб шуни исбот қила бошласалар, Мусяни тонг қотирмоқдан бошқа ишга ярамасдилар. У ўзи ҳозир ҳам ўлмаску, нега ўлмаслик бўлмасин? Шу топда у ўзи ўлук ҳолида тирик, тириклигида тирик бўлғони каби ўлумда ҳам тирик-ку, яна қандай ўлмаслик, яна қандай ўлум тўғрисида сўз бўлиши мумкин?

Юрабериб жуда чарчади. Беозоргина картчасига бориб чўзилди-да, бўш юмулгон кўзлари билан яна хаёлга берилди. Соатлар соқов жимликни тазалзулга* солиб, тўқтовсиз жом урар ва уларнинг жаранглаган қирроқларида жимгина, ёруғ ва сайроқ хаёллар сузарди. Муся ўйлади:

«Шуми ҳали ўлум? Ё раббий, мунча чиройлик экан бу, ё бу ҳаётмикан? Билмадим, билмадим. Кўзларим билан қулоқларим шунда бўлажак».

Муся ухлаб кетди.

Авақта эса ўзининг абадий изтиробини сингари ҳаёти ҳам кар ҳам эшитувчи, ҳам кўр ҳам кўрувчи бўлгон ўзига хос ҳаёти билан яшамоқда. Аллақайда юралар. Аллақайда пичирлашиб гаплашалар. Аллақайда милтиқ шарақлайдир. Аллаким дод дегандай бўлди. Балки ҳеч ким дод демагандир-да, фақат жимжитликда шундай туюлгандир.

Ана, эшикдаги кичкина дарича унсизгина очилди, қоронғи тешикда қора ва мўйлаблик бир башара кўринди. Узоқ ва ҳайрат билан Мусяга кўзларини тикди ва нечик кўринган бўлса, шундай унсизгина йўқ бўлди.

Курантлар¹ узоқ ва сиқиниқли жом уриб куйлади-лар. Гўё ҳорғин соатлар ярим кечаларда баланд бир тоққа тирмашалар ва тобора қийин ва оғир ўр торта-лар, сийғаниб кеталар, қоқилалар, дод-вой билан паст-га томон юмалайлар-да, қайта бошдан минг азоб билан яна ўзларининг қора тепаларига қараб тирмашалар.

Аллақайда юралар. Аллақайда пичирлашиб гапла-шалар. Фонарсиз, қора араваларга отларни ҳам қўша бошладилар эди...

7. УЛУМ ҲАМ БОР, ҲАЁТ ҲАМ БОР

Сергей Головин ўлумни бутунлай бегона ва ўзига дахли йўқ бир нарса каби билиб, унинг тўғрисида сира ўйламагон эди. У ўзи пишиқ, соғлом ҳамда ювош ва очиқ бир қувноқликка эга бўлгон кулар юзли йигитча эди. Ҳар бир ишга ва ҳатто ўюн-эрмак каби нарсалар-га, яъни истар фотография ё тепки арава ҳаваси, истар террўрга ҳозирланиш иши бўлсин, — ҳаммасига ювош ва қувноқ бир жиддият киргизарди: ҳаётда ҳар нарса кулар юзли, ҳаётда ҳар нарса аҳамиятли, ҳар бир нар-са яхши бажарилмаги лозим, дер эди.

Унинг ўлумдан қўрқмаслиги ва ўлум тўғрисида ўй-ламаслиги шу даражага етар эдики, ўша шумли кунда эрталаб, Таня Ковальчукнинг уйдан чиқиб кетиш ол-дида яхши истак билан бошлаб нонушта қилгон, яъни икки истакан сутлик чой ичиб бутун бир беш тийинлик булкани еб ташлагон ёлғиз ўша бўлгон эди.

Қамоққа олингондан сўнг «ишни яхшилаб бажарол-мадик, иш бузулди» деб бир қур қайғиргон ҳам эди, кейин «энди яхшилаб бажарилмаги лозим бўлгон бир иш бор, у ҳам бўлса — ўла билмакдир» деб ўйлади-да, яна кўнгли очилиб кетди. Шуниси қизиқки, авақтага келган куннинг индинига эрталабдан тортиб Мюллер деган аллақандай бир немиснинг ўзи яхши кўрган фав-қулодда маъқул системаси бўйинча «гимнастика» билан шуғуллана бошлади. Қип-яланғоч бўлиб ечинди ва пой-лоқчи солдатнинг ваҳима аралаш ҳайратли назарлари остида буюрилган ўн саккиз хил ҳаракатнинг ҳаммасини мунтазам қилиб чиқди.

¹ Қалисо (бутхона) мезанасидаги соат, ҳар соатда бошқача бир куйни чаладир.

Улум кўрқуси унга секин-секин ва аллақандай турткилар сингари кела бошлади: гуё аллаким келиб бунинг юрагини паст томонидан кучи борича мушт билан туртиб юборғондай бўлар эди. Бу зарба кўрқувдан кўра кўпрак огриқ туйғусини берар эди. Сўнгра у туйғу эсдан чиқадир, бир неча соатдан сўнг яна қайтиб келадир ва ҳар дафъа такрорлангон сари узоқроқ ва кучлирак бўлиб борадир ва сўнгра аллақандай зўр ва чидаб бўлмас кўрқувнинг нақшларига алайна ошкор айлана бошлайдир.

«Ростдан ҳам кўрқаманми мен? — дея ҳайрон бўлиб ўйлайдир Сергей. — Эсипастликни кўринг».

Кўрққан у эмас, унинг ёш, пишиқ, кучли гавдаси. Бу ўткур ва бегонага ўхшагон кўрқув, айниқса, эрталаб — қаттиқ уйқу ва жисмоний ҳаракатлардан сўнг пайдо бўладир. У ўзи ҳам бунинг пайқайди ва: «Эсипастлик бу, биродар Сергей, танни осонроқ ўлдирмак учун уни кучайтириш эмас, сусайтириш лозим. Эсипастлик бу», — деб ўйлайди.

Шундан сўнг бадантарбиясини ҳам, сув билан тан ишқашни ҳам ташлади.

Дарвоқе, енгиллашқондай ҳам бўлди. Яна ҳам сустлашмак учун овқатни озроқ емакка ҳам уруниб кўрди. Аммо тез фурсатда тан бу қоидага ҳам кўникиб қолиб, ўлум кўрқуси яна ҳам пайдо бўлди, лекин бу дафъа унча ўткур, унча ёндирувчи эмас, кўпрак «кўнгул айнаш»га ўхшагон бўлмағур бир таврда келди.

«Оё мен ўша малъундан кўрқаманми? — деб ўйлади Сергей ўлум тўғрисида. — Йўқ, мен ҳаётга афсус ейман. Бадбинлар (пессимисты) нима десалар десинлар, жуда соз нарса ўзи!»

Ғамли-ғамли бош тебратди ва чўзиб-чўзиб оғир нафас олди. Бир оз сукут — яна чўзуқ, чуқур нафас олиш, яна бир қисқагина сукут — яна тагин бурунғидан чўзуқроқ ва оғирроқ нафас олиш.

Сўроққача ва ундан кейин сўнгги ваҳимли кўришув, яъни чол-кампир билан кўришувгача шу ҳол давом этди. У ўз камерида ҳаёт энди тамом, олдинда эса бир неча соат қуруқ интизор ва ўлумдан бошқа нарса йўқ, деган шуур билан уйғонғоч, яна қизиқ бир ҳолга тушиб қолди. Гуё уни қип-яланғоч қилдилар, аланечик ҳаддан ташқари яланғочладилар — уни ёлғиз уст-бошларини ечиб олмоқ билангина қолмасдан, қуёши, ҳавоси, ғовғаси, ишиғи, қилиғи ва сўзларини ҳам тортиб олғондай бўлдилар. Улум ҳали келгани йўқ, шу билан бирга ҳа-

ёт ҳам кетди, энди аллақандай янги, жуда ҳам мубҳам, ҳеч бир маъниси йўқ деса бўлмайтурғон, маъниси бор деса ҳам тўғри келгамайтурғон, лекин шу қадар чуқур, шу қадар сирли ва ғайриинсоний бир нарса қолдиким, уни очмоқ сира мумкин эмас.

«Нима бало, жинни-минни бўлдимми мен, — дея энди бир оз босилиб ўйлайди Сергей. — Энди шу қолгон эканми, падарига лаънат!»

Қўли билан пешанасини артган эди, бу ҳам қизиқ туюлди, шундан сўнг нафас олмасдан, ҳар қандай фикрни сўндириб, ҳансирашини тийиб, ҳар қандай ҳаракатдан ўзини сақлаб, соатларча тек қотиб қолди: негаким, ҳозир ҳар бир фикр, ҳар бир ҳаракат жиннилик эди. Вақт деган нарса қолмади. Шафан (Зотан — Д. Қ.), ҳавосиз бир масофага ер ҳам, ҳаёт ҳам, одамлар ҳам, ишқилиб ҳамма нарса ўшанда бўлгон улкан бир майдонга айланди, лекин бутун шу масофа, то охиригача, тилсимлик жаргача, яъни бир қарашдаёқ кўринадир. Азоб ўлумнинг кўруниб туришида эмас, балки ҳам ўлумда (нинг — Д. Қ.), ҳам ҳаётнинг баравар кўрилишида эди.

— Мана керак бўлса Мюллер! — дея бирданига ва фавқулодда эътиқол билан қичқирди у ва бошини тебратди. Сўнгра одам руҳига хос бир хил кутилмаган ўзгариш билан қувноқ ва астойдил қаҳқаҳа солди. — Эҳ, Мюллер, Мюллер, эҳ, менинг яхши немисим, ҳар ҳолда яна сен ҳақлисан, мен бўлса, биродар Мюллер, эшакман.

Сўнгра тез-тез юриб неча мартаба камернинг у бошидан бу бошига ва пойлағон солдатнинг янгидан жуда ҳайрат билан тикилган назарлари остида тезгина қип-яланғоч бўлиб ечинди-да, қувноқлик ва ҳаддан ташқари жиддижаҳд билан ўн саккиз ҳаракатнинг ҳаммасини қилиб чиқди, ўзининг бир қадар ориқлана тушган гавдасини чўзиб йиғди, товони билан туриб нафас олди ва нафас чиқарди, қўл ва оёқларини у ёқ-бу ёққа узатди ва ҳар бир ҳаракатдан сўнг ўзига нашла қилиб:

— Мана бу жойида, мана бу чинакам жойида, биродар Мюллер! — деб қўйди.

Еноқлари қизарди, пешанасида қизғин, ёқимли тер доналари қаварди, кўкраги ҳам маҳкам ва текис урмоққа бошлади.

Кўкрагини юпқа ва таранг териси остидан қобирғаси

очиқ кўринадиган даражада кериб туриб, Сергей мана шундай муҳокама қилди:

— Гап бундаки, Мюллер, гап бундаки яна ўн тўққузинчи ҳаракат ҳам бор, у — бўюндан осилгон ҳолда қимирламасдан туришдир. Унинг ўзини ўлум жазоси дейдилар. Тушундингми, Мюллер? Бир тирик одамни, айтишлик Сергей Головинни, олиб бориб кафанга ўрайдилар-да, то жони чиққунча бўйнидан осиб қўядирлар. Аблаҳлик бу, Мюллер, лекин ноилжсан киши: тан берасан.

Ўнг ёнига эгиларкан яна такрор қилди:

— Тан берасан, биродар Мюллер.

8. МУДҲИШ ЕЛҒИЗЛИК

Яна ўша соатларнинг жом овозлари остида Сергей ва Мусядан ёлғиз бир неча бўш хона билангина ажралиб турғони ҳолда бутун дунёда ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ деярлик даража оғир ёлғизликка маҳкум бўлиб, шўрлик Василий Каширин қўрқув ва сиқинти ичида сўнг кунларини кечирмакда эди.

Ўзи терлаган, ҳўл кўйлаги танига ёпишгон, илгари жингалак бўлгон сочлари энди тўзиб пахмоқланғони ҳолда у чидаб бўлмас даражада тиши оғригон кишидай титраб ва маъюс бўлиб камерни айланар эди. Бир ўлтуради, яна турадир, пешанасини деволга тақайдир, тўқтайдир ва алланарсани ахтаргон бўладир, гўё дардига даво излайдир, у шу қадар ўзгардики, гўё унинг иккита бошқа-бошқа юзи бор эди — бурунги, ёш юзи аллақайларда йўқ бўлиб, ўрнига бошқа қўрқинч ва қоронғиликлардан чиқиб келган бир юз ўрнашди.

Таҳлика ва ўлумга у ўзи ўз ихтиёри билан боргон вақтида ҳамда кўриниши кўп хунук бўлса ҳам, ўз ажалини ўз қўлида ушлаб тургон чоғида у жуда енгил ва ҳатто кулиб турар эди. Белида ё «жаҳаннам машинаси» бўлгон бу ёш йигит гўё ўзи ўша жаҳаннам машинасига айланган, динамитни, маҳкам зенгини ўз зеҳнига улаб, унинг олови ва ўлдиргич қувватини ўзига сингдирган эди.

Бирдан мунақа қалтис, ёввойи, эсдан оғарлик ўзгариш! У энди истаган жойига бора олмайдир, уни энди темир қафасга олиб туриб худди бир муом каби устидан қулуллаб оладилар. У энди, бошқа бутун одамлар каби ҳаёт билан ўлумдан биттасини ўз эркича танлаб

ола олмайди. Уни албатта ва муҳаққақ ўлдирадирлар. Бурун ирода, ҳаёт ва қувватнинг мужассам шакли бўлгон бу, бир нафасда бутун дунёдаги яккагина ожизнинг аянч бир нухаси бўлиб қоладир, кушхонани кутиб ётган ҳайвонга, жилдирилмаги, куйдирилмаги ва синдирилмаги мумкин бўлгон соқов ва унсиз бир муюмга айланадир. Нима гапирса ҳам сўзига қулоқ осмайди, агар бақира бошласа, оғзига латта тиқадирлар, сўнгра уни оёғини жилдира олсин-олмасин олиб бориб осадирлар. Қаршилиқ қилса, типирчинса, ерга ётиб олса — барибир, кучлайди, ўрндан турғизиб, қўл-оёғини боғлаб, ўша боғлиқ кўйи дор тагига элтадирлар. Унинг устида бажарилажак бу машинавий ишнинг ўзига ўхшагон одамлар (томонидан) бажарилажаги, уларни яна тагин аллақандай ғайриоддий ва хунук бир кепатага соладир; нечундир тусларини ўзгартган, қасдан кўзга кўринган ваҳималар деса бўладирми уларни, ё — пуржиналик механик қўғурчоқ деса бўладирми, — ҳар ҳолда одамни тутқон, боғлагон, оёқларидан судраган, дорларга осгон — ўшалар!

Авақтага янги келиб кирган кунлариданоқ ҳам одамлар, ҳам ҳаёт унинг назарида ваҳималар ва механик қўғурчоқларнинг ақлдан ташқари мудҳиш оламига айланган эди. Унинг кўзига ҳамма нарса қўғурчоқдай кўринар эди: ўзининг камери, кичкина даричалик эшиги, оуралгон соатларнинг жом овозлари, мунтазам солингон қалъа, айниқса, узун йўлакда тап-тап босиб юрган милтиқли қўғурчоқ ҳамда унинг буни кўрқитиб дариладан қарайтургон ва индамасдан овқат узататургон шериклари... Ҳозирда унинг кечирмакда бўлғони қўғурқув ҳам ўлум қўғурқувси эмас эди, у, балки, шу топда ўлумни тусар эди-да: ўзининг у кўҳна чигаллиги ва англашилмаслиги билан ҳам ўлум мана бу омонсиз ва хулё сингари алмашингон оламдан кўра ақлга енгилраи келар эди.

Сўроқда ўртоқларнинг ўз ёнида бўлиши Каширинини бир оз ҳушёр қилиб қўйгон эди, у ерда бир нафасгина бўлса ҳам одамларни кўрмиш эди: у одамлар ўлтуриб бунинг сўроғини қилалар, одамлар тилида алланарсалар сўзлайдилар, қулоқ бералар ва тушунгандай бўлар эдилар. Аммо онаси билан кўришган вақтда ўзи жиннилана бошлаб-да шуни ўзи ҳам сезиб қолгон одамнинг кўрқуси билан у очиқ ойдин ҳис этган эдиким, бу қора рўмолли қари хотин усталик билан ясалгон механик бир қўғурчоқдир, «ота» «она» демакка ўрганган оддий қў-

гурчоқлар кабидир, фақат яхшироқ ясалғондир. У билан гаплашмакга тиришса-да, аммо ўзи ларзага келиб титраб, қалтираб туриб ўйлағон эди: «Е рабби, бу бир қўғурчоқдир, онам қўғурчоқ... ана у солдат қўғурчоқ, унда бўлса отам қўғурчоқ, мана бу бўлса—Василий Каширин деган қўғурчоқ».

Эндими? Энди мангу ечилмас ва кўз олдига келиб тўхтағон сирнинг даҳшати, сув кирган вақтида қирғоқдаги буттани сув босқон сингари, ўртага олиб босқоч, унинг ибодат қилажаги келди. Ибодат учун тиз чўмак истаган эди, солдатдан уялди ва қўлларини кўкрагига қўйиб секин пичирлади:

— Эҳ, бутун аламзадаларнинг сурури!¹

Сўнгра мунглиниб турадир, мулойим қироат билан яна такрорлади:

— Эҳ бутун аламзадаларимнинг сурури, кел менга (мени — Д. Қ.) қўлла, Васка Каширинни! Булар ҳаммаси ўтди.

Жиннилик оғир-оғир ўрмалаб чиқиб кетди, шуур ҳар томонга сочилиб ўчаёткан гулхан каби сўнди. Эндигина жони чиққан, юраги иссиқ, лекин қўл-оёғи совуқдан ўлук каби совунди.

Яна ваҳшийларча қўрқув дамлари бор эди ҳали. У дамлар — одамлар кирган вақтлар эди. Жазо майдонига кетатурғон вақт бўлди, дедилар унга, бу сўзнинг нима демак бўлғонини у ҳатто ўйламади ҳам, фақат кирган одамларни кўриб болаларча қўрқинди.

— Бўлмайдир, бўлмайдир,— дея пичиради у ўлук лаблари билан эшитилмас қилиб, сўнгра ёшликда отаси пўписа қилиб қўл кўтарганида қилғондай секингина камернинг ичкарисига жилди.

— Жўнаш керак!

Говур-говур, гап-сўз, теварак-атрофда айланган одамлар, алланарсаларни қўлдан қўлга узатиш... кўзини юмди, тилкинди ва оғир-оғир жавдий бошлади. Эс ҳам кира бошлагон, шекилли: бирдан маъмурга юз тутиб папирос сўради, у ҳам мулойимлик билан қабул қилиб кумуш қутчасини очди.

Кимлиги белгисиз, лекин Вернер деб юритилган одам ҳаётдан ва курашдан тўйғон одам эди. Бир замонлар у ҳаётни жуда яхши кўрар, театрдуан, адабиётдан, одамларга аралашувдан завқ олар эди, жуда яхши ҳофиза

¹ Бу жумла христианлар эътиқодича худо қаторида ҳисоблангон Биби Марямга оиддир.

(эслаш) кучи ва мустақкам ирода каби неъматларга эга бўлгонлигидан европа тилларидан бир нечасини мукамал ўрганган, бир немис ё франсуз ёхуд англиз бўлиб кўрунмак истаса, баҳузур бажара олар эди.

Лекин анчадан берли ўртоқлари бундан беҳабар, унинг кўнглида одамларга қарши бир нафрат пайдо бўлгон эди, шу билан бирга бир жиддийат ҳамда оғир, ўлдирарли даражада бир ҳорғинлик бўлинар эди унинг кўнглида.

Унинг яна битта тансиқ хосияти бор эди: дунёда бутун умрида бош оғриғи кўрмаган кишилар бўлғони каби, у ҳам кўрқувнинг нима эканини билмас эди.

Вернер ўлум жазосининг оддий ўлумлардан эмас, бошқа аллақандай бир нарса эканини англар эди, аммо ҳар ҳолда уни тинч қарши олмаққа қарор берди. Ёлғиз шу билангина ўлум жазосига қарши баслаган юксак нафратини билдириб, ўз руҳининг сўнгги ва ажралмас эркинлигини кўрсата олар эди. Сўроқда ҳам у— унинг вазмин ёвюраклиги ва кибр-ғурурини яхши билган шериклари ҳам, эҳтимол, бунга ишонмаслар — на ўлумни ўйлайдир, на ҳаётни, балки тугал эҳтимол, жуда чуқур ва тинч диққатлик билан қийин бир шатранж ўюнини давом этдирди. Шатранжга жуда уста бўлгонлигидан эндигина қамоққа олинган кунларидан тортиб шу ўюнни бошлади ва тўқтовсиз давом этдирди. Уни осийш жазосига ҳукм қилгон кун ҳам кўрунмас тахтадаги доналарнинг ҳеч бирини ўрнидан жилдирмади.

Энди бу юришни тамом қила олмаслик эҳтимоли борку, ҳатто шу этимол ҳам уни ўюндан тўхтата олмади, дунёда ёлғиз бир кунгина умри қолгонда ҳам, ўша кунни эрталаб кеча қилиб қўйгон кичкинарак бир хатосини тузатиш билан яна ўша ўюнни давом қилдирди, ташлангон қўлларини икки тиззасининг орасига олиб, у анчагина қимирламай ўлтурди, сўнгра ўрнидан туриб, ўй сургани ҳолда у ёқ-бу ёққа боса бошлади.

Лекин бу сафар ишлар, негадир, ёмон кетди, аллақандай зўр ва хатто ёмон ҳато қилиб қўймадимми, деган ноқулай бир ҳис билан у бир неча мартаба кетига қайтди ва ўюнни қайта бошдан деярли кўриб чиқди. Бирдан унга кутилмаган ва дилозор фикр келди: у бу шатранж ўюни билан ўз диққатини жазодан четга бурмоқ, ҳар бир маҳкум учун муқаррар бўлгон ўлум кўрқусидан ўзини сақлаб қолмоқ истамайдирми ва бутун хато ҳам шунда эмасми?

— Йўқ-эй, нега ахир! — деб қурамадан* жавоб бер-

ди у ва кўринмас тахтани жимгина ёпиб қўйди. Сўнгра яна шатранж ўйнағонидаги каби хўп интиҳом ва диққат билан ўзидаги қўрқув ва вазиятидаги ноиложликнинг нимага эканлигини билмакга уриниб қолди: камерни бошдан оёқ кўздан кечириб, ҳеч нарсани қолдириб кетмасликга тиришиб, жазо вақтигача неча соат қолғонини ҳисоблади, сўнгра ўша жазонинг тахминий ва анча аниқ суратини ўзича чизиб чиқди-да, елкасини қоқиб қўйди.

— Хўш? — дея савол аралаш жавоб қайтарди у аллакимга. — Мана шу холос. Қани қўрқув деган нарса?

Қўрқув, чинакам, йўқ эди. Қўрқув йўқ эди десак озлик қиладир, балки унга зид бўлгон бошқа алланарса туғулиб келар эди, у нарса эса: мубҳам, лекин зўр ва журъатли бир шодлик туйғуси эди.

Вернер яна елкасини қоқди ва кўкрак уришини қараб қолди. Кўкраги тез-тез, лекин қаттиқ ва текис, айрим бир оҳангли куч билан урар эди. Яна бир мартаба авақтага янги кирган бандидай диққат билан камернинг деволларини, дамбаларини, ерга михлангон курсиларини кўриб чиқди ва ўйлади: «Не учун мен бу қадар енгил, хурсанд ва эркинман, жуда эркинман? Эртага бўлажак жазони ўйлайман-у, худди йўқ каби деволларга қарайман — деволлар ҳам йўқ каби. Ҳам шу қадар эркинманки, гўё мен авақтада эмасману, умр бўйи ўлтурганим бир авақтадан эндигина қутулиб чиққанман. Нима бу?»

Икки йилдан бери Вернерни эзиб келган чучмал ҳорғинлик йўқ бўлди, кўкрагидаги — кўзлари юмуқ, оғзи ўлукларники сингари жиблашган ўлук, совуқ ва оғир илон ҳам тушиб кетди — ўлумнинг оғзига етганда ўйноқи ва гўзал йигитлик қайтиб келди.

Одамлар ҳам унинг назарида янгиланган каби эдилар: улар унинг нурланган кўзларига янгича, сеvimли ва кўркам бўлиб кўриндилар. Замонлар устида қанот қоқиб юриб, у кечагина ҳали ўрмонларда дарранда бўлиб бўкириб юрган башариятнинг нақадар ёш эканини очиқ кўрди, одамларнинг қўрқинч, кечирилмаслик ва тубан каби кўринган нарсалари ҳам бирдан сеvimли бир нарсага айланиб кетди.

— Эй, ўзимнинг сеvimлилар, — дея бирданига кутилмаганда табассум билан кулиб юборди Вернер.

— Эй, ўзимнинг сеvimли ўртоқларим! — дея пичирлади у ва аччиғ-аччиғ йиғлаб юборди, — эй, ўзимнинг сеvimли ўртоқларим!

У қайси сирли йўллар билан у ғурурли ва кетсиз эркинликдан бу мулойим ва марҳаматли эҳтиросга келиб чиқди? У ўзи буни билмас ва бу тўғрида ўйламас эди. Уларга, ўзининг у севимли ўртоқларига раҳми келармиди ёки унинг бу кўз ёшларида ундан ҳам юксакроқ ва эҳтирослироқ бошқа нарса беркинганмиди — унинг бирданига жон кирган ва ёшланган кўнгли буни ҳам билмас эди. Ёлғиз йиғлар ва пичирлар эди:

— Эй, ўзимнинг севимли ўртоқларим! Севимли ўртоқларим ўзимнинг!

Бу аччиғ-аччиғ йиғловчи ва кўз ёшлари орасидан табассум қилиб кулувчи кишини ким келиб кўрса ҳам — истар сўроқчилар, истар ўз ўртоқлари ва истар унинг ўзи бўлсин, бу ўша қўрқмас ва мағрур, ҳорғин ва ёвжорак Вернер, деб ҳеч бириси айта олмас эди.

10. ОЛИБ БОРАЕТИРЛАР

Маҳкумларни жазо майдонига жўнатишдан бурун, ўзимиз билган беш кишининг ҳаммасини бир уйга тўпладилар. Бу кенг ва совуқ уйнинг усти куббали бўлиб, ўзи бўшаб қолган мирзахонага ёки кимсасиз қабулхонага ўхшар эди. Узаро сўзлашмакка ҳам рухсат бердилар.

Бу рухсатдан энг аввал фойдаланган Таня Ковальчук эди. Бошқалари эса индамасдан бир-бирларининг муздай совуқ, ўтдай иссиқ қўлларини совуққина қисиб, яна индамасдан, бир-бирларига қарамаслик ҳаракатида ўхшовсиз ва паришон бир тўда холида тўқтадилар.

Ҳаммасининг ҳам гап-сўзи ва ҳаракати қизиқ, яъни узук-узук зарблик (худди ўқуғондай), ёхуд ҳаддан ташқари тез эди, баъзан бир гапни чайнайлар ва узоқ такрор қилалар, баъзан эса бошлаган жумлаларини тасом қилмайлар ёхуд «айтилиб ўтди» деб ўйлайлар ва ўзлари бунинг фарқига бормас эдилар. Ҳаммаси ҳам пешанасини чимирган ва энг оддий нарсаларга ҳам ҳаммавақт кўзойнак билан юриб-да, сўнгра бирданига ўй олиб қўйган кишидай, мароқ билан, таниёлмасдан қарар эди; ҳаммаси ҳам худди орқадан биров чақириб ва бир нарсани кўрсатиб турғондай тез-тез ва кескин бурилиб орқасига қарар эди. Ўзлари буни ҳам пайқамаслар эди. Муся билан Таня Ковальчукнинг лаблари ўтдай ёнар эди, Сергей бошда бир қадар ранги ўчганрак

кўринса ҳам, оз фурсатда ўзини ўнглади ва бурунги доимий ҳолига тушиб олди.

Ёлғиз Василийгина ҳамманинг диққатини ўзига тортди. Ҳатто ўшаларнинг орасидан у фавқулодда кўрқинч кўринар эди. Вернер кўзгалди ва Мусяга қараб мулојим бир безовталиқ билан деди:

— Бу нима гап бўлди, Мусяжон? Чинакам нима¹ бўлиб қолдимикан бу-а, дейсан? Уни овутмоқ керак.

Василий олислардан, аллақайлардан туриб Вернерга худди таний олмагон кишидай бир қаради-да, яна кўзини жилдирди.

— Вася, бу нима бўлди сенинг сочларингга-а? Сенга нима бўлди ўзи? Ҳеч гап эмас, биродар, ҳеч гап эмас. Ҳозир ҳаммаси ўтадир, кетадир. Тинч бўлув керак, ҳа, тинч бўлув керак.

Василий жим эди, «бу энди ҳеч нарса гапирмас» дейишга яқин етганда олдиларидан аллақандай гаранг ва кечикган бир овоз келди — кўп чақирувларга қарши ёлғиз гўрдангина шундай жавоб эшитилмаги мумкин эди:

— Ҳеч гап эмас, мен тинчман.

Яна қайтарди:

— Мен тинчман.

Вернер севиниб кетди:

— Дуруст-дуруст, ҳа, баракалла. Шундай бўлсин, шундай бўлсин.

Лекин шу онда унинг кўзлари қора, вазминлашган, жуда ҳам олислардан тикилган бир қарашга дуч келди ва аниги бир куйиниш билан, ўйлади: «Қаерлардан туриб қарайдир бу?» — ёлғиз гўррагина дейилмаги мумкин бўлгон жуда чуқур бир мулојимлик билан деди:

— Вася, менга қарасанг-чи, жуда севаман мен сени.

— Жуда севаман мен ҳам сени, — дея вазмин галдираб жавоб берди тил.

Шунда бирдан Муся Вернерни қўлтуғига олди ва саҳнада ўйнаб тургон актёр хотин каби ҳайратини кучайтириб билдиргани ҳолда деди:

— Вернер, нима бўлди сенга? «Севаман» дедингми ҳозир? Сен бу «севаман» деган сўзни ҳеч қачон ҳеч кимга айтмаган эдинг. Нега сен мунча... очиқ ва юмшоқсан? Нима дейсан?

— Нима эди?

Ўз ҳиссини бир актёр каби кучайтириб билдиргани

¹ Бу нима жинни бўлдими, демакчи.

ҳолда Вернер ҳам Мусянинг қўлини қаттиқ қисиб туриб деди:

— Тўғри, мен ҳозир жуда астойдил севаман. Бошқаларга билдирма, бўлмайдир, одам уладир, аммо ҳозир астойдил севаман мен.

Уларнинг назарлари бир-бирига дуч келди ва порил-порил ёнди, шунда бутун тегра сўнган эди.

— Шундай, — деди Муся, — шундай, Вернер.

— Шундай, — деб жавоб қилди Вернер, — шундай Муся, шундай.

Шунда улар иккови алланарсага тушунган ва уни бузилмас қилиб тасдиқлагон эдилар. Кўзлари порлагони ҳолда Вернер яна қўзғалди ва тез-тез босиб Сергейга яқинлашди:

— Сергейча!

Лекин жавобни Таня Ковальчук қайтарди. Ичига сизмасдан, оналик ғурури билан йиғлагундай бўлиб, жинлана-жинлана Сергейнинг енгидан тортар эди.

— Вернер, гапга қулоқ сол! Мен бу ёқда бунинг гамини қилиб йиғлаб ҳалак бўлиб ётибману, бу у ёқда ҳадеб гимнастика қиладир.

Вернер кулимсираб туриб:

— Мюллер усулида-я? — деб қўйди.

— Сергей хижолат бўлиб хўмрайди:

— Кулишинг бекор, Вернер, мен қатъий равишда ишондимки...

Ҳаммалари кула кетдилар, бир-бирлари билан гурунглашув орқасида ўзларига метинлик ва куч олиб, улар секин-секин бурунги ҳолларига қайтмоқда эдилар, лекин бунинг ўзлари ҳеч пайқамайлар ва ўз аҳволларида ҳеч бир ўзгариш йўқ деб ўйлардилар. У кулишни бирданнига бўлган Вернер бўлди, у фавқулодда жиддий билан Сергейга деди:

— Сен ҳақлисан, Сергейча, сен тамом ҳақлисан.

— Йўқ, сен ўзинг ўйлаб кўр! — дея севиниб сўзга киришди Сергей. — Албатта, биз...

Мана шу ерга келганда, «жўнаш керак» деб қолдилар. Шундай деганларнинг муомалалари шу қадар яхши эдики, аравага ўзлари истаганча жуфт-жуфтлари билан қўшиб боришга ҳам рухсат бердилар ва умуман уларнинг муомалалари жуда, ҳатто ҳаддан ташқари яхши эди: улар ё ўзларининг инсоний алоқаларини кўрсатмакчи бўлар эдилар, ёки ўзларининг бу ерда йўқ бўлгонларини, ҳамда ишнинг ўзича бўлиб кетаётқонини кўрсатмак истар эдилар. Лекин ранглари ўчган эди.

— Сен, Муся, у билан бирга бўл!—деди Вернер, қимирламасдан тик қотиб турғон Василийни кўрсатиб.

— Тушундим, — дея бошини қимирлатди Муся. — Узинг-чи?

— Менми? Таня Сергей билан, сен Вася билан, мен... ёлғиз ўзим. Зарари йўқ, ўзинг ҳам биласанки, менга бўла берадир.

Ташқарига чиққон эдилар, ҳовлининг ним қоронғилиги, илиқ ва иттик тўқунуш билан буларнинг юз-кўзларига келиб урди, нафасларига кириб тўлди, бутун сескан баданларини юмшоқ-юмшоқ силаб ва тозалаб ўтиб кетди.

— Оҳ-в!— дея кенг бир нафас олди Сергей Головин ва шундай тоза, яхши ҳавони кўкрагидан чиқариб юборгиси келмагандай нафас олишни тўхтатди.

— Қачондан берли ҳаво мунақа экан, — дея бир савол ташлади Вернер, — Худди баҳор-а!

— Фақат икки кундан берли шундай, — деган тавозуъли ва мулойим бир жавоб қайтди унга. — Йўқса совуқлар жуда қаттиқ эди.

Қора аравалар бир-бир кетин ғилдирашиб келиб, иккитадан одам олдилар-да, ёнида чироғ осилиб турғон дарвозага томон юриб кетиб, қоронғилиқ ичида гум бўлдилар¹.

Вернер энгашиб туриб энди аравага чиқмоқчи эди ёнида турғон миршаб чучмалрак қилиб:

— Ёнингизда яна бир одам борадир, — деди.

Вернер ажабга қолди:

— Қаерга? Қаерга борадир у одам? Ҳа, айтғонча-я! Бир кишими? Ким ўзи?

Миршаб индамади. Чинакам, қоронғида араванинг бир бурчига сиқилиб кичкинагина, ҳаракатсиз, лекин жонли бир нарса ўлтурар, чироғнинг ёндан тушган ёруғида очиқ кўзлари йилтиллар эди. Аравага чиқиб ўлтурар экан, Вернер оёғини унинг тиззасига уриб олди.

— Кечиринг, ўртоқ.

У одам жавоб бермади. Кейин, арава қўзғалиб кетгачгина, тутилиқиб ва бузиб гапирилган рус тили билан сўради:

— Ким бўласиз?

— Мен — Вернер бўламан, фалонига қилинғон суиқасд сабабли осилишга ҳукм этилганман. Сиз-чи?

— Мен Янсонман. Мени осув керак эмас.

¹ Бундаги арава-извош навъидан усти ёпиқ «мафа» аравадир.

— Сиз нима гуноҳ қилгонсиз, Янсон?

— Мен хўжайинимни сўйгонман. Пулини ўғирла-
гонман.

Товушини эшитган одам Янсонни ухлаб кетмакда дер эди. Вернер унинг бўшашгон қўлларини (кафтла-ри — Д. Қ.) орасига олиб, маҳкам қисди. Янсон яна ўшандай бўшанглик билан қўлларини тортиб олди.

— Ҳа, қўрқаётирсанми? — деб сўради Вернер.

— Мен истамайман.

Улар жим бўлдилар.

Сандиқ каби берк бир нарса ичида мунча узоқ сел-пиниб боргонлигидан унинг бир озроқ боши айланиб кўнгли айнир эди. Вернер ҳалиги саволга жавоб бериб яна қўлини қисди. У бу кичкинагина уйқучи кишига яна ҳам мулойимроқ ва ширинрак сўзларни айтмоқчи бў-лар, унинг ўзини ҳам умрида сира кўрилмаган равиш-да севиб қолгон эди.

— Азизим, сен қийналиброқ ўлтурғонга ўхшайсан. Сал жилибрак, мен томонгароқ ўлтур.

Янсон бир оз жим қолиб, сўнгра жавоб берди:

— Эй, раҳмат. Ўлтуришим яхши. Сени ҳам осадир-ларми?

— Ҳа! Осадирлар! — дея кутилмаган равишда қуво-ниб, кулаёзиб жавоб қайтарди Вернер, сўнгра аллақан-дай бетаккуфлик ва енгиллик билан қўл силтади.

Арава тўқталғоч:

— Мана, етдик! — деди Вернер қизиқиш ва севишиш билан ҳам ирғиб аравадан тушди. Аммо навбат Янсон-га келганда иш чўзулди: у индамасдан ва алланечик бўшанглик билан чиғаниб туриб олгон, пастга тушмак истамас эди. Араванинг тутқичига осилса, миршаб то-монидан салгина зўр берилиши билан жонсиз қўллари-ни дарров қўйиб юборар эди, қирраларига, эшигига, ба-ланд тегарчигига осилса, яна миршаб томонидан озроқ зўр берилган ҳамон қўлларини бўшатар эди. Бу индамас одамнинг шу ишини ёпишмоқ ёки маҳкам осилмоқ ҳам деб бўлмайдир, ёлғиз қўлига кирган ҳар бир нарсага уйқусираб туриб таянар, сўнгра осонлик билан, ҳеч зўр-сиз-несиз тортиб олинар эди. Ниҳоят, қўзғалди.

Вагзал тун кечалардаги каби қоронғи, бўш ва жон-сиз эди, йўлчи пўездлар келиб-кетиб бўлгонлар, йўлда жимжиб буларни кутиб тургон пўезд учун эса на ёруғ чироғлар ва на тола-тўпалангларнинг даркори йўқ эди. Вернерда бирданига бир зеркиши бошланди. Улкан, оғир ва чарчатувчи бўлгон бу зеркишда на қўрқув бор

эди, на-да сиқинти, лекин унинг дастидан аллақайларга қочмоқ, ётмоқ ва кўзни маҳкам юмиб олмоқ истар эди киши. Вернер керишди ва узоқ эснади. Янсон ҳам керишди ва қаторасига бир неча мартаба тез-тез эснади.

— Тезрак бўла қолса эди! — деди Вернер ҳорғинлик билан.

Янсон индамасдангина маҳкам ғижимланиб, тирмаланиб олди.

Теграси солдатлар билан қуршалғон кимсасиз платформадан¹ маҳкумлар хира ёритилган вагонларга томон кетар экан, Вернер Сергей Головиннинг ёнидан чиқиб қолди, у эса аллақаерларни қўли билан кўрсатиб гапира бошлади, унинг гапларидан ёлғиз биргинаси — «чироғ» деганигина эшитилар, охири эса чўзук ва ҳорғин эснашга аралашиб йўқолиб кетар эди.

— Нима деб ётибсан? — деб сўради Вернер яна эснаш билан муқобала қилиб.

— Чироғни айтаман. Пилиги тутаб ётир! — деди Сергей.

Вернер қайрилиб қаради: чинакам, чироғнинг пилиги ёмон тутағон ва шишанинг тепалари қоп-қора бўлғон эди.

— Ҳа, тутаб ётир.

Бирдан ўйлади: «Чироғ тутаса менга нима дахли бор экан, билмадим, одам ўзи шу топда...» Сергей ҳам худди шундай ўйлағон бўлса керакки, Вернерга шошилиб бир қараб олди-да, яна тескари бурулди. Эснашдан, лекин, иккови ҳам тўқтади.

Вағўнчага ҳаммалари ўзлари бордилар, ёлғиз Янсонни еталаб олиб боришга тўғри келди; у аввал оёқларини маҳкам тираб олди, шунда худди платформа тахтасига чармларидан михланғон каби эди, сўнгра тиззасини букиб олиб миршаблар қўлида осилиб борди. Бунда эса оёқлари қаттиқ маст бўлғон кишиники сингари судралар ва учлари тахта бетига ишқаланиб борар эди. Эшикдан ҳам уни анча овора бўлиб итариб киргиздилар, лекин жимлик бузулмади.

Ўртоқларнинг ҳаракатларидан наридан бери нусха кўтариб — улар нима қилса шуни қилиб Василий Каширин ҳам ўзи юриб борди. Лекин вағўннинг йўлакчасига чиқаркан қоқилиб кетди, шу оннинг ўзидаёқ ёнидаги миршаб йўлашмоқчи бўлиб қўлидан олғон эди, Василий бирдан чўчиб кетиб, дир-дир қалтираб қўлларини тортиб олди ва чинқироқ овоз билан:

— Ҳа, Василий, нима бўлди? — дея югурганича Вернер етиб келди.

Василий бўлса жим қолиб дир-дир қалтирамоқда эди. Хижолат бўлгон ва ҳатто озор топқон миршаб аңлатди:

— Мен қўлтуқларидан йўламакчи, у киши...

— Қани юр, Вася, ўзим йўлашаман сени, — деди Вернер ва уни қўлидан олмоқчи бўлди. Аммо Василий яна қўлини тортиб олиб бурунгидан ҳам қаттиғроқ бақирди:

— Вой!

— Вася, менман, мен, Вернер.

— Биламан, тегма менга, ўзим чиқаман.

Боягидай қалтирағони ҳолда вагўнга ўз оёғи билан кирди ва бир бурчакка бориб ўлтурди. Мусяга томон энгашиб ва кўзлари билан Василийни имо қилиб туриб Вернер сўради:

— Хўш, қалай?

Муся ҳам ўз навбатида секингина жавоб қайтарди:

— Жуда ёмон: ўлган ҳисоб.

Вагўн эшигида тўполон бўлиб қолди. Тап-тап оёқ босиб, ҳаллослаб ва тупурина-тупурина Мишка Тсиганок кириб келди. Кириб келди-да, кўзларини жаланглатиб, ўжарлик билан кирган жойида тўқтади.

— Бу ерда жой йўқ-ку, ҳой миршаб! — деб ўшқурди у чарчагон ва аччиғланиб қараб тургон миршабга. — Сен менга баҳузур ўлтуриб боратургон жой кўрсаткин, бўлмаса бормаيمان! Шу ернинг ўзида мўмуққа осиб юборабер. Арава ҳам беришипти тағин, бу итваччалар, шу ҳам арава бўлиптими? Шалоқ лўкидон-ку, арава эмиш!

Сўнгра бирдан қуйи энгашиб, бўйинини чўзуб, шу бўйича олдинга, бошқалар ёнига кетди. Тўзиб кетган соч ва соқоллари орасида унинг қора кўзлари бир қадар қутуриш асарлари билан бирга ёввойи ва ўткур кўринар эди.

— Ҳа, афандихонларми?.. — дея чўзуб юборди у, — Шунақа денг, омонмисан, хўжайин.

Вернер (нинг) қўлини бир нуқиб қўйиб, унинг рўбарўсига ўлтурди. Сўнгра унга томон энгашиб, бир кўзини қисиб, бир қўли билан тезгина ўз бўйинини сийпаб чиқди.

— Сени ҳамми, а?

— Мени ҳам! — деб кулумсираб жавоб берди Вернер.

— Ҳаммайнарди-я?

— Ҳаммамизни.

— Уҳ-ҳў! — дея тишини ғижирлатди Тсиганок ва тезгина ҳаммани бир қур кўздан кечирди, лекин Муся билан Янсонга бир нафас ортиғроқ тўқталди. Сўнгра Вернерга қараб яна кўзини қисди:

— Вазирди-я?

— Вазирни, сен-чи?

— Мен, хўжайин, бўлак иш тўғрусидан, вазир қайда-ю, биз қайда! Мен, хўжайин, ўғриман, ўғриман мен, бошкесарман. Зарари йўқ, хўжайин, бир оз сиқилишиброқ ўлтур, бу улфатчиликка ҳеч ким ўзи хоҳлаб кирган эмас. Нариги дунёда жой кўп, ҳаммамизга етадир.

Тўзуб кетган сочлари остидан ўзининг иттик ва ишонмовчи кўзлари билан у ҳаммага бирдан ёввойиларча қараб олди. Аммо булар ҳам, ҳаммаси, унга жиддият билан, индамасдан ва ҳатто аниқ бир алоқа билан қарадилар¹. У тишларини ғижирлатди ва бир неча марта тез-тез Вернернинг тиззасига уриб қўйди:

— Мана шундай, хўжайин! Худди ашуладаги сўзни ўзи².

— Нега сен мени хўжайин дейсан, ҳозир ҳаммамиз ҳам...

— Рост айтасан! — деди хурсанд бўлиб кетиб Тсиганок. — Мен билан бир қаторда осилатурғон бўлгонингдан кейин хўжайинлигинг қолдими сени! Хўжайин мана бу бўладир! — деб жимгина турғон миршабни бармоғи билан туртиб қўйди. Сўнгра Василийга юзланди: — Хўжайин, ҳой хўжайин, қўрқаяпсанми, а?

Зўрға айланган тил:

— Эй, майли! — деб жавоб берди.

— Нега майли бўлар экан, сен унақа уялиб ўлтурма, уялатурғон ҳеч нарса йўқ бу ерда. Осқони олиб бо-раётқонда ҳам думини қилпиллатиб, ҳам тишини иржайтадиган — ит у, сен, ахир, одамсан. Бу ким бўлди, мана бу шалпангқулоқ? Сенларданмас-ми?

У кўзларини тез-тез югуртиб ўйнар ва оғзига келган ширин тупуригини «шилт-шилт» тупириб турар эди. Жонсиз тугун каби бир бурчакда турмаланиб ётқон Янсон туллаган жунли шапкасининг учларини салгина

¹ Алоқа сўзи... нинг муқобилидир.

² Шу ерда Тсиганок ўғри-қароқчилар қўшуғидан бир мисрани айтадир.

қимирлатиб қўйди, лекин ҳеч нарса демади. У учун Вернер жавоб берди:

— Хўжайинини сўйғон.

— Эт-тўвба, — деб танғирқади Тсиганок, — шу одамларга ҳам каллақесишларига йўл қўйғонларига ҳайронман.

Тсиганок анчадан берли кўзининг қияси билан Мусяга назар солиб келар эди, эндиликда бирданига ўша томонга бурилиб, кескин ва тикка қараш билан унга тикила кетди.

— Қизча, а қизча, нима қилганингиз бу, юзчалари ҳам қип-қизил — чўғдаккина, ўзи ҳам кулиб ўлтурибди. Уни қара, чинакам кулиб ўлтурибди, — деб темирдай эзгич бармоқлари билан Вернернинг тиззасидан ушлади. — Уни қара, уни қара.

Муся ҳам бир қадар уялчан табассум билан, қизариб унинг ўткур, бироз қутура тушган, қаттиқ ва ёввойиларча сўраниб тикилган кўзларига қаради.

Ҳамма жим эди.

Вагўнчалар зўр бериб чопар эдилар.

11. ОЛИБ КЕЛДИЛАР

— Совуқ! — деди Василий Каширин ўзининг таранг ва худди ростдан тўнгғон лаблари билан, бу сўзи ўзи ҳам унинг оғзидан тўла чиқмади.

Таня Ковальчук кўзғалди дарров:

— Ма, мана рўмол! Бўйнингни боғла. Жуда иссиқ ўзи.

Сергей тўсатдан савол бериб қолди:

— Бўйинни? — ва бу саволидан ўзи ҳам кўрқиб кетди.

Шу топда ҳамманинг ўйидан шу нарса кечкани учун унинг овозини кимса эшитмади: гўё ҳеч ким ҳеч нарса демаган ёхуд ҳамма бирданига бир сўзни такрорлағон эди.

— Майли, Вася, боғлаб ол, боғлаб ол! Иссиқ сақлайдир! — дея кенгаш берди Вернер. Сўнгра Янсонга юзланиб мулойимлик билан сўради:

— Азизим, сен совқотмадингми, а?

— Вернер, унинг, балки, папирос чеккиси келгандир? Уртоқ, сиз, балки, папирос чекмак истарсиз? — деб сўради Муся. — Бизда бор.

— Чекаман!

— Папиросингдан бер бу ўртоққа, Сергейча! — деди ва севиниб кетди Вернер.

Унгача Сергей папиросни олиб узатқон эди. Ҳамма Янсоннинг бармоқ орасига папирос олишини, гугуртнинг туташиб кетишини ва Янсоннинг оғзидан буруқсаб тутун чиққанини муҳаббат ва қизиқиш билан томоша қилди.

— Эй, раҳмат! — деди Янсон. — Яхши бўлди.

— Қизиқ! — деди Сергей.

— Нима қизиқ? — дея унга томон бурулди Вернер. — Нима қизиқ?

— Нима бўлар эди: папирос.

Шу чоқда унинг қўлида, шу ўзингиз билган жонли бармоқлари орасида папирос, шу ўзимиз билган папирос бор эди, унинг ўзи эса ранги ўчган, танғирқағон ҳолда, ҳатто бир қадар қўрқондай бўлиб, ўша папиросга қарар эди. Ҳамманинг кўзи кичкинагина бир найчада, унинг бир учидан ипак эшими сингари буралиб-буралиб мовий тутун чиқиб келар эди, нафасининг сиқиши билан бир томонга суруладир ва кули ортқон сари сўна борадир. Ниҳоят сўнди.

— Сўнди! — деди Таня.

— Ҳа, сўнди...

— Эй, падарига лаънат! — деди Вернер қовоғини солиб ва ташвиш билан Янсонга қараб, бу вақтда Янсоннинг папирос ушлағон қўли ўлук қўли каби сангиллаб турар эди. Шунда бирдан Тсиганок шошилиб Вернер томонга бурулди-да, юзи юзига тегар даражада энгашиб ва худди от сингари кўзларининг оқларини ўйнатиб туриб вайсиради.

— Хўжайин, нима дейсан, манави пойлоқчиларди... Унақа қилсак, а? Қилиб кўрсакми?¹

Вернер ҳам ўшандай вайсираб жавоб берди:

— Керак эмас, тақдирингга тан бер.

— Магахир?² Ётиб қолгунча отиб қолсак соз бўлади-ю, а? У бунга ёпишади, мен унга ёпишаман, шу билан ўлганимизни ҳам билмай қоламиз. Худди ўлмагандай.

— Йўқ, керак эмас! — деди Вернер сўнгра Янсонга юзланди: — Азизим, нега папирос чекмайсан?

Янсоннинг ўлук юзлари бирданига аянч тусда бурушди: гўё юз бурушиқларини қўзғататурғон ипни аллаким

¹ ... ўлдурсак-а? Қилиб кўрсакми?
Нимага ахир?

келиб тўсатдан тортиб юборди-ю, улар барчаси ҳаракатга кирдилар. Сўнгра у ўзи худди туш кўраётқон одамдай сўзсиз, қуруқ, ясамачалиш бир овоз билан узликиб йиғлади:

— Чекмайман, оғ-ҳа! оғ-ҳа! оғ-ҳа! Мени осув керак эмас. Оғ-ҳа, оғ-ҳа, оғ-ҳа¹.

Дарров унинг атрофини олишдилар. Таня Ковальчук бўлса йиғлаб енг устидан унинг қўлларини силар ва тулаган шапкасининг букулган қирғоқларини, тўғрулар эди:

— Йиғлама, жигаргинамнинг гўшаси! Йиғлама! Жигаргинамнинг пораси! Шўрликкинам ўзимнинг!

Мусянинг кўзи бошқа томонда эди. Тсиганок унинг назарини тутиб олдида, тишларини ғижиратди:

— Аҳмоқди ўзлариякан жаноблари! Шунча чой ичиб яна ичлари муз кесак, — дейдир у совуқ бир эрмак билан.

Лекин ўзининг юзи ҳам шу топда худди чўяндай қорайиб кўкарган ва зўр-зўр сариқ тишлари дир-дир титрамакда эди.

Бирдан вагўнчалар селпиниб кетдилар ва сезиларли даражада юришларини сусайтирдилар. Янсон ва Қашириндан бошқа ҳамма бир қур сапчиб ўрнидан турди, сўнгра дарров яна жойига ўлтурди.

— Истанса! — деди Сергей.

Гўё вагўндаги ҳавонинг ҳаммасини тортиб олгондай бўлдилар, яъни: дам олиш шу қадар оғирлашди. Ишиб кетган юрак кўкрагини кўпитар, бўғиз йўлига кўндаланг келиб тўқтар, эсини йўқотиб ғулдиранар, қўрқувнинг кучидан йўғон — қон ҳидли бир овоз билан зўр бериб бақирар эди. Кўзлар вагўнчанинг қалтираб-титраган ерида, қулоқлар эса тегарчикларнинг тобора секинланатурғон гардишида: айланалар улар, сакраб кеталар бирдан, яна айланалар, сўнгра бирдан тўқтайлар.

Поезд тўқтади.

Шу ерга келганда уйқу босди. Унақа ёмон қўрқув деган нарса ҳеч йўқ, балки шаффоқ, эсар ва аллақандай бегона бир нарса бор эди: туш кўрганнинг ўзи бир чекада қолар эди-да, ёлғиз унинг суратигина гавдаси йўқ, юз(л)ар йўқ — сўзлар, азоб йўқ — азоб тортадир. Уйқуда туриб вагўндан чиқдилар, жуфт-жуфт бўлиб бўлиндилар, ўрмоннинг жуда ҳам тоза кўклам ҳавосини искадилар. Уйқудан туриб дағал ва кучсиз қаршилиқ

¹ Йиғлағонда чиққан товуш.

кўрсагади Янсон, уни вагўндан индамасдан судраб олиб чиқадилар.

Зиналардан ҳам тушдилар.

Аллаким хурсандликка яқин бир овоз билан:

— Пиёда кетамизми? — деб сўради.

Яна аллаким ўша хурсандлик овози билан:

— Яқин ўзи! — деб жавоб берди.

Сўнгра зўр, қора ва жимжит тўда ҳолида уюшиб, баҳорнинг юришга қийин, ҳўл ва юмшоқ йўли билан ўрмон оралаб кета бошладилар. Ўрмон орасидан, қор устидан соф ва ўткур бир ҳаво келиб турар эди, оёқ баъзан тояр, баъзан қорга тикилар, шунда истар-истамас ёнидаги шеригига осилмоққа тўғри келар эди, икки ёнда эса, бутун-бутун қор ичида, ҳансираб-ҳансираб, қийнала-қийнала пойлоқчи солдатлар борар эди.

Қоронғида ўрмон ичидаги бир ялангга бориб тўқтадилар. Бир оз нарида сийрак-сийрак ёйилгон, айниқса қиш фаслида тўр каби ўта кўринатурғон дарахтлар кетида иккита чироғнинг жимгина ҳаракат эткани кўрилар эди: у ерга дорлар тикилмиш эди.

— Калўшимни йўқотдим! — деди Сергей Головин.

— Хўш? — дея тушунмасдан сўради Вернер.

— Калўшимни йўқотдим, совуқ.

— Василий қани?

— Билмадим. Ана, турибдир.

Қимирламасдан, тек қотиб турғон Василийнинг ёлғиз қорасигина кўринар эди.

— Муся қани?

— Мана мен. Сенмисан, Вернер?

Чироғларнинг индамасдан, лекин мудҳиш маънилар англатиб қимирламоқда бўлғони томонга қарамасга тиришиб, ёни-берларига кўз ташлай бошладилар. Чап томондаги яланғоч ўрмон гўё сийракланган, унинг ўрнида аллақандай зўр, оқ ва ясси нарса кўринар эди. Ўша ёқдан ҳўл бир шамол ҳам келар эди.

Ҳавони бурни билан искаб, оғзи билан сўраркан:

— Денгиз! — деди Сергей Головин. — Ана у томон денгиз.

Тўсатдан жуда яқинда, Вернернинг худди қулоғи остида Тсиганокнинг қизғин, бўғук пичираши эшитилди:

— Хўжайин, хўжайин. Ўрмонди айтаман, а? Эй, қудратингдан, нима бу а, ҳу... ана у, чироғ ёқилгон ердаги нимайки-а, дор бўлсамикин? Нима бўлсайкин-а?

Вернер қаради Тсиганок олдида энтикиш билан қийналиб ётар эди.

— Энди хайр-маъзур қилишайик... — деди Таня Ковальчук.

— Эй, шошма ҳали, ҳукмнома ўқуладир! — деди Вернер. — Янсон қани, а?

Янсон қорда чўзулиб ётар ва тепасида кишилар алланима билан ўғрашар эдилар.

— Хўш, нима бўлди, дўқтўр? Тез бўласизми? — деб сўради аллаким чидамсизлик билан.

— Ҳеч гап йўқ, кўнгли кетибдир холос. Қулоғини қор билан ишқанг.

Тонг отди: қор оқарди, одамларнинг «қора» лари аниқлашди, ўрмон ҳам яна сийракрак, мунглироқ ва соддароқ бўлиб майдонга чиқди.

— Афандилар, иккита-иккита бўлиб борилади, ким кимга қўшилмоқчи бўлса — ихтиёр ўзида, фақат ўтунаман, тезрак бўлингиз.

Вернер икки миршабнинг қўллаши билангина тик тургон Янсонни кўрсатди:

— Мен бу билан бораман. Сен, Сергейча, Василийни ол, олдинда сиз борингиз.

— Хўб.

— Биз икковимиз бўлайиқми, Мусяжон? — деб сўради Ковальчук. — Кел, ўпушайиқ.

Тезгина ўпишиб олдилар. Тсиганок жуда қаттиқ ўпди, тишининг ўткурлиги шундайгина сезилиб турар эди, Янсон эса ярим очиқ оғзи билан енгилгина ўпиб қўйди, — у балки, нима қилғонини билмагандир-да. Сергей Головин билан Каширин бир неча қадам босқон эдиларки, Каширин бирданига тўхтаб, баланд ва англайишли, лекин бутун бегона ва ноошна овоз билан:

— Хайр, ўртоқлар! — деди.

— Хайр, ўртоқ! — дедилар унга қарши.

Улар кетдилар. Жимлик чўқди. Дарахтлар кетидаги чироғлар қимирламай қолдилар. Бир қичқириш, бир товуш, аллақандай бир шарпа кутдилар, — лекин унда ҳам бундаги каби жимлик эди ва чироғлар қимирламасдан сарғайиб кўринар эдилар.

— Эй-ҳ, худо! — дея ёввойиларча ҳирқиради аллаким. Қарадилар: ўлум энтикиши билан қийналиб ётган Тсиганок эди. — Оса бошладилар!

Яна бу ёққа юз ўгирдилар, сўнгра яна жимлик чўқди. Тсиганок қўллари билан дам олмоқчи бўлиб азобланар эди:

— Бу нима қилғонингиз, а, афандилар? Қандай гап

бу? Мен ёлғиз қоламанми? Улфатчиликда қизиқиброқ кетасан киши. Афандилар, бу қандай гап, ахир?

Қўлларининг бармоқлари худди ўйинга тушаётқондай, дам ғижимланиб, дам ёзилиб турар эди, ўша қўли билан Вернерга осилди:

— Хўжайин, азизим, ҳеч бўлмаса сен юр мен билан, а? Хўп де, энди, қайтарма! — деди.

Вернер ичи ачишқони ҳолда жавоб қилди:

— Бўлмайдир, азизим. Мен бу билан бораман.

— Эй, парвардигори олам! Ўзим ёлғиз қолипман-да, бу қандай гап? Эй, худо!

Шу чоқда Муся қўзғалди ва унинг ёнига бориб секингина:

— Юр, мен билан! — деди.

— Тсиганок сесканиб кетди ва оқлари хунук жаланглагон кўзлари билан қизга қараб деди:

— Сенминан?

— Ҳа.

— О, қизи тушқур-эй! Ўзи жинқарчадай-у! Қўрқмайсанми, а? Майли, ўзим ёлғизам бора бераман мен, нимаси бор?

— Йўқ, қўрқмайман.

Тсиганок тишларини ғижиратди.

— О, қизи тушқур-эй, мен ўғриман-ку, жирканмайсанми? Йўқса, қўяқолсанг ҳам бўладир. Мен сендан ўп-каламайман.

Муся жим эди ва тонгнинг кучсиз ёруғида юзлари сўнук ва сирли кўринар эди. Сўнгра бирдан тез-тез босиб Тсиганокка яқинлашди ва қўлларини унинг бўйнига ташлаб туриб лабларидан қаттиқ ўпиб олди. Тсиганок бўлса бармоқлари билангина унинг елкасидан кўтарди, бир оз ўзидан нарига суриб силкитди, сўнгра лаблари, бурунлари ва кўзларидан «чўп-чўп» ўпди.

— Юр!

Шунда энг яқин тургон бир солдат бир томонга қараб бирданига алланечик қийшайди ва қўлидаги милтиғини тушириб, қўлларини ёзиб юборди. Энгашиб милтиғини олмоғи керак эди, ундай қилмасдан бир нафас қимирламай тургач, шошилиб бурулди-да, кўр одам каби из тушмаган қор устидан ўрмон ичига юриб кетди.

— Ҳа, қаерга? — дея ҳадик билан пичиради яна бириси. — Тўқта!

Лекин унис яна боягидай индамасдан, чуқур қорни кечиб кета берди, сўнгра бир нарсага қоқилди, шекил-

ли, қўлини кўтариб бетчасига ерга тушди. Шу бўйича ётиб ҳам қолди.

— Милтигингни ол ердан! Сасиган шолғом! Бўлма-са мен бориб отаман! — дея пўписа қилиб гапирди Тсиганок. — Хизмат қилишни билмайсан.

Чироғлар яна зўр бериб қимирлаб қолдилар. Вернер билан Янсоннинг навбати келди.

— Хайр энди, хўжайин! — деди баланд овоз билан Тсиганок. — Нариги дунёда қалин дўст бўлайиқ, кўрганингда тескари қараб кетмагин. Сув-пув узатиб тургин, иссиқдан қийналиб ўлмайин у ерда.

— Хайр.

— Мен истамайман! — деди Янсон бўшанггина.

Вернер уни қўлтуғига олди, шу билан бир неча қадамни Янсон ўз оёғи билан босиб борди, сўнгра унинг юришидан тўқтаб қорга йиқилғони кўрилди. Уни кўтариб турғиздилар ва қўлда олиб кетдилар, у эса кўтарган қўллардан бўшалмоқ истаб кучсиз-кучсиз типирчинар эди. Нега бақирмас эди у шу топда? Балки, ўзида овоз борлигини ҳам унутқондир?

Сарғайиб ёнғон чироғлар яна тек қолдилар.

— Мен, демак, Мусяжон, ўзим ёлғиз қолдим! — дея мунгланиб гапирди Таня Ковальчук. — Бирга яшагон эдик. Энди келиб...

— Таняжон, истаклим...

Жони куйган Тсиганок Муся томондан сўзга тушди. «Тортиб олмасинлар» дегандай қилиб унинг қўлидан ушлади-да, шошилиб ва ишлик қилиб гапирди:

— Эй, хоним қиз, сен ёлғиз борсанг ҳам бўла берадир, сенинг кўнглинг оппоқ, қаерга бораман десанг ўзинг ёлғиз бора берасан. Тушундингми? Мана мен: бора олмайман. Мен, ахир, ўғри ўтган кишиман — тушундингми? Ёлғиз ўзимга бўлмайдир. «Қаерга борасан, ҳой бошкесар» деб қоладилар. Мен от ҳам ўғрилаган кишиман, азбаройи худо, нима бўлса ҳам мен шундақа... паришта билан борғондай бўламан, тушунасанми? Тушунасанми-я?

— Тушундим. Хайр, бора беринглар. Кел, Мусяжон, яна бир ўпиб олай сени.

— Упишинг, ўпишинг! — дея уларга шиха бериб гапирди Тсиганок. — Сизни ишингиз шунақа, яхшилаб хайрлашинг.

Муся билан Тсиганок ҳам кетдилар. Хотин (Муся) ёниб-тойиб эҳтиёт билан, ўз одати юзасидан қўйлагининг пешини кўтариб, оёқ босар эди; маҳкам қўлтуғига

олиб, оёғи билан йўл сола-сола эркак уни ўлумга олиб борар эди.

Чироғлар қимирлашдан тўхтадилар. Таня Ковальчукнинг теграсида жимжитлик ва бўшлиқ ҳукм сурар эди. Бошлаб келаётгон кундузнинг хира ва чучмал ёруғида сурранг кўрунган солдатлар ҳам жим эдилар.

— Ўзимгина қолдим, — дея бирдан сўзланиб қолди Таня ва «ух» тортди. — Сергейча ҳам ўлди, Вернер билан Вася ҳам ўлди. Ўзимгина қолдим. Солдатлар, ўзимгина қолдим. Ўзимгина...

Денгиз устидан қуёш бош кўтарди.

Ўлукларни яшчикларга солдилар. Сўнгра олиб кетдилар. Ўлуклар — чўзулган бўюнлари, жинниларники сингари қинидан чиққан кўзлари, қонли лаблар орасидан хаёлий ва қўрқунч гул каби чўзилиб тушган ва ишиб кетган тиллари билан тирик ва жонли ҳолда ўз оёқлари билан юриб келганлари йўлдан энди қайтиб борар эдилар. Баҳор қори яна боягидай юмшоқ ва ҳидли, баҳор ҳавоси яна боягидай тоза ва ўткур эди. Сергей йўқотқон калўш ҳам қорда оёқости бўлиб ётар эди.

Одамлар қуёшнинг чиқишини шу йўсунда қутлайдилар.

Ҳикояларга изоҳлар:

«Қурбони жаҳолат». Чўлпоннинг матбуотда эълон қилинган илк ҳикояси. «Садои Туркистон» газетасининг 1914 йил 29 апрелида чиққан 6-сонидан илк бор эълон қилинган. Шу манба асосида қайта эълон қилинмоқда.

268-бет. «янадэн» — қайтадан, янгидан.

«Жанномам Аҳмад Замжи(й)» — халқ орасида машҳур жангномалардан бири, инқилобдан кейин нашр этилган эмас.

269-бет. «изни ом» — умумий рухсат.

«искамия» — русча «скамья» сўзининг аслиятдаги ёзилиши.

«фунун, санонъ» — «фан» ва «санъат» сўзларининг кўпик шакли.

270-бет. «пристѹф» — пристав, кичик маъмурий ҳудуднинг полиция бошлиғи.

«Дўхтур Муҳаммадиёр». «Садои Туркистон» газетасининг 1914 йил 24, 30, 34, 45, 46, 47-сонларида босилган. Шу манба асосида қайта эълон қилинмоқда.

270-бет. «Булужистон» — ҳозирги Афғонистон ва Покистон ҳудудларида жойлашган бир ўлка.

271-бет. «замона иқтисосинча» — замона талабича.

«бир рус афитсерининг тахту раёсатида тарбия бадавия ўқонлари ижро этмоқда...» — рус офицерининг махсус тайёрланган жойи ва бошчилигида жисмоний тарбия машқларини ижро этмоқда...»

«тахт» — махсус тайёрланган жой.

«раёсат» — бошчилик, райслик.

«тарбия бадания» — жисмоний тарбия.

«аҳкоми ислом» — ислом ҳукмлари.

272-бет. «истрахавайт» (страхование) — мол-мулкни табиий офатлардан суғурта қилмоқ.

«тахмил қилмоқ» — чидамоқ маъносида.

«картина» — кинофильм.

273-бет. «мушовара» — маслаҳат.

«истанса» — «станция» сўзининг аслиятдаги ёзилиши.

274-бет. «иккинчи зуванўк урилганда» — илгари вокзалларда йўловчиларни поезднинг жўнаши ҳақида огоҳлантириб уч бор қўнғироқ чалинган. Қўнғироқлар орасида муайян вақт бўлиб, учинчи қўнғироқ поезднинг жилишига тенг бўлган.

«учинчи класс» — яхши жиҳозланмаган оддий вагон.

«маишат» — бу ерда ҳаёт, турмуш маъносида.

«балқўн» — бу ерда, фикримизча, вагон тамбури наварда тutilмоқда.

275-бет. «маданият айғири» — паровоз, локомотив.

«шарқ усули меъморийси» — шарқ меъморчилиги услуби.

«Баҳри Хазар» — меҳмонхонанинг номи; Каспий денгизининг Шарқдаги номланиши Хазар бўлган.

276-бет. «муҳаррир» — бу ерда «ёзувчи» маъносиди.

277-бет. «Боржум» — Кавказдаги дунёга машҳур курорт, шифобахш сувлари билан шуҳрат топган.

«Гимназия имтиҳонида ҳам Муҳаммадиёр биринчи чиқуб...» илгари гимназияларда ўқувчининг умумий баллари жамланиб, муайян ўринлар белгиланган. Ўқувчининг умумий бали унинг қандай шуғулланганини билдирибгина қолмай, кейинча, ўқишга ёки хизматга кираётган вақтида эътиборга олинган.

«жузь» — қисм.

«мунташир» — нашр қилинаётган.

«музоҳир» — сўзнинг луғавий маъносини топа олмадик. Контекстан келиб чиқилса, чамаси бу сўз «сазovor бўлди» маъносиди қўлланган.

278-бет. «Парахўд искаласида» — бу ерда порт, пристань назарда тутилмоқда.

279-бет. «рижо этаман» — умид қиламан.

«маданият балниги» — пароход.

«маданият йўрғаси» — поезд.

«сафил» — жуда ёмон, ночор, абгор; ярамас, тубан.

280-бет. «тамаддун» — маданият, цивилизация.

«таданний» — тушкунлик, регресс.

281-бет. «у» — ўша.

«ҳусул» — бу ерда «тушум», «фойда» маъносиди.

«Ойдин кечаларда» Инқилоб журналининг 1922 йил

7—8 қўшма сониди босилган. Кейинроқ, 1925 йилда Элбек тузган Гўзал ёзгичлар китобига киритилган. «Инқилоб» журналининг кўрсатилган сони асосида қайта эълон қилинмоқда.

«Қор қўйнида лола». «Инқилоб» журналининг 1923 йил 9—10-қўшма сониди босилган. 1925 йилда Элбекнинг «Гўзал ёзгичлар» мажмуасига киритилган. «Инқилоб»нинг кўрсатилган сони асосида нашрга тайёрланди.

286-бет. «жаллоб» — туюқли мол олиб-сотиш билан шуғулланувчи киши.

«чиқмайдур» — сакрамайд.

287-бет. «ўзғон йил» (узог йил) — бултурдан аввалги йил.

«ёнғон сўфилар» — жуда кучли жазавага тушган сўфилар назарда тутилмоқда.

288-бет. «ҳофиз» — Қуръонни ёд билувчи, қори.

«мурид» — бирга қўл берган, тариқат йўлида ўзига устоз деб билган одам.

«маскав завод оти» — от заводида етиштирилган зотдор от назарда тутилмоқда.

290-бет. «кўч» — бу ерда «сеп» маъносиди.

291-бет. «тута» — пахтадан ип йигиришда тайёрланадиган пилта.

«Новвой қиз». Биринчи марта «Қизил қалам» мажмуасининг биринчи китобида (1928) босилган, «Гулистон» журналининг 1990 йил 8-сонидаги нашр асосида эълон қилинмоқда.

295-бет. «хатми ҳожа» — турли маросимларнинг жонли сўлашувдаги умумлашма номи.

296-бет. «тарзан»ларимиз — «Тарзан» номли машҳур америка фильмининг шу номли қаҳрамонига нисбат берилмоқда: маймулар орасида ўсган Тарзан дарахтда яшайди.

«Қилеўпатра». «Билим ўчоғи» журналининг 1923 йил 2—3-қўшма сониди босилган. Кейинроқ, «Тонг сирлари» (1926) тўлқамига Чўлпон «Қилеўпатра уйқуси» номли шеърини киритади

ва қуйидагича изоҳ беради: «Килеўпатра» номли сочма ҳикоянинг гизма шаклидир». Қўллаб улкан санъаткорлар (масалан, У. Шекспир, Б. Шоу, расомлардан — Д. Тьеполо, П. Рубенс) эътиборини ўзига жалб этган Миср маликасининг тақдири Чўлпонни ҳам бифарқ қолдирмаган.

Миср Қлеопатраси номи билан тарихга кирган бу аёл эрамиздан аввалги 51 йилдан эътиборан акаси ва эри бўлмиш Птолемей XIII билан бирга мамлакатни бошқара бошлайди. Птолемей XIII ўлгач, ҳокимият Птолемей XIV қўлига ўтадики, Қлеопатра ундан ҳокимиятни тортиб олиш учун бутун имкониятларини, жумладан энг кучли қуроли — ҳуснию латофатини ишга солади. Қлеопатранинг гўзаллигига мафтун бўлган Рим императори Қай Юлий Цезарь (эр. ав. 100—44 й.) унга ҳокимиятни қайтариб олишга ёрдамлашади ва ўзи бир йилдан зиёд Мисрда қолиб кетади. Бу орада Миср маликаси Рим ҳоқонидан Цезарион отлиқ ўғил кўради (47 й) Цезарь э. а. 47 йилда Римга қайтгач, Қлеопатра ҳам кўп ўтмай унга эргашади ва 46—44 йилларда Римда яшайди. Цезарь фитна қурбони бўлгач, Қлеопатра Мисрда қайтади ва унинг амалда мутлақ ҳокими бўлиб қолади. Кейинроқ, э. а. 41 йилдан Қлеопатра Цезарнинг ўрнини олиш учун курашаётган машҳур лашкарбоши Антонийнинг (э. а. 82—30) иттифоқчиси ва маъшуқаси бўлиб қолади. Цезарнинг валиаҳди Октавиан Август (э. а. 63—14)нинг синглиси Октавияни қўйиб, Антоний э. а. 36 йилда Қлеопатрага уйланади. Антоний Октавиандан мағлубиятга учрагач, э. а. 30 йилда ўзини ўлдиради. Асирлар қаторида Римга олиб кетишларини истамаган мағрур Қлеопатра VII ҳам жонига қасд қилади. Қлеопатранинг Антонийдан кўрган 3 фарзандини Октавия ўз тарбиясига олади.

Ҳассос шоирни дунё тарихида чуқур из қолдирган бу аёлнинг сиёсат бобидаги найранглари эмас, қалб тугёнлари қизиқтиради. Шу боис ҳам унинг талқинидаги Қлеопатра мукамал бир бадний тимсолга айланади.

298-бет. «фиръавн» — қадимги Миср шоҳларининг унвони. Исллом шарқида ёвузлик тимсоли, мустабид шоҳ, мутакаббир кишилар сифатида талқин қилинади.

«фаллоҳ» — Миср деҳқони.

«эхром» — бу ерда Мисрда бино қилинган пирамидалар — фиръавнларнинг мақбаралари назарда тутилмоқда.

«абухавл» — арабчадан сўзма-сўз таржимаси «қўрқувнинг отаси» деган маънони билдиради. Қадимги Мисрда ясалган боши одам, танаси шер шаклидаги ҳайкаллар, европаликлар «сфинкс» деб юрताдилар.

«Бани Исроил» — Исроил қавми, яъни Исроил авлоди — яҳудийлар.

«қизғонмасдан» — аямасдан.

299-бет. «тинда» — бу ерда вақт, лаҳза маъносида.

«қизигон» — жаҳлланган, ғазабланган.

«тушунмак» — бу ерда ўйламоқ маъносида.

«жория» — қул хотин, чўри.

«Аму» — Амударё.

300-бет. «эснадинг» — бу ерда ҳидламоқ маъносида.

«тинсизгина» — жимгина.

302-бет. «тубда» — аслида.

«лубнояли» — ливанли.

«Ўктабр қизи». «Туркистон» газетасининг 1922 йил

23-сонида босилган. Асар жанрини Чўлпоннинг ўзи «достон» деб белгиллаган. Қўрсатилган нашр асосида қайта эълон қилинмоқда.

305-бет. «тин» — нафас.

«текис кўйлак» — бурмасиз кўйлак.

307-бет. «содда бир осия» — «осия», аслида, «гуноҳкор аёл» деган маънони беради, бироқ бу сўз «исёнкор» маъносида ҳам ишлатилади. Бу ерда иккинчи маънода.

«ҳуқуқи нисоний» — аёллар ҳуқуқи. Бу ерда феминистлар ҳаракати назарда тутилмоқда.

«Тараққий». «Муштум»нинг 1924 йил 5-сонида эълон қилинган, шу манба асосида қайта эълон қилинмоқда.

309-бет. Урус келди» — рус босқини назарда тутилмоқда.

310-бет. «этаглик» — русчадан калъка, «юбкалик», яъни, аёл.

«Оқпошшонинг инъоми». «Маштала» журнаlining 1934 йил 4-сонида босилган, шу манба асосида қайта эълон қилинмоқда.

311-бет. жиловхона» — масжидга кираверишдаги махсус хона ёки бостирма.

«Туркистон вилоятининг газети» — 1870 йилдан Тошкентда рус тилидаги «Туркестанские ведомости» газетаси билан бир қаторда чиқа бошлаган. Бу газета маҳаллий амалдор шахсларни — бўлис маъмурларини, оқсоқол, қози, мингбоши ва ҳоказоларни ўлкани идора қилиш усуллари билан таништириб боришга мўлжалланган эди. Газета чоризмнинг Туркистонда мустамлакачилик сиёсатини ўтказиш ишида муҳим восита бўлиб хизмат қилган, то 1917 йилгача узлуксиз чиқиб турган.

312-бет. «правўдник калашлар» — бу ўринда чуқур (ошиқдан юқорироқ) резина калишлар назарда тутилмоқда.

«Айрилиқ йўли». «Инқилоб» журнаlining 1922 йил 5-сонида босилган, шу манба асосида қайта эълон қилинмоқда.

314-бет. «эсириб» — бу ерда «эсдан айрилиб» деган маънода.

«Баҳор авваллари». «Садон Туркистон» газетасининг 1914 йил 20 мартада чиққан 64-сонида босилган.

315-бет. «қушлар... оғизларига чўплар қопуб» — чўплар тишлаб.

«Қурбон». Фарғонадаги даҳшатли оқибатларга олиб келган очлик муносабати билан ёзилган. «Қизил байроқ» газетасининг 1922 йил 4 августида чиққан 205-сонида эълон қилинган, шу манба асосида қайта эълон қилинмоқда.

кахрах — пулемёт

318-бет. Қутайба ибн Муслим — араб саркардаси, 705 йилда Умиййларнинг Хуросондаги ноибни этиб тайинланган. Қутайба Мовароуннаҳрнинг босиб олинишига бошчилик қилган. 715 йилда Қиличмозор (Андижон вилояти, Жалолқудуқ райониде) деган жойда қўзғолон кўтарган араб аскарлари томонидан ўлдирилган.

«Чопон ва паранжи». «Фарғона» газетасининг 1923 йил 5 декабр сониде босилган, шу манба асосида нашрга тайёрланди.

319-бет. «Эй, беш йиллик кўз ёшлари билан чўмулғон Фарғона!» — Чўлпон бу ўринда Фарғонада Октябр тўнтаришидан кейинги беш йил давомида фарғоналиклар бошидан ўтган қунарни назарда тутди. Қўқондаги 1918 йил қирғини, дошноқларнинг бошбошдоқликлари, ака-укани бир-бирига қарши қўйган биродар-қушлик уруши, даҳшатли очарчилик — булар ҳаммаси Фарғона тарихидаги қонли саҳифалардир.

«Йўл эсдалиги». «Билим ўчоғи» журнаlining 1922 йил

1-сонида эълон қилинган. Сарлавҳанинг пастига «1921 йил 27 май» санаси қўйилган. Чўлпон ижодида йўл хотиралари жанрига мансуб яна «Вайроналар орасидан», «Чимкент хатлари» каби публицистик асарлар ҳам бор. Мазкур асар эса лиро-эпик характерга эга бўлгани, бадий лавҳаларга бойлиги билан диққатни тортади.

321-бет. «отсиз ароба» — афтомобил.

«варам» — ар, шиш, қабарчиқ. Манбадаги ёзилишича маъно чиқмайди. Фикримизча, бу ерда хато кетган ва қўлзмада «варан» бўлган бўлса керак. «Варан» — ар, эчкнмар.

322-бет. «эсириклик» — эсдан айрилганлик, телбалик.

«ужмоқ» — жаннат.

324-бет. «сор, йиртгуч чўзахот» — қарчигайсимонлар оиласига мансуб йиртқич қушлар.

игланжа — овунчоқ маъносида

325-бет. «тотли ирнингдан» — тотли лабингдан, бу ерда кўча маънода.

«бўлгочдин» — бўлгач.

«сочгучи» — ёзувчи «Зарафшон» сўзига таяниб сўз ўйини қилмоқда. «Сочгучи» арабчада «афшон»га тўғри келади.

Таржималарга изоҳлар:

«Чўри қиз». И. С. Тургеневнинг «Овчи кундаликлари» («Записки охотника») туркум ҳикояларига мансуб «Петр Петрович Қаратаев» номи ҳикояни таржима қилиб, Чўлпон 1929 йилда шу ном билан алоҳида китобча ҳолида нашр этдирган. Аслида, Тургенев Қаратаев билан овчининг иккинчи бор учрашиши ҳақида ҳикоя қилувчи иккинчи қисми ҳам ёзган, бироқ Чўлпонни кўпроқ Матрэнанинг тақдири қизиқтиргани боисми, иккинчи қисми таржима қилмаган.

330-бет. «дўжналаб» — русча «дюжина» сўзининг ўзбекча талаффузи, «ўн икки дона».

335-бет. «уйнинг йиғиштирилиши» — русчадан калька: «убранство», «комната хорошо убрана» каби, яъни, яхши жиҳозланган.

«Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтмиш низолар ҳикояти» — Н. В. Гоголь қаламига мансуб бу асар Чўлпон таржимасида 1931 йилда Ўздавнашр томонидан алоҳида китобча ҳолида нашр қилинган.

343-бет. «атқийелар» — тақводорлар, художўйлар.

«қора гилос» — русча «черешня», йирик донали эртаки гилос.

«офтобпараст» — кунгабоқар.

345-бет. «маҳаллий қироат» — бу ерда маҳаллий хор, черков қошида диний маросим қўшиқлари (псалом)ни ижро этувчи хор назарда тутилмоқда.

346-бет. «гараниш» — «городничий» сўзининг ўзбекча талаффузи, шаҳар ҳокими.

347-бет. «хоби баъдаз гусл» — гусл (чўмилиш)дан сўнг ухламоқ.

«вусъат» — катталиқ, ўлчов маъносида.

«журм» — гуноҳ, деб айб маъносида.

348-бет. «ижица» — черков-славян алифбосида «и»ни ифодаловчи сўнги ҳарф.

«пийри муҳтарам» — «милостивный государь», «государь», «государь мой» муурожаатларига Чўлпон топган таржима эквиваленти.

«бурунаки» — бурун билан тортиладиган (ҳидланадиган) тамаки.

«элексир» — суюқ дори.

349-бет. «қумош» — «қумач» сўзидан, қизил мато, алвон маъносида ишлатилади. Таржимода аслиятдаги «парчовый», «сукно» каби сўзлар ўрнида «қумош» сўзи ишлатилганки, бундан таржимон бу сўзни умуман «мато» маъносида қўллаган, деган хулосага келиш мумкин.

«тамға тугмали» — асизодалар ва давлат хизматидаги кишилар мундирларига герб тасвири туширилган тугма қадалган.

«бешмат» — тоторлар ва кавказ халқларида кенг тарқалган қавиқли уст кийим. Рус кавказлари орасида ҳам расм бўлган.

«кафтан» — чакмон.

«желат» — жилет, нимча.

351-бет. «чакамуқ(ф)» — юмалоқ тиканли ўсимлик.

352-бет. «тераза қопқоқлари» — эшикли дераза қанотлари, русча «ставни» сўзига тўғри келади. Сал илгари таржимон бу сўзни «дарпарда» деб ўгирган, романда ҳам шундай.

353-бет. «канўпир» — «канупер» — кучли ҳидли кўп йиллик кўкат.

354-бет. «милитсия» — кўпгина давлатларда, жумладан Россияда ҳам кўнгилли халқ қўшин тузилмаларини «милиция» деб аталган.

355-бет. «сури(й) чўчка» — аслиятда «бурая свинья» шаклида ишлатилган бўлса-да, таржимон буни «сури(й)» — «тўқ кулранг» деб ўгирган.

356-бет. «ижтиҳод» — тиришиш, саъй-ҳаракат.

357-бет. «ҳамоқат» — ахлоқлик.

«муғойир» — тўғри келмайдиган, зид.

358-бет. «ҳайсиёт» — Таржимон аслиятдаги «чувство достоинства» сўзини шундай ўгирган. Мансаб, унвон, даража маъносида. «орий ва барий» — озод ва қутулган ҳоли.

«Рома хатиблари» — қадимги Рим сенатида нутқ сўзлаган нотиклар назарда тутилади, бизгача етиб келган суратларда улар кўпинча қўлларини юқори кўтарган ҳолда акс эттирилганлар.

359-бет. «чўлпи» — чучвара пишгач сузиб олиннадиган асбоб. Аслиятдаги «поросонёк» сўзи шундай ўгирилган, чамаси. Қиёсланг: «покормит индеек и поросенков из своих рук» — «сўнгра амриқо товуқлари билан чўлпиларига ўз қўли билан овқат бер...»

361-бет. «капот» — русларнинг кенг бичимли аёллар уй кийими, халатнинг бир тури.

362-бет. «такмил қилмоқ» — тўлдириш, охирига етказиш.

363-бет. «сўлу» — аслиятдаги «роскошь» (ҳашамат, дабдаба) сўзи шу тарзда ўгирилган.

«етмак ўти» — аслиятдаги «хмель» сўзи шу тарзда ўгирилган. «Хмель» тутгуллилар оиласига мансуб кўп йиллик, чирмашиб ўсадиган ўсимлик. Икки жилдлик «Русча-ўзбекча луғат»-да «қулмоқ» тарзида берилган.

365-бет. «узунбурун балиқ» — аслиятдаги «балык» сўзи шундай ўгирилган. Асли туркий бу сўз русчада бутунича дудланган ёки тузланган осётр (чинданам «узунбурун балиқ») балигини англатади.

«сардалия балиғи» — аслиятдаги «селедка» сўзи шундай ўгирилган.

- «увулдуқ» (увулдирик) — икра, балиқ уруғи.
 «заъфар гулидан қилинган ароқ» — заъфарон (шафран) ўтидан тайёрланган шарбат қўшилган ароқ.
- 366-бет «мазхар бўлмоқ» — бу ерда эришиш, сазовор бўлиш маъносида.
- 367-бет. «шуруъ қилмоқ» — киришмоқ, бошламоқ маъносида.
 «Муқаддас салоса» — «святая троица». Христианлар этиқодича, худо уч муқаддас бирликдан иборат:
 «худо — ота», «худо — ўғил», муқаддас руҳ».
- 368-бет. «боғиёна» — бу ерда «фаҳшона» маъносида.
 «калнсо» — христианлар ибодатхонаси, черков.
 «явми валодат» — туғилган кун.
 «чийзи баҳраманд» — оз бўлса-да баҳраманд.
- 369-бет. «маҳзи(й)» — фақатгина, ёлғиз.
 «кори машруъ» — шаръий иш.
 «сутун» — устун
 «тааруз қилмоқ» — бу ерда «етиб, тегиб, ўтиб» маъносида ишлатилган.
 «қитъа» — парча.
 «сониян» — иккинчидан.
 «сарих» — очиқ, аниқ.
- 370-бет. «зам қилмоқ» — қўшмоқ, бор нарса устига қўшиш.
 «била — таваққуф» — бетўхтов.
 «ҳозирун» — ҳозир бўлганлар.
- 371-бет. «қурсоқ» — қорин.
- 372-бет. «таҳайюр» — ҳайрон бўлмоқ, ҳайратланиш.
 «баъдаз қиём» — қиёмдан сўнг.
 «қалтабон» — разил, ўғри, беномус.
- 373-бет. «хориж аз қонун» — қонундан ташқаридаги, ноқонуний.
 «кўшиш» — урниш, ҳаракат қилмоқ.
 «терандоз лашкарлар» — ўқчи (стрелковый, егерский) қўшинлар.
- «зиндиқ» — динсиз.
 «мужрим» — гуноҳкор.
- 377-бет. «марғуб» — ёқимли.
- 378-бет. «мамнуъ» — тақиқланган, ҳаромга яқин.
- 379-бет. «олой» — полк.
 «миролой» — аслиятдаги капитан сўзи шундай ўтирилган. Кейинроқ бу сўз «полковник» маъносида ҳам ишлатилади.
- 381-бет. «афъол» — бу ерда «қилмишлар» маъносида.
 «масму(ъ)» — эшитилган.
- 382-бет. «лозим ва лобид» — бирор ишнинг албатта бажарилишини билдиради.
 муҳаққа(қ) — ҳақиқат.
 «ҳаён» — фойда.
- 384-бет. «маофа» (мафа) — кажава. Бу ерда кажавали ярава — карста.
- 386-бет. «солиҳ» — пок, тўғри иш қилувчи.
 «тамаки катчаси» — тамаки халта, «кисет».
 «ҳарис» — очкўз.
 «муҳол» — мумкин бўлмайдиган иш.
- 388-бет. «марсин балиғи» — аслиятдаги «остёр» сўзи шундай ўтирилган.

- 389-бет. «азамат» — улуғлик, буюклик.
 390-бет. «миннишка» (мишка) — сузма (творог)ни унга белаб,
тухум қўшиб ёрда қовуриб пишириладиган, думалоқ шаклдаги
твом. Русларда «сырники» деб ҳам аталади.
 393-бет. «озурда» — озор топган, ранжиган.
 394-бет. «нуқра» — кумуш.
 395-бет. «мухотаб» — хитоб қаратилган шахс.

«Осилгон етти кишининг ҳикояси».

Рус ёзувчиси Л. Андреевнинг (1871—1919) мазкур ҳикояси 1908 йилда, 1905—07 йил воқеаларидан кейин ёзилган эди. Чўлпон бу ҳикояни 1931 йилда таржима қилган ва у Ўзнашр томонидан ўша йили китоб шаклида нашр қилинган. Муқовада «Профессор Шенгели томонидан бир оз қисқартилгон» дея изоҳ берилган.

402-бет. «ашканча» — бу ерда «исканжа» маъносида.

406-бет. «эътимодсиз» — ишончсиз, таянчсиз.

407-бет. «қайдлик» — чамаси, лоқайдлик бўлиши керак. Ҳар ҳолда таржимон бир саҳифанинг ўзида икки марта учраган «равнодушие» (лоқайдлик) сўзини икки хил ўғирмаса керак. Матбаа хатоси бўлиши мумкин.

408-бет. «Ҳиддатли» — ғазабли, қизғин.

415-бет. «пўкканда» — аслиятда «кислая шерсть» ибораси ишлатилган.

427-бет. «маҳфил» — анжуман, мажлис.

«тазалзул» — ларза, титраш.

429-бет. «татар» — равиш, тарз.

434-бет. «курамасдан» — аслида «отвечал он холодно» шаклида ёзилган. Эътибор бермасдан деган маънода.

МУНДАРИЖА

Кеча ва кундуз	3
--------------------------	---

Ҳикоялар

Қурбони жаҳолат	266
Дўхтур Муҳаммадиёр	270
Ойдин кечаларда	282
Қор қўйнида лола	285
Новвой қиз	291
Килеупатра	297
Уктабр қизи	305
Тараққий	308
Оқпошшонинг инъоми	311
Айрилиқ йўли	314
Баҳор авваллари	315
Қурбон	317
Чопон ва паранжи	318

Сафарнома

Йўл эсдалиги	320
------------------------	-----

Таржималар

Чўри қиз. <i>И. С. Тургенев</i>	329
Иван Иванович билан Иван Никофорович ораларида бўлиб ўтмиш низолар ҳикояти <i>Н. В. Гоголь</i>	343
Осиёлган етти кишининг ҳикояси. <i>Леонид Андреев</i>	397
Изоҳлар	452

Адабий-бадвий нашр

ЧУЛПОН

АСАРЛАР

II жилд

Муҳаррир М. Назирова

Мусаввир В. Стулин

Техн. муҳаррир В. Барсукова

ИБ 5206

Теришга берилди 10.03.93. Босишга рухсат этилди 28.01.94. Формати 84×108¹/₃₂. Босмахона қоғози № 2. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма табоқ 24,78. Жами 5000 нусха. 1205-буюртма. № 92-93 шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

«Хазина» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси.
700097, Тошкент, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 28.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахонасида босилди. 700002
Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.